O.A.Ladijenskaya [1] va V.A.Il'inning [2] mashhur ishlaridan so'ng Fur'ye usulidan foydalanib buzilishga ega bo'lmagan giperbolik, parabolik va aralash tipdagi tenglamalar uchun chegaraviy masalalar o'rganilgan. Buni quyidagicha tushuntirish mumkin, ya'ni Fur'ye usuli (o'zgaruvchilarni ajratish usuli) giperbolik tipdagi tenglamalar uchun qaralayotgan masalaning sohasiga va tenglamadagi koeffitsientga ortiqcha shartlarsiz o'rganish imkonini beradi.

O'tgan asrning 60 yillariga kelib buziladigan aralash tipdagi chiziqli va kvazichizikli giperbolik va parabolik tipdagi tenglamalar uchun Fur'ye usulining tatbiqi sezilarli ravishda kengaytirildi, keyinchalik esa yuqori tartibli tenglamalar uchun ham

Farg‘onalik olimlar D.X.Karimov [3-4], K.B.Baykuziev [5], M.Kasimov [6], B.S.Kalanov [7] tomonidan tadqiq etilgan. A.Yu.Sazonovning [8] ishida singulyar koeffitsientli giperbolik va parabolik tipdagi tenglamalarni tadqiq etishda Fur’ye usulini qo‘llagan.

Aytaylik $\Omega=\{(x,t):0<x<p,0<t<T\}$ bo‘lsin. U holda Ω sohada

$$Lu\equiv u_{xxxx}+u_{tt}=f(x,t) \tag{1}$$

tenglamani qaraymiz, bu yerda $f(x,t)$ - berilgan funksiya**.**

Masalaning qo‘yilishi va yechimning yagonaligi.

***A*-Masala.** (1) tenglamaning Ω sohada quyidagi shartlarni qanoatlantiruvchi $u(x,t)$ yechimi topilsin:

$$u(x,0)=\psi_1(x),\qquad 0\le x\le p. \tag{2}$$

$$u_t(x,0)=\psi_2(x),\qquad 0\le x\le p. \tag{3}$$

$$u_x(0,t)=\varphi_1(t),\qquad 0\le t\le T. \tag{4}$$

$$u_x(p,t)=\varphi_2(t),\qquad 0\le t\le T. \tag{5}$$

$$u_{xxx}(0,t)=\varphi_3(t),\qquad 0\le t\le T. \tag{6}$$

$$u_{xxx}(p,t)=\varphi_4(t),\qquad 0\le t\le T. \tag{7}$$

1-Ta’rif. $u(x,t)\in C^3_{x,t}(\overline{\Omega})\cap C_{x,t}(\Omega)$ funksiya Ω sohada $f(x,t)\in C(\overline{\Omega})$ bo‘lganda *A* masalaning ***regulyar yechimi*** deyiladi, agar u Ω sohada (2)-(7) shartlarni va (1) tenglamani qanoatlantirsa.

1-*Teorema*. Agar *A* masalaning regulyar yechimi mavjud bo‘lsa, u holda u yagonadir.

Isbot. Aytaylik ikkita $u_1(x,t)$ va $u_2(x,t)$ yechimlar mavjud bo‘lsin. Bu yechimlar ayirmasi bir jinsli (1) tenglamani va (2)-(7) shartlarga mos bir jinsli chegaraviy va boshlang‘ich shartlarni qanoatlantiradi. Bu ayirmani $u(x,t)$ bilan belgilaymiz, yani

$$u(x,t)=u_1(x,t)-u_2(x,t). \tag{8}$$

Ma’lumki

$$\mathrm{X}_0(x)=\frac{1}{\sqrt{p}},\quad \mathrm{X}_n(x)=\sqrt{\frac{2}{p}}\cos\lambda_n x,\quad \lambda_n=\frac{n\pi}{p},\quad n=1,2... \tag{9}$$

funksiya $L_2(0,p)$ da to‘liq ortonormallangan sistemani tashkil etadi.

$[9]$ ga asosan

$$d_n(t)=\int_0^p u(x,t)\mathrm{X}_n(x)dx,\quad n=0,1,... \tag{10}$$

funksiyani ko‘rib chiqamiz. Bu funksiyaga asosan quyidagi funksiyani kiritamiz:

$$d_{n,\varepsilon}(t)=\int_{\varepsilon}^{p-\varepsilon} u(x,t)\mathrm{X}_n(x)dx,\qquad 0<\varepsilon<p, \tag{11}$$

bunda $(\varepsilon,p-\varepsilon)\neq\varnothing$.

(11) tenglikni t bo‘yicha ikki marotaba differensiallasak, quyidagi

$$d''_{n,\varepsilon}(t) = -\int_{\varepsilon}^{p-\varepsilon} u_{xxxx}(x,t)\mathrm{X}_n(x)dx \qquad (12)$$

funksiyani to‘rt marotaba bo‘laklab integrallab, $\varepsilon \to 0$ da limitga o‘tamiz, u holda

$$\lim_{\varepsilon\to 0} d''_{n,\varepsilon}(t) = -\lim_{\varepsilon\to 0}\left[\mathrm{X}_n(p-\varepsilon)u_{xxx}(p-\varepsilon,t) - \mathrm{X}_n(\varepsilon)u_{xxx}(\varepsilon,t)\right] +$$
$$+\lim_{\varepsilon\to 0}\left[\mathrm{X}'_n(p-\varepsilon)u_{xx}(p-\varepsilon,t) - \mathrm{X}'_n(\varepsilon)u_{xx}(\varepsilon,t)\right] -$$
$$-\lim_{\varepsilon\to 0}\left[\mathrm{X}''_n(p-\varepsilon)u_{x}(p-\varepsilon,t) - \mathrm{X}''_n(\varepsilon)u_{x}(\varepsilon,t)\right] +$$
$$+\lim_{\varepsilon\to 0}\left[\mathrm{X}'''_n(p-\varepsilon)u(p-\varepsilon,t) - \mathrm{X}'''_n(\varepsilon)u\ (\varepsilon,t)\right] - \lim_{\varepsilon\to 0}\lambda_n^4 \int_{\varepsilon}^{p-\varepsilon} \mathrm{X}_n(x)u(x,t)dx,$$

(4)-(7) ga mos bir jinsli shartlarni hisobga olganimizda, (8) dan quyidagi natija kelib chiqadi:

$$d_n^0(t) = -\lambda_n^4 \int_0^p u(x,t)\mathrm{X}_n(x)dx, \qquad n = 0,1,...$$

ya’ni, oddiy differensial tenglamaga kelamiz. Oxirgi tenglikdan (10) ni hisobga olib quyidagicha yozishimiz mumkin bo‘ladi:

$$d''_n(t) + \lambda_n^4 d_n(t) = 0, \qquad n = 0,1,... \qquad (13)$$

ma’lumki uning yechimi quyidagi ko‘rinishda bo‘ladi:

$$d_n(t) = C_{1n}\cos\lambda_n^2 t + C_{2n}\sin\lambda_n^2 t\,.$$

Bu yerdagi C_{1n} va C_{2n} noma’lum koeffitsientlarni topish uchun (2) va (3) bir jinsli shartlarni ishlatamiz, ya’ni $d_n(0) = 0,\ d'_n(0) = 0$ bundan esa, $C_{1n} = 0, C_{2n} = 0$ ga ega bo‘lamiz, ya’ni barcha $\forall t \in [0,T]$ uchun $d_n(t) = 0$ ekanligi kelib chiqadi. U holda (10) tenglik quyidagi ko‘rinishni oladi:

$$\int_0^p u(x,t)\mathrm{X}_n(x)dx = 0, \qquad n = 0,1,... \qquad (14)$$

bu tenglikdan esa $u(x,t)$ funksiya (9) ning to‘liq sistemasi bilan ortogonalligi kelib chiqadi, ya’ni masalaning yechimi yagonadir.

Teorema isbotlandi.

A masala yechimining mavjudligi.

A -masalaning yechimini mavjudligini isbotlash uchun o’zgaruvchilarni ajraladigan usulini qo‘llaymiz.

2-teorema. Agar $f \in C_{x,t}^{2,0}(\overline{\Omega}),\quad f_{xxx} \in L_2(\Omega),\quad f_x(0,t) = f_x(p,t) = 0$ va

$\psi_3^{(4)}(x) \in C[0,p],\quad \psi_3^{(5)} \in L_2(0,p)$ va $\psi_3'(0) = \psi_3'(p) = 0,$

$\psi_3'''(0) = \psi_3'''(p) = 0,\quad \psi_4^{(2)}(x) \in C[0,p],\quad \psi_4^{(3)}(x) \in L_2(0,p),$ va

$\psi_4'(0) = \psi_4'(p) = 0,$

shartlarni qanoatlantirsa, u holda *A*-masalaning $u(x,t)$ regulyar yechimi mavjud bo'lib va u $u(x,t)\in C_{x,t}^{4,2}\left(\overline{\Omega}\right)$ bo'ladi, bu yerda $\psi_3(x),\psi_4(x)$ - keyin aniqlanadi.

Isbot. (4)-(7) chegaraviy shartlar bir jinsli bo'lmaganligi sababli bu masalani yechish uchun, to'g'ridan to'g'ri o'zgaruvchilari ajralatish usulini qo'llab bo'lmaydi. Lekin xususiy hosilali differensial tenglamalar nazariyasidan ma'lumki, bu masalani bir jinsli chegaraviy masalaga olib kelishimiz mumkin.

Haqiqatdan ham, yordamchi funksiyani kiritamiz

$$w(x,t)=x\varphi_1(t)+\left[\varphi_2(t)-\varphi_1(t)\right]\frac{x^2}{2p}-\frac{p^2}{8\pi^2}\left[\frac{p}{2\pi}\sin\frac{2\pi}{p}x-x\right]\times$$

$$\times\left[\varphi_4(t)+\varphi_3(t)\right]+\frac{p^2}{2\pi^2}\left[\frac{p}{\pi}\sin\frac{\pi}{p}x-x+\frac{x^2}{p}\right]\left[\varphi_4(t)-\varphi_3(t)\right]. \qquad (15)$$

Tekshirib ko'rish qiyin emaski

$$w_x(0,t)=\varphi_1(t); \qquad w_x(p,t)=\varphi_2(t),$$
$$w_{xxx}(0,t)=\varphi_3(t); \qquad w_{xxx}(p,t)=\varphi_4(t).$$

Masalani yechimini yig'indi ko'rinishda yozamiz

$$u(x,t)=v(x,t)+w(x,t). \qquad (16)$$

Bu yerda $v(x,t)$ - yangi noma'lum funksiya. Shunday qilib (16) ga asoslanib, biz keyingi masalaga keldik:

***A*₁ masala**. Ω sohada

$$v_{xxxx}+v_{tt}=g(x,t) \qquad (17)$$

tenglamaning $v(x,t)$ yechimini topingki u quyidagi chegaraviy shartlarni qanoatlantirsin:

$$v_x(0,t)=v_x(p,t)=0, \qquad 0\le t\le T, \qquad (18)$$
$$v_{xxx}(0,t)=v_{xxx}(p,t)=0, \qquad 0\le t\le T, \qquad (19)$$
$$v(x,0)=\psi_3(x), \qquad 0\le x\le p, \qquad (20)$$
$$v_t(x,0)=\psi_4(x), \qquad 0\le x\le p. \qquad (21)$$

(16) ga asosan

$$v(x,0)=u(x,0)-w(x,0)\equiv\psi_3(x), \qquad 0\le x\le p,$$
$$v_t(x,0)=u_t(x,0)-w_t(x,0)\equiv\psi_4(x), \qquad 0\le x\le p.$$

Bir jinsli (17) tenglamaning yechimini quyidagi ko'rinishda izlaymiz:

$$v(x,t)=X(x)\cdot T(t) \qquad (22)$$

(17) tenglamaga (22) ni qo'yib, o'zgaruvchilarga ajratganimizda

$$\frac{X''(x)}{X(x)}=\frac{T''(t)}{T(t)}$$

tenglikning chap tomoni x ga, o'ng tomoni t ga bog'liq bo'ladi. Agar o'zgarmas bo'lsa ya'ni ikki tomoni na x ga na t ga bog'liq bo'lmasa, bu o'zgarmasni λ^4 bilan belgilaymiz.

Unda oxirgi tenglikdan, ikkita $\mathrm{X}(x)$ va $T(t)$ ga nisbatan oddiy differensial tenglama kelib chiqadi. Ya'ni

$$\mathrm{X}^{IV}(x)-\lambda^4\mathrm{X}(x)=0, \tag{23}$$

tenglama va (18) va (19) shartlarga asosan

$$\mathrm{X}'(0)=\mathrm{X}'(p)=\mathrm{X}'''(0)=\mathrm{X}'''(p)=0$$

shartlarni qanoatlantiruvchi yechimini topish masalasini hosil qilamiz. Tekshirib ko'rish qiyin emaski (23) tenglamaning umumiy yechimi

$$\mathrm{X}(x)=C_1e^{-\lambda x}+C_2e^{\lambda x}-C_3\cos\lambda x+C_4\sin\lambda x. \tag{24}$$

bo'lib, chegaraviy shartlarga bo'ysundiradigan bo'lsak

$$\mathrm{X}_n(x)=C_{3n}c\cos\frac{n\pi}{p}x, \qquad n=0,1,..., \tag{25}$$

natijani olishimiz mumlin.

$\mathrm{X}_n(x)$ ni normallaganimizda, $C_{3n}=\sqrt{\frac{2}{p}}$ ni $n=0$ da esa $C_n=\frac{1}{\sqrt{p}}$ larni aniqlashimiz mumkin. Haqiqatdan ham $n=0$ da

$$\mathrm{X}_0(x)=C_{30} \quad\Rightarrow\quad \mathrm{X}_0^2(x)=C_{30}^2 \quad\Rightarrow\quad \int_0^p\mathrm{X}_0^2(x)dx=\int_0^pC_{30}^2dx \quad\Rightarrow$$

$$C_{30}^2\int_0^p dx=1 \quad\Rightarrow\quad C_{30}^2p=1 \quad\Rightarrow\quad C_{30}=\frac{1}{p}$$

$n=1,2,...$ bo'lganda

$$\mathrm{X}_n^2(x)=C_{3n}^2\cos^2\frac{\pi n}{p}x \Rightarrow\int_0^p\mathrm{X}_n^2(x)dx=\int_0^pC_{3n}^2\cos^2\frac{\pi n}{p}xdx \Rightarrow \frac{C_{3n}^2}{2}\int_0^p\left(1+\cos\frac{2\pi n}{p}x\right)dx=1$$

$$\Rightarrow \frac{C_{3n}^2}{2}\left(x+\frac{p}{2\pi n}\sin\frac{2\pi n}{p}x\right)\Bigg|_0^p=1\Rightarrow C_{3n}=\sqrt{\frac{2}{p}}$$

Demak (25), (9) ko'rinishida yoziladi.

Endi (17) tenglamaning yechimini quyidagi qator ko'rinishida yozamiz

$$v(x,t)=\sum_{n=0}^{\infty}v_n(t)\mathrm{X}_n(x), \tag{26}$$

(26) qatorni (17) tenglamaga qo'yganimizda,

$$\sum_{n=0}^{\infty}\left[v_n^{IV}(t)+\lambda_n^4v(t)\right]\cdot\mathrm{X}_n(x)=g(x,t). \tag{27}$$

(17) tenglamaning o'ng tomonidagi $g(x,t)$ funksiyani $(0,p)$ oraliqda $\mathrm{X}_n(x)$ bo'yicha Fur'ye qatoriga yoyamiz

$$g(x,t)=\sum_{n=0}^{\infty}g_n(t)\cdot\mathrm{X}_n(x), \tag{28}$$

bu yerda

$$g_n(t)=\int_0^p g(x,t)\cdot \mathrm{X}_n(x)dx. \tag{29}$$

(28) ni (27) ga qo'yganimizda $v_n(t)$ funksiyaga nisbatan quyidagi oddiy differensial tenglamaga kelamiz.

$$v_n^{IV}(t)+\lambda_n^4 v(t)=g_n(t), \qquad n=0,1,... \tag{30}$$

Ushbu hosil qilingan tenglamani o'zgarmasni variatsiylash usuli bilan yechib quyidagini aniqlashimiz mumkin

$$v_n(t)=a_n(0)\cos\lambda_n^2 t+b_n(0)\sin\lambda_n^2 t+\frac{1}{\lambda_n^2}\int_o^t g_n(\tau)\cdot\sin\lambda_n^2(t-\tau)d\tau, \quad n=1,2,... \tag{31}$$

Agar $n=0$ bo'lsa, (30) tenglama

$$v_0^{IV}(t)=g_0(t)$$

ko'rinishda bo'lib uning yechimi quyidagicha bo'ladi

$$v_0(t)=a_0(0)t+b_0(0)+\int_0^t(t-\tau)g_0(\tau)d\tau \tag{32}$$

(31), (32) va (9) yechimlarni (26) qatoriga qo'ysak,

$$v(x,t)=\left[a_0(0)t+b_0(0)+\int_0^t(t-\tau)g_0(\tau)d\tau\right]\frac{1}{\sqrt{p}}+ \tag{33}$$

$$+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\cos\lambda_n^2 t+b_n(0)\sin\lambda_n^2 t+\frac{1}{\lambda_n^2}\int_o^t g_n(\tau)\cdot\sin\lambda_n^2(t-\tau)d\tau\right]\cdot\cos\lambda_n x.$$

yechimni hosil qilamiz. Noma'lum $a_n(0)$ va $b_n(0)$ koeffitsentlarni topish uchun (20), (21) shartlarni qo'llaymiz va quyidagi koeffitsentlarni topamiz

$$a_0(0)=\frac{1}{\sqrt{p}}\int_0^p\psi_4(x)dx, \qquad b_0(0)=\frac{1}{\sqrt{p}}\int_0^p\psi_3(x)dx, \tag{34}$$

$$a_n(0)=\sqrt{\frac{2}{p}}\int_0^p\psi_3(x)\cos\lambda_n x dx, \qquad n=1,2,... \tag{35}$$

$$b_n(0)=\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{1}{\lambda_n^2}\int_0^p\psi_1(x)\cos\lambda_n x dx, \qquad n=1,2,... \tag{36}$$

Haqiqatdan ham

$$v(x,0)=b_0(0)\frac{1}{\sqrt{p}}+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\cos\lambda_n x\right]=\psi_3(x)$$

$$\frac{1}{\sqrt{p}}\int_0^p b_0(0)dx+\sqrt{\frac{2}{p}}\int_0^p\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\cos\lambda_n x\right]dx=\int_0^p\psi_3(x)dx$$

$$b_0(0)\sqrt{p}+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\int_0^p\cos\lambda_n x dx\right]=\int_0^p\psi_3(x)dx$$

$$b_0(0)\sqrt{p}=\int_0^p\psi_3(x)dx-\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\frac{1}{\lambda_n}\sin\lambda_n x\Big|_0^p\right]=\int_0^p\psi_3(x)dx$$

$$\Rightarrow\qquad b_0(0)=\frac{1}{\sqrt{p}}\int_0^p\psi_3(x)dx$$

Xuddi shunigdek

$$\frac{\partial}{\partial t}v(x,t)=\left[a_0(0)+\int_0^t g_0(\tau)d\tau\right]\frac{1}{\sqrt{p}}+$$

$$+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[-a_n(0)\lambda_n^2\sin\lambda_n^2 t+b_n(0)\lambda_n^2\cos\lambda_n^2 t+\frac{\lambda_n^2}{\lambda_n^2}\int_o^t g_n(\tau)\cdot\cos\lambda_n^2(t-\tau)d\tau\right]\cdot\cos\lambda_n x.$$

$$\frac{\partial}{\partial t}v(x,0)=\frac{1}{\sqrt{p}}a_0(0)+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[\lambda_n^2 b_n(0)\cos\lambda_n x\right]=\psi_4(x).$$

$$\frac{1}{\sqrt{p}}\int_0^p a_0(0)dx=\int_0^p\psi_4(x)dx-\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[\lambda_n^2 b_n(0)\int_0^p\cos\lambda_n x dx\right]=$$

$$=\int_0^p\psi_4(x)dx-\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[b_n(0)\sin\lambda_n x\Big|_0^p\right]=\int_0^p\psi_4(x)dx.$$

$$\Rightarrow\qquad a_0(0)=\frac{1}{\sqrt{p}}\int_0^p\psi_3(x)dx$$

Endi

$$v(x,0)=b_0(0)\frac{1}{\sqrt{p}}+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\cos\lambda_n x\right]=\psi_3(x)\qquad /\ *\ \cos\lambda_k x\qquad k=1,2,3,...$$

$$\frac{1}{\sqrt{p}}b_0(0)\cos\lambda_k x+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\cos\lambda_n x\cos\lambda_k x\right]=\psi_3(x)\cos\lambda_k x$$

$$\frac{1}{\sqrt{p}}b_0(0)\int_0^p\cos\lambda_k x dx+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[a_n(0)\int_0^p\cos\lambda_n x\cos\lambda_k x dx\right]=\int_0^p\psi_3(x)\cos\lambda_k x dx$$

$n\neq k$ bo'lganda $\int_0^p\cos\lambda_n x\cos\lambda_k x dx=0$ bo'lganligi uchun, $n=k$ bo'lgandagina qaraladi.

$$\frac{1}{\lambda_n\sqrt{p}}b_0(0)\sin\lambda_n x\Big|_0^p+\sqrt{\frac{2}{p}}a_n(0)\int_0^p\cos^2\lambda_n x dx=\int_0^p\psi_3(x)\cos\lambda_n x dx$$

$$\sqrt{\frac{2}{p}}a_n(0)\int_0^p\frac{1}{2}dx+\sqrt{\frac{2}{p}}a_n(0)\int_0^p\frac{\cos 2\lambda_n x}{2}dx=\int_0^p\psi_3(x)\cos\lambda_n x dx$$

$$\sqrt{\frac{2}{p}}a_n(0)\frac{p}{2}+\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{a_n(0)}{2}\frac{1}{2\lambda_n}\sin\lambda_n x\Big|_0^p=\int_0^p\psi_3(x)\cos\lambda_n x dx$$

$$a_n(0)=\sqrt{\frac{2}{p}}\int_0^p\psi_3(x)\cos\lambda_n x dx$$

$$\Rightarrow$$

$$\frac{\partial}{\partial t}v(x,0)=\frac{1}{\sqrt{p}}a_0(0)+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[\lambda_n^2 b_n(0)\cos\lambda_n x\right]=\psi_4(x).\quad /*\ \cos\lambda_k x\qquad k=1,2,...$$

$$\frac{1}{\sqrt{p}}a_0(0)\cos\lambda_k x+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[\lambda_n^2 b_n(0)\cos\lambda_n x\cos\lambda_k x\right]=\psi_4(x)\cos\lambda_k x.$$

$$\frac{1}{\sqrt{p}}a_0(0)\int_0^p\cos\lambda_k x dx+\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\left[\lambda_n^2 b_n(0)\int_0^p\cos\lambda_n x\cos\lambda_k x dx\right]=\int_0^p\psi_4(x)\cos\lambda_k x dx.$$

Yuqoridagi kabi mulohaza yuritadigan bo'lsak,

$$\frac{1}{\lambda_n\sqrt{p}}a_0(0)\sin\lambda_n x\Big|_0^p+\sqrt{\frac{2}{p}}\lambda_n^2 b_n(0)\int_0^p\frac{1+\cos 2\lambda_n x}{2}dx=\int_0^p\psi_4(x)\cos\lambda_n x dx.$$

$$\sqrt{\frac{2}{p}}\lambda_n^2 b_n(0)\frac{p}{2}+\sqrt{\frac{2}{p}}\lambda_n^2\frac{b_n(0)}{2}\frac{b_n(0)}{2\lambda_n}\sin 2\lambda_n x\Big|_0^p=\int_0^p\psi_4(x)\cos\lambda_n x dx.$$

$$\Rightarrow\qquad b_n(0)=\frac{1}{\lambda_n^2}\sqrt{\frac{2}{p}}\int_0^p\psi_4(x)\cos\lambda_n x dx.$$

Shunday qilib, masalaning yechimi (33) ko'rinishda bo'ladi. Undagi $a_0(0)$, $b_0(0)$, $a_n(0)$ va $b_n(0)$ koeffisientlar (34)-(36) formulalari bilan aniqlanadi. Natijada biz (33) formula bilan berilgan masalaning rasman yechimini Ω sohada o'rgandik.

1-lemma. $\forall t\in[0,T]$ va $n=1,2,...$ bo'lganda quyidagi baholashlar o'rinli bo'ladi

$$|v_0(t)|\le C_1;\quad |v_n(t)|\le\left[|a_n(0)|+|b_n(0)|\right]+\frac{\sqrt{T}}{\lambda_n^2}\|g_n\|_{L_2(0,T)}\qquad(37)$$

$$|v_0'(t)|\le C_2;\quad |v_n'(t)|\le\lambda_n^2\left[|a_n(0)|+|b_n(0)|\right]+\sqrt{T}\|g_n\|_{L_2(0,T)}$$

$$|v_0''(t)|\le C_3;\quad |v_n''(t)|\le\lambda_n^4\left[|a_n(0)|+|b_n(0)|\right]+C\|g_n\|_{L_2(\bar{\Omega})}+\lambda_n^2\sqrt{T}\|g_n\|_{L_2(0,T)}$$

bu yerda C_1, C_2, C_3 - musbat o'zgarmas sonlar.

Isbot. (31) ni baholaymiz. Avvalam bor (31) ni uchinchi xadini baholaymiz va Koshi-Bunyakov tengsizligini qo'llaymiz. Bunda

$$\frac{1}{\lambda_n^2}\left|\int_0^t g_n(\tau)\sin\lambda_n^2(t-\tau)d\tau\right|\le\frac{1}{\lambda_n^2}\left|\int_0^t g_n(\tau)d\tau\right|\le\frac{1}{\lambda_n^2}\sqrt{T\int_0^T g_n^2(\tau)d\tau}=\frac{\sqrt{T}}{\lambda_n^2}\|g_n\|_{L_2(0,\tau)}.$$

U holda (31) uchun

$$|v_n(t)| \le \left[|a_n(0)| + |b_n(0)|\right] + \frac{\sqrt{T}}{\lambda_n^2}\|g_n\|_{L_2(0,T)}$$

(34) dan ko'rish qiyin emaski $a_0(0)$ va $b_0(0)$ lar chegaralangan. Shunigdek $|t-T| \le T$ ekanligini hisobga olib va Koshi-Bunyakov tengsizligini qo'llab, (32) dan quyidagi kelib chiqadi

$$|v_0(t)| = C_1 + \left|\int_0^t (t-\tau) g_0(\tau) d\tau\right| \le C_1 + \sqrt{\int_0^T T^2 d\tau \int_0^\tau g_0^2(\tau) d\tau} = C_1 + T\sqrt{T}\cdot\|g_0\|_{L_2(0,\tau)} \le C_2,$$

bu yerda $C_1, C_2 = const > 0.$

Koshi-Bunyakovskiy tengsizligiga asoslanib, $v_0'(t), v_0''(t)$ va $v_n'(t), v_n''(t)$ hosilalarni ham yuqoridagidek baholashimiz mumkin bo'ladi.

Lemma isbotlandi.

Endi topgan (33) yechimimizni yaqinlashuvchi ekanligini va

$$\frac{\partial^4 v}{\partial x^4} = \sum_{n=1}^{\infty} \lambda_n^4 v_n(t)\cdot \mathrm{X}_n(\tau) \tag{38}$$

$$\frac{\partial^2 v}{\partial t^2} = -\sum_{n=1}^{\infty} \lambda_n^4 v_n(t)\cdot \mathrm{X}_n(x) + g_0(t)\cdot \mathrm{X}_0(x) + \sum_{n=1}^{\infty} g_n(t)\cdot \mathrm{X}_n(x), \tag{39}$$

qatorlarni tekshiramiz. Buning uchun (38) ni yaqinlashishligini tekshirish bizga yetarli bo'ladi. (38) qatorning yaqinlashishidan (39) qatorning yaqinlashishi kelib chiqadi, chunki (39) qator (38) va Fur'ye qatorlari $g(x,t)$ funksiyadan tarkib topgan. Fur'ye qatorlar nazariyasidan ma'lumki $g(x,t)$ funksiyaga qo'yilgan shartlar, $\overline{\Omega}$ sohada absalyut va tekis yaqinlashadi. Endi (38) qatorning yaqinlashuvchiligini ko'rib chiqamiz, uning uchun

$$\sum_{n=1}^{\infty} \lambda_n^4 |v_n(t)|. \tag{40}$$

mojarant qator bo'ladi. Topilganlarni lemmadagi (37) ni (40) ga qo'yib va o'zgarmas $\sqrt{T}$ ni qoldirib yozsak,

$$\sum_{n=1}^{\infty}\left[\lambda_n^4 |a_n(0)| + \lambda_n^2 |b_n(0)| + \lambda_n^2 \cdot \|g_n\|_{L_2(0,T)}\right]$$

hosil qilamiz.

Biz

$$\sum_{n=1}^{\infty}\left[\lambda_n^4 |a_n(0)| + \lambda_n^2 |b_n(0)|\right], \tag{41}$$

$$\sum_{n=1}^{\infty} \lambda_n^2 \cdot \|g_n\|_{L_2(0,T)}. \tag{42}$$

qatorlarning yaqinlashuvchiligini isbotlashimiz kerak. Buning uchun (35) ni besh marta, (36) ni esa uch marta bo'laklab integrallab

$$a_n(0)=\int_0^p \psi_3(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=\frac{p}{\pi n}\psi_3(x)\sin\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^{p=0}-\frac{p}{\pi n}\int_0^p \psi_3'(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx=$$

$$=-\frac{p}{\pi n}\int_0^p \psi_3'(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx=\frac{p^2}{(\pi n)^2}\psi_3'(x)\cos\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^p+\frac{p^2}{(\pi n)^2}\int_0^p \psi_3''(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=$$

$\psi_3(x)$ funksiya uchun qo'shimcha shartlar qo'yib, ya'ni $\psi_3'(0)=0,\ \psi_3'(p)=0$ da

$$=\frac{p^2}{(\pi n)^2}\int_0^p \psi_3''(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=\frac{p^3}{(\pi n)^3}\psi_3''(x)\sin\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^p-\frac{p^3}{(\pi n)^3}\int_0^p \psi_3'''(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx=$$

$$=-\frac{p^3}{(\pi n)^3}\int_0^p \psi_3'''(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx=\frac{p^4}{(\pi n)^4}\psi_3'''(x)\cos\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^p+\frac{p^4}{(\pi n)^4}\int_0^p \psi_3^{(4)}(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=$$

qo'shimcha $\psi_3'''(x)$ ga shartlar qo'yamiz, ya'ni $\psi_3'''(0)=0,\ \psi_3'''(p)=0$. U holda

$$=\frac{p^4}{(\pi n)^4}\int_0^p \psi_3^{(4)}(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=\frac{p^5}{(\pi n)^5}\psi_3^{(4)}(x)\sin\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^p+\frac{p^5}{(\pi n)^5}\int_0^p \psi_3^{(5)}(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx$$

Demak,

$$a_n(0)=\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^5}{(\pi n)^5}\int_0^p \psi_3^{(5)}(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx.$$

Xuddi shuningdek

$$b_n(0)=\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^2}{(\pi n)^2}\int_0^p \psi_4(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^3}{(\pi n)^3}\psi_4(x)\sin\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^p-\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^3}{(\pi n)^3}\int_0^p \psi_4'(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx=$$

$$=-\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^3}{(\pi n)^3}\int_0^p \psi_4'(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx=\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^4}{(\pi n)^4}\psi_4'(x)\cos\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^p-\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^4}{(\pi n)^4}\int_0^p \psi_4''(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=$$

$\psi_4(x)$ funksiya uchun qo'shimcha shartlar qo'yib, ya'ni $\psi_4'(0)=0,\ \psi_4'(p)=0$ da

$$=-\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^4}{(\pi n)^4}\int_0^p \psi_4''(x)\cos\frac{\pi n}{p}xdx=-\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^5}{(\pi n)^5}\psi_4''(x)\sin\frac{\pi n}{p}x\Big|_0^p+\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^5}{(\pi n)^5}\int_0^p \psi_4'''(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx$$

Demak,

$$b_n(0)=\sqrt{\frac{2}{p}}\frac{p^5}{(\pi n)^5}\int_0^p \psi_4'''(x)\sin\frac{\pi n}{p}xdx$$

va $\psi_3(x)$ va $\psi_4(x)$ funksiyalar shartlarini hisobga olib, quyidagiga erishamiz,

$$a_n(0)=-\left(\frac{p}{\pi}\right)^5\frac{b_n^{(5)}}{n^5},\qquad b_n(0)=\left(\frac{p}{\pi}\right)^3\frac{a_n^{(3)}}{n^3},\tag{43}$$

bu yerda

$$b_n^{(5)}=\sqrt{\frac{2}{p}}\int_0^p \psi_3^{(5)}(x)\sin\lambda_n xdx,\qquad a_n^{(3)}=\sqrt{\frac{2}{p}}\int_0^p \psi_4^{(3)}(x)\sin\lambda_n xdx.$$

(43) ni (41) ga qo'yib, quyidagi natijaga kelamiz

$$\sum_{n=1}^{\infty}\left[\frac{\left|a_n^{(5)}\right|}{n}+\frac{\left|b_n^{(3)}\right|}{n}\right] \tag{44}$$

Bu qatornig yaqinlashuvchanligi elementar tengsizlikdan kelib chiqadi, ya'ni

$$\frac{\left|a_n^{(5)}\right|}{n}\le\frac{1}{2}\left[\left(a_n^{(5)}\right)^2+\frac{1}{n^2}\right],\qquad \frac{\left|b_n^{(3)}\right|}{n}\le\frac{1}{2}\left[\left(b_n^{(3)}\right)^2+\frac{1}{n^2}\right],$$

va

$$\sum_{n=1}^{\infty}\left[\left(a_n^{(5)}\right)^2+\left(b_n^{(3)}\right)^2\right],\qquad \sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n^2}.$$

Birinchi qatorning yaqinlashuvchiligi bo'lak-bo'lak uzluksiz bo'lgan $\psi_3^{(5)}(x)$, $\psi_4^{(3)}(x)$ funksiyalar uchun Bessel tengsizligidan kelib chiqadi. Ikkinchi qator umumlashgan garmonik $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n^{\alpha}}$ qator, $\alpha>1$ bo'lganda yaqinlashuvchi bo'ladi. Demak, (41) qator yaqinlashadi. (29) ni uch marta bo'laklab integrallasak va $g(x,t)$ ga qo'yilgan shartlarni hisobga olsak, quyidagiga erishamiz

$$g_n(t)=\frac{1}{\lambda_n^3}\overline{g_{n3}}(t),\qquad n=1,2,... \tag{45}$$

bu yerda

$$\overline{g_{n3}}(t)=\sqrt{\frac{2}{p}}\int_0^p\frac{\partial^3 g}{\partial x^3}\sin\lambda_n x dx,\qquad n=1,2,...$$

(45) ni hisobga olib (42) qatorni quyidagi ko'rinishda yozamiz

$$\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{\lambda_n}\left\|\overline{g_{n3}}\right\|_{L_2(0,T)} \tag{46}$$

Endi (46) qatorning yaqinlashuvchiligini ko'rsatamiz

$$\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{\lambda_n}\left\|\overline{g_{n3}}\right\|_{L_2(0,T)}\le\sqrt{\frac{p^2}{\pi^2}\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n^2}}\cdot\sqrt{\sum_{n=1}^{\infty}\left\|\overline{g_{n3}}\right\|^2_{L_2(0,T)}}$$

Ohirgi tengsizlikning o'ng tomonidagi birinchi qator, yuqorida ko'rsatilgandek yaqinlashadi. Endi, ohirgi tengsizlikning o'ng tomonidagi ikkinchi qatorning yaqinlashuvchiligini ko'rsatamiz:

$$\left\|\frac{\partial^3 g}{\partial x^3}\right\|^2_{L_2(\Omega)}=\left(\frac{\partial^3 g}{\partial x^3},\frac{\partial^3 g}{\partial x^3}\right)_{L_2(\Omega)}=\left(\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{n=1}^{\infty}\overline{g_{n3}}(t)\cdot\sin\lambda_n x,\sqrt{\frac{2}{p}}\sum_{m=1}^{\infty}\overline{g_{m3}}(t)\cdot\sin\lambda_m x,\right)_{L_2(\Omega)}=$$

$$=\frac{2}{p}\int_0^T\int_0^p\sum_{n=1}^{\infty}\overline{g_{n3}}(t)\cdot\sin\lambda_n x\sum_{n=1}^{\infty}\overline{g_{m3}}(t)\cdot\sin\lambda_m x dx dt=\sum_{n=1}^{\infty}\int_0^T\overline{g_{n3}}^2(t)dt=\sum_{n=1}^{\infty}\left\|\overline{g_{n3}}\right\|^2_{L_2(0,T)^2},$$

ya'ni biz shunday tenglikka keldik:

$$\sum_{n=1}^{\infty}\left\|\overline{g_{n3}}\right\|^2_{L_2(0,T)^2}=\left\|\frac{\partial^3 g}{\partial x^3}\right\|^2_{L_2(\Omega)} \qquad (47)$$

(47) tenglik bo'lak-bo'lak va barcha ortonormallangan funksiyalar uchu *Parseval* tengligiga teng kuchli. Demak, (46) qator yaqinlashadi. Shunday qilib biz, (40) mojorand qatorning yaqinlashuvchiligini ko'rsatdik. Demak, $\overline{\Omega}$ sohada (38) va (39) qatorlar absalyut va tekis yaqinlashadi. Olingan yechimning yaqinlashuvchiligi (38) va (39) qatorlarning yaqinlashuvchiligidan kelib chiqadi.

2. teoremaning shartlari bajarilsa, unda A-masalaning $u(x,t)$ yechimini ikki marta t bo'yicha va to'rt marta x bo'yicha hadlab differensiallanuvchi bo'ladi, bundan kelib chiqadiki topilgan qatorlar $\overline{\Omega}$ sohasida absolyut va tekis yaqinlashadi. Buni esa $u(x,t)\in C^{4,2}_{x3}\left(\overline{\Omega}\right)$ ko'rinishda yozishimiz mumkin. *Teorema isbotlandi.*

Aytib o'tish kerakki, agar (4), (5) shartlarida $u(x,t)$ funksiyani va (6), (7) shartlarida $u_{xx}(x,t)$ funksiya berilganda, (15) funksiyaning quyidagicha tanlash talab etiladi:

$$w(x,t)=\varphi_1(t)+\left[\varphi_2(t)-\varphi_1(t)\right]\cdot\frac{x}{p}+\frac{p^2}{8\pi^2}\left[\varphi_4(t)+\varphi_3(t)\right]\times$$
$$\times\left(1-\cos\frac{2\pi}{p}x\right)+\frac{p^2}{2\pi^2}\left[\varphi_4(t)-\varphi_3(t)\right]\cdot\left(\cos\frac{\pi}{p}x-1+\frac{2x}{p}\right).$$

Bu holda ham masalani o'zgaruvchilari ajraladigan usul bilan yechish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mixlin S.G. Прямые методы в математической физике. M.: Leningrad, 1950. – 428 s.
2. Il'in V.A., Poznyak E.G. Основы математического анализа. Chast 1. M.: Nauka, 1982. -616 s.
3. Il'in V.A., Poznyak E.G. Основы математического анализа. Chast 2. M.: Nauka, 1983. -447 s.
4. Lusternik L.A., Sobolov V.I. Элементы функцианального анализа. M.: Nauka, 1965. -519 s.
5. Moren K. Методы гильбертного пространства. M.: Iz-vo «Мир», 1965. -572 s.
6. Sadovnichiy V.A. Теория операторов. M.: MGU, 1986. -367 s.
7. Kolmogorov A.N., Fomin S.V. Элементы теории функций и функционального анализа. M.: Nauka, 1981. -542 s.
8. Sadibekov M.A. Элементы теории линейных дифференциальных операторов. Shimkent: MKTU, 2007. -164 s.
9. O'rinov A.Q. Махсус функциялар ва махсус операторлар. - Farg'ona, 2012 y. "Farg'ona" nashriyoti, 112 bet.

02.00.00 КИМЁ ФАНЛАРИ ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ CHEMICAL SCIENCES

УДК 546.562 + 547.288.3 + 544.175

ФОРМИЛПИНАКОЛИН ВА БЕНЗОИЛСИРКА АЛЬДЕГИД АРОИЛГИДРАЗОНЛАРИ АСОСИДАГИ МИС(II) КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИНИ ИҚ- ВА ЭПР СПЕКТРОСКОПИЯСИ ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ

Умаров Бақо Бафоевич
Бухоро давлат университети, кимё фанлари доктори, профессор.
Эргашов Мансур Ярашович
Бухоро давлат университети, кимё фанлари номзоди, профессор.
Турсунов Мурод Амонович
Бухоро давлат университети, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Кароматов Сардор Аминович
Бухоро давлат университети, магистрант.

Аннотация: *Формилпинаколин ва бензоилсирка альдегиди ароилгидра-зонлари (H_2L^1-H_2L^4) спиртдаги эритмалари билан мис(II)-ацетати сув-аммиакли эритмаларининг 1:1 нисбатда таъсирлашувидан текис-квадрат тузилишли $CuL{\cdot}NH_3$ комплекс бирикмалари олинди. Комплекс бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши элемент анализи, ИҚ ва ЭПР спектроскопия усуллари билан ўрганилган.*

Калит сўзлар: *формилпинаколин, бензоилсирка альдегид, ароилгид-разон, гидразон, енгидразин, пиразолин, электрон парамагнит резонанс (ЭПР), ўта нозик структура (ЎНС), қўшимча ўта нозик структура(ҚЎНС).*

ИССЛЕДОВАНИЕ КОМПЛЕКСНЫХ СОЕДИНЕНИЙ МЕДИ(II) НА ОСНОВЕ АРОИЛГИДРАЗОНОВ ФОРМИЛПИНАКОЛИНА И БЕНЗОИЛУКСУСНОГО АЛЬДЕГИДА ИК- И ЭПР СПЕКТРОСКОПИЕЙ

Умаров Бако Бафоевич
Бухарский государственный университет, доктор химических наук, профессор.
Эргашов Мансур Ярашович
Бухарский государственный университет, кандидат химических наук, профессор.
Турсунов Мурод Амонович
Бухарский государственный университет, доктор философии по химическим наукам.
Кароматов Сардор Аминович
Бухарский государственный университет, магистрант.

Аннотация: *В статье рассматривается взаимодействием спиртовых растворов ароилгидразонов формилпинаколина и бензоилуксусного альдегида (H_2L^1-H_2L^4) с водно-аммиачным раствором ацетата меди(II) в соотношении 1:1 получены комплексы $CuL{\cdot}NH_3$*

плоско-квадратного строения. Методами элементного анализа, ИК- и ЭПР спектроскопии установлены состав и строение полученных комплексов.

Ключевые слова: *формилпинаколин, бензоилуксусный альдегид, ароил-гидразон, гидразон, енгидразин, пиразолин, электронный парамагнитный резонанс (ЭПР), сверхтонкая структура (СТС), дополнительная сверхтонкая структура (ДСТС).*


LEARNING WITH EPR AND IR- A STRUCTURE OF THE COPPER(II) IN FORMYLPINACOLINE AND BENZOYILACETIC ALDEHYDE AROYILHIDRAZONES

Umarov Baqo Bafoyevich
Bukhara state university, doctor of chemical sciences, professor.
Ergashov Mansur Yarashovich
Bukhara state university, candidate of chemical sciences, professor.
Tursunov Murod Amonovich
Bukhara state university, doctor of philosophy chemical sciences, (PhD).
Karomatov Sardor Aminovich
Bukhara state university, first year master`s.


Annotation: *As a result of the interaction spirit solutions aroylhydrazones formylpinacolone and benzoylacetic aldehyde (H_2L^1-H_2L^4) and a water-ammoniac solution of acetate of copper(II) in the ratio 1:1 receives complexes $CuL{\cdot}NH_3$ square-planar structures. Methods of the elementary analysis, IR- and EPR spectroscopy establish chemical composition and a structure of the received complexes.*

Keywords: *formylpinacolone, benzoylacetic aldehyde, aroylhydrazone, hydrazone, enhydrazine, pyrazoline, electron paramagnetic resonance (EPR), hyperfine structure, additional hyperfine structure.*


Формилпинаколин ва бензоилсирка альдегидининг азот тутган нуклеофил реагентлар билан конденсатланиш маҳсулотлари $CDCl_3$ эритмасида олинган ПМР спектроскопияси натижаларига кўра: гидразон(А), чизиқли енгидразин(Б) ва ҳалқали пиразолин(В) таутомер шаклларда бўлади:



А



Б




В

R=C(CH₃)₃, R¹=C₆H₅ (H_2L^1), 4-(CH₃)₂N-C₆H₄ (H_2L^2), 4-NO₂-C₆H₄ (H_2L^3). R=R¹=C₆H₅(H_2L^4).

Қаттиқ ҳолатда β-кетоальдегид ароилгидразонлари ҳосилаларида таутомер ўтишлар кузатилмайди. Шунинг учун айрим 3d-металлар билан бундай тридентат органик лигандларнинг комплекс бирикмалари синтези, уларнинг металл ионлари

таъсирида таутомер шаклларини аниқлаш орқали бирмунча қизиқарли маълумотлар олиш учун имкон беради[1-4].

Мис(II) ацетатининг аммиакли сув эритмаси билан эквимоляр миқдорда-ги H_2L^1-H_2L^4 лигандларнинг спиртдаги эритмалари таъсирида мис(II) $CuL{\cdot}NH_3$ (L-икки карра депротонланган лиганд қолдиғи) комплекс бирикмалари синтез қилинди. Элемент анализи ва ИҚ спектроскопияси маълумотлари (1-расм) натижаларига кўра мис(II) комплекс бирикмаларини қуйидагича тузилишда ёзишимиз мумкин:



R=C(CH₃)₃, A=NH₃, R¹=C₆H₅ ($CuL^1{\cdot}NH_3$), 4-(CH₃)₂N-C₆H₄ ($CuL^2{\cdot}NH_3$), 4-NO₂-C₆H₄ ($CuL^3{\cdot}NH_3$). R=R¹=C₆H₅($CuL^4{\cdot}NH_3$) A=Py ($CuL^4{\cdot}Py$).


Олинган мис(II) комплекс бирикмаларининг элемент таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Синтез қилинган $CuL{\cdot}NH_3$ таркибли комплекс бирикмаларнинг реакция унуми ва элемент анализи натижалари

Бирик-малар	Унум %	Топилган, %				Брутто-формула	Ҳисобланган, %			
		Cu	C	H	N		Cu	C	H	N
$CuL^1{\cdot}NH_3$	82	19,72	51,70	5,87	16,98	$CuC_{14}H_{19}N_3O_2$	19,69	51,69	5,85	17,23
$CuL^2{\cdot}NH_3$	69	17,41	45,67	4, 91	15,02	$CuC_{16}H_{24}N_4O_2$	17,39	45,65	4, 89	15,21
$CuL^3{\cdot}NH_3$	75	17,32	45,43	4,88	15,09	$CuC_{14}H_{18}N_4O_4$	17,30	45,40	4,86	15,13
$CuL^4{\cdot}NH_3$	85	18,56	55,58	4,37	12,08	$CuC_{16}H_{15}N_3O_2$	18,55	55,56	4,35	12,17
$CuL^4{\cdot}Py$	79	15,75	61,94	4,21	10,11	$CuC_{21}H_{17}N_3O_2$	15,72	61,92	4,18	10,32

Аммиакли комплекс бирикмаларни оз миқдордаги пиридинда эритганимизда донор молекула сифатида пиридин тутган $CuL^4{\cdot}Py$ таркибли комплекс бирикма олинди.



1-расм. $CuL^1 \cdot NH_3$ таркибли комплекс бирикманинг KBr билан прессланган таблеткасидан олинган ИҚ спектри.

Мис(II) комплекс бирикмаларининг гидразон фрагментидаги ўринбосарларнинг электрон хусусиятлари хона ҳароратида толуол ва пиридин эритмасида олинган ЭПР спектрлари ёрдамида ўрганилди. Биз ўрганган $CuL \cdot NH_3$ комплекс бирикмаларнинг ЭПР спектрлари (2-расм) олдинги ўрганилган моноядроли мис(II) комплекс бирикмаларига ўхшайди[5-7]. Бу спектрларда турлича кенглик ва интенсивликдаги тўртта ўта нозик структура чизиқлари ^{63}Cu ва ^{65}Cu (I_{Cu}=3/2) ядролари суперпозицияси натижасида кузатилади. ЭПР спектрларининг параметрлари 2-жадвалда келтирилган. Бу комплекс бирикмалар учун спектр-нинг тўртинчи компонентида азот атомларидан ва кетоальдегид фрагментининг водород атомларидан қўшимча ўта нозик структура чизиқлари (ҚЎНС) куза-тилмайди. Шуни таъкидлаш керакки, *транс*-N_2O_2 координацион сферага эга комплекс бирикмаларда азот атомларидан ҳар доим ҳам ҚЎНС ажралавермайди (2-жадвал). g-факторлар ва ЎНС константаларининг қийматлари мис(II) комплекс бирикмаларининг текис-квадрат конфигурациясини ва *транс*-N_2O_2 қуршовли бирикмалар эканлигини тасдиқлайди[7-10].


$CuL^4 \cdot NH_3$ (2,0949) аналогига нисбатан $CuL^4 \cdot Py$ (2,0887) комплекс бирикмасида g-фактор (2-жадвал) камайишини пиридиннинг аммиакка қараган-да катта электронодонор хоссага эга эканлиги билан тушунтириш мумкин. Cu(II) ионининг тоқ электронини делокалланиши натижасида $|dx^2\text{-}y^2>$ орбитал-даги электрон зичлигининг камайиши g-фактор қийматини камайишига олиб келади, аммо ўта нозик структура константасига (ЎНС) таъсир кўрсатмайди.

ЭПР спектрларининг таҳлилига кўра лиганд қолдиғи гидразон фрагментидаги бензол ҳалқасининг *пара*-ҳолатига электронодонор ёки электроно-акцептор гуруҳларнинг киритилиши ЭПР спектри параметрларига сезиларли

таъсир кўрсатади (2-жадвал). Барча мис(II) комплекс бирикмаларининг спектрлари учун изотроп спин-гамильтониан (СГ) (1) формула кўринишида ёзилади:

$$\hat{H} = g \cdot в \cdot H_o \cdot S + \langle a_{Cu} \rangle I_{cu} \cdot S + a_{Nj} \cdot I_{Nj} \cdot S \qquad (1)$$

бунда g – электрон эффектив магнит моменти ўлчови, g-фактор ўлчамсиз катталик бўлиб, электрон магнит моментининг тўлиқ бурчак моментига нисбати у Ланде фактори ҳам дейилади (эркин электрон учун g=2,002322), β – Бор магнетони, S = 1/2, I = 3/2 – мис атоми ядро спини, I_N – азот атоми ядро спини.



2-расм. $CuL^1 \cdot NH_3$ нинг толуолдаги – (а), $CuL^4 \cdot Py$ нинг пиридиндаги – (б) эритмасининг хона ҳароратида олинган ЭПР спектри.

Мис(II) комплекс бирикмалари учун ЭПР спектрлари чизиқларининг кенглиги (2) формула билан ифодаланади:

$$H = \alpha + \beta \cdot m_i + \gamma \cdot m_i^2 \qquad (2)$$

бунда m_i – ташқи магнит майдон йўналишига нисбатан мис атоми ядроси спини проекцияси, α, β, γ – коэффициентлар.

Ўрганилган мис(II) комплекс бирикмаларида тоқ электрон B1g типидаги молекуляр орбиталда жойлашади:

$$\varphi_{B1g} = \alpha \cdot d_{x^2-y^2} - \frac{\alpha' \cdot (\delta_1 - \delta_2 + \delta_3 - \delta_4)}{2} \qquad (3)$$

Бунда α ва α′ – мис атом орбиталлари ($d_{x^2-y^2}$) ва лигандлар атом орбиталлари (δ_i), коэффициентлари. α коэффициенти қийматининг квадрати $|dx^2\text{-}y^2\rangle$ орбиталдаги электроннинг зичлигини ифодалайди. Бундан металл-лиганд боғининг ковалентлигини (α^2) билиш мумкин. α^2 катталиги тоқ электронинг лиганд атом орбиталларига делокалланишини белгилайди. Агар α^2 = 0,5 бўлса, металл-лиганд боғи соф ковалент боғ, α^2 = 1 бўлганда, боғ табиати соф ион боғга эга бўлади. Биз ўрганган бирикмалардан $CuL^3 \cdot NH_3$ ва $CuL^4 \cdot Py$ (α^2 = 0,78) комплекс бирикмалари учун бирмунча ковалент боғ кузатилади ва бу ҳолат координацион сферадаги бензол

ядросининг *пара*-ҳолатидаги NO_2 ва пиридин молекуласининг электронакцепторлиги билан тушунтирилади. Қолган ҳолларда электронодонор ўринбосарлар Cu–L (α^2 = 0,80 - 0,81) боғининг ионлик даражасини сезиларли даражада оширади.

2-жадвал

$CuL{\cdot}NH_3$ комплекс бирикмалари толуолдаги эритмасининг хона ҳароратида олинган ЭПР спектри параметрлари

Бирикмалар	g, ± 0,0001	a_{Cu}, ±0,0001см$^{-1}$	α^2
$CuL^1{\cdot}NH_3$	2,0940	0,0088	0,80
$CuL^2{\cdot}NH_3$	2,0947	0,0089	0,81
$CuL^3{\cdot}NH_3$	2,0945	0,0087	0,78
$CuL^4{\cdot}NH_3$	2,0949	0,0087	0,80
$CuL^4{\cdot}Py$	2,0887	0,0088	0,78

Тоқ электроннинг лиганд атомларига делокалланиши фақат Cu-N σ-боғ-лар эмас, балки π-боғлар, қисман пиридиннинг π-орбиталлари орқали ҳам амалга ошади. Бу эса мис(II) комплекс бирикмалари каби комплекс ҳосил қилувчи ион d-электрони ва пиридиннинг π-орбитали ўртасида d-π-типидаги датив боғ ҳосил бўлганлигидан далолат беради [6-10].

Шундай қилиб, ИҚ- ва ЭПР спектрал тадқиқотларга кўра, ҳалқали шакл-даги лигандлар комплекс ҳосил бўлиш жараёнида ҳалқа-занжирли қайта гуруҳ-ланишга учрайди ва туташ беш- ва олти аъзоли металлҳалқалар ҳосил қилиб, чизиқли шаклда координацион қуршов ҳосил қилади. Бензол ҳалқасининг *пара*-ҳолатидаги ўринбосарлар комплекс бирикманинг электрон тузилишига таъсири никел(II) комплекс бирикмалари учун ПМР спектроскопияси, мис(II) комплекс бирикмалари учун эса ЭПР спектроскопияси ёрдамида исботланди. Биз олиб борилган тадқиқотлар натижасида никел(II) комплекслар каби мис(II) комплекс бирикмаларида ҳам Cu–Py датив боғи ҳосил бўлишини аниқладик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ларин Г.М. Взаимное влияние металлов и лигандов в координа-ционных соединениях // Коорд. Химия.– М.– 1993.– Т.19.– №5.– С. 335-357.

2. Парпиев Н.А., Умаров Б.Б., Авезов Қ.Ғ. Перфторалкилли β-дикетон ҳосилалари ва комплекс бирикмалари.– Тошкент.– «Дизайн-Пресс».– 2013.– 336 б.

3. Парпиев Н.А., Юсупов В.Г., Якимович С.И., Шарипов Х.Т. Ацилгидра-зоны и их комплексы с переходными металлами.– Ташкент.– Фан.– 1988.–161 с.

4. Pereira Euylolia, Gomes Ligia R., Low John N., de Castro Baltazar. Synthesis, spectroscopic, elektrochemical and structural characterization of Cu(II) complexes with assymetrical NN'OS-coordination spheres // Polyhedron.- 2008.– 27.– N 1.– P. 335-343.

5. Ракитин Ю.В., Ларин Г.М., Минин В.В. Интерпретация спектров ЭПР координационных соединений.– Москва.– Наука.– 1993.– 400 с.

6. Турсунов М. А., Умаров Б. Б., Авезов К. Г. Комплексы Cu(II) с ароил-гидразонами этилового эфира 5,5-диметил-2,4-диоксогексановой кислоты // Развитие науки и технологий. Научно–технический журн.- 2018.- №2.- С.71-75.

7. Умаров Б.Б. Комплексные соединения некоторых переходных металлов с бис-5-оксипиразолинами. Дис.… докт. хим. наук.– Ташкент.– ИУ АН РУз.– 1996.– 351 с.

8. Умаров Б. Б., Турсунов М. А., Минин В. В., Авезов К. Г. Теоретические аспекты слабых обменных взаимодействий в спектрах ЭПР гомобиядерных комплексов меди(II) // Узбекский химический журнал.- 2017.- №4.- С. 8-15.

9. Умаров Б.Б., Турсунов М.А., Минин В.В. Комплексы с производными кетоальдегидов и кетоэфиров.- Ташкент.- Нишон–ношир.- 2016.- 350 с.

10. Турсунов М.А. Комплексы некоторых 3d-металлов на основе производных кетоальдегидов и кетоэфиров, их строение и свойства. Дис… PhD по специальности 02.00.01.- Неорганическая химия.- Бухара.- БухГУ.- 2019.- 120 с.

ФОРМОВАНИЕ НАНОВОЛОКОН НА ОСНОВЕ СМЕСИ ХИТОЗАНА И ПОЛИВИНИЛОВОГО СПИРТА МЕТОДОМ ЭЛЕКТРОСПИННИНГА

[1]Саттарова Дилфуза Максудовна
[2]Кодирханов Муродхон Рашидхонович
[3]Рашидова Сайёра Шарафовна
[1]Докторант кафедры Химии Наманганского государственного университета
[2]к.х.н. доцент Наманганского государственного университета,
[3]академик, д.х.н. профессор директор Института физики и химии полимеров АНРУз,

Аннотация: *Данная работа посвящена изучению особенностей формования нановолокон на основе хитозана (ХЗ) и поливинилового спирта (ПВС) методом электроспиннинга, а также было рассмотрено состояние вопроса на основе обзора литературных данных. Были проведены попытки получения нановолокон ХЗ Bombyx mori в различных условиях процесса. Концентрация растворов ХЗ/ПВС было варьировано от 3 до 6% в иследованиях. Морфология волокон было исследовано методом Сканирующей электронной микроскопии (СЭМ).*

Ключевые слова: *хитозан, поливиниловый спирт, электроспиннинг, нановолокна, морфология*

ЭЛЕКТРОСПИННИНГ УСУЛДА ХИТОЗАН ВА ПОЛИВИНИЛ СПИРТИ АСОСИДАГИ АРАЛАШМАДАН НАНОТОЛАЛАР ХОСИЛ ҚИЛИШ

[1]Саттарова Дилфуза Максудовна
[2]Кодирханов Муродхон Рашидхонович
[3]Рашидова Сайёра Шарафовна
[1]Наманган давлат университети Кимё кафедраси таянч докторанти
[2]Наманган давлат университети к.ф.н., доцент.

[3]Ўз РФА Полимерлар физикаси ва кимёси институти директори, к.ф.д, профессор, академик.

Аннотация: *Мазкур иш хитозан (ХЗ) ва поливинил спирти (ПВС) аралаш эритмаларидан, электроспиннинг оркали нанотолалар олиш жараёнини ўрганишга бағишланган, шу билан бирга адабиётлар шархи орқали ушбу масалани хозирги холати кўриб чиқилди. ХЗ Bombyx mori нанотолаларини олишга қаратилган харакатлар турли шароитларда амалага оширилди. ХЗ/ПВС эритмалар концентрасиялари тадқиқотлар 3 дан 6% оралигида олиб борилган. Толаларни морфологияси Сканерлайдиган электрон микроскопия орқали ўрганилди.*

Калит сузлар: *хитозан, поливинил спирти, электроспиннинг,нанотола, морфология*

ELECTROSPINNING OF CHITOSAN BLENDED POLYVINYL ALCOHOL NANOFIBERS

1Sattarova Dilfuza Maksudovna
2Kodirkhanov Murodhon Rashidhonovich
3Rashidova Sayora Sharafovna
1 Doctoral student of the Department of Chemistry of Namangan State University
2k.kh.n. Associate Professor of Namangan State University,
Academician, Doctor of Chemistry Professor, Director of the Institute of Physics and Chemistry of Polymers

Abstract: *This work is dedicated to study the process of producing nanofibers from blended polymer solutions of chitosan and polyvinyl alcohol, and the status of the issue was reviewed based on a review of literature data. The concentration of chitosan / PVA solutions varied from 3 to 6% in the studies. The morphology of the fibers was examined by Scanning Electron Microscopy (SEM).*

Key words: *chitosan, polyvinyl alcohol electrospinning nanofiber, morphology.*

Введение. Электроформование (ЭФ) или электроспиннинг (ЭС) прямой и универсальный метод получения нановолокон (НВ) из различных растворов полимеров, который приводит к формированию ультратонких волокон в результате действия электростатических сил на электрически заряженную струю полимерного раствора [1].

Синтетические полимеры повышают волокнообразование хитозана (ХЗ), взаимодействуя с жесткой структурой ХЗ и таким образом, уменьшают содержание свободных аминогрупп в молекуле. Добавление синтетических полимеров способствует протонированию ХЗ, ограничивая таким путём формирование продолжительных нановолокон (НВ).

Ohkawa и др. [2] в своей работе исследовали электроспиннинг хитозана в растворителе муравьиная кислота, но процесс электроспиннинга стал возможным только при добавлении малого количества ПВС. Гомогенные (неразветвлённые, без дефектов) волокна со средним диаметром 120 нм были достигнуты при соотношении ХЗ и поливиниловый спирт (ПВС) 50:50.

Zhang и др. [3] утверждают, что более высокое значение тока усиливает струю, тем самым способствует увеличению диаметра формируемых волокон ПВС.

Известно множество работ по формованию смесей растворов ХЗ с синтетическими полимерами поливиниловый спирт (ПВС), полиэтиленоксид (ПЭО), полилактидная кислота (ПЛК), полиэтилентерефталат (ПЭТ), нейлон-6 и др. Нановолокна из этих растворов отличаются от НВ чистого ХЗ своими улучшенными механическими и антибактериальными свойствами, биосовместимостью, которые появились благодаря добавленным синтетическим полимерам.

ПВС является нетоксичным, биосовместимым и биоразлагаемым полимером в связи, с чем применяется в различных сферах биомедицины в качестве костного имплантата [4] и искусственных органов [5].

Благодаря тому, что ПВС имеет хорошее волокнообразующее свойство известно множество работ по получению НВ из его смесей с ХЗ методом ЭС. Нановолокна со средним диаметром между 20 и 100 нм были получены из 82.5% деацетилированного ХЗ (Mw=1600кДа) в смеси с ПВС (Mw=124-186 кДа) в 2% v/v водном растворе уксусной кислоты [6]. Формирование качественных НВ без дефектов в виде бусинок было достигнуто при повышении содержания ПВС.

Paipitak и др. [7] изучали процесс формирования нановолокон из смеси растворов ПВС/ХЗ методом ЭС. Были проведены исследования растворов в концентрациях 3-5% в массовом соотношении ПВС/ХЗ 80:20 в 2% уксусной кислоте. Оптимальная концентрация раствора 5% привела к максимальному формированию ровных неразветвлённыхНВ со средним диаметром 100 нм.

Процессом ЭС были получены также НВ из водного раствора смеси ХЗ/ПВС/акриловая кислота с подбором концентрации ХЗ, ПВС и акриловой кислоты [8].

В данной работе был изучен процесс ЭС хитозана *Bombyx mori*, а также смеси растворов ХЗ/ПВС с целью получения нанокомпозитных волокон. Морфология и диаметр нановолокон были охарактеризованы методом СЭМ. Исследовалось влияние концентрации раствора ХЗ/ПВС и соотношения полимеров в растворе на морфологию НВ.

Экспериментальная часть

Источником хитозана для формирования нановолокон является куколки тутового шелкопряда *Bombyx mori (Узбекистан)* и ПВС (Mw=80 кДа).В качестве растворителя использовали водные растворы уксусной (Beijing Chem.Works, Beijing SHIJI) и трифторуксусной кислоты (компании Aladdin chemistry,Китай) различной концентрации. Уксусную кислоту или трифторуксусную кислоту разбавляли дистиллированной водой до нужной концентрации, приготовленным раствором заливали навеску хитозана.

SEM аппарат марки JSM-5610 для изучения морфологии волокон. Степень деацетилирования в образцах ХЗ исследовали с помощью метода кондуктометрического титрования с проведением опытов на приборе EC 214

Электроспиннинг растворов хитозана и поливинилового спирта

Методом депротеинирования и деминерализации, с последующей экстракцией на аппарате Сокслета в растворителе ацетоне был выделен хитин из куколок тутового шелкопряда *Bombyx mori.* Путём деацетилирования с

использованием 40% раствора NaOH при 90 ºС в течение 18 часов (1:10) были получены образцы ХЗ. Выход продукта составил 3.67%. Анализ спектра образца полученного методом ^{1}H ЯМР спектроскопии показал все пики соответствующие структуре хитозана. Результаты расчета содержания функциональных (NH_2 и CH_2COOH) групп в образцах ХЗ и определение значение степени деацетилирования (СД) образцов по результатам кондуктометрического титрования показали, что степень деацетилирования образца ХЗ равна 79%.

Раствор полимера был помещён в 5 мл шприц. Медная пластинка обвёрнутая алюминиевой фольгой использовалась в качестве накопителя, к которому был подведён электрический ток. Высокое напряжение(0-40kB) было применено для генерации электрического поля. В поисках наиболее подходящих условий для проведения процесса электроспиннинга напряжение тока было варьировано между 15-40 kB и расстояние между шрицем и накопителем 100-200 мм, а также диаметр игл между 4-9.

Попытки электроформования ХЗ с использованием различных растворителей хитозана (уксусная кислота (УК), муравьиная кислота (МК) и их смеси с дихлорметаном в различном соотношении), ни один из них не дал видимую струю даже при варьировании условиями процесса. Только в случае образцов, в которых в качестве растворителя использовался трифторуксусная кислота (ТФУК), наблюдалось формирование струи.

Причиной этому является, что ТФУК образует соли с аминогруппами хитозана, а также высокая испаряемость ТФУК, что позволяет вытягивание волокон. Формование 7% раствора образца ХЗ-1 в ТФУК привело к образованию редких волокон с большим количеством дефектов в виде бусин (1-рисунок).




1-рисунок. Морфология нановолокон из 7% раствора образца ХЗ-1 в ТФУК при напряжении тока 30 кВ и на расстоянии накопителя к игле 20 см

С целью повышения формовочных свойств раствора был выбран ПВС, так как имеет хорошее волокнообразующее свойство.

Для этого были приготовлены растворы смеси ХЗ/ПВС в 2% уксусной кислоте в различных концентрациях и соотношениях полимеров. Растворы полимеров были смешаны в различном соотношении и оставлены на сутки на магнитной мешалке для полного смешивания.

Растворы смесей ХЗ/ПВС в различных соотношениях и концентрациях были подвержены ЭС при разных условиях варьированием силы тока, расстояния между накопителем и иглой, различный диаметр иглы.



2-рисунок. Морфология нановолокон из растворов смеси образцов ХЗ-1 с ПВС в соотношении 30:70 в концентрацих 1-снимок 3%, 2-снимок 4% и 3-снимок 6% при напряжении тока 30 кВ

На рисунок 2 иллюстрированы СЭМ снимки нанокомпомпозиционных волокон ХЗ/ПВС в различных концентрациях (3%,4%,6%) и в разных соотношениях полимеров. Полученные нановолокна содержали дефекты в виде бусин. С повышением концентрации раствора количество дефектов значительно уменьшалось, а регулярность волокон повышалась. СЭМ снимки показывают, что концентрация 6 % является оптимальной в молекулярно-массовых характеристик данных полимеров. Были получены нановолокна ХЗ/ПВС (30:70) со средним диаметром около 100-120нм при напряжении тока 30 кВ. Наблюдалось значительное повышение качества формируемых НВ при увеличении содержания ПВС в формовочном растворе. В случаях с большим содержанием ХЗ в смеси получались НВ с высоким содержанием дефектов в виде бусинок.

Вывод

Процесс электроформования нановолокон смеси растворов ХЗ с ММ=276 кДа и СА=20% и ПВС с ММ= 80000 в уксусной кислоте показал, что возможно формование растворов смеси данныхполимеров.

В данной работе были получены ХЗ/ПВС нанокомпозитные волокна методом ЭС. Морфология и диаметр нановолокон были охарактеризованы методом СЭМ и средний диаметр полученных НВ был найден приблизительно 100-120 нм. Морфология НВ постепенно изменилась с повышением концентрации растворов от 3 до 6%. Подходящей концентрацией раствора для формирования НВ было найдено 6% в соотношении ХЗ/ПВС(30:70).

Для данных молекулярно-массовых характеристик полимеров самыми оптимальными для получения более качественных НВ было найдено 6% р-р полимеров в соотношении ХЗ/ПВС (30:70) при напряжении тока 30 кВ.

Требуется дальнейшее исследование процесса электроформования нановолокон ХЗ и ПВС при различной молекулярной массе и степени деацетилирования с целью получения стабильных качественных НВ с заданным диаметром.

Литература

1. Reneker, D.H. & Chun, I. (1996) Nanometer diameter fibers of polymer, produced by electrospinning. Nanotechnology. 7. pp. 216-223

2. Kousaku Ohkawa, Dongil Cha, Hakyong Kim, Ayako Nishida, Hiroyuki Yamamoto. (2004) Electrospining of chitosan. Macromolecular Rapid Communications. 25. pp. 1600-1605

3. Zhang Y., Huang X., Duan B., Wu B., Li S., Juan X.(2007) Preparation of electrospun chitosan/poly(vinyl alcohol) membranes. Colloid and Polymer Science. 285. pp. 855-863

Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган турлар орасида камёб ва тор тарқалиш ареалига эга бўлган, дориворлиги билан ажралиб турадиган туркумлардан бири *Salvia* L. турлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўрта Осиёда тарқалган *Salvia* L. турларини таксонимик жиҳатдан Э.Регель (1879), В.И. Липский (1900), О.Федченко ва Б.Федченко (1913), М.Г. Попов (1917), С.Н. Кудряшев (1937), С.А. Невский (1937), В.П. Бочанцев (1937, 1954), А.М. Махмедов (1984) сингари олимлар ўрганишган. Булар орасида илк изланишлар Э. Регельга тегишли, олим 1879 йилда Ўрта Осиёда олиб борган тадқиқотлари натижаси 2 тур *Salvia trautvetteri* ва *Salvia schmalhausenii* янги тур сифатида фан киритган. Кейинчалик, С.А. Невский, В.П. Бочанцев, С.Н. Кудряшевлар хам туркумга мансуб турларни фанга киритишган. Юқорида номлари келтирилган олимлардан С.Н. Кудряшев (1937) ҳамда А.М. Махмедов (1984) Марказий Осиёда тарқалган туркум турларининг таксонимияси, тарқалиши, турларнинг фойдали хусусиятлари ҳамда уларнинг муҳофаза қилиш бўйича маьлумотлар келтиришган.

Сўнгги йилларда туркум турларининг кимёвий таркиби, молекуляр биологияси, филогениясини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари бир мунча кўпроқ амалга оширилмоқда [3,4,13,14,]. Эндемизм, турларнинг популяцияси, тарқалиши, экологиясига бағишланган тадқиқотлар нисбатан камроқ.

Эндемизм кўрсатгичи, Туркия флорасида анча юқоридир, мазкур флорада туркумнинг 98 тури тарқалган бўлиб, шулардан 53 тур эндем мақомига эга, эндемлар флорадаги туркум турларининг 54,08% ини ташкил этади. Бу эндемизм кўрсатгичининг юқори бўлишига сабаб Туркия ҳудудининг аксарият қисми тоғ минтақасидан иборат бўлиб, ўсимликлар қопламининг зичлиги билан изоҳлаш мумкин. Туркия флораси ҳам Ўрта Ер денгизи атрофи давлатлариникига ўхшаш яъни турларга бойлиги билан ажралиб туради. Туркум учун асос бўлган тур *Salvia officinalis* L. ham Ўрта Ер денгизи марказидан келиб чиққан.

Ўзбекистон флорасида *Salvia* туркумининг 16 тури (Введенский, 1955) келтирилган бўлиб, ҳозирда буларнинг сони 21 тани ташкил қилади. Сўнги йиллардан ботаника институти олимларининг олиб борган изаланишлари ва Миллий гербарий фондида сақланаётган нумаларни таҳлил қилиш натижасида туркум турлари сони ортиб бормоқда. 21 турдан 3 тур *Salvia tianschanica* Makhm., *Salvia drobovii* Botsch., *Salvia submutica* Botsch. et Vved. Камёб ва тор тарқалиш ареалига эга бўлган Ўзбекистон флорасининг эндем турлари ҳисобланади.

Ўзбекистон флорасида тарқалган *Salvia* L. камёб, тор тарқалиш ареалига эга бўлган эндем турлари.

***Salvia tianschanica* Makhm.** Novit. Syst. PL Vase. 17 (1980) 215. Мазкур тур 1976 йил Р. В. Камелин ва И. *Л.* Левичев томонидан терилган намуна асосида “Узбекистан, Западный Тянь-Шань, Ташкентский Алатау, Чаткальский заповедник, южные склоны в басейне реке Башкызилсай, 8 VII 1976, n°3” А.А.Махмедов томонидан (1980) [8] фанга киритилган. Ушбу тур адир минтақасидан то тоғларнинг юқори қисмларигача (800-2500 м.) бўлган баландликларида, майда шағалли ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Июнь-июль ойларида гуллаб, июль-август ойларида уруғлайди [2]. Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштириш [11] схемасида мазкур тур Ғарбий Тянь-Шан округининг Қурама ва Ғарбий Чотқол ботаник-географик районлари флорасида тарқалган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналар сақланмоқда: Западный Тянь-Шань. Горы Қурама. *Долина* реки Абджас. 19.06.1935. *Советкина* n⁰130; Чаткальский хребет. Южные склоны. Окр. к/к Шавас. Близ речки. 23.06.1939. *Кудряшев* n⁰232; Чаткальский хребет. Правобережье реки Ангрен. *Долина* реки Кызылолма. Южный склон. 25.06.1964. *Махмедов*; Чаткальский хребет. Южные склоны. На гребне гор между к/к Карабаш и к/к Шавас. 25.06.1939. *Кудряшев* n⁰319; Чаткальский хребет. Южные склоны. Восточнее Акча-сая. Мелкоземисто-щебнистый серозем. 05.07.1939. Кудряшев n⁰448; Кураминский хребет. Бушсай. Правобережье Гульдурама-сай. Юго-восточный склон. 18.06.1963. *Булгакова* n⁰35647; Кураминский хребет. Бушсай. Правобережье Гульдурама-сай. Юго-восточный склон. 18.06.1963. *Булгакова* n⁰35648; Западный Тянь-Шань. Бассейн реки Ангрен. Гушсай. 31.07.1937. *Королева* n⁰175; Кураминский хребет. Ср. теч. Гушсая. Правобережье Гульдурама-сая при его слиянии с Кашкасаем. 24.06.1963. *Булгакова* n⁰35669; Долина реки Ангрен. Куюн-сай. В

18 км восточнее город Ангрен. 20.06.1960. *Васильева*; Западный Тянь-Шань. Бассейн реки Ангрен. Левый берег сая Карабау. 27.07.1937. *Королева* n⁰33; Западный Тянь-Шань. Бассейн реки Ангрен. Левый берег сая Карабау. 27.07.1937. *Королева* n⁰65; Западный Тянь-Шань. Верховья реки Ангрен. Долина сая Карабау. Северный склон. 08.07.1939. *Демурина* n⁰32; В 5 км от Алтын - Топкани в сторону на Алмалык. 23.06.1961. *Филимонова*; Кураминский хребет. Правобережье Гушсая. Южный склон. 14.06.1963. *Булгакова* n⁰626; Чаткальский хребет. Южные склоны. Окр. к/к Шавас. Близ речки. 23.06.1939. *Кудряшев* n⁰232; Правая часть бассейна Ангрена. Каменистый склон. 17.06.1924. *Березин* n⁰1403; Правая часть бассейна Ангрена. Каменистый склон. 17.06.1924. *Березин* n⁰1400; Севрный склон Кураминского хребта. В районе сел. Ургаза, на сев. мелкоземистых склонах. 29.06.1953. *Верник, Набиев, Цукерваник* n⁰405; Правобережье р. Ангрен. Ахта-хана. Мелкоземистый склон. 05.06.1953. *Бутков, Майлун, Словинский* n⁰661; Северные склоны Кураминского хребта. В районе сел. Ургаза. Мелкоземистый склон. 29.06.1953. *Верник, Набиев, Цукерваник* n⁰405; Бассейн реки Ангрен. В верховьях Лашкарак-сай. Пырейная степь. На мелкоземистых склонах. 20.06.1940. *Короткова* n⁰153; Чаткальский хребет. Южные склоны. Средняя часть ущ. Шавассая. 23.06.1939. *Кудряшев* n⁰212; Бассейн реки Ангрен. По правой стороне реки Ангрен. На юго-запад. склонах. 30.05.1940. *Короткова* n⁰127; Кураминский хребет. Правобережье Гульдурамасая. 24.06.1963. *Булгакова* n⁰37062; Чотқол биосфера қўриқхонаси. Шавазикалонсой ўрта оқими. 08.07.2001. *Тожибоев*; Ташкентская обл. Паркентский район. Баш-Кызыл-сай. Горнолесной заповедник. 17.06.1961. *Набиев, Пратов* n⁰67; Юго-западные отроги Чаткальского хребта. Бассейн реки Баш-Кызыл-сай. Чаткальский горнолесной заповедник. 21.06.1972. *Адылов* n⁰1; Паркентский горнолесной заповедник. Чаткальский хребет. Левый берег. Западный склон. 25.06.1949. *Лебедева*; Чаткальский хребет. Бассейн реки Башкызылсай. Правый берег Иран-сай. 25.05.1961. *Пучкова*; Бассейн реки Баш-Кызыл-сай. Среднее течение Иран-сая. Восточный склон. 31.05.1953. *Назаренко* n⁰165; Чаткальский хребет. Среднее течение Баш-Кызыл-сай. Окр. село Невич. *Пятаева*; Западный Тянь-Шань. Чаткальский хребет. Баш-Кызылсай. Мелкощебнистый склон. 09.06.1981. *Шерматов, Казакбаев, Тагаев* n⁰420.


***Salvia submutica* Botsch. et Vved.** Not. Syst. Herb. Inst. Bot. Acad. Sci. Uzbek. 14 (1954) 11. Мазкур турни илк бор В.П. Бочанцев Койташ тоғи яқинидан терган. “Памироалай. Горы Койташ. По дороге из кишл. Кок-Булак в кишл. Омандара. Пырейная степь. Южный склон. На гранитных осыпях. 1934. VIII. 5 fr. Бочанцев”

Кейинчалик, 1954 йилда фанга янги тур сифатида киритишган [12=5]. Ушбу тур ўрта тоғ минтақасидаги тошли, шағалли бағирликларда ўсади. Июнь-июль ойларида гуллаб, июль-август ойларида уруғлайди [9,10]. Н. Бешко (1999) Нурота тоғ-ёнғоқ қўриқхонаси флорасини ўрганишлари давомида туркумнинг 7 тури учрашини ва бир тур *Salvia submutica* Botsch. et Vved. турини камёб тур сифатида учрашини аниқлаган [1]. Мазкур тур Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемасида Нурота округининг Нурота ботаник-географик райони флорасида тарқалган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналар сақланмоқда: Джизакская обл. Нуратинский заповедник. Хаятсай. Щебнистый склон. 31.05.2012. *Бешко*; Хребет Нуратау. Нуратинский

заповедник. 04.08.1981. *Мухина, Махмедов*; Хребет Нуратау. Нуратинский заповедник. Заминсай. 20.05.1981. *Мухина, Махмедов*; Джизакская обл. Хребет Нуратау. Нуратинский заповедник Хаятсай. Ур. Хотунон. 07.06.1998. *Бешко*; Хребет Нуратау. Южный склон. Верховья Устук-сая. Каменистый склон. 29.05.1964. *Цукерваник, Махмедов* n⁰379; Нуратинские горы. Хребет Кой-таш. В 6-7 км на запад от к/к Гуджум. 23.07.1937. *Демурина* n⁰722; Памироалай. Нуратинский хребет. Фаришский район. 06.05.1941. *Момотов* n⁰126; Южные склоны Нуратау. Южный, щебнистый склон. 18.05.1954. *Запрометова* n⁰373; Горы Нуратау. Сай Усшок. На скалах. 12.07.1956. *Введенский* n⁰110.

***Salvia drobovii* Botsch.** Bull. Univ. As. Centr. 22,37 *(1937)* 326.

Мазкур Гнездилло томонидан терилган намуна “In montibus Zeravschanicus haud procul a pago Urgut, in rupibus in angustiis Taglyk. 9. VI. 1936, fl. Gnezdillo” асосида В.П. Бочанцев томонидан фанга киритилган [2]. Ушбу тур фақат Ургут тоғлари флорасида учрайди. Муҳофаза этилмайди. Тур ўрта ва юқори тоғ минтақасидаги тош-шағалли ёнбағирларида ўсади. Июнь-июль ойларида гуллаб, июль-август ойларида уруғлайди [9,10]. Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштириш схемасида мазкур тур Кўхистон округининг Ургут ботаник-географик райони флорасида тарқалган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида қуйидаги намуналар сақланмоқда: Аман-Кутан. Бульбульзар-сай. На каменистых склонах. 16.06.1930. *Вальнев*; Аман-Кутан в нзовьях Майда-сай. На беловатых камнях. 03.06.1931. *Никоноров*; Заравшанский хребет. Северные склоны. В горах южнее Ургута. На западном склоне19.08.1936. *Кудряшев* n⁰18; Западный Памироалай. Заравшанский хребет. Окрестности Ургут. 09.06.1936. *Гнездилло* n⁰207; Гиссарский хребет. Бассейн реки Кашка-Дарья. Сай Ходжа-курган. Скалы. 04.06.1983. *Махмедов* n⁰51; Заравшанский хребет. Камангаронсай. На скалах. 01.08.1982. *Шерматов, Казакбаев* n⁰153.



1-расм. Endem *Salvia* L. туркум турларининг Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлари бўйича тарқалиши.

Ушбу эндем ва камёб турларни махсус муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Сўнгги йилларда антропоген омилнинг кучайиб бориши: чорва молларинии аёвсиз боқиш, ўзлаштирилмаган ерларни ўзлаштириш натижасида мазкур турларнинг популяциялари сони камайиб бормоқда.

Умумий хулоса қилинганда, мазкур турларнинг фондларда сақланаётган гербарий намуналари, олиб борилган дала тадқиқотлари ва адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра Ўзбекистоннинг ботаник-географик районларида тарқалиши бўйича таҳлили амалга оширилди. "Флора Узбекистана"да [6] келтирилган маълумотларда *S. submutica* Botsch. et Vved., *S. drobovii* Botsch. турлари флорамиз учун эндемлар сифатида келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида яна бир тур Ўзбекистон флораси учун эндем турлиги маълум бўлди (*S. tianschanca* Makhm.).

Адабиётлар

Мазкур рўйхатни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ботаника институти директори академик К.Ш.Тожибаевга, Ломоносов номидаги Москва Давлат Университет Биология факультети профессорлари М.Г. Пименов, Е.В. Клюйковларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Бешко Н.Ю. Флора Нуратинского заповедника: Дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент: 1999. – 45-49 с.

2. Бочанцев В.П. О Salvia schmalhausenii auct. – Бюлл. САГУ, 1937, 22 № 37, - С. 321-328.

3. Бубенчикова В. Н., Кондратова Ю. А., Четверикова Н. В. Исследование отхаркивающей активности фитопрепаратов дикорастущихи культивируемыхвидов рода Salvia L.// Кубанский научный медицинский вестник № 3 (152) 2015.

4. Бубенчикова В. Н.Отхаркивающая активность культи-ви-руемого вида шалфея горминового (Salvia horminum L.) / В. Н. Бубенчикова, Ю. А. Кондратова // Вопросы обеспечения качества лекарственных средств. – Москва, 2015. – № 1. – С. 20–22.

5. Введенский А.И. Новые виды из Средней Азии. – Бот. мат. Гербария Ин-та ботан. АН УзССР. вып. 14. 1954, – С. 7-12.

6. Введенский А.И. Salvia L. - шалфей. Флора Узбекистана. –Ташкент: АН УзССР, 1961. Т. И. – С. 382-394.

7. Жоголева Е.П., Кочкарева Т.Ф. Salvia L. - шалфей. Флора Таджикистана. – Ленинград: Изд-во "Наука" 1986. – С. 241-257.

8. Махмедов А.М. Новый вид шалфея (Salvia L.) с Западного Тянь-Шаня. – Новости сист. высш. раст., т.17, 1980, - С. 215-218.

9. Махмедов А.М. Род Salvia L. – Шалфей. Определитель растений Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1983. – Т. VII. С. 138-150.

10. Махмедов А.М. Шалфей Средней Азии и Казахстана (систематика, география и рациональное использование). Ташкент, Изд-во "Фан" УзССР, 1984. – С. 112.

11. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географического районирование Узбекистана//Ботанические журнал. – Санкт-Петербург: Наука, – 2016. №10 (101). – С. 1105-1130.

12. Moon, H.K., Hong, S.P., Smets, E. & Huysmans, S. (2009). Micromorphology and character evolution of nutlets in tribe Mentheae (Nepetoideae, Lamiaceae). *Systematic Botany*, 34(4), 760-776.

13. Tiambeng D. A numerical taxonomic study on the genus *Salvia* L. (Lamiaceae) in Turkey. September-2005. - P. 144.

14. Walker J.B. and all. Salvia (Lamiaceae) is not monophyletic: implications for the systematics, radiation, and ecological specializations of Salvia and tribe Mentheae//American Journal of Botany 91(7): 1115–1125. 2004.

ЧУСТ-ПОП АДИРЛАРИ ШАРОИТИДА ИСТИҚБОЛЛИ ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАР ЁРДАМИДА ҲУДУДНИ ОПТИМИЗАЦИЯЛАШ

Имомов Отабек Нормирзоевич

Наманган давлат университети, катта ўқитувчи

Аннотация: *Мақолада табиий экосистемаларда, хусусан Наманган вилоятида жойлашган Чуст – Поп адирлари яйловларида чўллашиш муаммоси ва уни сунъий бойитишнинг долзарблиги, муаммони олимлар томонидан ўрганилганлик даражаси, ҳудуднинг иқлим шароити, ўсимликлар жамоасини тиклаш учун истиқболли озуқабоп ўсимликлар устида олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижалари ва таҳлиллари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *кейреук, изень, терескен, яйлов, чўллашиш, сув режими.*

БИОЭКОЛОГИЯ ПЕРСПЕКТИВНЫХ КОРМОВЫХ РАСТЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ЧУСТ-ПАПСКИХ АДЫРАХ И ОПТИМИЗАЦИЯ ТЕРРИТОРИИ С ИХ ПОМОЩИ

Имомов Отабек Нормирзоевич

Наманганский государственный университет, старший преподаватель

Аннотация: *В статье приводится проблема опустыниванию в природных экосистемах в примере пастбищ Чуст-Папских адыров Наманганской области, а также актуальность его искусственного обогащения, степень изученности проблемы, климатические условия региона, результаты и обсуждения экспериментальных исследований перспективных кормовых растений для восстановления растительных сообществ и обоснованные рекомендации.*

Ключевые слова: *кейреук, изень, терескен, пастбищ, опустынивание, водный режим.*

BIOECOLOGICAL FEATURES PERSPECTIVE FODDER PLANTS IN CONDITIONS CHUST – PAP MOORS AND OPTIMIZATION TERITORY WITH THEIR HELP

Imomov Otabek Normirzoevich

Namangan State University, senior teacher

Annotation: *the paper presents desertification problem in natural ecosystems in the example of pastures of Chust-Pap moors of Namangan region and the relevance of its artificial enrichment, degree of knowledge of the problem, the climatic conditions of region, the results and discussion of experimental investigations of promising forage plants for planting communities and based recommendations.*

Keywords: *keyreuk, isen, eurotia, rangeland, desertification, water regime.*

Мавзусининг долзарблиги. Ҳозирда глобал даражада иқлимнинг ўзгариши, ҳароратни ошиши, чўлланиш жараёнининг кучайишини инобатга олиб, деградацияга учраган, ўсимликлар қоплами сийраклашган яйлов экосистемаларида фитомелиорация орқали ҳудудларни бойитиш муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликлар жамоаси деградацияга учраган яйловлар Республикамиз ҳудудида ҳозирги вақтда кўпайиб боришига антропоген омилнинг табиатга таъсирини ошиши, норационал чорва молларини боқиш, техносферанинг кенгайиб бориши, тупроқ эрозияси ва бошқа сабабларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонунида [17] белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакамиздаги табиий фойдали ўсимликлар ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланишда фермер хўжаликларига ёрдам бериш масалалари катта аҳамиятга эга. Чунки барқарор ривожланишга эришиш учун нафақат ҳозирги авлодларга, балки келажак учун ҳам табиий ресурсларни етказиш мақсадида уларни оптимизация қилиш долзарб масаладир.

Ўсимликлар жамоаси камайиб чўллашиб деградацияга учраган ҳудудларда сунъий яйловлар ҳосил қилишнинг илмий ва методик асослари кўплаб дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган ва ўрганилаётган бўлиб, унда ўсимликларнинг биологик, экологик, биокимёвий, генетик ва структуравий физиологик хусусиятлари асос қилиб олинган [1, 7, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 18, 20, 21, 22, 23, 24]. Фарғона водийсида хусусан Наманган вилоятининг Чортоқ адирларида Ўзбекистон фанлар академияси Ботаника институти олимлари томонидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган [4], аммо ҳудудларнинг иқлим шароитлари экологик жиҳатдан турлича бўлганлиги сабабли турли шароитларда деградацияга учраган яйловларда ўсимликлар жамоаси ва истиқболли ўсимликлар мослашув биоэкологияси нисбатан фарқ қилади. Чортоқ адирлари ёғин миқдорининг нисбатан юқорилиги ва тупроғининг созлиги билан Чуст – Поп адирларидан фарқ қилади [11].

Фарғона водийсида жойлашган, расмий жиҳатдан Наманган вилояти тасаруфидаги Чуст – Поп адирлари водийда кучсиз ўзгарган (кам ўзлаштирилган) ландшафт экологик район бўлиб, олимлар томонидан яйлов ландшафтларидан оқилона фойдаланиш ва оптимизациялаш тавсия этилган [8]. Ҳудуд фермерлар томонидан кузги, қишги ва баҳорги яйлов сифатида майда шохли ҳайвонларни боқишда фойдаланиладиган йирик 60 000 га атрофидаги адир минтақаси ҳисобланади. Иқлими чўлга яқин бўлиб, қуруқ, узоқ давом этувчи ўта иссиқ ёз, ҳамда куз ва баҳорда ёғингарчилик миқдори кам кузатилади. Бунинг асосий сабаби, ушбу адир шимол ва шимолий ғарбдан Қурама тоғлари билан ўралган бўлиб, бу шимолий ғарбдан келувчи нам ҳаво оқимини тўсилиши билан боғлиқ. Кўп йиллик иқлим маълумотларига кўра, ёз фаслида ёғингарчилик деярли кузатилмайди. Гидрометеорология хизмати маълумотларига асосан Июл ойида ўртача ҳаво ҳарорати 24 – 27 ^{0}C, максимум +40 – 45 ^{0}C. Қиш фасли бошқа ҳудудларга нисбатан

совуқ эмас, январ ойида ўртача ҳарорат – 1 – 2 ^{0}C, минимум ҳарорат эса – 25 – 30 ^{0}C, ўртача йиллик ҳарорат эса +13 – 14 ^{0}C, кўп йиллик ёғин миқдори 195 – 200 ммга тенг [9].

Тупроғи тош – шағалли. Денгиз сатҳидан баландлиги 450 – 1500 метр [8]. Ушбу адирлар табиий ўсимликлар қоплами Р.Верник ва Т.Т. Рахимова томонидан ўрганилган [3]. Аммо кейинги кузатишларда узоқ йиллар давомида ҳудудда норационал чорва молларини боқилиши, охирги 10 – 15 йил давомида ёғин миқдорининг нисбатан кам бўлиши ўсимликлар қопламини яна ҳам сийраклашиб, ҳосилдорлик пасайишига сабаб бўлган. Ушбу ҳолат ҳудудни ўсимликлар қопламини бойитишни талаб этади.

Ишдан мақсад Чуст – Поп адирларига мослашган ем – хашак ўсимликларининг биологияси ва экологик хусусиятлари, хусусан уруғ унувчанлиги, вегетацияси, сув режимини ўрганиш ва ҳудуд экосистемасини тиклашда мақбул тавсиялар бериш.

Тадқиқот объектлари. Чуст – Поп адирлари флораси ичидан сараланган қимматли ем – ҳашак ўсимликлари: *Salsola orientalis* S. G. Gmel. – кейреук, *Kochia prostrata* (L) Schrad, subsp. grisea Prat. Subsp. nov. – кулранг изень, *Ceratoides eversmanniana* (Stschegl. ex Losinsk.) Botsch. Et Ikonn. – терескен.

Ҳудудда бир йиллик шўраларнинг биологияси ва сув режими ўрганилган [6], аммо биз танлаган турларни ҳудуд экосистемасини яхшилаш мақсадида биоэкологияси ўрганилмаган.

Тадқиқот методлари. Ўсимликлар уруғ унувчанлигини ўрганиш З. Шамсутдинов [14], фенологик кузатишлар И.Н. Бейдеман [2], ассимиляцион танасида сув сақлаш қобилиятини аниқлаш А.А. Ничипорович [11], транспирация жадаллиги А.А. Иванов [5] тавсия этган методикалар асосида олиб борилган. Тадқиқотлар 2009 – 2013 йилларда Чуст – Поп адирларида жойлашган “Жаҳонгиробод – Варзик” фермер хўжалиги яйлов ҳудудида олиб борилган.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили.

Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши, унда кечадиган физиологик жараёнлар йиллик ёғин миқдори, ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, тупроқ таркиби ва намлиги ҳамда бошқа экологик омилларга боғлиқ бўлади. Қуйида тажрибалар олиб борилган йиллардаги климадиаграммалар (1-диаграмма) Поп метеостанцияси маълумотлари [9] асосида келтирилган.

4 йиллик иқлим маълумотларидан кўриш мумкинки (1, 2, 3, 4 - гистограммалар), ҳудудда ўсимликларнинг асосий вегетация даврилари июнь, июль, август, сентябр ойларида ёғингарчилик кескин пасайиб ҳаво ҳарорати кўтарилган. Ушбу шароитда ўсимликлар ўсиш ва ривожланиши, сув режими таҳлил қилинди.


Кейреук (*Salsola orientalis*). Ўсимлик гиперксерофит экологик гуруҳига мансуб галофит тур. Атроф – муҳитнинг ноқулай (юқори ҳарорат, туз, қурғоқчилик) шароитига бошқа турларга нисбатан чидамли бўлиб, 20 – 30 йил яшайди [11].

Лаборатория шароитидаги унувчанлиги турли вақт оралиғида сақланган уруғларда ўртача 33% бўлиб, булар ичида юқори кўрсаткич 1 ой сақлангандан кейинги бўлиб, унда 60%ни ташкил қилган. Дала шароитидаги унувчанлиги эса кеч

кузда экилган вариантларда нисбатан юқори натижа ҳосил қилиб, 20,5%ни ташкил қилди.

1-диаграмма

Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши, унда кечадиган физиологик жараёнлар йиллик ёғин миқдори, ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, тупроқ таркиби ва намлиги ҳамда бошқа экологик омилларга боғлиқлиги



Оптимал уруғ униш ҳарорати 24 – 25^{0}С. Уруғлар унувчанлигини йил давомида сақлаб қолади. Ноябр ойининг охирги декадасида экилган уруғлар Март ойининг биринчи декадаларида униб чиқди, аммо ҳаво намлиги юқори ва совуқ бўлган йилларда март ойи ўрталарида униб чиқади. Униб чиқгандан сўнг 10 – 15 кун ўтиб ҳақиқий барглар ҳосил қилди, аммо ўсиш ниҳоятда секин бўлиб, апрел охири ва май ойи бошида ўсимлик бўйи 2,5 – 3 см, лекин сербарг бўлиб, бу вақтда бир туп ўсимликда 10 – 12 та барг ҳосил қилди, илдизи 25 – 30см, пояга нисбатан деярли 10 баробар тез ўсди. Май ойида ўсиш тезлиги ошиб, ён новдалар ҳам ҳосил қилди. Июнь ойининг охирида ўсимликнинг бўйи 30 смни, ён новдалар эса 15 смни ташкил қилди. Ўсимлик шарсимон кўринишни ҳосил қилди. Ушбу фаол ўсиш даврида

илдиз тизими ҳам тез ўсиб июнь ойида 75 – 80 смгача ўсиб борди. Июнь ойи охирида ғунча ҳосил қилди, аммо ҳаво ҳароратининг ошиши ҳисобига август ойи давомида гул ҳосил қилди. Икки йиллик ва ундан катта ёшда ғунча ва гул ҳосил қилиши май ойи ўрталаридан бошланиб август ойи ўрталаригача 80 кун давом этди. Уруғлар октябр ойининг учинчи декадасида етилди.

Изень (*Kochia prostrata*). Чўл, адир ва тоғ минтақаларида тарқалган эуксерофит тур бўлиб [11], 7 – 12 йил яшайди.

Ў. Пратов Ўрта Осиёда бу ўсимликни икки формасини ажратган, улар кулранг изень - *Kochia prostrata* (L) Schrad, subsp. grisea Prat. Subsp. nov. ва яшил изень - *Kochia prostrata* (L) Schrad, subsp. verescens (Fenzl) Prat. Comb. nov [10]. Ушбу формалардан қурғоқчиликка чидамлилиги жиҳатдан кулранг изень яшил изеньга нисбатан барқарор бўлиб, фитомелиорацияда кульранг изень тавсия этилади.

Уч йиллик кузатувларда уруғ унувчанлиги кеч кузда экилган 0,5 см чуқурлик вариантида 30 – 33 %ни ташқил қилди. Лаборатория шароитида эса янги терилган уруғларда нисбатан паст ҳароратда 10 – 15 ^{0}Сда 20 – 25%, 3 – 4 ой тиним даври ўтгандан кейин максимал даражага 80 – 83%га етди. 10 – 11 ойдан кейин уруғ унувчанлиги ўсимликни оптимал ҳароратида (24 ^{0}C) 55 – 60 % га тушди.

Март ойи ўрталаридаги кузатувларда кеч кузда экилган вариантларда 85 – 90 фоиз ўсимликларни ювенил босқичи бошланганлиги маълум бўлди. Улар ҳақиқий барглар чиқарган, ердан бўйи 0,5 смни ташкил қилди. Бу босқичда ўсимлик нисбатан секин ўсади. Март ойининг охирларида ўсимликларнинг бўйи 1 – 1,5 смга етиб, 4 – 5 та ҳақиқий барг ҳосил қилди. Аммо уруғбарглар сақланган. Ушбу вақтда илдиз системаси ниҳоятда тез ўсиш қобилиятига эга. Апрел ойининг охирларида 5 – 10 смни ташкил қилди. Ушбу вақтда тупроқ намлиги тупроқнинг устки қисмида (0 – 10 см) 6 – 6,5% атрофида кузатилди.

Май ойининг учинчи декадасида ўсимлик 2 – 3 ён новда ҳосил қилди. Июнь ойи биринчи декадаларида ўсимликнинг ўсиши анча тезлашди. Бу ойнинг охирида ўсимликларнинг ўртача бўйи 30 смгача етди. Уларда 4 тадан 13 тагача ён новдалар ҳосил бўлди. Бу пояларнинг узунлиги 5 – 20 см атрофида бўлди. Июнь ойи охири ва июль ойларида ҳаво ҳароратининг ошиши, тупроқ намлигининг камайиши ҳисобига ўсиш нисбатан секинлашди, аммо июль ойида илдиз системасининг узунлиги 80 – 85 смгача етди. Иккинчи йилда изеннинг илдизи ҳатто 1,5 – 2 метрни ташкил қилди. Ўсимликнинг ювениль босқичи 65 – 70 кунгача давом этди. Иккинчи йил ўсимликнинг бўйи шу даврда 60 – 65 смга етди.

Генератив давр ўсимликда йиллик об – ҳавога боғлиқ равишда кечади. Агар об – ҳаво нисбатан қуруқ келса июн ойи охирида, нисбатан нам об – ҳаво кузатилса 10 – 20 кун кечроқ ғунчалайди. Биз кузатув олиб борган ўсимликларда август ойида 80% ўсимликлар гуллади. Сентябр ойида мева ҳосил қилди. Уруғнинг пишиши октябр ойининг учинчи ва ноябр ойининг биринчи декадасига тўғри келди. Чортоқ адирларида кулранг изеньда уруғнинг пишиши ноябрнинг иккинчи декадасига тўғри келган [11].

Икки ва уч йиллик ўсимликларда генератив давр июнь – июль ойларига тўғри келади. Уруғларнинг пишиб етилиши ҳам бир йиллик ўсимликга нисбатан 10 – 15 кун олдин амалга ошди.

Биринчи йил охирида асосий илдиз узунлиги 1,5 – 2 метргача ўсиб кирди. Иккинчи йили ён илдизларининг фаол ўсиши кузатилди, максимал 130 – 140 смгача ўсди, шу йил охирида асосий илдиз 3 метргача кириб борди.

Куз вақтида ноябр ойларида ёмғирдан сўнг ҳаво ҳарорати нисбатан илиқ бўлгандан кейин илдиз бўғзидан узунлиги 3 – 5 см бўлган барг ва поялар ўсиши кузатилди. Шу тана қисмини майда шохли ҳайвонлар истеъмол қилади.

Терескен (*Ceratoides eversmanniana*). Ўсимлик эуксерофит экологик гуруҳига мансуб бўлиб, 20 – 30 йил яшайди [11]. Мутахасислар маълумотига кўра ушбу ўсимликни чорва моллари бир йиллик новдалари ва баргларини истеъмол қилади [11]. Уруғларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлиги 65%, дала шароитидаги унувчанлиги эса 8 – 17%, бу Чортоқ адирларида 8,5 – 19,3%ни ташкил қилган [13]. Бир йиллик тиним давридан сўнг уруғ унувчанлиги дала шароитида 63,1% бўлиб, Чортоқда эса 48,1 – 65,4%ни ҳосил қилган [13]. Уруғларнинг униб чиқиши учун оптимал ҳарорат 24 – 25^{0}C.


2009 йилги тажрибада ўсимлик март ойининг иккинчи декадасида униб чиқди. Ушбу даврда ҳақиқий барг чиқармаган бўлиб, бу босқич 7 – 8 кун давом этди. Икки йиллик ва ундан катта ўсимликлар вегетацияси март ойи ўрталарида бошланади.

Ювенил босқичида март ойининг учинчи декадасида ҳақиқий барг ҳосил қилди. Унинг ўлчами 1 - 1,5 см, аммо поясида нисбатан секин ўсиш кузатилди, илдиз тизими нисбатан жадал ўсиб борди. Ўсимликнинг умумий бўйи апрел ойида 3 – 3,5 см, илдизи 10 – 15 см, май ойи охирида 6 - 7 см, илдиз тизими эса 25 – 30 смни ташкил қилди.


Май ойининг охирида ўсиш тезлиги ортди, аммо намлик нисбатан юқори бўлган йилларда апрел ойи ўрталаридан бошлаб фаол ўсиш кузатилди. Июнь ўрталарида ўсимликнинг бўйи 45 – 50 смни ташкил қилди. Виргинил даври ўртача 110 – 130 кун давом этди. Июль ойининг учинчи ва августнинг биринчи декадаларида ғунчалаб гул ҳосил қилди. Ғунча ҳосил қилганда агар тупроқ ва ҳаво намлиги кескин камайиб кетса ғунчаларини ташлайди. Намлик нормал бўлса ғунчадан кейин 5-7 кунда гуллари очилади. Ўсимликнинг ёппасига гуллаши август ойи охирига тўғри келади. Гуллари бир уйли, бир жинсли. Танаси оддий ва мураккаб пояларни ҳосил қилган бўлиб, устки қисмларида чангчили ва пастки қисмларида уруғчили гуллар жойлашган. Уруғи октябрь ойи ўрталарида етилди. Агар йиллик ҳаво қуруқ келса терескен мева ҳосил қилмайди ёки пишмасдан тўкилади.

Иккинчи йил бир туп ўсимликда 7 – 8 та тик вегетатив поялар ҳосил қилиб, улар асосида генератив поялар ўсиб чиқади. Биринчи йил охирида илдиз тизимининг умумий узунлиги 110 – 120 смни ташкил қилади. Иккинчи ва ундан кейинги йилларда 2,5 – 3 метр, ён илдизлар эса ҳам 2 – 3 метргача ўсиши аниқланди.

Сув режими. Қуйида сув режими бўйича асосан ўсимликларнинг ассимиляцион тўқималарида сув миқдори ва транспирация интенсивлигини 3 йиллик ўртача натижалар таҳлил этилган.



Диаграммадан кўриш мумкинки (1-диаграмма) кулранг изень ўсимлигининг ассимиляцион танасида сув миқдори апрелда 75 – 79%, майда 60 – 61 %, июнда 55%, июлда 46 – 47%, августда 43,1%ни ташкил этган. Терескен баргининг сув миқдори май – июнь ойларида 64,5 – 62 %ни ташкил қилди. Август ойларида эса анча камайиб 44 – 43%ни ташкил қилди. Кейреукда икки турга нисбатан юқори бўлиб, мавсум давомида ўртача 80 - 51 %ни ташкил қилди.



Терескен ўсимлиги барглари ўлчами нисбатан катта бўлганлиги сабабли транспирация интенсивлиги кейреук ва изеньга нисбатан юқори бўлиб (2-диаграмма), апрель ойларида максимал ўртача 1098 – 1100 мг/г соатни, май ва июнь ойларида ўртача 810 мг/г соатни ташкил қилди. Июль – август ойларида транспирация кескин тушиб 360 – 380 мг/г соатни ташкил қилди. Бу Чортоқ адирларидаги ушбу ўсимликнинг транспирацияси билан солиштирилганда нисбатан юқори ҳисобланади [11]. Бу жойларнинг иқлим – шароити билан изоҳланади. Кейреук ўсимлигининг транспирация интенсивлиги нисбатан кам бўлиб май, июнь, июль ойларида деярли

бир хил 400 – 450 мг/г соатни ташкил қилди. Август ойининг учинчи декадасида 270 – 274 мг/г соатни ташкил қилди. Изень ўсимлигининг ҳам транспирация жадаллиги иқлимга боғлиқ бўлиб, апрел ойида нисбатан жадал 750 - 770 мг/г соатни, май ва июнь ойларида 585 – 540 мг/г соатни, июль ойида эса 280 ва августда 190 мг/г соатгача тушиб борган.

Хулоса ва тавсиялар. Ўсимликлар вегетацияси солиштирилганда кейреукда 200 – 210 кун, терескенда 190 – 200 кун, изеньда 220 – 240 кун давом этди.

Кейреук ҳосилдорлиги биринчи йил 8 – 9 ц/га, уруғларида эса 1 – 1,3 ц/гани ташкил қилди. Уч йиллик ўсимликни ҳосилдорлиги июль ойининг бошида мевалар ҳисобига юқори бўлиб, 20 ц/га, сентябр ойларида 15 ц/гани ташкил қилди. Изеньда эса биринчи йилги ҳосилдорлиги 3 – 4 ц/га, уруғ ҳосилдорлиги 0,6 ц/га бўлди, иккинчи йил ҳосилдорлик 10 – 12 ва 1,2 ц/гани ташкил қилди. Чортоқ адирларида бу кўрсатгич нисбатан юқори биринчи йил 4,2 – 6,4 ва 1 ц/га, иккинчи ва ундан кейинги йилларда 32,5 – 42,2 ва 2,3 ц/га бўлган [13]. Бу ҳудудларни иқлим ва тупроғининг нисбатан фарқ қилиши билан тушунтирилади. Терескенда нисбатан илиқ бўлган қиш ойларида феврал ойи охирида икки ва ундан катта ёшдаги ўсимликлар ўсишни бошлагани аниқланди. Бир йиллик ўсимликлар яшил массасини ўртача ҳосилдорлиги 5 ц/га, иккинчи ва учинчи йилларда 10 – 17 ц/гани ва уруғлари 1,7 ц/гани ташкил қилди.

Кейреук ўсимлигининг ассимиляцион тўқималарида сув миқдори терескен ва изеньга нисбатан юқори эканлиги диаграммадан (1-диаграмма) кўриниб турибди. Транспирацияси ҳам икки турга нисбатан кам (2-диаграмма). Ушбу турни чидамлилиги терескен ва изеньга нисбатан юқори эканлигини маълум бўлди. Изень ва терескенинг фаол ўсиш даври май ва июнь ойларида, кейреукнинг фаол ўсиш даври эса июнь ва июль ойига тўғри келади. Генератив давр олдин изень ва кейреук (июнь), сўнг терескенда (июль) ойларида бошланади.

Иқлим шароитга чидамлилиги жиҳатдан кейреук икки турга нисбатан юқори бўлса ҳам изень ва терескеннинг вегетацияси ҳамда ҳосилдорлиги, ўсимликларнинг кўп йиллик эканлиги, майда шохли чорва моллари яхши истеъмол қилишини ҳисобга олиб, Чуст – Поп адирлари яйловларида устки яхшилаш (поверхностная улучшения) усулида яъни мавжуд ўсимликлар жамоасини бузмаган ҳолда асосан ўсимликлар сийраклашган ҳудудларда кўпайтириш тавсия этилади. Бу ҳудудда юқоридаги ўсимликлардан ташқари Суғд шувоғи ўсимлигини ҳам экиш мумкин. Ушбу турнинг Чуст Поп адирларида биоэкологияси ўрганилган [19]. Барча ўсимликлар биргаликда устки яхшилаш усулида экилганда ушбу 4 тур ва мавжуд жамоа билан биргаликдаги ҳосилдорлиги 2 – 3 йилларда экилмаган жойга нисбатан ўртача 10 – 15 ц/га юқори бўлди. Ўрганилган турларнинг озуқавийлик қиймати ҳам юқори [4, 7, 12].

Ҳудудлар чорвадор фермерларга бўлиб берилган бўлиб, ҳар бир фермер ўз майдонида кўпайтириши мумкин. Бир неча йиллик дала тажрибалардан маълум бўлдики тўрт турни ҳам 0,5 см чуқурликга кеч куз ноябр ойи ёки декабрда экиш тавсия этилади ва лалми усулда экилади. Экилган ҳудудларда биринчи йил чорва боқиш ҳам тавсия этилмайди, чунки биринчи йил ўсимликлар илдизи фаол ўсишда бўлади. Иккинчи йил куз фаслидан бошлаб ушбу ҳудудларларда рацион асосида

чорва моллари боқилса яйловлардан 10 – 12 йилгача фойдаланиш мумкин. Бу жараён нафақат чорвачилик учун, балки ҳудуд табиий экосистемаси мувозанатини сақлаш, тупроқ эърозиясини олдини олиш учун ҳам муҳимдир.

Ҳозирда ушбу турлар уруғини кўпайтириб уруғчиликни ривожлантириш мақсадида Чуст – Поп адирларида жойлашган "Root-stem" масъулияти чекланган жамиятнинг 0,5 га майдонида экиб ўстирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Андреев Г.Н. Луговое и полевое кормопроизводство. – М.: 1989. –С. 3 – 9.
2. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. – Н.: 1974. – С. 153.
3. Верник Р.С., Рахимова Т.Т. Естественная растительность и пастбища адыров Наманганской области. – Т.: 1982. – С. 10
4. Верник Р.С., Маркова Л.Е., Рахимова Т.Т. Биологические особенности вводимых в культуру кормовых растений// Сб.: Эколого – биологические основы создания искусственных пастбищ и сенокосов на адырах Ферганской долины. – Т.: 1977. – С. 16
5. Иванов Л.А. и др. О методе быстрого взвешивания для определения транспирации в естественных условиях// Ж. Ботаника. № 2. – Т. 1950. – С. 171-185.
6. Илиахунова С. Биология и водный режим некоторых однолетних солянок в условиях Ферганских адыров// Автореферат диссертации кандидат наук по биологическим наукам. – Т.: 1993. – С. 8.
7. Ларин И.В. Луговодства и пастбищное хозяйство. – Л.: 1964. – С. 164, 129 – 130.
8. Мирзамаҳмудов О.Т. Оценка ландшафтно – экологического условия Северо Ферганских адыров (на примере Наманганского вилоята). Автореферат диссертации кандидат наук по географическим наукам. – Т.: 2007. – С. 12, 9.
9. Научно – прикладной справочник по климату Узбекистан. Многолетние данные. Узбекистан. Кн. 2. – Т.: Узгидромет. 2015. – С. 149.
10. Пратов У.П. Вопросы внутривидовой систематики Kochia prostrata (I…) Schrad.// Сб.: Изень - *Kochia prostrata* (L.) Schrad. Ташкент: Фан, 1971. С. 6 – 9.
11. Рахимова Т.У. Экология растений адырной зоны Узбекистана. Част – 1-2. – Т.: 1997. – С. 18, 54 – 56, 187-186, 49, 46-54
12. Тодерич К.Н. *Kochia prostrata* (L.) Schrad – Ценное кормовое растение для улучшения пустынных и полупустынных пастбищ. – Т.: 2014. – С. 10, 85.
13. Усманалиев А. Биолого – экологические основы создания искусственных кормовых угодий на Чартакских адырах Ферганской долины // Автореферат диссертации доктора наук (DSc) по биологическим наукам. – Т.: 1977. С 9 - 14.
14. Шамсутдинов З. Введение в культуру пустынных кормовых растений. – Т.: 1987. – С. 124.
15. Шеримбетов С.Г. Молекулярно-биологические и экологические особенности растений высохшего дна Аральского моря// Автореферат диссертации доктора наук (DSc) по биологическим наукам. – Т.: 2017. – С. 34 - 35.

16. Шомуродов Х.Ф. Кормовые растения Кызылкума и перспективы их использования// Автореферат диссертации доктора наук (DSc) по биологическим наукам. – Т.: 2018. – С. 34.

17. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни (http://lex.uz/docs/3030362).

18. Anteneh Belayneh, Zewdu K Tessema. Mechanisms of bush encroachment and its inter-connection with rangeland degradation in semi-arid African ecosystems: a review// J. Arid Land. 9(2): – U. China. 2017. - P. 299–312

19. Imomov O.N. Biological and ecological features of *Artemisia sogdiana* Bge in the conditions of Chust – Pap steppes in Ferghana valley// J. European science review. No. 3 – 4. 2018. – V. – P. 36 – 39.

20. Kurochkina L. Ya. Monitoring and Mapping of Degradation of Vegetation Formations in the Ecosystems of Arid Aral Sea Region// J. Arid Ecosystems. Vol. 5, No. 4. 2015. – P. 201–215.

21. Krista Ann Ehlert. Optimizing efficacy of bromus tectorum (cheatgrass, downy brome) biological control in crops and rangelands// A dissertation for the degree of doctorate of Philosophy in Ecology and Environmental Science. – Montana state university. USA. 2017. – P.5

22. Lu, X., E. Siemann, X. Shao, H. Wei, and J. Ding. Climate warming affects biological invasions by shifting interactions of plants and herbivores// J. Global Change Biology. USA. 2013. – P. 27

23. Shamsutdinov Z. Sh., etc. Innovative Technology for Ecological Restoration of Degraded Rangeland Ecosystems Based on New Varieties of Fodder Halophytes in Arid Regions of Russia// J.Russian Agricultural Sciences. Vol. 42, No. 5, - M. Russia :2016. – P. 348–352.

24. Yang YU etc. Climate change, water resources and sustainable development in the arid and semi-arid lands of Central Asia in the past 30 years// J. Arid Land. No 11(1): 1–14. – U. China. :2019. –P. 3.

УДК 581.9.502.4(575.151)

СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИНИНГ НОЁБ ВА КАМЁБ ЎСИМЛИКЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИ

Ибрагимов Акрам Жавлиевич
ТерДУ доценти
Султонов Худойшукур Ғайратович
ТерДУ талабаси

Аннотация. Сурхон қўриқхонаси ҳудудида Кўҳитанг тизмасининг 27 турдаги эндем ва субэндем турлари ўсади. Улардан 5 тури қўриқхона эндемлари ҳисобланади.

Калит сўзлар: флора, қўриқхона, тур, туркум, оила, эндем, субэндем.

БИОЭКОЛОГИИ РЕДКИХ И ИСЧЕЗАЮЩИЙ ВИДОВ РАСТЕНИИ СУРХАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЗАПОВЕДНИКА

Ибрагимов Акрам Жавлиевич
Доцент ТерГУ
Султонов Худойшукур Ғайратович
Студент ТерГУ

Аннотация. *На территории Сурханского заповедника произрастают 27 эндемичных (вместе с субэндемичными) видов хр. Кугитанг. Пять из них являются эндемиками заповедника.*

Ключевое слова: *Флора, заповедник, вид, род, семейства, эндемик, субэндем.*

BIOECOLOGY RARE SPECIES AND EXTINCTION OF THE SURKHAN STATE NATURAL RESERVOIR

Ibragimov Akram Javliyevich.
Candidate of biological sciences, docent of TerSU
Sultonov Khudoyshukur Gayratovich.
Student of TerSU

Annotation. *On the territory of Surkhan reserve grow 27 endemic (with sub-endemic) species hr. Kugitang. Five of them are endemic to the reserve.*

Keywords: *flora, nature reserve, species, genus, family, endemic, subendem.*

Кўҳитанг тизмаси Помир-Олой тоғ системасининг жануби-ғарбий тармоғи ҳисобланиб, тизманинг шарқий томонида Сурхон қўриқхонаси, ғарбий томонида Койтендаг (Кўҳитанг) қўриқхонаси жойлашган.

Р.В. Камелин Кўҳитанг тизмасининг флорасини таҳлил қилиш билан бирга унинг эндем ўсимликларини ҳам келтириб ўтган. Улар жумласига *Astragalus bobrovii* B. Fedtsch. (*Astenolobium* Gontsch. монотип секциядан), *A. plumbeus* (Nevski) Popov, *A. willisii* Popov, *Euphorbia spinidens* Bornm., *Zygophyllum bucharicum* B. Fedtsch., *Hymenocrater incisodentalus* Boriss., *Otostegia bucharica* B. Fedtsch., *Cousinia spryginii* Kult., *C. leptoclada* Kult. ва бошқаларни киритган [2].

Ф.О. Хасанов Кўҳитанг тизмасининг дарахт ва бутазорлар типини тадқиқ этиш билан бирга ушбу ҳудуд учун 13 турдаги эндем ўсимликларни келтириб ўтган. Улар

қуйидагилардан иборат: *Astragalus plumbeus* (Nevski) Gontsch, *A. rubri-galli* Popov, *A. willisi* Popov, *Oxytropis pseudoleptophysa* Boriss, *Seseli nevskii* (Korovin) Pimenov et Sdobnina, *Acantholimon majevianum* Regel, *Lappula nevskii* Raenko, *Phlomis thapsoides* Bunge, *Neogaillonia botschantzevii* Lincz., *Cousinia spryginii* Kult., *C. dimoana* Popov, *Echinops multicaulis* Nevski, *Jurinea popovii* Iljin [6].

Р.В. Камелин ўзининг "Флора Сырдарьинского Каратау" асарида бутун Кўҳитанг тизмаси бўйича (Шеробод–Келиф паст текислигидан Сувсиз тоғининг пастки ва ўрта қисми ҳамда Туркманистон ҳудудидаги Оқбош, Иллак, Илликбош ҳамда Таркапчиғай ва Гаурдак туманларини ўз ичига олади. Умумий майдони 6700 км^2.) 92 оилага мансуб 545 туркум ва 1435 тур ўсимликларни келтирган [3]. Шундан 119 тур ўсимлик Кўҳитанг тизмасининг турли хил мақомдаги эндемлари эканлигини таъкидлаб ўтган.

Охирги йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида айнан Кўҳитанг тизмасидаги эндем ўсимликларнинг 22 тури аниқланди. Уларнинг 6 оила, 13 туркум ва 17 турга мансуб эканлиги келтирилган эди [1]. Кейинги тадқиқотлар Сурхон қўриқхонасининг флораси таркибида 5 турдаги қўриқхона эндемлари ва 17 турдаги Кўҳитанг тизмасининг эндемлари учрашини кўрсатди. Бу эса қўриқхона умумий флорасининг 2,96% ташкил этади.

Р.В. Камелин бўйича Кўҳитанг тизмасининг флорасини 1000 турдан кам эмаслигини назарда тутсак, тизманинг эндем турлари флоранинг 2,20% ташкил этади.

Эндем турларнинг ўсимлик оилалари бўйича тақсимланиши қуйидагича: *Asteraceae* 8 тур (жами эндемларнинг 36,36%), *Fabaceae* 4 тур (18,18%), *Apiaceae* ва *Lamiaceae* 2 турдан (9,10%), *Alliaceae*, *Caryophyllaceae*, *Rosaceae*, *Iridaceae*, *Poaceae*, *Plumbaginaceae* каби оилаларда 1 турдан (4,55%) иборат.

1. *Acantholimon majevianum* Regel (*Plumbaginaceae*). Кўҳитанг тизмаси флорасининг камёб турларидан бири. Қўриқхонада Боғлидара ва Тангидувал бўлимларининг шимолий қисмида тарқалган. Шағалли, майда тошли, майда тупроқли ерда, денгиз сатҳидан (д. с.) 1000-1200 м баландликда ўсади. Тоғ ва тоғ олди ўсимликлар қопламида асосий рол ўйнайди. 100 м^2 майдонда сони sp^1-sp^2.

2. *Allium kugitangi* F.O. Khass. ined. Бу тур 2006-2008 йилларда олиб борилган изланишларимиз натижасида Сурхон қўриқхонасининг Боғлидара бўлимидан д.с. 1500-1800 м баландликдан, сийрак арчазорлар орасидаги майда тошли, майда зарра тупроқли ердан топилди ва ҳозирги вақтда нашр учун тайёрланмоқда.

3. *Astragalus plumbeus* (Nevski) Gontsch. (*Fabaceae*). Сурхон давлат қўриқхонасида кам тарқалган тур. Асосан Хўжанқо бўлимининг шимолида, денгиз сатҳидан 1100-1500 м баландликда оҳак тошли ва майда жинс тупроқли ёнбағирларда учрайди.

4. *A. subschachimardanus* Popov. Қўриқхонада кам тарқалган тур. Асосан Қизилолма бўлимининг шимолий қисмида д.с. 1500-2800 м баландликда тошли, шағал-тошли ёнбағирларда ўсади. Сони sp^2-sp^3.

5. *Cousinia glabriseta* Kult. (*Asteraceae*) Кам тарқалган тур. Фақат Сурхон давлат қўриқхонасида Қизилолма бўлимининг шимолий ёнбағрида тарқалган. Майда жинс

тупроқли ва шағал-тошли тупроқда д.с. 1500-1800 м баландликда ўсади. 100 м² майдонда 5-10 дона учрайди.

6. *C. leptoclada* Kult. Кам учрайдиган тур. Фақат Қизилолма бўлимининг шимолий қисмида тарқалган. Тошли, шағал-тошли ёнбағирларда д.с. 1800-2500 м баландликда ўсади. Популяциялари сони бир неча донани ташкил этади.

7. *C. triceps* Kult. Сурхон қўриқхонасида фақат Қизилолма бўлимида учрайди. Тошли ва шағалли ёнбағирларда д.с. 2700 м баландликда якка-якка ҳолда ўсади. 100 м² майдонда 10-15 донани ташкил этади.

8. *Echinops multicaulis* Nevski. Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб тур. Қўриқхонада асосан Қизилолма, Боғлидара, Танги-Дара ҳудудларида тарқалган. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмида (д.с. 1800 м баландликкача) шағалли, майда тошли, майда зарра тупроқли ерларда (ўртача 20-30 дона) ўсади.

9. *Ferula nevskii* Korovin *(Apiaceae)*. Кўҳитангда кенг тарқалган турлардан бири. Бу тур қўриқхонанинг ҳамма ҳудудларида майда жинс тупроқли, тошли, шағал-тошли ёнбағирларда, д.с. 1500-200 м баландликда учрайди. Сони cop¹.

10. *Juno vvedenskyi* (Nevski ex Woronow) Nevski (*Iridaceae).* Кўҳитанг тизмасидаги эндем ўсимлик. Тизманинг шарқий қисмида, қўриқхонанинг Хўжанқо бўлими Куюкдара сойининг жанубий ёнбағрида тарқалган. Майда тошли, майда жинс тупроқли, шағалли ёнбағирларда д.с. 1200-1800 м баландликда ўсади, сони sp¹-sp².

11. *Jurinea tapetodes* Iljin (*Asteraceae*). Кам учрайдиган тур. Кўҳитанг тизмасининг шарқий қисмида Сурхон қўриқхонанинг Кампиртепа, Шержон ва Вандоп бўлимларида тарқалган. Шағалли ва майда тошли ёнбағирларда д.с. 2200-2800 м баландликда ўсади, сони sp².

12. *Lepidolopha fedtschenkoana* Knorring. Сурхон қўриқхонасида жуда кам учрайдиган турлардан бири. Фақатгина Боғлидара ва Танги-Дувал ҳудудларида д.с. 1000 м баландликда тош ёриқларида, тошли ва шағалли ёнбағирларда учрайди. Асосан якка-якка ҳолда тўп-тўп бўлиб ўсади, сони sp¹.

13. *Oxytropis megalorrhyncha* Nevski *(Fabaceae).* Сурхон қўриқхонасининг эндем тури. Кўҳитанг тизмасининг шарқида Қизилолма бўлимининг шимолий қисмида тарқалган. Тошли ва шағалли ёнбағирларда д.с. 2500-2800 м баландликда ўсади. 100 м² майдонда 5-10 дона атрофида учрайди.

14. *O. pseudoleptophysa* Boriss. Сурхон қўриқхонасидаги камёб турлардан бири. Бу турнинг популяцияси фақат иккита жойда аниқланган. Биринчиси, Кампиртепа бўлимининг юқори қисми Заҳарли довонидаги (д.с. 2500-2700 м) тошли, шағал-тошли ёнбағирликда, иккинчи популяцияси Қизилолма бўлимининг шимолида (д.с. 2100-2600 м) майда тошли, шағалли ёнбағирликда тарқалган.

15. *Rosa bellicosa* Nevski (*Rosaceae*). Кўҳитанг тизмасида кам тарқалган тур. Тизманинг ғарбий қисмида Кўҳитанг қишлоғи яқинида ҳамда Сурхон қўриқхонасида Кампиртепа ва Шалқонсойларнинг юқори қисмида учрайди. Тошли, шағал-тошли, майда жинс тупроқли сой бўйларида ўсади, сони sp².

16. *Scutellaria heterotricha* Juz. et Vved. (*Lamiaceae*). Сурхон қўриқхонаси Хўжанқо бўлимининг шимолий қисмида тарқалган. Харсанг тошлар ёнбағрида д.с. 1500-2000 м баландликда ўсади, сони sp².

17. *S. nevskii* Juz. et Vved. Кўҳитанг тизмасида кам тарқалган тур. Қўриқхонанинг Танги-Дара бўлимида д.с. 1200-1400 м баландликда ола жинсли, оҳактошли ҳамда гипсли ёнбағирларда кичик популяцияда сақланиб қолган, сони sp^1.

18. *Seseli nevskii* (Korovin) Pimenov et Sdobnina (*Apiaceae*). Кўҳитанг тизмасининг шарқий қисми Сурхон қўриқхонасининг эндеми ҳисобланиб, Ходжа-фил-ота бўлимида тошли, шағал-тошли ёнбағирларида д.с. 1800-2300 м баландликда тарқалган [10].

19. *Silene nataliae* F.O. Khass., I.I. Malzev (*Caryophyllaceae*). Сурхон қўриқхонасининг эндеми. 1991 йилда Ф.О. Хасанов ва И.И. Мальцевлар томонидан [7] Кампиртепа бўлими, Мачилли сойининг юқори қисми д.с. 2200 м баландликдан топилган. Ҳозирги кунда 60 тупдан иборат икки популяцияда сақланиб қолган. Тадқиқот натижасига кўра Ўзбекистон Қизил китобининг 2009 йилдаги янги нашрига киритилди.

20. *Stipa gnezdilloi* Pazij (*Poaceae*). Кўҳитанг тизмасининг камёб ўсимликларидан бири. Сурхон қўриқхонасида Кампиртепа бўлими Мачилли сойининг юқори қисмида д.с. 2000-2500 м баландликда тошлиғшағалли қияликларда тарқалган, сони sp^1.

21. *Taraxacum gnezdilloi* Kovalevsk. (*Asteraceae*). Кўҳитанг тизмасидаги камёб турлардан бири. Қўриқхонанинг Кампиртепа, Шержон бўлимларининг жанубий қисмида учрайди. Майда жинс тупроқли ва тошли ёнбағирларда д.с. 1200-1800 м баландликда ўсади, сони sp^3.

22. *Xylanthemum rupestre* (Popov ex Nevski) Tzvelev. Сурхон қўриқхонасининг эндем ўсимлиги. Қўриқхона ҳудудининг Қизилолма бўлимида тарқалган. Асосан тошли, шағалли, қоя тошлар орасида д.с. 2500-3000 м баландликда учрайди.

Шунингдек, қўриқхона ҳудудида 5 та субэндем мақомига эга бўлган турлар ҳам аниқланди *(3-иловада турларнинг қўриқхона ҳудудида тарқалиш харита-схемаси келтирилган)*. Бу турларнинг тарқалиш чегараси Кўҳитанг тизмаси атрофидаги айрим ҳудудларга ҳам тўғри келади.

1. *Astragalus bobrovii* B. Fedtsch. (*Fabaceae*). Сурхон қўриқхонасидаги кам тарқалган субэндем ўсимлик. Қўриқхонанинг Қизилолма ҳудуди шимолий қисмида 100 $м^2$ майдонда 10-20 тагача учрайди. Бу турнинг ареали Жануби-Ғарбий Ҳисор округининг Хўжа-Гургурота тизмасида ҳам учрайди [4, 5].

2. *A. willisii* Popov. Сурхон қўриқхонасидаги камёб ўсимлик турларидан бири. Тангидара ҳудудида ва Қизилолма бўлимининг шимолий қисмидагишағал-тошли ёнбағирларда ҳамда арчазорлар ичида д.с. 1200-1600 м баландликда, якка-якка ҳолда (8-10 дона) тарқалган. Турнинг ареали Катта Қурчуқ тоғига ҳам чиқади [5].

3. *Euphorbia densiuscula* Popov (*Euphorbiaceae*). Кўҳитанг тизмасининг камёб турларидан бири. Боғлидара ҳудудида д.с. 1200-1300 м баландликда тарқалган. Бундан ташқари Бойсун тоғ тизмасида (Каттақамиш қишлоғи) ҳам учрайди.

4. *Phlomis spinidens* Nevski (*Lamiaceae*). Кампиртепа, Қизилолма ва Хатак бўлимларида д.с. 1200-1500 м баландликда тарқалган камёб тур. Майда жинс тупроқли, гилли, ола жинсли тупроқларда 100 $м^2$ майдонда 30-35 дона ўсади. Бу турни Дарбанд атрофларида ҳам учратиш мумкин.

5. *Salvia lilacinocaerulea* Nevski. Кўҳитанг ва Бойсун тоғ тизмаларида кам тарқалган тур. Қўриқхонанинг Кампиртепа бўлими Заҳарли довони атрофларида д.с. 2500-2700 м баландликда шағалли, майда тошли тупроқли ерда ўсади. 100 м^2 майдонда 10-20 туп. Бу турнинг ареали қўриқхона ҳудудига қўшни бўлган Бойсунтоғ тизмаси ҳудудларида ҳам тарқалган.

Қўриқхонадаги эндем таксонларнинг 22 тури (умумий флоранинг 2,96%) тоғ, 4 тури (0,54%) яйлов, 1 тури (0,13%) адир минтақаларида тарқалган. Бундан маълум бўладики, эндем ўсимликларнинг асосий қисми қўриқхонанинг тоғ минтақаси ҳудудида тарқалган. Ҳаётий шаклларига кўра, эндем ўсимликларнинг 12 тури (умумий флоранинг 1,61%) ўқилдизли поликарп ўтларга, 3 тур яримбутачаларга (0,40%), 2 тур (0,27%) икки йилликлар ўтларга тўғри келади. Буталар, ёстиқсимон поликарплар, илдизпояли поликарплар, пиёзли поликарп ўтлар, илдизтугунакли, тугунакпояли поликарп ўтларда 1 турдан (0,13%) иборат. Бу турларнинг ареали таҳлил қилинганда қўриқхона эгаллаган майдонлар ва Кўҳитанг тизмаси ареалининг асосий қисми эканлиги маълум бўлди. Шундай қилиб, Сурхон қўриқхонасида эндем таксонлар (субэндемлар билан бирга) 27 турдан (3,63%) иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибрагимов А.Ж. Эндемизм флоры хребта Кугитанг // Биоразнообразие: проблемы и перспективы сохранения: Материалы межд. науч. конф. 13-16 мая 2008 г. – Пенза, 2008. – С. 217-219.

2. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. – *Л.*: Наука, 1973. – 353 с.

3. Камелин Р.В. Флора Сырдарьинского Каратау.–*Л.*: Наука, 1990. – 145 с.

4. Определитель растений Средней Азии. В 10-ти т. – Ташкент: ФАН, 1968–1993.

5. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. – Тошкент: Chinor ENK, 2009. Т.1. – 335 б.

6. Хасанов Ф.О. Ксерофильная древесно-кустарниковая растительность Кугитанг-тау: Автореф. дис... канд. биол. наук. – Ташкент, 1987.– 20 с.

7. Хасанов Ф.О., И.И. Мальцев. Новый вид рода *Silene* L. из Кугитанга // Узб. биол. журн. – Ташкент, 1991. – № 3. – С. 66-67.

07.00.00 ТАРИХ ФАНЛАРИ ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ HISTORICAL SCIENCES

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИГИДА ҚОРАДАРЁНИНГ АФЗАЛИКЛАРИ

Қобул Махамаджонович Насритдинов –Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали “Гуманитар фанлар” кафераси доценти

Аннотация. *Мақолада муаллиф Фарғона водийси суғорма деҳқончилигида энг муҳим табиий сув манбаларидан бири бўлиб ҳисобланган Қорадарёнинг сув манбалари, сувининг таркиби, табиий-географик жиҳатлари, номланиши хусусида турли тарихий, этнографик географик манбалар асосида ёритиб берган.*

Калит сўзлар: *Фарғона водийси, суғорма деҳқончилик, Қорадарё, сув манбалари, гидроним, тарихий атама, тарихий, этнографик, ирригация.*

ПРЕИМУЩЕСТВА КОРАДАРЬО В ОРОШАЕМОМ ЗЕМЛЕДЕЛИИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

Қобул Махамаджонович Насритдинов **-** Доцент кафедры гуманитарных наук Андижанский филиал Ташкентского государственного аграрного университета

Аннотация. *Автор статьи на основе разнообразных исторических, этнографических, географических источников анализирует образование реки Карадарья и его притоков, физический и химический состав её воды, историческую терминологию реки играющую важную роль в орошаемом земледелии Ферганской долины.*

Ключевые слова: *Ферганская долина, орашаемое земледелие, Карадарья, орошение, водные источники, гидроним, исторический термин, исторический, этнографический, ирригация.*

ADVANTAGES OF KORADARIO IN IRRIGATED AGRICULTURE IN THE FERGANA VALLEY

Kobul Makhamadjonovich Nasritdinov **-** Associate Professor of the Department of Humanities Andijan branch of Tashkent State Agrarian University

Annotation. *The author, on the basis of various historical, ethnographic, and geographical sources, analyzes the formation of the Kara Darya River and its tributaries, the physical and chemical composition of its water, and the historical terminology of the river that plays an important role in irrigated agriculture in the Fergana Valley.*

Key words: *Fergana valley, cultivated agriculture, Karadarya, irrigation, water sources, hydronym, historical term, historical, ethnographic, irrigation.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бошқа деҳқончилик воҳаларига нисбатан Фарғона водийси ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам анчагина табиий афзалликларга

эга бўлган минтақа бўлиб, унинг майдони 22, 2 минг кв. км. дир. Ўзбекистон Республикаси таркибига кирган қисми эса, 17 минг кв. км. ни ташкил этади[1;286], қолган 5,2 минг кв. км ҳудуди Қирғизистон ва Тожикистон республикалари таркибига кириб, унинг 27 фоиз ҳудуди адирли ерлардир[2;99]. Фарғона водийси ғарбдан-шарққа узунига 370 км гача, шимолдан жанубга энига 80 км.дан–120 км.гача чўзилган. Иқлими мўътадил, оқин сувнинг сероблиги, таркиби жиҳатидан энг яхши серҳосил тупроқнинг мавжудлиги жуда қадимдан бошлаб водийда суғорма деҳқончилик хўжалигининг муттасил ривожланишини таъминлаган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсини илмий ўрганган олим академик А.Миддендорф: “Фарғона водийсининг қадимги шуҳрати шунга асосланадики, унинг барча табиий шароити, серунум тупроғи қишлоқ хўжалигига қулайлик туғдирган. Бу шуҳрат Самарқанднинг фахрли донғи билан қўшилиб кетган”[3;12]- деб ёзган эди.

Юқоридаги жиҳатларга асосланиб эса, кўп олимлар ўз асарларида водийни “Бахтли Фарғона”[4;471], “Туркистон инжуси”[5;161] номлари билан ҳам қайд этганлар.

Дарҳақиқат, Фарғона водийсини ўраб турувчи Қурама, Чотқол, Фарғона, Олой тоғ тизмаларидан олти юздан ортиқ катта-кичик дарёлар, сойлар бошланиб, ўз сувлари орқали кўп миқдорда оқизинди жинсларни водийга олиб келиб, тупроқ унумдорлигини оширадилар[5;162].

Кези келганида шуни таъкидлаш лозимки, водийнинг сув манбалари ва сув баланси ҳилма-ҳилдир. Ушбу сув манбалари асосан тоғлардаги музлик ва мавсумий қорларнинг эриши ҳисобига тўйинадиган дарёлардир. Бунда музликлар ҳиссаси жуда оз миқдорни ташкил қилади. Майда тоғ сойларининг тўйинишида эса ёмғир ва сел сувлари муҳим ўрин эгаллайди.

Гидрогеолог олим В.Л.Шульцнинг классификациясига кўра, Фарғона водийси дарёларининг сувга тўйиниши хусусиятига кўра тўртта типга яъни музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар, қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар, қор сувларидан тўйинадиган дарёлар, Қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар бўлиш мумкин[6; 26-27]. Қорадарё ва унинг ирмоқларидан Қуршоб, Қорағулжа, Тар ушбу классификациянинг иккинчи типига киради. Уларнинг асосий сув ҳавзалари унча баланд бўлмаган 2500-4000 метр тоғ қисмлари бўлиб, ушбу дарёларнинг сувга тўйиниш даври асосан май, июнь ойларига тўғри келиб, Фарғона тоғ тизмасининг ғарби-жанубий ён бағирларидан сув тўплайдилар[7; 528-531].

Қорадарё Фарғона водийсининг йирик табиий суғориш манбаларидан бири Сирдарёнинг чап тармоғидир. Водий суғорма деҳқончилигида Қорадарё жуда катта аҳамиятга эга бўлган сув манбаидир. Зотан, Фарғона водийсининг энг йирик суғориш иншоотлари Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнахр, Мусулмонқул, Жанубий Фарғона каналлари Қорадарёдан сув оладилар. Водийнинг йирик сув омборларидан Андижон сув омбори ҳам Қорадарё ўзанида бунёд этилганди.

Қорадарё Ясси, Тар, Қорағулжа ва Қуршоб каби асосий ирмоқлардан ташкил топади. Қорағулжа Учсаид номли кичкина музликдан бошланиб суви унча кўп эмас. Тар дарёси Фарғона тизмаси билан Олойнинг бир-бирига туташган жойидан бошланиб, кўпроқ қорликлардан озиқланади. Ясси эса Қорадарёнинг йирик

ирмоқларидан ҳисобланиб, Фарғона тизмасининг ғарбидан бошланади. Унга йўлда Сиртош, Читти, Қумбел каби шохобчалар қўшилади. Қўршоб дарёси Олойнинг шимоли-шарқий ён бағридан бошланиб, асосан, кўп йиллик қорлар ва қисман музликлардан сув олади.

Қорадарё ҳавзасининг сув тўпловчи майдони 28600 кв. км.га яқиндир[6;172]. Қорадарё ирмоқларининг барчаси Кампирровот дарасига етмасдан бир-бирига қўшилади ва тоғ оралиғидан кенг водийга чиқади. Шаҳрихонсой ва Андижонсой каби суғориш тармоқларининг бош иншоотлари шу ерда қурилган. Водий бўйлаб дарё ғарбга томон то Мингбулоқда Норинга қўшилгунча бутун масофада эгри-бугри бўлиб оқади, кўп жойларда икки юз метрдан етти километргача кенг адоқлар ҳосил қилади. Қорадарёнинг узунлиги 139 километрдир. Сунъий суғоришда муҳим рол ўйнайдиган ушбу Қорадарёнинг энг характерли табиий хусусияти қуйидагилардан иборат. Биринчидан, Қорадарё ва унинг тармоқлари сувга бой. Унинг Кампирровот районидаги ўртача сув миқдори 114 м. сонияни ташкил қилади. Бу Фарғона водийсининг жанубий қисмидаги Сўх, Исфара, Шоҳимардон ва Исфайрам дарёларининг бирга қўшиб олингандаги миқдоридан ҳам кўпдир (уларнинг ҳаммаси биргаликдаги олинган сувининг миқдори 90 м/с га тенг). Иккинчидан, Қорадарё сувининг табиий кўпайиши даври ҳам, асосан, қишлоқ хўжалиги экинларининг кўпроқ сув билан таъминлаш даврига мос келади. Кам сувли дарёларга қарама-қарши ўлароқ, Қорадарёнинг оқими муттасилдир. Бу ҳолат Қорадарё ирмоқларининг ҳарактерига боғлиқдир. Масалан, Ясси ирмоғида кўп сув апрель ойи охирларида бўлади. Қуршобда эса май ойининг биринчи ярмида, Тарда июнь бошида, Қорағулжада июннинг охирларида сув кўп бўлади [8;148]. Бундай табиий ҳолат дарёда сувнинг нисбатан муттасил бўлишини таъминлайди. Кейинги ойларда сув бир оз камаяди, лекин бу суғоришда муҳтожлик туғдирмайди, чунки баланд тоғлардан кўп йиллик қор ва оз бўлса ҳам музликлар ёзнинг иссиқ ойларида фаол эрий бошлайди. Шунинг учун ҳам дарёнинг сув оқими унчалик ўзгармайди. Учинчидан, Қорадарёнинг ўзани Амударё ва Сирдарёникидан фарқли ўлароқ, водийнинг текислик қисмига қараганда баланддир. Қорадарё сувининг суғоришга олиш бошланадиган жой Кампирровотдан бошлаб, бу дарёдан чиқарилган энг охирги ариқ Сиза ариғи бошигача дарё деярли ерни юзасида оқади. Бу ҳолат суғориш учун ариқ чиқаришга қулай. Шунинг учун ҳам Фарғона водийсидаги Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнахр, Насриддинбек, Мусулмонқул ариғи, Катта Фарғона каналларининг Қорадарёга қурилиши унинг юқоридаги табиий ҳолатлари жиҳатидан ҳар томонлама мақсадга мувофиқ эканлигининг гувоҳидир. Тўртинчидан, Қорадарё сувининг кимёвий таркиби ҳам анчагина мўътадилдир. Сирдарё, айниқса Қорадарё суви калий ва кальций тузларига бой[9;7]. Қорадарёнинг йилига ўртача 6320 тонна турли оғирликдаги жинсларни оқизиб келиши, сувининг ўртача лойқалиги 1,64 кг $м^3$ ни ташкил этиши дарёнинг сув таркиби мураккаб тузилишига эга эканлигидан далолат беради.

Қорадарё сувида тузлардан ташқари экин учун фойдали минераллар ҳам мавжуд. Шаҳрихонсой тўғони бошида, яъни Қорадарёнинг Кампировот участкасида сувдаги минералларнинг миқдори 1 литрда 200-300 мг га тўғри келади. Сув таркибида азот ва фосфор кўп учрайди[10;8].

Она ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида илмий жиҳатдан ўрганилишида муҳим аҳамият касб этувчи соҳа ва йўналишлардан бири бу географик жой номлари яъни топонимларни келиб чиқиши ва тарихини ўрганишдир. Ҳар бир топоним қандайдир маънони англатади. Шу маънода республикамиз вилоятларида жумладан Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий хаётида муҳим ахамият касб этувчи Қорадарё атамаси хусусида қуйидаги фикр мулохазаларни зикр этиш жоиздир.

Топономист, географ, тилшунос олим, профессор С. Қораевнинг ёзишича, табиий ёки инсон томонидан яратилган ҳар қандай сув объектлари-океанлар, денгизлар дарёлар, сойлар, жилғалар, сув омборлари, қудуқларнинг номлари гидронимлар сирасига киритилиб (юнонча hidro-сув, onim-ном, исм) топонимнинг бир туридир[11;212]. Шу маънода қадимдан зироатчилик билан шуғилланиб келган водийнинг миришкор халқи дарёни "Қорадарё" деб номлашлари ҳам бежиз эмас. Бизга тарихий ёзма манбалардан маълумки, туркий халқлар ижтимоий хаётида "қора" тарихий атамаси кенг маънода қўлланилган. Бу атама билан Марказий Осиёда X аср охирларида ташкил топган Қорахонийлар номи билан давлатчилик тарихимизга кирган давлатнинг номланганлигини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Тарихчи олим, академик А.Р. Мухаммаджоновнинг қайд этишича, қадимдан туркий халқларда "буюклик", "улуғлик" сўзлари "қора" сўзи билан сифатлангани боис "қорахон" атамаси "улуғхон" деган маънони англатади[12;119]. Қадимдан, туркий халқлар суғорма деҳқончилигида тоғ дарёларини ва булоқлардан сизиб чиқувчи "зилол" "юмшоқ", сувларни "қорасув" деб номланиб келинган. Демак, халқимиз томонидан қадимдан сифатланиб келинган "қора" атамасини Қорадарёга нисбатан қўллаб шарҳланса дарё атамасининг луғовий маъноси "улуғдарё", "азимдарё" "зилол дарё"деган маъноларни англатади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Фарғона водийси суғорма деҳқончилигида табиат инъоми бўлган Қорадарё ўзининг табиий-геогрфик жойлашуви натижасида юзага келган қулайлик ва афзалликлари водийда қадимдан суғорма деҳқончиликнинг шаклланишида муҳим омил бўлиши билан бирга водийда яшовчи зироатчилик билан шуғулланган халқларнинг ўзига хос тамаддунини юзага келишида ҳамда шунинг баробарида эса кўп минг йиллик тарихини шаклланишидаги аҳамияти беқиёсдир.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

1. Узбекская ССР. Экономико-географическая характеристика. - М., 1956. - С. 306.
2. Дадахўжаев А. Наманган адирларида экологик муаммоларининг айрим жиҳатлари // Цивилизация. Экология. Инсон. Илмий амалий конференция материаллари. -Т.,1999.-Б. 198.
3. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. -СПб., 1882. - С. 604.
4. Мушкетов И. В. Туркестан. -СПб., 1886. - С. 558.
5. Боймирза Ҳайит. Ёруғ кунлар орзусида // Жаҳон адабиёти. 1998. № 10.- Б- 161-164.
6. Шульц В.Л., Машрапов Р.М. Ўрта Осиё гидрографияси. -Т., 1969. -Б.117.
7. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. -Л., Гидрометеоиздат, 1965.- С 541.
8. Ферганская долина. Т. 1.-Т.: АН УзССР, 1954. - С.159.

9. Александров И.Г. Проект орошения Юго-Восточной Ферганы. - М., 1924.-С. 234.
10. Безрукова Т.И. Солевой режим поливных вод в Ферганской долине: Автореф. дисс. ... канд.ист.наук. -Т., 1957. - С. 34.
11. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари.-Т.,"Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2005. Б.239.
12. Мухаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан-XVI аср бошларигача) Университетларнинг бакалаврлари учун дарслик.-Т., 2004. Б.319.

08.00.00 ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ ECONOMIC SCIENCES

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маҳкамов Ибройим – и.ф.н., доцент,
Бекмирзаев Мирзохид Адашалиевич – катта ўқитувчи,
Мадаминжонов Охунжон Раҳимжон ўғли – 11у-17 гуруҳи талабаси
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация: *Мақолада бугунги кунда дунё аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжлари йилдан йилга ошиб бораётгани ва ушбу муаммоларни ҳал этишда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни экспорт қилиш масалалари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, мева-сабзавот, экспорт, замонавий технологиялар, хом-ашё.*

ПРЕСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВЫРАШИВАНИЯ И ПЕРЕРАБОТКИ ПРОДУКТОВ ПЛОДООВОЩНЫХ КУЛЬТУР

Маҳкамов Ибройим – к.э.н., доцент,
Бекмирзаев Мирзохид Адашалиевич – стр. пред.,
Мадаминжонов Охунжон Раҳимжон ўғли – студент
Наманганский инженерно-технологический институт

Аннотация: *В статье рассмотрены динамика роста потребления населения нашей планеты к сельскохозяйственным продуктам, а также решение выше указанных проблемы с применением современных эффективных технологий. Анализирована проблемы производства и экспорта сельхозпродуктов.*

Ключевые слова: *сельское хозяйство, продукты, фрукты и овощи, экспорт, современные технологии, сырьё.*

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF GROWING AND PROCESSING OF FRUIT AND VEGETABLE PRODUCTS

d.e.s., associate professor I.Maxkamov,
senior teacher M.Bekmirzayev, student O.Madaminjonov
Namangan Engineering and Technology Institute

Annotation: *The article concentrated highlights the growing demand and needs of the world's population for agricultural products every year and unequal use of modern technologies in addressing these issues, as well as these of agricultural production and export.*

Keywords: *agriculture, food, fruits and vegetables, export, modern technology, raw materials.*

Бугунги кунда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида маҳсулот етиштириш ҳажми ва турларини кўпайтириш шунингдек, қишлоқ аҳолисини даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини кенг кўламда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, мазкур тармоқ аҳолини озиқ-овқатга, қайта ишловчи саноат тармоқларини эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш мақсадида бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва бошқа бир қатор қарорлар, фармонлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш мақсадида, амалиётга замонавий илм-фан ютуқлари, интенсив технологиялар қўлланилаётгани ва деҳқон-фермер хўжаликлари фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилаётганлиги бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Аграр соҳадаги таркибий ўзгаришлар туфайли 2017 йилнинг ўзида 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда турли сабзавот ва кўкатлар экилди, бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги токзорлар, 1,5 минг гектарда иссиқхоналар барпо этилди. Бунинг натижасида 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот ва 724 минг тонна ҳўл мева хориж мамлакатларига экспорт қилинди, бу мамлакатимизга 856 миллион долларлик валюта келтирди [1].

Шуларни ҳисобга олиб, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида жами 878,9 минг гектар, шундан, 151,8 минг гектар сабзавот, 28,6 минг гектар картошка, 54,6 минг гектар полиз, 23,3 минг гектар кунгабоқар, 9,5 гектар соя, 398,1 минг гектар дуккакли экинлар, 57,3 минг гектар шоли, 94,3 минг гектар озуқа ва 61,5 минг гектар бошқа экинлар экилган.

Ушбу экинлар учун жами 18,6 минг тонна сабзавот уруғи, 658,8 тонна полиз уруғи ва 505,9 минг тонна уруғлик картошка сарфланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли қарорига асосан 2017-2020 йиллар давомида паст рентабелик пахта ва ғалла майдонларни мақбуллаштириш ҳисобига 2020 йилгача 235 минг гектар майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг ўрнига 40,9 минг гектар картошка, 96,7 минг гектар сабзавот, 49,8 минг гектар озуқа экинлари, 15,1 минг гектар мойли экинлар ҳамда 20,9 минг гектар интенсив боғлар ва 12 минг гектар токзорларга қўшимча майдонлар қўшилади [3].

Белгиланган чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда ва мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳоли жон бошига мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва истеъмол қилиш кўрсаткичлари тобора ортиб бормоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиз аҳолиси қарийб 10 миллион кишидан кўпроққа ортишига қарамай, жон бошига

тўғри келадиган сабзавотлар истеъмолини эса деярли 4 баробарга оширишга эришилди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида 2020 йилда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш 2014 йилга нисбатан 2-3 мартага кўпайтирилиши мўлжалланган. Бу эса нафақат мева-сабзавот маҳсулотлари билан ички истеъмолни қондириш, балки қайта ишлаш ва экспортга чиқариш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Келгусида мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотларини ички эҳтиёжлардан ортиқча қисмини тўғридан-тўғри ёки қайта ишланган ҳолда экспортга чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон бозорларида кенг имкониятларни вужудга келиши демакдир.

Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшимча қийматга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ушбу тармоқ бозорини кенгайтириш учун маҳсулот сифати, стандартларини таъминлаш қайта ишлаб чиқариш жараёнида илм ва фан ютуқларидан тўлароқ фойдаланиш, мавжуд илмий-тадқиқот институтларини ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг географик жойлашуви салоҳиятидан фойдаланиш талаб этилади. Ушбу йўналишда давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида фаолият юритаётган турли хўжалик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ролини оширишнинг янги институционал муҳитини яратишда агрокластерларни ташкил этиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Кластер – бу экин экишдан тортиб, хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи ўз ичига оладиган тизим эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уни қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида қўллаш мумкинлигини вақт кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан жорий этилаётган кластер фермерликнинг келажаги эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Уни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири иштирокчиларнинг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сотиш – илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларини амалиётда қўллаш орқали бир-бирига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига қўшимча қиймат яратиш, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринларини очиш, ишлаб чиқариш жараёнидаги барча иштирокчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш асосида аҳоли даромади ва турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёш мутахассисларни доимий иш билан таъминлаш эътиборга лойиқдир.

Бугунги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Наманган вилоятида мева-сабзавот, узум маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш имкониятларини юқорилиги билан ажралиб туради. Бу вилоятда мева-сабзавотчилик тармоғини юксалтириш салоҳиятини мавжудлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, вилоятда ташкил этилган кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ҳам кластерлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу мева-сабзавот маҳсулотлари

етиштиришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш заруриятини тақозо этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида аграр тармоқни янада ривожантиришга алоҳида эътибор қаратиб, соҳага хориж тажрибасини жорий этиш ва ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш лозимлигини муҳим вазифа сифатида белгилаб берди. Бундан кўзланган мақсад, ер умри бекор ўтмаслиги, такрорий экин экиб етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва тегишли қисмини экспорт қилиш асосида қўшимча даромад олишдир.

2018 йилда Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларга мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини сотиш, етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган. Вилоятнинг барча туманларида агрофирмалар томонидан фермер хўжаликлари ва томорқачиларни зарур уруғлик, ўғит, химикатлар, техника воситалари ва маблағлар билан таъминланаётганлиги деҳқонларнинг қўшимча маҳсулот етиштириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлганидек, Наманган вилоятида ҳам такрорий экин экишга етиштирилган ҳосилни сақлаш ва чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда вилоятда умумий ғалла майдонининг 92 фоизига такрорий экинлар экилди. Жумладан, 14200 гектарга сабзавот, 1800 гектарга картошка, 2500 гектарга эса полиз маҳсулотлари, 4000 гектарга кунгабоқар, 1878 гектар ерга соя, 37972 гектарга дуккакли ва бошқа экинлар экилди.

2017 йилда 261,4 минг тонна картошка, 741,5 минг тонна сабзавот, 69,8 минг тонна мева ва резавор, 119,9 минг тонна узум, 549,0 минг тонна дон маҳсулотлари йиғиб олинди. Буларнинг барчаси аграр соҳадаги таркибий ўзгаришларни, янги технологиялардан самарали фойдаланишнинг натижасидир.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва ички истеъмолдан ортиқ қисмини экспортга чиқариш масаласи ҳукуматимиз диққат марказида бўлиб келаётгани ва бу борада қулай имкониятлар яратилганлигига қарамай, бир қатор камчиликлар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида алоҳида эътибор қаратиб ўтилди: “Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларида яшайди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади” [2].

Бундай ҳолат Наманган вилоятида ҳам мавжуд бўлиб етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини 17 фоизигина қайта ишланади. Шу муносабат билан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ўтган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада сифатли қилиб бозорга етказиш жараёнларини бирлаштирувчи агрокластерлар ташкил этиш заруриятга айланиб бормоқда. Агрокластерлар қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет

даромадларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Наманган вилоятида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- Вилоят туманларини жойлашувини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, яъни Косонсой, Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишлайдиган корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур туманларнинг асосий ер майдони адирлик ва тоғолди ҳудудлардан иборат бўлиб, сув таъминотида маълум муаммолар мавжуд. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, кам сув талаб қиладиган, ёнғоқ, бодом, ўрик ва узум маҳсулотларини етиштирадиган интенсив боғларни кенгайтириш;

- Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишга алоҳида эътибор қаратиш ва бу вазифаларни бажарилишини мутасадди раҳбарлар назоратига олиш. Шунингдек, такрорий экин экишдан деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш;

- Етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар барпо этиш ёки мавжудларини кенгайтириш, инновацион техника ва технологиялар билан қуроллантириш ҳамда шу асосида янги иш ўринларини яратиш. Бу йилги тажриба ва кузатувлар шуни кўрсатдики, етиштирилган олма, узум маҳсулотларини тўла қайта ишлаш имкониятининг йўқлиги учун қўшни вилоятлар Тошкент, Фарғона ва Андижонга қайта ишловчи корхоналарга олиб кетилди. Шуларни ҳисобга олиб, қайта ишловчи корхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш;

- Қайта ишланган маҳсулотларни сифатли қадоқлаш ва ташқи кўринишига, яъни дизайнига алоҳида эътибор қаратиш;

- Маҳсулотларни сотиш бўйича реклама қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;

- Етиштирилган маҳсулотларни йил давомида сақлаш учун бир хил ҳароратда сақлаб турувчи махсус совутгичли омбор қуриш ёки мавжудларини мунтазам ишлашини таъминлаш;

- Етиштирилган маҳсулотларни йиғиб-теришда ва ташишдаги исрофгарчиликларни имкони борича камайтириш;

- мева-сабзавот, полиз ва узумни узоқ вақт сақлаш ва олис масофаларга ташишда сифати бузилмайдиган навлари ва уруғликларидан экишни йўлга қўйиш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш соҳасини кенг кўламда модернизациялаш ва техник-технологик жиҳатдан янгилаш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда ишлайдиган мутахассис кадрларни тайёрлашга, малака ва тажрибаларини оширишга эътиборга қаратиш ва ҳоказолар.

Бизнингча, юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва қайта ишлаш имкониятларини кенгайиши асосида янги иш ўринларини яратиш учун асос бўлади.

Қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратилиши катта аҳамиятга эгадир. Чунки, иш билан банд бўлмаганларнинг кўпчилиги қишлоқ аҳолиси, хусусан

ёшлардир. Уларнинг аксарият қисми Россия, Қозоғистон ва бошқа хориж мамлакатларига иш излаб кетмоқда. Энг ачинарлиси, маълум касб-ҳунарга, тажрибага ва мустақил фикрга эга эмасларни борлигидир. Бундай тоифадагиларни орасида баъзи бирлари тайинли иш топа олмай, одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгарлар қўлига тушиб, "қул"га айланиб, ўз юртига қайта омаяпганлар, бахтсиз ҳодисалар туфайли майиб-мажруҳ бўлган ва ҳаётдан бевақт кўз юмганлар ҳам учраб турибди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Одамларимизга шароит яратмаганимиз учун улар бегона юртларга бориб, иш қидириб юришибди. Бу – энг катта хато ва камчиликларимизни ўз вақтида ҳал қилмаганимиздан далолат. Шунинг учун улар бегона юртларда сарсон-саргардон".

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кластер асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий технологияларга асосланган кичик корхоналарни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, коммуникациялар тармоғини, замонавий маиший ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини барпо этиш ҳисобига янги иш ўринларини яратилиб, ҳоҳловчиларни деярли барчасини иш билан таъминлаш имкониятини вужудга келтиради. Бу эса қишлоқлар қиёфасини, турмуш маданиятини тубдан ўзгартириш ва мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. "Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир". Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни"га бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 10 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

3. www.agro.uz сайти маълумотлари.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тожибоева Машҳурабону Тожибой қизи
Ўзбекистон Халқаро ислом академияси
"Зиёрат туризми" I босқич талабаси

Аннотация: *Мақолада туризмни ривожлантириш соҳасидаги фармон ва қарорлар, уларнинг аҳамияти кўрсатилиб, туризмнинг бугунги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқ сифатидаги салоҳияти очиб берилган. Туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта заҳиралари тўлдириш бўйича юзага келаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.*

Калит сўзлар: *саёҳат, маданий мерос объектлари, даромад, қадриятлар, туризм, ички туризм, ташқи туризм, инфратузилма, иқтисодий фаровонлик, туризм истиқболи.*

ПЕРСПЕКТИВЫ ПО РАЗВИТИЮ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Таджибаева Машхурабону Таджибой кизи
Международная исламская академия Узбекистан
студентка I курса “Выездной туризм”

Аннотация: *В статье подчеркивается важность указов и решений в области развития туризма и объясняется потенциал туризма как перспективной сети с высоким уровнем дохода для современной национальной экономики. Даны конкретные предложения и комментарии по вопросам повышения вклада туризма в развитие экономики Узбекистана, популяризации исторических и культурных ценностей, а также восполнения зарубежных резервов и путей их преодоления.*

Ключевые слова: *Путешествие, объекты культурного наследия, доходы, ценности, туризм, внутренний туризм, иностранный туризм, инфраструктура, экономическое процветание, перспективы туризма.*

PERSPECTIVES ON THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN

Tojiboyeva Mashxurabonu Tojiboy qizi
International Islamic Academy of Uzbekistan
“Ziyorat tourism”, I st year student

Annotation: *The article outlines the importance of decrees and decisions in the field of tourism development and explains the potential of tourism as a perspective network of high income for today’s national economy. There are specific proposals and comments on the issues of raising the contribution of tourism to the development of Uzbekistan’s economy, promotion of historical and cultural values, as well as filling foreign reserves and ways to overcome them.*

Key words: *travel, cultural heritage sites, income, values, tourism, domestic tourism, foreign tourism, infrastructure, economic prosperity, tourism prospects.*

Ҳамма замонларда ҳам юксак тараққиёт ва маънавият ўчоғи бўлган масканлар туристлар эътиборида бўлган. “Инсон ҳаётида уч омил, яъни муҳаббат, қизиқарли касб, саёҳат қилиш учун имконият бахт-саодат манбаидир” деган эди Иван Бунин [1]. Ҳақиқатан ҳам саёҳат ҳордиқ чиқаришнинг энг мароқли, қизиқарли ҳамда энг қимматли тури ҳисобланади. Диёримиз ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат бўлиб, заминимизда дунёга маълум ва машҳур улуғларнинг зиёратгоҳлари ҳамда қадамжойлари бор. Юртимизда 7300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти Юнеско рўйхатига киритилган [2.67.]. Эътироф этиш ўринлики, хорижликларнинг азалдан аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросга қизиқиши бениҳоя юқори бўлган.

Туризм ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқ бўлиб, туризмдан келаётган даромад нефть ва автомобиль

саноати билан рақобатлашаётгани фикримиз исботидир. Яъни, туризм имкониятлари мавжуд мамлакатларда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари жадал тараққий этиб, туризмдан келаётган даромад ялпи ички маҳсулотнинг 15-35 фоизини ташкил этмоқда.

Туризм тарихига назар солсак, араб сайёҳи Ибн Баттута [3] 21 ёшида саёҳатини бошлаб, деярли барча Шарқ мамлакатларидан токи Шимолий Африка давлатларигача пиёда кезиб чиққан илк сайёҳ бўлган.

XIV асрнинг охирига келиб Амир Темурнинг шон-шуҳрати Европа мамлакатларигача бориб етган. Англия, Франция, Испания, Генуя, Византия каби давлат ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилганлар. Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ҳаёт ва сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши Руи Гонсалес де Клавихо кундаликларида акс этган [4].

Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқими кўпаймоқда. Матбуот саҳифаларида 2018 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони икки миллион юз мингдан ошган бўлса, бу кўрсаткич йил охирига бориб икки баробарга ўсган. Бундан англашиладики, Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлатлар қаторидан жой олмоқда.

Туризм мамлакатимиз иқтисодий-маънавий юксалишида жиддий аҳамиятга эга. Туризм туфайли иқтисодий ўсиш халқ фаровонлиги, турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича кўплаб давлат дастурлари қабул қилиниши диққатга сазовордир. Жумладан, 2016 йил 2 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарор эълон қилиниб, анъанавий маданий-тарихий туризм, унинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, даволаш-соғломлаштириш, спорт, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик турларини кенг оммалаштириш, соҳани комплекс ривожлантиришга доир миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, хорижий мамлакатларнинг шу фаолият билан шуғулланадиган ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, республикамизнинг барча ҳудудида туризм индустрияси объектларини жойлаштириш, тизим учун етук кадрларни тайёрлашни тубдан такомиллаштириш каби долзарб вазифалар белгиланди. Туризм соҳасида бошқарувни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси негизида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.

2017 йил 12 июлда “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 16 августда “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлар эълон қилиниб, истиқболдаги дастурлар режаси тасдиқланди, ижроси устидан тизимли назоратни олиб бориш учун Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Миллатлараро алоқаларни кенгайтириш, халқаро туристик бозорни интеграциялаш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини тарғиб қилиш, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш масаласи юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиши натижасида бугунги кунда сайёҳлар учун кўплаб кемпинглар, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилмоқда. Ўн битта халқаро аэропортда замонавий авиалайнер ҳамда тезюрар поездлар сайёҳларга тез, қулай ва хавфсиз саёҳат ташкил этиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилиши, унга юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақида ислом динининг маданий-тарихий ва илмий-теологик маркази сифатида ахборот материалларини тарғиб қилиш ва тарқатиш вазифаси юклатилаётгани юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳлар уларнинг ислом дини тараққиётидаги ўрни тўғрисида маълумот олиш имконини кенгайтиради.

2018 йил 30 июнда қабул қилинган “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармонда туризм соҳасидаги долзарб масалалар кўтарилган. Юртимизга келаётган сайёҳлар учун нафақат тарихий обида ва зиёратгоҳлар, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданияти, асрлар оша юксалиб келаётган маънавияти, ўлмас қадриятлари, анъана ва маросимлари, меҳмоннавозлиги, муомала маданияти ҳам эътиборлидир. Сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиш орқали сайёҳлар оқими кўпайишига эришилади.

Туризмни ривожлантириш соҳасидаги фармон ва қарорлар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта заҳиралари тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарурки, мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сабаблар ва уларга ечим топиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Хўш, бунинг учун тизимда нималар қилиш мақсадга мувофиқ?

Биринчидан, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш [2]. Туризмни кенг ривожлантириш учун инфратузилмани такомиллаштириш, ҳар бир йўналиш бўйича, яъни Европа, Осиё ҳамда бошқа қитъалардан келадиган сайёҳлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, чартер рейслар ва темир йўллар қатновини кўпайтириш, ички туризмни янада ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш;

Иккинчидан, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир [6]. Ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқхона ҳудудлари ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сайёҳликни мавсумий эмас, йил давомида даромад манбаига айлантириш;

Учинчидан, талаб ва таклифни меъёрлаштириш. Аввало, ички туризм бозоридаги нархлар даражасини қайта кўриш, хориж сайёҳлик фирмаларига бераётган таклиф ва тарифни "чўнтакбоп" қилиш, четдан кириб келувчи ҳамда ички сайёҳлар ўртасидаги тафовутни камайтириш, малакали туризм хизматларини йўлга қўйиш ҳамда хизматлар оммабоплигини таъминлаш, ҳудудлар табиий ва ижтимоий ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Тўртинчидан, Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур [2]. Чекка вилоятларда ҳам тарихий обида, зиёратгоҳ ва кадамжойларни ободонлаштириш, уларга олиб борувчи йўллар ҳолатини яхшилаш, зиёратчилар учун қўшимча дам олиш масканлари, меҳмонхоналар ҳамда овқатланиш шоҳобчаларини ташкил этиш;

Бешинчидан, ошпазлар уюшмасини ташкил этиш, мавжуд ресторан, кафе ҳамда чет эл саёҳатчиларига хизмат кўрсатадиган овқатланиш масканларида мусулмон давлатлар фуқаролари учун "ҳалол" тизимини йўлга қўйиш ва юртимизнинг сайёҳлик ҳудудлари гастрономик харитасини ишлаб чиқиш, тарихий обида ва маданий ёдгорликлар учун турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиб, уларда туристларни қизиқтирувчи хизматларни йўлга қўйиш;

Олтинчидан, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи қизиқарли кўрсатувлар жамланган халқаро телеканал ташкил этиш;

Еттинчидан, юртимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар акс этган плакат ҳамда буклетлар тайёрлаш. Сайёҳларнинг юртимизнинг воҳа қисмига ташрифи қониқарли бўлса ҳам, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳали ҳам фаол туристик зонага айлангани йўқ. Бу соҳада амалий чора-тадбирлар режасини тузиш келажакда бу ҳудудларнинг ҳам иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Саккизинчидан, мамлакатимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари, мўътадил иқлими ҳамда меҳмондўст халқи хорижликларни ўзига жалб қилиши табиий. Айниқса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ришталари, миллатлараро бағрикенглик муносабатлари ўрнатилгани туризм ривожланишининг энг муҳим омилидир. Зеро, туризм соҳасини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади[7].

Хуллас, туризм иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида давр талаблари даражасида фаолият кўрсатишига эришиш кўплаб тармоқларнинг бир-бирига узвий боғланиши, яхлит тизим шаклига келтирилиши, ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизмат кўрсатиш турларининг бевосита ва бавосита ривожланишига замин яратадики, туризм барқарорлигига эришиш истиқболдаги имкониятларни яхшилаш ва кенгайтириш, ҳудуд эҳтиёжи ва фаровонлигини таъминлаш имконини беради, яъни аҳолини иш билан таъминлаш имконияти кенгаяди, миллий ҳунармандчилик ривожланади, турмуш фаровонлигига эришилади, сайёҳлар оқими кўпайиб, мамлакатимизнинг бой маънавий мероси ва маданий мерос объектларига қизиқиш кучаяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иван Алексеевич Бунин (1970-1953) – воронежлик ёзувчи ва шоир, Нобель мукофот совриндори. Россия бўйлаб, кейинчалик Италия, Туркия, Фаластин, Миср, Алжир, Тунис ва Африка мамлакатларига саёҳат қилган.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеёвнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. 2017 йил 22 декабрь. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 67-бет.
3. Ибн Баттута. Саёҳатнома (Туҳфат ун-нуззор фи ғаройиб ул-амсор ва ажойиб ул-асфор) / Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н.Иброҳимов. – Т.: Шарқ, 2012.
4. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. Таржимон О.Тоғаев. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Мирзиеёв Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилда мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 38-бет.
6. Мирзиеёв Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. 2016 йил 18 октябрь / Мирзиеёв Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 30-бет.
7. Мирзиеёв Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 24-бет.

09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ PHILOSOPHICAL SCIENCES

Мазкур мақола Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ қошидаги ОТ-Ф1-95 “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” фундаментал лойиҳа доирасида тайёрланган

ИЛМИЙ КОНТЕКСТДА ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВ

Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна
Ўзбекистон Миллий университети, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ғаффарова Гулчеҳра Ғуламжановна
Ўзбекистон Миллий университети, фалсафа фанлари номзоди, доценти

Аннотация: *Ахборот технологиялари, компьютерли моделлаштириш тадқиқотларининг замонавий тараққиёти биотехнология, нанофан, нанотехнология ва ҳ.к.ларнинг эпистемологик асоси фанлараро ёндашув ҳисобланади. Фанлараро ёндашув замонавий жамиятнинг тараққиёт двигатели ҳамда нафақат илмий балки амалий муаммосидир.*

Калит сўзлар: *билиш, жараён, ёндашув, фанлараро, фанлараро ёндошув, синергетика, тафаккур, тизим, мураккаблик, фан, фан тараққиёти, ўз ўзини ташкиллаштириш.*

МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ПОДХОД В НАУЧНОМ КОНТЕКСТЕ

Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна
Националный университет Узбекистан, доктор философских наук, профессор,
Гаффарова Гулчехра Гуламжановна
Национальный университет Узбекистан, кандидат философских наук, доцент

Аннотация: *Развитие современных биотехнологий, нанонауки, нанотехнологий и т.д., что основу этих исследований составляет его информационная технологии, компьютерное моделирование эпистемологической основой которых является междисциплинарный подход. Междисциплинарный подход в современном обществе является двигатели развития не только научных, но и практических проблем.*

Ключевые слово: *познание, процесс, подход, междисциплинарность, междисциплинарный подход, синергетика, мышление, система, сложность, наук, развития науки, самоорганизации.*

INTERDISCIPLINARY APPROACH IN SCIENTIFIC CONTEXT

Abdullayeva Mahbuba Nurullayevna
National University of Uzbekistan, doctor of philosophical science, professor,
Gaffarova Gulchehra Gulamjanovna
National University of Uzbekistan, candidate of philosophy, assistant professor

***Annotation**: Development of modern bio-technologies, nano-sciences, nano-technologies, etc., that the basis of these studies is its information technology, computer modelling whose epistemological basis is an interdisciplinary approach. An interdisciplinary approach in modern society is the driving force for the development of not only scientific but also practical problems.*

***Key-words:** cognition, process, approach, inter-disciplinarity, inter-disciplinary approach, synergetics, thinking, system, complexity, sciences, development of science, self-organization.*

Билиш жараёни мураккаб, хилма-хил оламни билиш жараёнида янги усуллар ва ёндашувларни тинмай излашдан иборат. Замонавий билиш аппаратининг ривожланиш вектори мураккаблашиб бораётган, ўзаро боғлиқ, ўзаро шартланган оламни билишга, янги усуллар, методологик установкаларни шакллантиришга қаратилган. Бизни қуршаб турган дунёнинг янада мураккаблашиб бориши мураккаб тизимлар ҳаракати нимага боғлиқ деган муаммони кун тартибига қўймоқда.

Табиатдаги ночизиқли жараёнларни ўрганиш давомида замонавий билиш аппаратига мураккаб тизимлар назарияси (синергетика) қўшилди, у ночизиқли оламнинг ўрганилмаган томонларини тадқиқ қилиш имконини беради. Чизиқли олам жараёнларини акс эттирувчи қонунлар, қонуниятларга ночизиқли оламнинг илмий усуллари, ёндашувлари қўшилди. Оламни фақат дисциплинар ёндашув орқали ўрганиш унумли бўлмасдан, бунга мураккабликни ўрганиш имконини берадиган ёндашувлар зарур.

Билиш аппаратига фанлараро ёндашув қўшилди. Маълум бўлишича, ҳар бир дисциплинар фан, ўз билиш ёндашувлари, усулларидан фойдаланган ҳолда воқеликнинг муайян бир қисмини ўрганади, бу аниқ фаннинг тамойиллари, фаразлари, назариялари, қонунларида акс этади. Фанлар туташиши туфайли шаклланадиган фанлараро ёндашув, бир фаннинг усулларидан ўз тадқиқот предмети ва усулларига эга бўлган бошқа фанлардан фойдаланишда намоён бўлади (биофизика, математик иқтисод ва ҳ.к.), масалан, биологик жараёнлар физик ёндашувлар орқали ўрганилади. Фанлараро ёндашувнинг бошқа шакли – айнан бир объектни турли фанлар усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганишдан иборат. Ҳозирги замон инсоният олдига комплекс, мажмуавий тарзда ҳал қилиниши керак бўлган кўплаб муаммолар қўймоқда. Масалан, экологик муаммолар, инсон муаммоси ва ҳ.к.

Фанлараролик муаммоси “бу – муаммоли тафаккур, “офсет кўриш”дир. Бу билимларни дисциплинар тарзда эгаллашдан воз кечишни билдирмайди, балки уни фанлараро тафаккурни шакллантирувчи материални фанлараро тарзда узатиш усуллари билан тўлдиришни билдиради» [3: 17-18].

Фанлараро тафаккур - бирлашаётган (интеграциялашаётган) дисциплинар фанлар учун умумий муаммоларни ҳал қилишда билиш маконини шакллантириш асосини ташкил қилади. Мазкур муаммоларни ўрганиш муайян турдаги тафаккурнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Бир фаннинг назарий тасаввурлари бошқа дисциплинар фан томонидан ишлатилади, бу жараён умумий муаммоларни ҳалқилишда ёрдам беради, яъни фанлараро тадқиқотларда умумий методологик, билиш ёндашувларини яратиш тўғрисида сўз юритилмоқда.

Узоқ вақт давомида физика ва кимё фанлари фанлараро мавқега эга бўлиб келган. Кейинчалик кибернетика ва тизимли ёндашув ғоялари фанлараро мақега эга бўлган. Ҳозирги вақтда синергетика олдинги тадқиқотларнинг мураккаб ва бой билиш хазинасидан фойдаланган ҳолда, ўз ғоялари ва усулларини бошқа дисциплинар фанларга фаол трансформация қилмоқда [2: 12].

Синергетика ҳам жонли, ҳам жонсиз табиатда янгининг шаклланиш жараёнини ўрганади. Мазкур жараён учун зарур шароитларга қуйидагилар киради: тизим мувозанатсиз холатда бўлиши керак, тизим орқали узлуксиз материя ва энергия оқими ўтиб туриши зарур, қайтувчи алоқа ҳалқаси (илмоғи) амал қилиши билан тавсифланувчи тизим элементлари ўртасида ночизиқли алоқа бўлиши керак. Мазкур шарт-шароитлар бўлганда ҳам жонли табиатда, ҳам жонсиз табиатда, ҳам ментал соҳада тузилишнинг ўзгариши, янги структураларнинг вужудга келиши умумий қонуниятга айланади. Масалан, синергетика нуқтаи назаридан ижодий жараённинг шаклланиши ва амал қилиши қуйидагича кечади: «мияда ўзига хос фазали ўтиш содир бўлади, илгари бир-бири билан ҳеч қандай боғланмаган деталлар тўсатдан тартибга солинган ва чуқур маънога эга бирликнининг қисмларига айланади … бу ҳолда синергетиканинг бошқа соҳаларидан бизга маълум бўлган ўхшаш жараёнлар тўғрисида сўз кетаяпти. У ёки бу флуктуация (“ёришиш” ёки бирдан ёниш) натижасида тартибнинг янги параметри юзага келади (янги ғоя), у туфайли алоҳида деталлар ўртасидаги боғлиқликни топиш ва уларни тартибга солиш, бўйсундириш имкони пайдо бўлади. Бироқ буларнинг ҳаммаси ўз-ўзини ташкил қилиш – мазкур ҳолда фикрларимизнинг ўз-ўзини ташкил қилиши туфайли содир бўлади» [8: 232].

Фанлараро ёндашув, ноклассик фан методологияси сифатида синергетика фалсафий ғоялар ва ҳолатларга асосланади, бизни қуршаб турган оламни ўрганишда қўлланиладиган тартибга солувчи (регулятив) тамойиллар, усуллар ва билиш шаклларини шакллантиради. Табиат қонуниятларини ўрганиш давомида классик фан тартибсиз ҳодисаларни эътиборсиз қолдирган: турбулентлик, ўсимлик ва ҳайвонлар популяциси сонининг тебраниши, юрак мушаклари қисқаришининг нодаврийлиги ва ҳ.к. классик фан тадқиқот объектлари турғунлик ва тартиблилик жиҳатдан кўрилган, ва барча билиш классик моделига тўғри келмаган нарса ва ҳодисалар илмий тадқиқотдан ташқарида қолдирилган, тадқиқотчининг субъектив ҳатоси ҳисобланган. XX асрнинг бошида инсоният мураккаблик муаммоси билан тўқнашди. Ривожланишининг ушбу босқичда фан детерминизмга, редукция, суперпозиция тамойилига асосланган билиш жараёни илмий аппаратини ишлаб чиққан эди. XX асрнинг иккинчи ярми тартибсизлик (хаос) назарияси ва ночизиқли фаннинг шаклланиши билан тавсифланади. Фан, энг янги технологиялар, методология, билиш аппаратининг ривожланиши сезиларли даражада у ёки фаннинг ютуқлари билан белгиланади.

Фан ривожланишининг мазкур босқичида эҳтимоллик, тасодиф, ноаниқлик каби тушунчалар оламнинг жиддий, объектив характеристикалари эканлиги англанди. Замонавий фан уларнинг онтологик моҳиятини исботлаб берди.

Мураккаблик муаммолари инсониятни доим қизиқтириб келган. Масалан, Лейбниц ҳужайралар, мевалар, ўсимликлар у ёки бу даражада мураккаб автоматлар

деган фикр билдирган. У классик механика тушунчалари, тамойиллари, детерминация ва редукционизм ва ҳ.к. имкониятларига асосланиб мураккаб тизимлар назариясини яратди.

Юқорида таъкидлангандек, ҳодисаларни алоҳида фан усуллари билан билиш мумкин эмас, муайян шарт-шароитларга риоя қилинганда фанлараро ёндашув шаклланади. Ва фанлараро ёндашувнинг шаклланишида фалсафа катта рол ўйнайди. У нафақат инсон дунёқарашининг шаклланишида тартибга солувчи рол ўйнайди, балки билиш методологиясини танлашда билиш жараёнининг регулятиви (тартибга солувчиси) сифатида хизмат қилади. Фалсафий тамойиллар, ғоялар ва ҳолатларга асосланган методология билишнинг тартибга солувчи тамойиллари, усуллари ва шаклларини шакллантиради. Бизни қуршаб турган ўрганиш учун тадқиқотчи зарур методологияни танлаши керак. “Ҳозирги замон илмий билиш методологияси бўйича ишларда фалсафий методология умумфалсафий тамойиллар ва қонунларга асосланади, гносеология, эпистемология ва мантиқ асосида юзага келган ва ривожланади дейилади” [6: 16].

Фан ривожланиши тарихи ўзга билиш тамойилларига асосланган методологиянинг қабул қилинмаслигини, яъни илмий жамоа қарор топган методологияга адекват бўлмаган нарсаларни қабул қилмаслигидан далолат беради. Бунга А. Пуанкаренинг ночизиқли жараёнлар бўйича тадқиқотларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Фанлараро ёндашувнинг шаклланиши фақатгина фанлар интеграциясини тақозо этмайди. В. Буданов таъкидлаганидек, “синергетика ҳозир сўзлашув доирасида бўлиб, шаклланиш фалсафаси, эволюцион эпистемология, когнитивистика, рефлексив бошқариш, сунъий интеллект назарияси, интеграл психология, тиббиёт ва ҳ.к. каби бошқа замонавий сценарийларни ассоциациялашга уринмоқда. Синергетиканинг мега лойиҳасининг якунланишига ҳали анча вақт бор, у ҳозир конструктив етуклик фазасига кириб бормоқда… Айнан ана шу босқичда синергетика ва фалсафаларнинг бир-бирига эҳтиёжи ҳар қайси вақтдан кшҳўра катта” [1: 155].

Дисциплинар фанлар ва фалсафанинг фанлараро ўзаро таъсири шаклланиб келаётган фанлар туташган жойида қатор методологик ёндашувлар ва дастурларни шакллантиради. Бу эпистемология ривожланиш имкониятларини кенгайтиради, янги истиқболлар очиб беради. Бироқ шу билан бирга бошқа йўл ҳам бор, И.Т.Касавин таъкидлаганидек, “фанлараролик ҳодисаси эпистемологиянинг замонавий даъватларидан биридир, ҳам унинг навбатдаги инқирози, ҳам янги парвозидир”. “Фанлараролик кўп ҳолларда назарий билим ва технологиялар, билим ва кўникмалар синтези сифатида қўлланилади, бунда икки томон ҳам муайян когнитив стратегияларга қурилган, яънифанлараро тадқиқотларнинг эпистемологик контексти уларнинг ажралмас таркибий қисмидир” [4].

Эпистемологик ёндашув мураккаб ҳодисаларни билишни белгилаб беради, чунки янги томонларнинг аниқланиши ўрганилаётган ҳодисаларни адекват акс этириши лозим бўлган янги ёндашувлар, янги методологик установкаларни талаб қилади.

Фанлараро ёндашувнинг аҳамияти нафақат замонавий фаннинг ривожланиши, балки мазкур ёндашувдан ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш билан аниқланади. “Янгилик киритишсиз туролмайдиган замонавий жамият уларни рағбатлантириши керак, давлат инновацион сиёсати эса аниқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналган бўлиши, нафақат гуманистик экспертиза, балки фанлараро стратегияларни ҳисобга олиши керак” [9: 39].

Бундай муносабатнинг асосини “билим - объект” замонавий эпистемологик установкаси ташкил қилади, бунда билиш жараёни олдинги субъект-объект муносабатларидан фарқ қилади. Янги ёндашувда билиш субъектининг функциялари объектни тадқиқ қилиш доирасини кенгайтириш имконини беради. Билувчи муайян билимга эга, ва бу билим унга тадқиқот методологиясини танлаш имконини беради.

Ҳозирги замонда фанларнинг ривожланиши фанлараро тадқиқотларга асосланиб ҳам илмий, ҳам амалий фаолиятда мувафаққиятларга эришмоқда. Замонавий биотехнологиялар, нанотехнологиялар ва ҳ.к.ларнинг ривожланиши мураккаб объектларни тадқиқ қилишда фанлараро ёндашувларни қўллаш (назарий билим ва технологиялар, билим ва малакалар синтези сифатидаги) натижасидир.

Илмий тадқиқотлар ривожланишида тадқиқ қилинаётган объектнинг мумкин бўлган сценарийлари билан танишиш виртуал имконини берувчи ахборот технологиялари, компьютер моделлари ва синов-тажрибалар алоҳида ўрин эгаллайд. Маълум бўлишича, компьютерда моделлаштиришни ўтказиш имкониятлари ва шартлари моделлаштиришнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Улар натижалари инсон амалий фаолиятида фойдаланиладиган замонавий фаннинг жуда мураккаб муаммоларини тадқиқ қилишда қўлланилади.

Компьютерда моделлаштириш бир неча фанлар тўқнашувида бўлган соҳаларни илмий таҳлил ва муҳокама қилиш имконини беради. Замонавий фаннинг аксарият тармоқлари мураккаб муаммоларни ҳал қилишда компьютерда моделлаштиришга мурожаат қиладилар. Масалан, “ақл - мия” сингари мураккаб тизимни қандай қилиб тадқиқ қилиш мумкин. “Ақл - мия” мураккаб тизимини тадқиқ қилиш учун компьютер нейробиологияси, физика, инженерия, молекуляр биология, тиббиёт ва эпистемологиялар бўйича фанлараро дастур зарур [5: 305].

XX асрда компьютер ахборот технологиялари табиий фанлар ривожланиши учун қудратли пойдевор сифатида хизмат қилади. Ахборот технологиялари бу – одамлар меҳнатини самарали ташкил қилиш усулларини ўрганувчи ўзаро боғлиқ, илмий, технологик, инженерликка оид фанлар тизимидир. Улар вазифасига муайян усуллар ёрдамида ахборотни йиғиш, сақлаш, излаш, қайта ишлов бериш, узатиш ва бериш киради.

Мамлакат ривожланиши янги ғоялар, инновацияларни генерация қилиш ва рағбатлантириш қобилиятига эга олимлардан улкан интеллектуал куч ва ҳаракатни талаб қилади. Инновацияларни жорий қилиш мамлакат ривожланишининг муҳим йўлларидан бири.

Бугун “инновация” атамаси фанлараро характерга эга ва фаннинг кўплаб тармоқларида – иқтисодда, илмий-техник соҳада, фалсафада, педагогика ва таълимда фойдаланилади [7].

Биотехнологиялар, нанофан, нанотехнологиялар ва ҳ.к.лар ривожланиши замонавий тадқиқотлар асосини ахборот технологиялари, компьютер ёрдамида моделлаштириш ташкил қилишини, ўз навбатида, уларнинг асосида фанлараро ёндашув ётганини кўрсатмоқда. Мантиқий-гносеологик жиҳатдан ахборот технологияларида акс этган юқори даражали абстракциялар (мавҳумлаштиришлар) ҳар бир алоҳида ҳолда ўзига хос хусусиятларига кўра амалга ошади. У маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш мажмуасидан ўрганилаётган ахборот объектидан янги сифатли ахборот олиш учун фойдаланади.

Фанлараро ёндашув замонавий жамиятда нафақат илмий, балки амалий муаммоларни ҳаракатга солувчиси, ҳал қилувчисидир. Масалан, синергетик ёндашув бир-биридан тубдан фарқ қилувчи жонли ва жонсиз табиатларнинг умумий томонларини аниқлаш имконини берди.

Фанлараролик ўз муаммоларини биргаликда ҳал қилишга интилган ва бунда устуворликни аниқ дисциплинар фанга берувчи турли фанлар ҳамдўстлигидир. Масалан, Э. Морен таъкидлашича, «фанлараролик фақат шуни англатадики, худди БМТда турли миллатлар ўз ҳуқуқларини ва қўшни мамлакат тажовузига нисбатан ўзининг мустақиллигини эълон қилиш мақсадида йиғилгандай турли фанлар бир стол атрофида йиғиладилар. Лекин фанлараролик айрбошлаш ва кооперацияга ҳам интилиши мумкин, бунинг натижасида фанлараролик уйғун бир нарсага айланиши мумкин» [10: 457].

Шундай қилиб, замонавий фаннинг локомотивларидан бири фанлараро ёндашувдир, у илмий тадқиқотларни ҳам чуқурлаштириш, ҳам кенгайтириш, ҳам хулосаларни экстраполяция қилиш, ҳам ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш имконига эга. Фанлараро ёндашув сифатида юзага келган ўз-ўзини ташкил қилиш концепцияси олмадаги барча нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро шартланганлигини кўрсатади.

Синергетик ёндашув асосини тизимли ёндашув ташкил қилади. «Синергетика бир-биридан жуда фарқ қиладиган фанларга таянада, уларга физика, кимё ва биология, лекин шунингдек социология ва иқтисод ҳам киради, шунинг учун синергетика томонидан кашф этилган ва изоҳлаб берилган қонуниятлар фаннинг турли соҳаларида тақдим қилинади, ва биз синергетика доирасида мозаика сингари кўплаб алоҳида фан йиққан фактлардан таркиб топган янги ягона олам манзарасининг юзага келишини кўриш имкониятига эга бўламиз»[8: 25].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Буданов В. Методология и принципы синергетики // Философия основи, 2006. №1(3), -С.155.

2. Киященко Л. Феномен трансдисциплинарности – опыт философского анализа. - Santabka, Filosofija. 2006. Т.14. №2. 1SSw 1822-430xprint/1822-4318 online, p.12.

3. Книгин А.Н. Междисциплинарность: основная проблеме // Вестник Томского Государственного университета, 2008. №3(4), -С.17-18.

4. Князева Е.Н. Трансдисциплинарные стратегии исследований //Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin), 2011. 10(112), -С.193-201.

5. Майнцер К. Сложносистемное мышление. Материя. Разум. Человечество. Новой синтез. – М., 2008. –С.305.

6.Методологические проблемы дисциплинарных и междисциплинарных исследований в социально-гуманитарных науках. – Санкт-Петербург, 2010. –С.16.

7. Сошенко И.И. Междисциплинарный характер понятия инновация // Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin), 2013. 13(141). С.136-144.

8. Хакен Г. Синергетика: учение о взаимодействии. – Москва-Ижевск, 2003. – С.232.

9. Шостка В.И. Методология современной науки и проблема формирования междисциплинарного подхода Вопросы духовной культуры философские науки, - С.39.

10. Морен Э. Метод. Природа. Природы. – М.: Прогресс-Традиции, 2005. -С.457.

АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ.

Шуҳратжон Абдуллаев
Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси.

***Аннотация**: Ушбу мақолада давлатлар ва халқлар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг ривожланишида ижтимоий лойиҳалар, манфаатлар ва қадриятларнинг аҳамияти барқарорлик ва толерантликни таъминлаши нуқтаи назаридан фалсафий жиҳатдан таҳлил этилади.*

***Калит сўзлар**; Тараққиёт, барқарорлик, аҳил қўшничилик, қадрият, ижтимоий идеал, социум, эгоизм, зоҳирий ва ботиний туташлик, миллат.*

ЗНАЧЕНИЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ КАК ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКАЯ ЦЕННОСТЬ В ДОБРОСОСЕДСКИХ ОТНОШЕНИЯХ.

Шухратжон Абдуллаев,
независимый исследователь Ферганского государственного университета.

***Аннотация:** В этой статье анализируются философские перспективы развития сложных отношений между государствами и народами с точки зрения обеспечения устойчивости и толерантности социальных проектов, интересов и ценностей.*

***Ключевые слова**; Развитие, стабильность, добрососедство, ценность, социальный идеал, социум, эгоизм, кажущаяся и покорние отношении, национальность.*

THE VALUE OF TOLERANCE AS A UNIVERSAL VALUE IN GOOD NEIGHBORLY RELATIONS.

Shuhratdzhon Abdullaev,
Independent researcher Fergana State University

***Annotation:** This article analyzes the philosophical prospects for the development of complex relations between states and peoples in terms of ensuring the sustainability and tolerance of social projects, interests and values.*

Keywords; *Development, stability, good neighborliness, value, social ideal, sociology, egoism, seeming and submissive, nationality.*

Глобаллашувнинг мураккаб жараёнлари ва жаҳон бўйлаб амалга оширилаётган халкаро муносабатлардаги жадаллик, тараққиёт ва фаровонликка эришишни мақсад қилгани ҳолда уни реал воқеликда самарали жорий этиш омиллари нималардан иборат, деган муаммони ҳам кун тартибига қўйди албатта. XX аср охирларида академик Н.И.Моисеев таъкидлаганидек "давримизнинг ўзига хослиги шундан иборатки, кишилар, гуруҳлар, давлатлар манфаатлари доираси тобора кўпроқ бир-бирига мос келувчи таркибий қисмлар билан кенгайиб бормоқда. Одамлар борган сари бир-бирларига боғлиқ бўлиб қолмоқдалар.

Умуминсоний қадриятлар қарор топиб бормоқда. Демакки, кишилар ўртасидаги, энг аввало, давлатлараро ўзаро алоқалар икки томонлама манфаатли келишувларни топишга қодир бўлган муроса институтларининг қонунлаштирилишига қачондир олиб келади"[1]. 1995 йилда Юнеско Бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессиясида Париж шаҳрида муқаддима ва олти моддадан иборат "Бағрикенглик тамойиллари декларацияси"ни қабул қилингани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан хар йилнинг 16 ноябри "Халқаро бағрикенглик куни" деб эълон қилинишидан пировард мақсад ҳам инсонлар ва халқлар ўртасидаги тотувликни таъминлаш орқали барқарор тараққиётга эришишдир. Шарқ дунёқарашига хос ноёб бир жиҳат, омил бор: олам унсурлари – энг қуйи "маҳаллий" даражадан то космосгача – яхлит, бир-бирига хизмат қилади, бир-бирини тўлдириб туради.

Ҳолбуки, инсонлар, социумлар, жамиятлар ҳам шу унсурлардан ҳисобланади. Бироқ унга зид тарзда, хусусан, Ғарбда муаммога бир томонлама атомистик ёндашув шакллантирилган. У ерда ҳар бир индивид ва социумнинг алоҳидалиги, "ўзига ўзи етарлилиги" мутлақлаштирилиб, оқибатда бу ижтимоий ҳаётнинг барча даражаларида шахсий манфаат – жамият манфаатига, фуқаро манфаати – давлат манфаатига; айрим давлат, минтақа манфаатлари – жаҳон ҳамжамияти манфаатларига қарши қўйилади. Яшаш усулининг чуқур қатламларидан мустаҳкам жой олган эгоизм пировардида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Бугунги кунда тўқнашувларнинг кучайиши, жамиятни тартибга солиш борасидаги жиддий қийинчиликлар ва қолаверса, дунё барқарорлигининг тобора заифлашишининг замирида айнан шуларнинг ётганлиги, ҳатто Ғарб олимлари томонидан ҳам инкор қилинмаётир[2]. Улар жамият, ҳокимият тармоқлари, қолаверса, оддий инсонлар ўртасида ўзаро ишончсизлик ёхуд ишонмасликнинг бугунги кунда янада авж олаётганидан ташвишга тушмоқда.

Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ташаббуснинг нечоғлик бугунги кун манфаатларини акс эттираётгани янада ойдинлашади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Республикада 10 та миллий-маданий марказлар фаолият олиб борган бўлса, ҳозирда 138 та миллий-маданий марказлар фаолият олиб бораётганлиги ва 2017 йил май ойида Президент фармони билан Байналминал маданият маркази

негизида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси ташкил этилганлиги ҳам миллатлараро тотувликни таъминлашда бағрикенглик тамойилига қатъийлик амал килинаётганлигидан далолатдир. Хуллас, бошқалар билан ҳамнафаслигини, манфаатлари улар билан туташлигини чуқур англаган, шунингдек, ички яхлитликни қадрлаган жамиятгина барқарор бўлади ва шу тарзда минтақа ҳамда дунё барқарорлигига хизмат қила олиши мумкин.

Марказий Осиё минтақаси ҳалқларига хос бу хислат халқаро сиёсий амалиётда ҳам яққол кўзга ташланмоқдаки, у ҳаммага ҳам, афсуски, хос эмас – ҳамма халқлар ҳам буни уддалай олмайди. Буни сабабларидан бири тарихий тажриба бўлиб, бағрикенгликни миллий ва умуминсоний қадрият сифатида англаб, давлат бошқарувида адолат тамойили сифатида жорий этиш ғояси XX аср бошларида жадид маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида бундан бир асрдан зиёдроқ вақт олдин ҳам акс этган. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий мамлакат тараққиётида барча миллатлар ва турли эътиқод эгалари ҳамжиҳатлиги ҳамда манфаатларини таъминлаш ҳаётий зарурият эканлигини таъкидлаб, " Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликда ислоҳотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар, миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак"[3]деган эди.

Толерантлик тушунчасини таърифлашда қарашлар хилма-хил бўлиб, жумладан,"Толерантлик шундай бир қадриятдирки, у " ўзгалар" билан қарама қарши туришга эмас, балки тинч- тотув яшашга, "ўзгалар"ни инкор қилишга эмас, балки тан олишга, зўравонликка итоаткорона сабр- тоқат билан қарашга эмас, балки уни бартараф этишга асосланади. Фаол сабр-тоқатсизлик, бошбошдоқлик ва ҳар қандай қилмишларни кечириб юборишнинг ҳаддан ташқари ҳукмли шаклларини қабул қилмасликдир"[4].

Албатта, толерантлик тамойили умуминсоний қадрият сифатида экстремизм, этнофобия ва ксенофобиянинг хар хил турларига самарали кураш орқали зиддият ҳамда муаммоларга барҳам беришда жуда катта ахамиятга эга. Давлатлараро муносабатларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижаси ва муваффақияти ўзаро мулоқотларда толерантлик яъни бағрикенглик ғоясининг самарали жорий этилишига боғлиқ. Бизнингча бу жараён аввало, бир минтақада яшаётган миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашувидан бошланади.

Айтиш мумкинки, Марказий Осиё минтақасида сўнгги икки йил мобайнида ана шундай кенг қамровли ва чуқур ўйланган амалий ҳаракатлар бошланди. Ушбу ҳудуд кўпмиллатли эканлигини инобатга олган ҳолда миллатлараро муносабатларга алоҳида эътибор бериш ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида яхлит этномаданий бирликни таъминлаш барқарорлик ҳамда фаровонликнинг муҳим шартидир.

Сўз бугунги кундаги миллий манфаатларимиз тизимидан марказий ўрин эгаллаётган, қолаверса, кўплаб хориж илмий ҳамда сиёсий доираларда қизиқиш уйғотаётган "аҳил қўшничилик ғояси"нинг эҳтимолий "ҳаракат майдони", унинг

социомаданий қамрови хусусида бораётир. Ҳолбуки, ўзаро манфаатли яқин қўшничилик фақат минтақада эмас, балки бутун дунёда осойишталик, ҳамкорлик бўлган, унинг зарур шарт-шароити, ҳаракат макони яратилган тақдирдагина янада кўпроқ самара келтириши мумкин. Чунки теварак-атроф нотинч бўлса, уни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий воқеликка айлантириш амри маҳол.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ғоянинг "ҳаракат майдонини" аниқлаш, уни шартли чегаралаш амалий аҳамиятга эга: шу контекстда бир томондан – унинг таъсир кучи радиуси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва бошқа бир томондан эса, уни амалга ошириш ресурслари ҳажмини чамалаш имкониятини яратади. Бу барча маърифий демократик жамият, миллат учун жуда зарур: айнан шунга қараб у ёки бу социумнинг халқаро майдондаги нуфузи баҳоланади. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган ва минтақадаги барча қўшни мамлакатларда кўплаб хайрихоҳлар орттириб улгурган "аҳил қўшничилик" стратегияси чегаралар оша ижтимоий-маънавий маконда ўз эзгу мақсадига эришади. Кўриб турганимиздек, халқлар, миллатлар, инсонларнинг бир-бирига яқинлашиши каби табиий эҳтиёжнинг юзага чиқиши учун, бешак, қандайдир янги тарихий босқичга ўтилиши керак экан, у маълумки, ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг учун бу ғоя улкан социум – инсониятнинг қалбидан жой олиб, сўнгра амалиётга айланиши лозим. Ва энг муҳими – ҳар бир халқ уни ўзининг бурчи ва вазифаси деб билиши, манфаатлари бир-бири билан зоҳирий ва ботиний туташ ва унга эришиш йўлида фаоллик кўрсатиши, қайсики, сўзда эмас – амалда уни исботлаши лозим бўлади. Зеро, минтақадаги халқлар бу бирдан бир имконият, бошқа йўл йўқ эканлигини ниҳоят тўлақонли англаб етиши шарт.

Агарки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан билдирган фикрларига чуқурроқ эътибор берсак, ундан айнан бугунги муаммоларга мутлақо янги ёндашув, янгича идрок этиш, чигалларни фақат ҳамжиҳатликда ечиш, бу оламда ҳамма тенг масъул [5], деган ғоялар ўрин олган. Бундай эврилиш, янгиланиш ҳамма жойларда бир пайтда содир бўлмайди. Одатда, у даставвал миллатнинг илғор қисми – интеллектуал жамоатчилик ва доно сиёсатчилар онгидан жой олиб, сўнг амалиётга чиқади. Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар салоҳиятини эътироф этган ҳолда, бу азалий умумминтақавий интилишнинг умумий манфаат тарзида сиёсий кун тартибидан ўрин олишида, қолаверса, минтақа халқлари учун кечиктириб бўлмайдиган муаммо эканлигининг рўй-рост айтилишида Ўзбекистоннинг хизмати таҳсинга лойиқ. Зеро, кўпчиликни, жоиз бўлса, дунё ҳамжамиятини ўйлантирган муаммонинг ечимига доир ушбу ташаббус, том маънода тарихий ҳодиса бўлди, десак хато эмас.

"Аҳил қўшничилик" концепциясининг Марказий Осиё минтақасида реалликка айланишида қудратли мантиқий асоси мавжудки, жумладан: ўлканинг умумий тарихи, бу ерга дафъатан кириб келган душманларни биргалашиб бартараф қилганлиги, узоқ сафарлар пайтида бир-биридан бошпана топгани, табиий офатлардан жон бериб жон олиб, ҳамжиҳатликда ўз ҳаётини сақлаб қолгани, моддий ва маданий ресурслар тўплаш, буюк илмий кашфиётларга ҳамкорликда эришгани ва бошқа кўплаб маънавий-руҳий, маданий омилларнинг

онгу шууримизга перманент таъсири ётади. Шу нуқтаи назардан йирик социолог Н.И.Лапиннинг фикрига мурожаат этиш жоиздир. “Шундай экан, – деб ёзади мазкур олим, – бир томондан – социум тоифаси (ижтимоий муносабатлар мажмуаси) ва иккинчи томондан эса, маданий тоифанинг бири иккинчисига мос тушиши ва аксинча, мос тушмаслик ҳолатига эътибор қаратиш, уни ҳисобга олиш алоҳида муҳимлик касб этади. Уларнинг бир-бирига мос келиши эса, социум ёхуд ижтимоий яхлитликнинг яшовчанлик салоҳиятининг барқарорлиги, унга хос инсоний жиҳатлар ва эҳтиёжлар, салоҳият, эркинлик ва масъулиятлар мажмуаси ривожининг таъминланганлиги, ўз навбатида, муайян социум ҳаётий фаолияти усул ва услубларининг функционал ҳолатда эканлигидан дарак беради. Мабодо улар, яъни социум мўлжаллари ва маданий тамойиллар бир-бирига мос тушмаса, у ҳолда бу нарса умуман маданий потенциалнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилади. Бу ўз навбатида, жамоавий ҳаётий фаолият усулининг барбод бўлганлиги, дисфункционаллиги, ҳамжамият яшашида беқарорлик ва парчаланишни мавжудлигини англатади” [6].

“Аҳил қўшничилик” стратегияси, аввало, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, 2017 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтказилган “ Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда билдирилган фикрлар, 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида тарихий келишувлар ҳамда 2018 йил июнь ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” номли резолюцияни қабул қилиши ва бошқа бир қатор минтақадаги давлат раҳбарларининг ташрифлари давомида имзоланаётган шартномаларда ўзаро муносабатлар Стратегик шериклик даражасига кўтарилаётганлигида кўриш мумкин. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўз мазмунига кўра минтақадаги умумий манфаатларни англаш, ҳозирги мураккаб даврда барқарорликни сақлаб қолиш ва тараққиётга эришишда ўзаро тушуниш ҳамда бағрикенглик асосида “ижтимоий битим”га келиш бу биринчи муҳим қадам ва прагматик ёндашув эканлигидир. Шунинг баробарида, бошқа бир жиҳатни – у ёки бу ғоя, ижтимоий-сиёсий лойиҳа, умуминсоний универсалийларга “одамзот ҳаёт ва фаолиятининг маъно-мазмуни”га [7] даҳлдор бўлса, бундайлар тарихийлик, яратувчанлик салоҳиятига эга эканлигини бешак унутмаслик зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

[1].Моисеев.Н.И. Экология , нравственностъ и политика. Вопросы философии. – 1989. – №5. – С. 12.

[2]. Крыштоп Л. Речь о практической философии китайцев (1721) «К вопросу изгнания Х.Вольфа из Галле» // Вопросы философии. – 2017. – №3. – С. 140-143

[3]. М.Бехбудий. Баёни хақиқат.// Улуғ Туркистон. 1917 йил. 12-июнь.

[4]. Капто.А. От культуры войны и культуре мира, -М,2002. с.153.

[5].Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2017, 20 сентябрь.
[6]. Лапин.Н.И. Фундаментальные ценности цивилизационного выбора в XXI веке // Вопросы философии. – 2015. – №4. – С. 6.
[7]. Стёпин.В.С. Философская антропология и философия культуры. – М. 2014. – С. 490-491

OILA VA JAMIYAT TARAQQIYOTIDAGI O'ZARO BOG'LIQLIK

Abdullayev Akmal Nasriddinovich
Namangan davlat universiteti
E-mail: vatikan_25@mail.ru

Annotatsiya. *Maqolada oila taraqqiyotining jamiyat rivoji bilan uzviy bog'liq ekanligi, oila taraqqiyotiga yondashuvlar xilma-xilligi, oilaning makon va zamonda o'zgarib borishi yoritilgan.*

Shuningdek, hozirgi zamon G'arb oilasidagi o'zgarishlar, O'zbekistonda oilaning mustahkamlash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgani, hamda oilani mustahkamlashda ijtimoiy muhitning roliga jiddiy e'tibor qaratish zarurligi ta'kidlangan.

Kalit so'zlar*: Oila, jamiyat, oila taraqqiyoti, ijtimoiy muhit, oilaning makoni va zamoni, G'arb oilasi, ijtimoiy institutlar, oila inqirozi.*

ВЗАИМОСВЯЗЬ В РАЗВИТИИ СЕМЬИ И ОБЩЕСТВА

Абдуллаев Акмал Насриддинович
Наманганский государственный университет
E-mail: vatikan_25@mail.ru

Аннотация. *В статье анализируется коэволюция семьи и общества, разнообразие подходов к развитию семьи, изменчивость семьи в пространстве и времени.*

В том числе рассматривается извращенные формы современной западной семьи, подчеркивается односторонность подходов к развитую семьи. Раскривается необходимость учитивать доминируешие влияние социальной среди при укреплении семейных отношений.

Ключевые слова: *семья, общество, развития семьи, социальная среда, социальний институт, пространство и время, западная семья, кризис семьи.*

THE RELATIONSHIP IN THE DEVELOPMENT OF THE FAMILY AND SOCIETY

Abdullayev Akmal Nasriddinovich
Namangan State University
E-mail: vatikan_25@mail.ru

Annotation. *This article analyzes the co-evolution of the family and society, the diversity of approaches to family development, the variability of the family in space and time.*

In addition considering the modernized forms of the modern Western family, there emphasized one-sided approaches to developing family. It reveals the need to take into account the dominant influence of the social environment while strengthening family relations.

Key words: *family, society, family development, social environment, social institution, space and time, western family, family crisis.*

Bugungi kunga kelib, oila madaniyatining rivojlanishi bilan bir qatorda jahon miqyosida oila institutida ro'y berayotgan keskin o'zgarishlar ma'rifatli dunyoni tashvishga solmay qo'ymaydi. Oilalarning shunday buzuq shakllari yuzaga keldiki, ular oila tishunchasiga berilgan ta'riflarning hech biriga mos kelmaydi. G'arb mamlakatlarida bunday "oila"larning xattoki qonun yo'li bilan mustaxkamlab qo'yilishi oilaparvar davlatimizni globallashuvning ana shunday xatarlardan asrash yo'lida jiddiy choralarni izlash va oila masalasini davlat siyosatining eng muhim yo'nalishlaridan biriga aylantirishiga olib keldi. Shuning uchun O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida oila institutini mustahkamlash konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorida:

" - oila institutini mustahkamlash sohasidagi ilmiy tadqiqotlar ixtisosligi tor, hozirgi hayot voqeligidan uzilib qolgan, ilmiy tadqiqotlar natijalari amaliyotga sust joriy etilmoqda;

-… oilaning demografik rivojlanishida o'zgarishlar yuz bermoqda, oila ajralishlari soni o'smoqda, mazkur sohada salbiy tendensiyalar va muammolar sabablarini asoslovchi tadqiqotlar yetishmayapti,"[1]- degan asosli kamchiliklar ko'rsatib o'tilgan.

Shu nuqtai nazardan qaraganda oila instituni jamiyat taraqqiyotidan alohida olib qarash oila taraqqiyotining mohiyatini anglab yetishni, rivojlanish tendensiyasini prognozlashtirishni qiyinlashtiradi.

Ma'lumki, jamiyat taraqqiyotida oila ijtimoiy tarixiy o'zgarishlarga duch kelgan. Bunga sabab, tarixni turli davrlarda ijtimoiy munosabat deb atalmish kishilar o'rtasidagi munosabatlar, ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, huquqiy munosabatlar shakllanib borgan sari, oila instituti ham rivojlanib borgan.

Ko'p hollarda oila institutining mohiyati haqida gapirilganda birinchi galda uning biologik jihatiga ustuvor ahamiyat beriladi. Ya'ni oila farzandlarni dunyoga keltirish va avlodni davom ettirish maqsadi sababli yuzaga keladi. To'g'ri, oilaning muhim funksiyalaridan biri farzandlarni dunyoga keltirish bo'lsada, unda belgilovchi rolni ijtimoiy munosabatlar o'ynaydi. Ya'ni oilaning xususiyatlari, barqarorligi, ajralishlar va xokazolar alohida oilalarga nisbatan olib qaraganda biologik omillarning ta'sirini ham ijtimoiy omillar ta'sirini ham e'tirof etish mumkin.

Oila va jamiyat rivojlanishiga ikkinchi xil yondoshuv jamiyat taraqqiyotida oilaning ustuvorligini e'tirof etish bilan bog'liq. Bu esa oila va jamiyat o'rtasdagi munosabatlarni tahlil etishda bir tomonlamalikka olib keladi va jamiyatda mavjud bo'lgan barcha ma'suliyatni oila zimmasiga yuklab qo'yadi. Shuni ta'kidlash lozimki, oilaviy munosabatlar jamiyatdagi munosabatlarning bir qismi xolos va jamiyat rivojlanishiga mos tarzda oilaviy munosabatlarning rivojlanishini va o'zgarib takomillashib borishini kuzatamiz.

Oila va uning jamiyatdagi o'rni haqida gapirilganda aksariyat hollarda odob, ahloq, me'yorlar, vazifalar haqida gapiriladi va shu orqali jamiyat rivojiga ta'sir o'tkaziladi, qabilidagi gaplar oila va jamiyat o'rtasidagi munosabatlarning mohiyatini ochib bera olmaydi. Ular nari borganda oiladagi tarbiyaga, unda ham hammasiga emas, ayrimlariga ta'sir o'tkazadi.

Shu nuqtai, nazardan olib qaraganda oilaning rivojlanishini tahlil etishda bir qator tamoyilar va qonuniyatlar mavjudki, ularsiz masalaning mohiyati ochilmay qoladi.

Eng avvalo, oilaga makon va zamon nuqtai nazaridan yondashish lozim, ya'ni oilalar qaerda yoki qaysi xalqlarga tegishli, oila qaysi zamonda olib qaralayapti. Bunday yondashuv, shu davr va shu xalq oilasining muxit sharoitlarini urf-odat, an'analari, demakki butun tafsiloti bilan o‘rganish imkoniyatini vujudga keltiradi. Chunki oilalar turli xalqlarda o‘ziga xos tarzda, davrlar o‘tishi bilan o‘zgarib borgan. Masalan, urug‘chlik tuzimidan to shu kungacha bo‘lgan davrda oila va nikoh hamma xalqlarda ham juda keskin o‘zgarishlarga duchor bo‘lib kelgan. Lekin bu o‘zgarishlar umumiy qonuniyatlarga bo‘ysungan xolda har bir xalqda o‘ziga xos tarzda amalga oshgan. Masalan; urug‘chilik tizimida Yevropa oilasida ayolning hukmronlik mavqye'iga egaligini, xususiy mulk shakllanishi bilan erkakning oiladagi mavqe'i oshib borishini kuzatsak, Markaziy Osiyo xalqlarida oila boshqaruvida erkak va ayol teng faoliyat olib borganligini ko‘ramiz.

Zamon nuqtai nazaridan olib qaraganda oilaning turli xil taraqqiyot bosqichlarida o‘ziga xos tarzda rivojlanganligini kuzatamiz.

Oilaviy munosabatlarga yondashuvda bu munosabatlarni yoritayotgan mutafakkirlarning muhiti va zamonini ham hisobga olish muhim. Shu nuqtai nazardan kelib chiqqan holda “Birinchi vazifa - biz uchun muqaddas bo‘lgan oila asoslarini yanada mustaxkamlash, xonadonlarda tinchlik-xotirjamlik, axillik va o‘zaro hurmat muhitini yaratish, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni aniq mazmun bilan to‘ldirishdan iborat bo‘lmog‘i zarur”[2]

Bizning nazarimizda, globallashuv jarayonlari oilaviy munosabatlarga jiddiy ta'sir o‘tkazmoqda, aynan oilaviy munosabatlar ayrim xalqlar, davlatlar, va millamtlar xayotini, qolaversa taqdirini jar yoqasiga olib kelib qo‘ydi.

Ijtimoiy institutlar (lotincha-ustqurma, muassasa)-bu odamlarning birgalikdagi faoliyatini tashkil qilgan tarixiy turg’un shakllaridir. «Ijtimoiy inistitutlar» termini har xil ma'noda ishlatiladi. Masalan: oila instituti, sog’likni saqlash insttituti, siyosiy institut va boshqalar.

Ijtmioiy institutlar vujudga kelishining ob'ektiv shart-sharoitlari mavjud. Institutlar odamlarning u yoki bu talab-ehtiyojlarini qondirishi ijtimoiy va tarixiy shart-sharoitlar asosida vujudga keladi. Oila instituti tarixan inson ijtimoiylashuvining, aniqrog‘i podaning jamiyatga aylanishining asosi sifatida yuzaga keladi. Biologik mavjudot sifatida nasl qoldirish va avlodni davom ettirish oilaning shaklan o‘zgarishi tufayli ibtidoiy odamning va podaning ijtimoiylashuviga olib keladi. Jamiyat rivojlangan sari oila ham ijtimoiylashtirish vazifasini yanada mukammal tarzda amalga oshira boshlaydi ya'ni, oilaning jamiyatdagi mavqye'i tobora o‘sib boradi.

Oila tarixi huddi inson xayotiga o‘xshaydi. Inson tug‘ilish, kuch quvvatga to‘lib ulg‘ayish, qarish va o‘lim bosqichlarini boshidan o‘tkazgani kabi oila ham ijtimoiylashuv instituti sifatida ayrim davlatlarda tarixan ana shu bosqichlarni bosib o‘tmoqda.

Jamiyat taraqqiyotining dastlabki bosqichida oila unchalik ahamiyat kasb etmagan bo‘lsa-da, jamiyatning yuqoriroq bosqichlarida oila jamiyatdagi asosiy ijtimoiylashuv instituti vazifasini o‘tay boshlaydi. Oila huquqiy va siyosiy munosabatlarning muhim sub'ektiga aylanadi. Bunday oilalar o‘zining ijtimoiy mavqye'i va muhitiga mos tarzda bolaning ijtimoiylashuviga jiddiy e'tibor beradilar. Oila ijtimoiylashuv instituti sifatida

farzandlarda ma'naviy- axloqiy, ijtimoiy- siyosiy, huquqiy sifatlarni shakllantira oladigan darajaga yetdi.

Hozirgi davrda Yevropa, AQSh, Avstraliyada oila o‘zining inqiroz pallasiga yetib keldi. Bu yerlarda oilaning buzilgan shakllari (bir jinsli nikoh) vujudga keldiki, oxir oqibatda “oila”ning bu shakllari jamiyat va davlatning inqiroziga (millat inqirozi haqida umuman gapirmasa ham bo‘ladi.) olib kelishi muqarrar. Bunday “oilalar” ijtimoiylashuv u yoqda tursin, aksincha hayvoniy xususiyatlarni ham bajara olmay qoladi, ya'ni naslni davom ettira olmaydi. G‘arb bugun naslni davom ettirish vazifasini ham fanga yuklamoqchi bo‘ladi, ya'ni klonlashtirish orqali jamiyat davomiyligini ta'minlamoqchi bo‘ladi. Aslida klonlashtirish bugungi G‘arbning tarixiy ehtiyoji sifatida yuzaga keldi. Lekin bu avlod davomiyligini ta'minlay olmaydi. Oila o‘zining ijtimoiylashuv vazifasini bajara olmay qolgandan keyin jamiyat ham o‘zining ijtimoiylik xususiyatlarini yo‘qota boradi. Oilaning ijtimoiylashuvi tarixan axloqdan boshlangan bo‘lsa uning inqirozi ham axloqning inqirozi bilan yakun topadi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib aytish mumkinki, oila jamiyat taraqqiyotining hamma bosqichlarida ham ijtimoiylashuvning muhim instituti bo‘lib kelgan. Lekin turli bosqichlarda ijtimoiylashuv muhitga mos tarzda amalga oshgan, ya'ni ijtimoiylashuv hususiyatlari jamiyat hususiyatlariga bog‘liq tarzdqa amalga oshgan.

Oilada ijtimoiylashuvning amalga oshishi, jamiyat va davlat ijtimoiy talablariga juda ham bog‘liqdir, shuning uchun davlat oilaga nisbatan olib borayotgan siyosat oilada ijtimoiylashuv jarayonlari qay tarzda amalga oshishini belgilab beradi. Masalan ibtidoiy jamiyat oilasi urug‘ni saqlab qolishga yo‘naltirilgan, qul oilasi qul avlodlarini yetishtirishga qaratilgan bo‘lsa-da, bu jamiyatdagi ma'naviy muhit quldor oilasi muhiti bilan belgilangan. Jamiyat hayotining yuqoriroq bosqichlarida oila va nikoh siyosiy mavqye'ga ko‘tariladi. Davlatlar o‘rtasidagi munosabatlar zanjiri oila va nikoh bilan mustahkamlanadi. Davlat ichidagi oila munosabatlarida ham yuqori tabaqalar o‘rtasida quda-andachilik rishtalari muhim ahamiyat kasb etgan.

Jamiyat erkinlashib borgan sari oila ham erkinlashib boradi. Oiladagi ijtimoiylashuv jarayonlari undagi muhitga bog‘liq tarzda ijtimoiy muhitga jiddiy tasir o‘tkazadi. Agar oiladagi ijtimoiylashuvning salbiy jihatlari tipiklashadigan bo‘lsa, jamiyatning ijtimoiy negizlari ham inqirozga yuz tuta boshlaydi.

Bugungi kunda ayrim G‘arb davlatlarida erkinlikni niqob qilib, oilaning buzilgan shakllarini, hattoki, qonuniy jihatdan qo‘llab quvvatlashlari oilaning va jamiyatning ma’naviy tanazzulidan dalolat beradi. Bu davlatlarda oila ijtimoiylashuv vazifasidan yiroqlashayotganini, hamda o‘zining oilalik mohiyatini yo‘qotayotganini anglatadi. Bunday oilalar o‘zining ibtidoiy vazifasini ham bajara olmaydi. Klonlashtirish esa ana shnday ijtimoiy va manaviy inqirozning natijasi va g‘arb jamiyatining ehtiyojidir. Garb olami ijtimoiylashuv instituti sifatida oilani saqlab qolishning bundan boshqa yo‘lini hozircha topa olmadi.

Jamiyatda sog‘lom muhitni shakllantirishda elitar oilalar farzandlari tarbiyasiga jiddiy e'tibor berish muhim ahamiyatga egaligini takidlash zarur. Chunki, elitar oilalar ijtimoiy talabga mos va tipik jamiyat a’zolarini yetkazib beradilar. Oiladan tashqaridagi muhitda elitar oilalar farzandlari fe’l-atvori belgilovchi rol o‘ynaydi.

Oilaning boshqa ijtimoiylashuv institutlari bilan aloqalarini yanada mustahkamlash zarur: “Odobli, bilimdon va aqlli, mehnatsevar, iymon- etiqodli farzand nafaqat ota-onaning, balki butun jamiyatning eng katta boyligidir.”[3]

Xulosa o’rnida shuni ta’kidlash muhim:

- oila institutini o’rganishda bugungacha bo’lgan yondoshuvlarning bir tomonlamaligini e’tirof etish zarur;

- mustaqillikkacha va mustaqillik yillarida O’zbekistonda oilaning psixologik, pedagogik, sotsiologik nuqtai nazardan tadqiq qilinishi alohida olingan oilalarning mustaxkamlanishi va sog’lomlashtirilishiga olib kelsada, unga tashqaridan kelayotgan xatarlarning ya’ni, ijtimoiy xavfning oldini olishga ojizlik qiladi. Bu go’yoki jamiyatga yopirilib kelayotgan kasallikning ildizini yo’qotmasdan, alohida insonni davolash bilan ovora bo’lib qolishga o’xshaydi;

- bundan, oilaning biologik, pedagogik, psixologik va boshqa omillarini inkor etish emas, aksincha, ushbu omillarning metodik emas, metodologik asoslariga jiddiy e’tibor berish zarur, degan xulosa kelib chiqadi;

- oilaga falsafiy yondoshuv tamoyillarini qaytadan chuqur tahlil qilib chiqish, bizningcha, yangi tamoyillarni ishlab chiqish kechiktirib bo’lmaydigan vazifalardandir;

- ayniqsa, G’arb mamlakatlarida oila o’zining ulug’vorligini yo’qotishi, oilaning o’lib borayotganligi sabablarini o’rganish sog’lom oila va sog’lom jamiyatni saqlab qolishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mavzuni O‘zbekiston Prezidenti SH. Mirziyoyevning quyidagi so‘zlari bilan yakunlash muhim nazariy va amaliy ahamiyatga ega: “Oila men uchun muqaddas. Muqaddasligi shuki, avvalambor qayerda ishlashidan qat’i nazar, kim bo‘lishidan qat’i nazar agar oilada tarbiya, oilada muhit, oilada halollik, munosabat, tarbiyaga alohida e’tibor bermasa, hech qachon natija bo‘lmaydi. Shuning uchun men farzandlarimning tarbiyasiga juda katta e’tibor beraman. Har bir farzandimga ham, nevaramga ham alohida o‘zimning munosabatim bor. Har bir nevaramning alohida xarakterini bilaman, orzusini, istagini bilaman.”[4]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2018 й., 07/18/3808/1410-сон)* http://www.lex.uz/docs/3797625

2. Мирзиёев, Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б.43.

3. Karimov. I. A. Yuksak ma`naviyat– yengilmas kuch, Toshkent: Ma`naviyat, 2008.-B. 56.

4. Shavkat Mirziyoyev oila va baxt haqida\\www.gazeta.uz.

ГЕРОИ И ГЕРОИЧЕСКОЕ: ЭТИКО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ

Замилова Римма Рамильевна
Наманганский государственный университет

Аннотация: *В статье рассматривается и анализируется совокупность представлений «герой» и «героическое» как объект этико-философского анализа через призму этических категорий.*

Ключевые слова: *героическое, герой, повседневный герой, геройский, героизм, подвиг*

HEROES AND HEROIC: ETHICAL-PHILOSOPHICAL ANALYSIS

Dzamilova Rimma Ravil'yevna
Наманганский государственный университет

Abstract: *The article examines and analyzes the totality of the representations "hero" and "heroic" as an object of ethical and philosophical analysis through the prism of ethical categories.*

Keywords: *heroic, hero, everyday hero, heroic, heroism, feat*

ҚАҲРАМОНЛАР ВА ҚАҲРАМОНЛИК: ЭТИК-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Замилова Римма Рамильевна
Наманган давлат университети

Аннотация: Мақолада "қаҳрамон" ва "қаҳрамонлик" намуналари ахлоқий ва фалсафий таҳлил объекти сифатида кўриб чиқилган ҳамда ахлоқий тоифалар призмасига кўра таҳлил қилинган.

Ключевые слова: қаҳрамон, қаҳрамонлик, кундалик қаҳрамонлик, ҳаракатчанлик.

Из мировой практики известно, что происходившие коренные изменения, события в социальной жизни и в развитии общества неразрывно связаны с именами мужественных и самоотверженных людей, героев, выдвигавших великие, неповторимые идеи, объединявших народы, пробудивших в них представление о прекрасном будущем, об идеальном обществе. Они стояли во главе национально-освободительного движения, ими создана модель суверенного развития. Народные герои оставили в памяти поколений неизгладимый след как выдающиеся деятели, как идеальная личность. Поэтому человечество всегда рассматривается в тесной связи с жизнедеятельностью героев, великих людей.

В годы независимости в Узбекистане на повестку дня был выдвинут вопрос о стратегической задаче привлечения людей, социумов к демократическим реформам, превращение их в действующих героев, субъектов коренных преобразований. Создана «узбекская модель» развития, направленная на построение демократического правового государства и гражданского общества. Для достойного награждения самоотверженного труда, патриотизма и подвига, во имя укрепления независимости 5 мая 1994 года были учреждены высокие звания «Герой Узбекистана» и орден «Подвиг». В настоящее время в целях повышения активности

народа на новый уровень жизни разработана Стратегия действий, где ставится задача содание образов героев нашего времени на основе развития диалога с народом. Поэтому, глава нашего государства подчеркивает о необходимости создания таких произведений, где бы талантливо изображался образ современного героя, чтобы они стали «событием в нашей культурной жизни» [1].

В этико-философской литературе выработано целостное представление о героизме, придается большое внимание поступку и его последствиям. Разные аспекты оценки героизма, соответствие намерения, цели и средства, мотива и последствий концентрируются в требовании единства ценностей и операционной сторон деятельности человека, обеспечиваемого гармонией знаний, убеждений и поступков.

Герои и героическое всегда привлекали внимание людей, исследователей. Молодое поколение выбирает героев и делает их своим идеалом жизни, подражает им, воспитывается на их примере.

Этико-философские исследования имеют своим предметом добро и зло, моральное поведение людей, нравственные ценности и то, как они проявляются в повседневной жизнедеятельности личности в процессе участия ее в общественных отношениях. Героическое представляется целесообразным рассмотреть как определенную характеристику человеческой деятельности, и, прежде всего, морального (нравственного) поведения.

Герой и героическое относятся к людям, которые совершили нечто сверхъестественное, сверхъчеловеческое и необыденное, вызывающие удивление и восхищение у других: героический поступок, нравственное поведение, альтруизм, человеколюбие.

Не случайно в русском языке персонаж художественного произведения и высоконравственная личность обозначаются одним словом «герой». Антипод положительного персонажа – отрицательный образ – тоже входит в родовое понятие «герой»: «В литературно-художественной критике термин «герой» употребляется, по крайней мере, в трех значениях. Первое, внеоценочное – герой, не важно, какой, есть центральный персонаж художественного произведения. Второе, оценочное – герой как положительный персонаж. И, наконец, третье, тоже оценочное. О нем надо говорить подробнее – герой как герой» [2]. В английском языке литературного персонажа не называют «hero», а лишь «character». Мифологических и сказочных персонажей принято называть «культурными героями»[3] (не путать с «культом героев»). Если принять во внимание, что хотя эпосы и сказки – древняя художественно-образная – читай: вымышленная – форма героического, тем не менее, народные эпосы, мифы и сказки это фиксация реальных подвигов, то использование в исследовательской литературе расширительной интерпретации понятия «культурный герой», не «культурный персонаж», объяснимо [4].

Совершенный человек это гармоничный человек, но этическая составляющая совершенного человека является ведущей. В образе же супермена («боходир») обращает на себя внимание гипертрофированные качества (спортивных, волевых, профессиональных), утрированное робингудство (спасение ребенка, города,

свершение в одиночку или с помощью немногочисленных друзей) того или иного персонажа, но императивом его поведения является не нравственная ответственность, а скорее самореализация личностных качеств и удовлетворение потребности в самоуважении. Герой (ботир) это социально-нравственный идеал, сотканный из потребностей социума. Герой это тот, кто в противоречии личных и общественных интересов встает на сторону общественных, по крайней мере, не личных (семейных, групповых, клановых) интересов. Героическое – это бескорыстное деяние во благо общества или другого человека.

Как говорил Т. Карлейль: «Герои и героическое бесспорно, это слишком пространная тема. Пространная тема беспредельна, на самом деле она столь же обширная, как и сама всемирная история. Ибо всемирная история, история того, что человек совершил в этом мире, есть, по моему разумению, в сущности, история великих людей, потрудившихся здесь, на земле. Они, эти великие люди, были вождями человечества, воспитателями, образцами и, в широком смысле, творцами всего того, что вся масса людей вообще стремилась осуществить, того, чего она хотела достигнуть. Все, содеянное в этом мире, представляет, в сущности, внешний материальный результат, практическую реализацию и воплощение мыслей, принадлежавших великим людям, посланным в наш мир» [5]. Таким образом, социально-исторические процессы развития общества – это результаты деятельности, творчества великих людей. Герои, их героические поступки могут быть классифицированы на следующие разновидности: мифологические и сказочные герои, исторические личности, религиозные деятели, интеллектуальные герои, герои – реформаторы и искусства. «Могущество мира, – заключается в его оригинальных людях; благодаря их деянию, он – мир, а не пустыня… Оригинальный человек – это истинный создатель морали» [5].

«Геройский» – экстра неординарный поступок или бравый характер личности: геройский поступок не всегда перерастает в героическое деяние или в героизм. Геройство отличается от героизма так же, как добро от доброты, как сущность от свойства.

Согласно последним зарубежным исследованиям целесообразно также различать понятия «герой»-«hero» и «повседневный герой»-«everyday hero», «мой герой»-«my hero» и «герой в общем»-«hero in general». Данные исследователи тщательно изучают корреляцию между everyday hero и hero in general, используя социометрические методы анализа[6]. Авторы конкретных социологических исследований признают, что одна из функций героизма это моральное моделирование, когда герой персонифицирует вещи, что мы не можем артикулировать. Однако, социометрический подход фиксирует динамику героического в социума, но не предусматривает ценностный анализ с точки зрения общественной морали.

Everyday heroes – повседневных героев, в некоторой степени, можно называть непризнанными героями. Это те, кто добросовестно служит своей миссии, то есть профессионально выполняет долг перед отечеством, семьей, кто отдается общественной работе и социально-политической деятельности, занимается волонтерской деятельностью, готовит будущих чемпионов, ведет внеклассную

работу, благоустраивает города и села, не ожидая вознаграждения, собирает документы и пишет книги о героическом прошлом народа. У них нет официального признания их героизма, почета и наград. Но жизнь без этих непризнанных героев была бы депрессивной и фрустрация охватила бы все формы социальной деятельности. Западные социологи утверждают, что «герои в общем»-«hero in general» вдохновляют на подвиги, а «повседневные герои» непосредственно поощряют на подобное поведение[6].

Хотя признанного героя награждают, прижизненно или посмертно, за проявленный героизм, но подвиг совершается им не ради вознаграждения и нередко сопровождается самопожертвованием. В силу бескорыстного характера акта подвига, труд Геракла, когда он почистил Авдеевы конюшни, не считается подвигом, так как Геракл потребовал за него плату – десятую часть хозяйского скота. Подвиг – акт духовный, хотя уверенность, что общество не оставит без внимания героическое деяние (поговорки типа «на миру и смерть красна», «подвиг ваш не забыт» в подтверждение), видимо, дает дополнительный стимул героическому порыву. Поэтому важно поддерживать систему поощрения героизма во всех проявлениях, чтобы он перманентно воспроизводился.

Героическое есть не только действие в интересах другого или в интересах общества. Сложность такого акта или деятельности в том, чтобы стать героическим, оно должно быть зафиксированным в свидетельствах или свидетелями. Представим (реальный случай): коляска выкатилась и свалилась на рельсы метро. Пассажиры растерялись, входивший на платформу парень мгновенно оценил ситуацию, подбежал к краю платформы, спрыгнул, вытолкнул коляску, сам выбрался и тут подошел поезд метро. Он герой, его поступок зафиксировала видеокамера метро, мать ребенка, пассажиры. Он герой. Аналогичный случай: в темное время суток на пешеходном переходе машина мчится на маленькую девочку, прохожий подбегает, толкает ребенка на обочину, машина мчится подальше от места происшествия, ребенок тоже со страху убегает. Прохожий – герой?

Героям присущи самоотверженность, мужество, высокие нравственные идеалы, отзывчивость, воля, чувство долга, стремление к самовыражению. Среди этих моральных качеств важное место занимает самовоспитание. Человек делает свою жизнедеятельность, самопринуждение и самоограничение, так он самовоспитывается. Конечно, никто не ставит целью жизни стать героем или ежедневно совершать героическое. Повседневный труд, высокопрофессиональное выполнение своего гражданского долга есть героизм, но общественное сознание рассматривает их как обыденное, повседневное и распространенное поведение людей, которое лишено возвышенности, исключительности и оригинальности. Поэтому «героическое» рассматривается как возвышенное и исключительное явление [5]. Значит, в феномене героя и героизма заключен, во-первых, миг, наполненный самоотверженностью, подвигом; во-вторых, непрерывный труд, требующий упорного стремления к цели, самовыражению.

Литература:

1. Доклад Президента Республики Узбекистан на встрече с представителями творческой интеллигенцией // Народное слово, 2017 год 4 августа.
2. Громов Е. Восхождение к герою. Просвещение, М., 1982.
3. Urmson J. Saints and Heroes. Essays in Moral Philosophy, 1958. A. Melden (ed.), Seattle: University of Washington Press.
4. Назарова Ш. Хаел ва хакикат фольклор ва теология кемисида. –Тошкент, 2013.
5. Карлейль Т. Герои, почитание героев и героическое в истории. – Москва.: ЭКСМО, 2008.
6. Zsolt Keszer, Balint File, Gabor Orosz, Philip G. Zimbardo. Social Representations of Hero and Everyday Hero: a Network Study from Representative Samples // journals.plos.org/plosone/article

ЭРИХ ФРОММ ФАЛСАФАСИДА БЕГОНАЛАШУВ МАСАЛАСИ

Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли
Фарғона давлат университети

Аннотация: *Ушбу мақолада Эрих Фромм фалсафасида бегоналашув масаласи таҳлил қилинган. Шунингдек, капитализм ривожланиши жамиятда сиёсий, иқтисодий ва маънавий муносабатларни ўзгартириши, инсонни жамиятдан узоқлашуви ва бегоналашуви сабаблари ҳамда ундан халос бўлиш йўллари кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *озодлик, капитализм, бегоналашув, ёлгизлик, тушкунлик, махсус инсонлар, эътиқод, дин, жамият, ижтимоий муносабатлар.*

ПРОБЛЕМА ОТЧУЖДЕНИЯ В ФИЛОСОФИИ ЭРИХА ФРОММА

Асатуллоев Иномжон Абобакир угли
Ферганский государственный университет

Резюме: *В данной статье анализируются проблемы отчуждения в философии Эриха Фромма. А также, развитие капитализма изменило политические, экономические и духовные отношения в обществе, причины отделения и отчуждения человека от общества и способы избавления от него.*

Ключевые слова: *свобода, капитализм, отчуждение, одиночество, депрессия, особые люди, убеждения, религия, общество, социальные отношения.*

THE PROBLEM OF ALIENATION IN THE PHILOSOPHY ERICH FROMM

Asatulloyev Inomjon
Ferghana state university

Annotation: *In this article is analyzed the issues of alienation in the philosophy of Erich Fromm. The development of capitalism has changed the political, economic, and spiritual relationships in the society, and depression, misery, helplessness and solidarity are increasing in people. The philosopher has shown the causes of separation and alienation from the society and ways to get rid of it.*

Key words: *liberty, capitalism, alienation, loneliness, depression, special people, beliefs, religion, society, social relations.*

XX аср ғарб фалсафаси янгича тафаккур ва дунёқараш, теран ақл ва буюк қалбли инсонларни шаклланишига кучли таъсир ўтказди. Бу жиҳатдан, айниқса, Эрих Фроммнинг фаолияти, ижоди муҳим аҳамият касб этади. Эрих Фромм ижодида инсоний қадриятларнинг юксак хислатлари – ахлоқийлик, эркинлик, биродарлик, комил инсонни яратиш каби масалалар олға сурилди.

Замонавий капиталистик жамият одамларни ўрта асрнинг чексиз мажбуриятларидан озод қилди, аммо озодликка эришган одамларнинг муаммолари кўпайишда давом этди. Фромм учун озодлик бу бугунги жамиятга чуқур боғлиқ бўлган тушунча бўлиб, "нимадандир озодлик", яъни инсонларнинг ақлий, ҳиссий, ички иҳтиёрини, эркинлигини ифодаловчи ирода бўлсада, инсонни жамиятдан узоқлаштиради ва бегоналаштиради. Саноатлашган ва капиталистик жамиятда юзага келаётган муаммоларни бартараф қилишда Фроммнинг бегоналашув концепцияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ёритишни мақсад қилдик.

Капитализм ривожланиши сиёсий, иқтисодий ва маънавий муносабатларни ўзгартирди, жамиятнинг ахлоқий ришталаридан халос қилди. Кўп давлатлар ўзининг сайлов тизимига эга бўлди ва сайловчи жинси, касби, мавқеидан қатий назар эркин ва тенг овоз бериш ҳуқуқига эга деган тамойил шаклланди. Феодол даврда эса бир бола фермер оиласида туғилса фермер, хизматкор оиласида туғилса хизматкор бўлишига тўғри келган[1]. Ҳозирда аёллар ҳам йирик корпорацияларнинг ёки давлатларнинг раҳбари бўла олади. Тезкор ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш сабабли XVIII асрдаёқ оила ришталари ва оилавий қадриятлар қадрсизлана бошлади. Оила билан боғлиқ тушунчалар, яъни, бўйсуниш, диёнат, турмушдаги вафодорлик кабилар асл маъносини йўқотди[2]. Биринчи ва иккинчи жаҳон уришидан кейин ёшлар ота-онасига ғамхўрлик қилмайдиган, истаганини бажарадиган бўлишди. Ўрта асрларда оилавий муносабатларда ҳиёнат қилиш, бўйсунмаслик қораланарди. Ҳозирда оила аъзоларига ҳукмронлик қилиш қийин, фарзандлар ўта эркин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар эса жуда ёмон ҳолатда. Фарзандлар қари ота-оналарига ғамхўрлик қилиш кераклиги ҳақида қайғурмайди, ажралиш эса осонлашмоқда[3].

Фромм таъкидлаганидек, одамлар ўз дунёсини яратди, уйлар, фабрикалар барпо этди. Машиналар ва кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда. Фан ва технология одамларнинг махсулдорлигини улкан даражада оширди. Бу шаҳарлашиш ва саноатлашиш янада юксалишига туртки бўлди. Шундай бўлсада, технологиядан фойдаланиш натижасида махсулот, меҳнат, тарих ва инсон замонавий жамиятнинг назорати остида қолди. Шу сабабли, одамларнинг яшаш тарзи жамиятнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолди ва инсон бунга табиий холат сифатида қарай бошлади. Одамларнинг ҳаёт мувозанати товар айрибошлашга боғлиқ бўлиб қолди. Агар компания банкротга учраса, ишчининг ҳаёти таҳликада қолади, лекин ишчи ҳеч нарса қила олмайди, яъни, жамият фаолияти инсонга қарама-қарши ва бу ҳолатда инсон ўз ишидан бегоналашади. Фромм фикрича, капиталистик шароитда ишчиларнинг ўзларига ва бошқаларга муносабати жуда тарқоқ ва яқин шахсий муносабатлар ривожланмаган бўлади. Мисол учун, бир ишчи бошқаси билан бирга ишлаб, шеригининг шахсий ҳаёти ва ҳиссиётлари билан қизиқмайди лекин ишини жуда яхши бажаради. Лавозими кўтарилса бу шеригининг кўтарилишига ҳалал беришини билсада қувонади. Бу ҳолатлар инсонлар ўртасида бегоналашувни кучайишини келтириб чиқаради. Фромм ўз фикрини бугунги жамиятдаги мусобақалар орқали асослайди. Мусобақа одамларни бирлаштиради лекин уларни бир биридан бегоналаштиради. У инсонларни жисман бирлаштиради, яъни одамлар фабрикаларда ишлаб ва таълим муассасаларида бирга ўқиб-ўрганади. Лекин улар бир-бири билан ҳиссий ва руҳий боғланмаган, қалбан бир биридан бегона бўлади. Фромм мусобақа бозордаги сотувчиларнинг сохта табассумига сабаб бўлишини таъкидлайди. Шунинг учун сотувчи ва ҳаридор ўртасида самимий муносабат ўрнатилмайди. Болалар ва ёшлар мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун керак бўлган мусобоқаларда мажбуран қатнашади. Уларнинг қанчаси нимани ўқиётганини ва нега ўқиётганини билармикан? Қанчаси шу ўқиётганни кундалик ҳаётда асқотишига ишонаркан?. Бугунги кун одамларинг душмани бўлган “бегоналашув” саноатлашишнинг бир кўринишидир. Бегоналашувнинг кўплаб тарифлари, нуқтаи-назарлар ва уни тадқиқ қиладиган фанлар мавжуд бўлиб, улардан Игнасе Феиерлихт фикрича, бегоналашувнинг моҳияти узоқлашишга асосланади. Бошқа тариф бўйича бу сўз тушкунлик, қийинчилик, бахтсизлик, ёрдамга муҳтожлик, қатиятсизлик, баъзида айрилиқ маъноларини англатади. Фромм таърифича, одам ўзини дунёнинг маркази ва жараённинг яратувчиси деб ҳисобламай қўяди. Ушбу ғоя ҳозирги жамият характерининг марказий нуқтаси ҳисобланади. Одамларнинг қариндошлиги бу автоматлашган бегоналашувдир, ҳар бири жамоага яқинлашиб, ўз хавфсизлигини таминлайди лекин бир бирини ҳис қилмайди. Натижада у ўзини ёлғиз ва хавотирли ҳис қилади. Фромм фикрича, жамиятга мослашиб, бегоналашган одам ёлғизликни бутунлай ҳис қилаётган йўқ, лекин бегонлалашув натижасида одам ўз ҳисларидан ҳам бегоналашади.

Мутафаккирга кўра инсон, биринчидан, ўз шахсиятидан, яъни ўзлигидан бегоналашиди ва технологиянинг ривожи асосидаги бегоналашув янгича тарихий воқеликка айланди; икинчидан, жамиятдан бегоналашади. Жамиятдан бегоналашув

аниқ маданиятга ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлди; учинчидан, худодан бегоналашди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Фромм фалсафаси а) саноатлашган жамиятнинг ижтимоий тизими тадқиқига, б) товар ишлаб чиқаришга сиғиниш хусусиятига, с) техноген психологияга, д) инсоннинг моҳиятига, е) худодон бегоналашувга, г) тоталитар давлатнинг сиёсий тузумини таҳлил ва тадқиқ қилишга асосланади.

Фроммнинг жамиятдаги бегоналашув феноменига ечим сифатидаги фикрлари Карл Маркс қарашларидан фарқ қилади. Маркс жамиятдаги ўзгаришларни социализмга томон бориш ва унга қўйилган қадам деб атаса, Фромм ижтимоий ўзгаришлар социализм тамон кетиш эмас, балки унинг акси томон бориш эканлигини таъкидлайди. Фромм Фрейд яратган инсон психологиясини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштирган бўлсада, у Марк томонидан ишлаб чиқилган мураккаб иқтисодий асосга эътибор қаратмайди. Фроммнинг бегоналашув концепцияси Марксга асосланган ва унинг капиталистик жамият тавсифи бегоналашув феноменини англашда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, Маркс қарашлари қандай асосга эгалигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маркс фикрича, замонавий жамиятда ҳар бир инсоннинг шахсияти товар сифатида айрибошлаш хусусияти билан қадрланади. Инсоний муносабатлар товар ва айрибошлаш холатида аҳамиятга эга бўлади ва унда ҳиссий ва ахлоқий томонлар иккинчи ўринга тушиб қолади. Иқтисодий омиллардан бутунлай холи бўлган дўстлик мавжуд бўлсада, инсоний муносабатлар исталган пайтда иқтисодий сабабдан узилиши ёки тўҳташи мумкин. Маркс товар айрибошлаш худбинликни кучайтиришини ва одамлар бири-бирини алдаши одатий холатга айланишини таъкидлайди. Шунингдек, янгича эхтиёжларни яратиш кўпроқ ҳаракат талаб қилиб, мақсадга эришишда фақат ўзини ўйлаш бегоналашувни янада кучайтириб юборади. Одамлар худбинона эхтиёжларини қондириш учун инсоний гўзал муносабатларини ва ҳиссиётларини қурбон қилади. Маркс пул ва товар айрибошлашга асосланган қадр одамлар ва жамият муносабатларини ўзгартирувчи куч эканлигини таъкидлайди. У содиқликн ҳиёнатга, севгини нафратга, эзгуликни ёвузликка, оқилликни ахмоқликка ўзгартириб юборади. Пул шахсиятни ҳам ўзгартиради ва инсоний муносабатларни узади.

Фромм фикрича, бозор муносабатлари шаклланган жамиятда меҳрибон ва маъсулиятли бўлиш қийинлашиб боришини айтади. Капитализм шароитида бегоналашув муаммосига биродарлик муҳаббатини шакллантириш ечим бўлади. Фромм замонавий жамият одамлари бегоналик ва ёлғизликдан халос бўлишлари учун севишлари ва мослашишлари кераклигини таъкидлайди. У севиш қобилиятини ривожлантирган одамда худбинлик йўқолиб боришига ишонади.

Фромм ўрта асрлар ва замонавий жамиятда озодликнинг кўринишини, ижобий ва салбий томонларини солиштириб, кўпчилик томонидан танқид қилинган ҳаёлий жамият ғоясини яратади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги жамятнинг ўрнига биродарлик муҳаббатига асосланган, бегоналашув йўқолган жамиятни шакллантириш долзарб вазифадир.

Мутафаккирнинг бегоналашув масаласидаги асосий тушунчаси озодлик ғоясидир. Капиталистик жамият инсонни иқтисодий ва сиёсий сохада озодликка олиб чиқди лекин руҳий қарам, бегоналашган ва ёлғиз инсонга айлантирди. Фромм фикрича, замонавий инсон озодликка ўзи эришгани йўқ. Бу унинг ҳиссий ва ақлий қувватининг ифодасидир. Инсоният диний дунёқарашини эркинлаштирган ва янгича эътиқодни шакллантирган бўлса ҳам, ички ишончини йўқотди. Бугуннинг инсони исботларсиз ҳеч нарсага ишонмайди. Илм-фан парадигмаларига мос келмайдиган қарашлар, ҳиссий ва интуитив ишончлар рад этилади. Инсоният сўз эркинлигига эришган бўлса ҳам унинг иддаоларини кўп қисми ҳамма ўйлайдиган ва гапирадиган қолипга солинган гаплардир, яъни уларни ўзи фикрлаш орқали яратгани йўқ ва унга фикрлаш эркинлиги аслида берилмаган. Фромм фикрича, бунга сабаб оммавий фикрлаш ва умумий ҳиссиёт устидан аноним ҳокимиятнинг мавжудлигидир. Оммавий ахборот воситалари ахборот етказиш билан бирга бир ҳил қолипдаги фикрларни ҳам тарқатади. Бу замонавий жамият инсонларининг интелектуал кучини манипуляторидир.

Фромм бугунги кун инсони озодликни фақатгина салбий томонига эришганини, ижобий озодликка эришаолмаганлигини айтади. “капитализм инсониятни ананавий ришталардангина озод қилиб қолмай, фаол, ижодкор, ижобий озодликка ҳам олиб бориши керак эди”[4]. Бугун инсонлар ижтимоий фаолиятда ва турли хил сиёсий фаолликда озодлигини намоён қила олди. Ҳозир инсонда ўзи ҳоҳлаган соҳада ишлаш учун танлов мавжуд, у аждодлари қандай бўлган бўлса, нима иш қилган бўлса у ҳам бутун умрини ўша соҳага сарфлашга мажбур эмас. Шунингдек, жамиятда у қулайлик ва хавфсизлик кабилардан иборат негатив озодликни қўлга киритди. Талабалар жуда кўп нарсаларни ўрганишлари талаб қилинганлиги учун уларда фикрлаш учун вақт қолмайди. Бу томондан инсон озодликни табиий равишда йўқотди ёки кўпроқ негатив озодликка эришди.

Фромм ўта ривожланган жамиятдаги ёлғизликка ечим сифатида ҳар бир инсон билан психоаналитик муолажа ўтказишнинг имкони йўқлигини билиб, капиталистик жамиятни буткул қайта қуриш керак деб, ҳисоблайди. У “бегоналашув ва ёлғизлик муаммолари бартараф қилинган макон қуриш ва унга инсонпарвар жамоавий социализм” номини беришни тавсия этади. Иқтисодий эркинликни яратувчи ижодий фаоллик асосида социалистик жамият лойиҳалаштрилади.

Фромм ишлаб чиқаришда монополияни бекор қилиш ва саноат марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиши керак, деган хулосага келади. Фромм қандай жамият қуриш кераклигини айтади, лекин бу жамиятни қандай қуриш кераклиги ҳақида ҳеч нарса демайди. Социолог А.С.Гарбузов Фромм қарашларини шундай изоҳлайди. “бегоналашув ҳиссини енгиб ўта олган инсонлар жамоавий социализмга бўлган эхтиёжни шакллантира бошлайди. Бу шуни англатадики, аста-секин табақаланишсиз, инқилобсиз капитализм ўрнига гуманистик социализм бунёд этилади”[5]. Гарбузов фикрича, бегоналашувни енгиб ўтган одамларнинг ҳар бири ички эркинлик ва баҳтга эга бўлган “янги одамлар” дир.

Фромм бундай инсонлар қуйидаги хислатларга эга бўлишини айтади.

- мардоновор эмас, шунчаки бера олади;
- очкўзлик, нафрат ва ҳомхаёллардан йироқ;
- яшашнинг эг олий мақсадига эга ва ўзлигини юксалтираётган;
- кучли иродага ва якдилликка эга бўлган;
- ҳокимиятга интилади, лекин табиатни эгаллаш мақсадида, уни бошқариш, фойда олиш, зарар етказишни кўзламайди.

Фроммнинг жамият ҳақидаги қарашлари капитализни ўрнига ижтимоий муносабатлар самимийликка ва биродарлик муҳаббатига асосланган янгича жамиятни қуриш эканлиги келиб чиқади. Лекин Фромм инсонларни ҳозирги муаммолардан "қочиш"га уринаётганлигини танқид қилади. У инсониятдан умидвор эди. Инсонни ўсиши ва ривожланиши учун инсоният қобилиятлари ҳақида қайғуради ва бузғунчи майлларига қарши курашади. Ижтимоий холатлар ва бузғунчилик ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этиш орқали маънавий етук инсон яралиши учун баъзи ижтимоий ва психологик қарашларни ўзгартириш кераклигини таъкидлайди. Фромм фикрича, баркамол сифатларни характерида мужассам этган янги инсон янгича жамиятни ташкил эта олади.

Фромм "Севги санъати" китобида "Муҳаббат бу инсоният мавжудлиги масаласига қониқарли ва ягона мантиқий жавоб" деб таъкидлаб, бегоналашувга ечим сифатида муҳаббатни келтиради. Қандай қилиб севги бегоналашув масаласига ечим бўла олади?-деган саволга Фромм севги ёлғизликни енгишга бўлган мухтожликдан пайдо бўлади ва бир бутунликка етаклайди" дея изоҳ беради. Муҳаббат инсонга бошқа инсонлар билан ва олам билан бир бутунлик туйғусини ҳис қилишга ёрдам беради ҳамда ёлғизликдан узоқлаштиради, бегоналашувни йўқотади.

Фромм муҳаббатни бир нечта турларини фарқлаб, уларни ичида биродарлик муҳаббати жамият учун аҳамиятли эканлигини таъкидлайди. Биродарлик муҳаббати асосида жавобгарлик, ғамхўрлик, ҳурмат мужассамлашган бўлади. Бу муҳаббат тури барча инсонлар бир моҳиятга, бир тарихга ва бир ҳил ҳиссиётга эга экан, бир бирига муҳаббат қўйишлари зарур деган фикрга асосланади[6].

Капиталистик жамиятда бирор инсон ўз қизиқишларини бошқа инсонга мосламайди. Бу жамиятда инсон эгалик қилаётган ҳамма нарсадан воз кечиш истагини билдира олса, ҳудбинлик ва очкўзлик ҳисси камаяди. Капиталистик жамиятда соф биродарлик муҳаббатини яратиш имкони борми? Биринчи масала ўз-ўзига муҳабббатни шакллантири, яъни ўзидан кўнгли совушини йўқотишдир. Чунки ўз-ўзини севиш ва бошқаларни севиш бир биридан ажралмасдир. Агар инсон ўзини севса, бошқаларни ҳам сева олади. Шундай экан, агар сиз бирор инсонни севсангиз бутун инсониятни ҳам сева оласиз. Капиталистик жамиятда эгоизм ва ўз-ўзидан узоқлашиш кучайиши жараёнида биродарлик муҳаббатини шакллатириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар рўйҳати

[1] Kaori Miyamoto. Erich Fromm's theory on alienation. University of Massachussets Amherst. Masters theses.1987. pp.62

[2] Karl Marx, ed. By C.J. Arthur, The German ideology, New York: International publisher, 1970, pp. 218
[3] Fromm E, Escape from freedom, New York: Holt, Rinehart and Winston, 1941, pp. 357
[4] Karl Marx, Fredrick Engels: Collected works. Vol.3, New York: International Publishers, 1975. pp. 279
[5] Garbuzov A.C., The conception of man in the philosophy of Erich Fromm, Soviet Studies in Philosophy, 1985, Vol. 24, pp. 89
[6] Fromm E, The art of Loving, cited by Nathaniel Branden, "Alienation", in capitalism: The unknown ideal. New York: The New American Library, 1966, -pp. 305

ЖАМИЯТ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШИДА САНЪАТНИНГ ЎРНИ

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна
Фарғона давлат университети
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *Мақолада жамият бадиий-эстетик ривожланишида санъатнинг ўрни масаласи ёритилиб, унда шеърият, мусиқа, адабиёт, хаттотлик, нотиқлик каби эстетик маданият турлари илмий таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *санъат, шеърият, мусиқа, адабиёт, хаттотлик, нотиқлик, бадиий-эстетик ривожланиш, бадиий қадриятлар, бадиий маданият, маънавий ҳаёт, баркамол шахс.*

РОЛЬ ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕСТВА

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна
Ферганский государственный университет
Кандидат философских наук, доцент

Аннотация: *В статье излагается роль искусства в художественно-эстетическом развитии общества, в котором проводится научный анализ таких видов эстетической культуры, как поэзия, музыка, литература, каллиграфия, ораторское искусство.*

Ключевые слова: *искусство, поэзия, музыка, литература, каллиграфия, ораторское искусство, художественно-эстетическое развитие, художественные ценности, художественная литература, духовная жизнь, гармонично развитая личность.*

ART INDUSTRY DEVELOPMENT OF SOCIETY AND SOCIETY CULTURE

Arzimatova Inoyatkxon Madimarovna
Ferghana State University
Candidate of Philosophy, Associate Professor

Annotation: *The article outlines the role of art in the art-aesthetic development of the society, in which scientific analyzes of the types of aesthetic culture such as poetry, music, literature, calligraphy, oratory.*

Key words: *art, poetry, music, literature, calligraphy, speeches, artistic-aesthetic development, artistic values, artistic culture, spiritual life, competent person.*

Эстетик маданият структурасида бадиий қадриятлар ва уларнинг йиғиндиси муҳим ўрин тутади. Санъат, бир томондан, даврнинг “ижтимоий-тарихий воқеалари таъсирида шаклланадиган ва ривожланадиган, иккинчи томондан, миллий маданият ва ҳар бир санъаткорнинг эстетик эҳтиёжларини акс эттирувчи”[1] эстетик идеални гавдалантиришнинг асосий соҳаси бўлиб, ижтимоий жараёнларнинг моҳият-мазмунини ўзлаштириш, уларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилаш мақсадларига хизмат қилади. Бадиий қадриятларни идрок этиш кучли ғоявий-эмоционал таъсирчанлик хусусиятига эга бўлиб, инсоннинг оламни эстетик ўзлаштириш қобилиятини ривожлантиради. Санъат инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини бутун борлиғи ва соҳалари билан яхлит акс эттириш орқали ғоявий-эстетик тарбиянинг муҳим омилига ҳам айланади.

Жамиятнинг бадиий маданияти ўтмиш, шунингдек, янги даврда яратилган санъат қадриятлари, уларни ўзлаштириш тарзида ҳам қаралиши мумкин. Бадиий маданият жамият умумэстетик маданиятининг муҳим соҳаси ва кўп жиҳатдан унинг характерини белгиловчи ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида ўзига хос функцияларни амалга оширади, специфик структурага эга бўлиб, нисбий мустақиллик касб этади. Кенг ижтимоий маънода олиб қаралувчи санъатнинг моҳиятини жамиятда бадиий маданиятнинг ривожланиш ва тарқалиш жараёнлари ташкил этади.

Санъатнинг ижтимоий амал қилиши ва у билан боғлиқ жараёнларни таҳлил этишда жамият бадиий фаолиятини ташкилловчи компонентларни аниқлаб олиш зарур. Буларга, биринчидан, мавжуд воқеликнинг бадиий инъикос объекти ва предметига айланган нарса-ҳодисалари; иккинчидан, бевосита бадиий ижодкор кишилар гуруҳи, шунингдек, санъат қадриятларини яратадиган ва тарқатадиган муассаса ва бирлашмалар тааллуқлидир. Учинчи компонентни яратилган ва ижтимоий-эстетик муносабатлар тизимидан ўрин олган қадриятлар мажмуи, тўртинчисини эса санъат, адабиёт, бадиий ва адабий танқид таъсирида шаклланган санъат ихлосмандлари ташкил этади.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бадиий-эстетик маданиятни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шунинг учун жамият, ёш авлод ёки алоҳида қатламларнинг

маънавий ҳаётини ўрганишда бадиий маданиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш методологик вазифани амалга оширади.

Масалан, алоҳида ижтимоий гуруҳ бадиий маданиятнинг таркибий қисми сифатида белгиланиб, фалсафий-эстетик таҳлил қилинадиган бўлса, юқоридаги таркибий қисмлар биринчи галда уларнинг санъат қадриятларини яратиш, тарқатиш ва ўзлаштиришдаги роли ва аҳамиятини ўрганишда устувор ўрин эгаллаши лозим. Шу нуқтаи назардан республикамизда бадиий зиёлиларнинг жамият маънавияти, баркамол шахсни тарбиялаш, тарихий воқелик ҳамда замонавий муаммоларни бадиий акс эттиришдаги ролига катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, санъат "азалдан халқ қалби-нинг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади"[2].

Жамият бадиий маданиятининг асосий қисмларидан бири бўлган санъат мухлислари уни ўзлаштиришда муайян ижтимоий муҳитни яратиши мумкинлиги тўғрисида айтиб ўтилди. Санъат категорияси сифатидаги мухлислар ижтимоий аҳволи, ёш ва тайёргарлиги даражаси тарафидан мураккаб тузилма ҳисобланади. Мухлисларнинг ҳар бир қатлами жамиятдаги ўрни, турмуш тарзи, фаолиятидан келиб чиқиб санъатга ўз муносабатини билдириши мумкин. Мухлисларнинг муайян тоифаси шаклланишида, унинг жамият мадани-ятига таъсирини белгилашда устувор бадиий эҳтиёжлар асосий омил ҳисобланади.

Жамият бадиий-эстетик маданиятини ривожлантиришда санъат мухлисларининг алоҳида ўрни бор, бинобарин, маданиятнинг юксалиши санъаткорлар билан мухлислар оммаси ўртасида алоқадорликнинг мустаҳкамлиги, санъатнинг томошабин, тингловчи ва китобхонни маънавий тарбиялашдаги ролининг ортиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бошқа томондан, кишилар доимо санъат асарлари билан қизиқиб, янги асарларга ижтимоий баҳо беради, санъаткорлар билан жамиятнинг ривожланиб борувчан эҳтиёжлари ўртасида мавжуд диалектик алоқани мустаҳкамлайди.

Қадимги юнон олимлари санъатнинг онтологик ва гносеологик жиҳатлари ҳақида сўз юритганларида, унинг ижтимоий функциясига тарбия воситаси тарзида баҳолайдилар. Бундай қарашлар Европа эстетикасининг кейинги тараққиёт босқичларида ҳам мазмунан бойитилган.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар адабиёт, шеърият, мусиқа, хаттотлик, нотиқлик сингари эстетик маданият турларини ўрганишда уларнинг моҳиятини ахлоқийлик билан гўзалликнинг уйғунлиги асосида тушунтирганлар.

Санъат, шеърият, мусиқанинг руҳий ҳаёт инъикоси эканлигини ҳамда унинг кишиларга чуқур таъсир этиш хусусиятлари ҳақида Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий "Мусиқа ҳақида катта китоб" асарида ёзишича, мусиқанинг уч тури мавжуд, бири инсонга роҳат-фароғат бағишлайди, иккинчиси ҳис-туйғуларни қўзғайди, учинчиси эса кишини ўйлаш, фикрлашга ундайди, хуллас, инсон маънавиятини бойитади [3].

Абу Наср Форобий маънавиятдаги санъат қадриятлари ва анъаналарни "Илм ҳақида", "Мусиқа ҳақида катта китоб", "Бахт-саодатга эришиш ҳақида", "Илмлар ва санъатлар фазилати" каби асарларида ахлоқий тарбия билан боғлиқ ҳолда қараб чиқади. Унинг "Мусиқа ҳақида катта китоб" рисоласида маънавиятни

шакллантиришда мусиқанинг ўзига хос роли кўрсатиб берилган. Асарда товушлар пайдо бўлишининг табиий, илмий таърифи эмас, балки мусиқавий куйлар уйғунлигининг математик тамойиллари ҳам очиб берилади.

Форобий ёзадики, мусиқа ҳунари ёки санъати номи билан юритиладиган ҳунар мантиқий ва ақлий таркиблардан иборат ва ҳақиқий тасав-вурлардан туғилган бўлиши керакки, бу тасаввур инсон руҳининг энг нозик еридан қайнаб чиқади. Бундай таркиб маълум бир шакл остидаги оҳанг ҳолида сезги қувватларимизга таъсир бағишлаб, ўзини кўрсатади [4].

Форобий "Афлотун қонунлари моҳияти ҳақида" асарида бу тушунчани янада чуқурлаштириб, мусиқа ва гўзалликнинг уйғунлиги катта маънавий-тарбиявий восита эканлигини таъкидлаган: "Мусиқадан хабардорлик натижасида роҳатланиш пайдо бўлади... Гўзаллик - бу турли мусиқалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, масалан, саҳийлик ва жасурлик каби яхши, ижобий хислатлар одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир... Ўзларида маълум бўлган мусиқавий санъатлардан тўғри фойдаланишга одатланган одамлар таҳсинга сазовордир... қўшиқ санъати жуда фойдали, айниқса ўзининг руҳиятга таъсири ҳамда руҳиятга алоқадор бўлган қонунларга таъсири билан ниҳоятда фойдалидир" [5].

Форобий шеъриятнинг эстетик хусусиятлари ҳақида тўхталар экан, юксак шеърият инсон фикрини ойдинлаштиради, у инсонни яхши ишлар, фазилатли бўлишга илҳомлантиради, хасислик, ёмон ва қабиҳ ишлардан сақлайди, кишининг руҳий сезгиларини юксалтиради, ҳаддан ташқари эҳтиётқорликдан ҳоли қилади, иззат-нафсини поклантиради, ғазабланишдан, ёмон ишлардан эҳтиёт бўлишда кишиларга ёрдам беради [6], дейди.

Абу Али ибн Синонинг "Китоб аш-шифо" асарида ҳам мусиқа киши руҳини даволовчи, инсоннинг қалбига кучли таъсир этувчи эстетик восита сифатида таърифланади. Аллома фикрича, ҳис-туйғу, сезгилар одамларда маънавият туфайли нафосат, инсонийлик касб этади, хурсандчилик, ширин ҳаёт завқини беради: "Шоду хуррам кечса ҳаёт, яйрар бадан". Бундай фикрлар унинг "Тиббий достони"да сўз санъатининг таъсир қудрати ва лаззатига бағишланган қисмидан ҳам ўрин олган.

Ибн Сино мусиқага баҳо берар экан, унга маънавиятни шакллантирувчи омил ҳамда ахлоқий-эстетик мезон тариқасида ёндашади. Нафсоний кайфиятлар хусусида тўхталганда, борлиқдан, бадиий қадриятлардан эстетик завқ олиш, роҳатланиш" шодликларнинг кўп бўлиши баданнинг яйраши демакдир"[7], деб ҳисоблайди.

Мусиқанинг инсон маънавиятига таъсирига оид тадқиқот олиб борган Феруза Асқарнинг таъкидлашига кўра, Абдураҳмон Жомий Шарқ мусиқий эстетик тафаккур тарихида биринчилардан бўлиб, эстетик лаззат, завқ-шавқ маънавий камолот йўлидаги катта ва зарур омил эканлигини баён этади. Чунки мусиқа мисолида Жомий эътироф этадики, "Руҳга лаззат бирор нарсани тушуниб, билиб олмоқда келади. Нимаики руҳ томонидан тез идрок этилса ва уни ҳайратга, чуқур ўйлашга мажбур этса, у энг лаззатли ҳисобланади"[8].

Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида оламни жаннатдан қолишмайдиган бўстон деб таърифлайди, ажойиб қаҳрамонларнинг гўзал қиёфаларини, бадиий образларини яратади. Улар тимсолида ҳаёт гўзаллигини

туйиш, турмуш лаззатларидан баҳраманд бўлиб яшаш учун кураш ғояси илгари сурилган. Шоир холиқ-яратувчи Аллоҳ саноси-мақтовига киришар экан, энг аввало, у инсон кўнглини ишқ гулшани, бу гулшанда эса ишқни ҳазинага айлантирилганлигини куйлайди, ишққа, инсонга, қудрат бахш этадиган яратувчи ҳусн, гўзаллик деб, таъриф берадики, бу қиёс Алишер Навоий даврида кенг тарқалган тасаввуфий тушунчаларга мувофиқ келади. Шу нуқтаи назардан шоирнинг яратувчи гўзалликни куйловчи мисраларини дунё ва коинот гўзаллигининг тасвири деб айтиш мумкин.

Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб”да “шодликни оширувчи хонанда, ғамни тарқатувчи созанда” дея куй, қўшиқнинг инсон учун маънавий озиқ эканлигини юқори баҳолайди: “Кўнгул қуввати-хушнавоздин, руҳ қути-хушовоздин. Хушхон муғаннийидин дард аҳлининг ўти тездур, агар малоҳати бўлса, ҳол аҳлиға рустохездур. Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг нағмаси захлиқ юракка ковгарроқ тегар. Оташин юзлук муғанийки, хилқидин мулойим суруд чиқорғай, ҳол аҳлининг куйган бағридин дуд чиқорғай”[9]. Демак, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади. Ҳар бир созанданинг куйи дардлироқ ижро этилса, унинг чертиши дардли юракка қаттиқроқ таъсир қилади. Очиқ чеҳрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади. Шоир инсонларни гўзаллик яратувчилар, гўзалликни чуқур ҳис этувчилар, ундан маънавий завқ-шавқ олувчилар, деб баҳолайди.

Марказий Осиёда кейинчалик шаклланган маърифатчилик ва жадидчилик ғоялари маънавият ҳодисаларининг эстетик тамойилларини маърифат, илму ирфон руҳи билан янада бойитдилар. Санъат, эстетик фаолият турлари оламни нафақат маънавий, маърифий, балки бадиий-эстетик ўзлаштиришда муҳим омил бўлиб шаклланди. Айни вақтда, миллий маънавиятимиз умуминсоний қадриятлар билан бойитилди. Бунда Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Абай, Саттархон, Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар қори, Авлоний [10] каби алломаларнинг хизмати каттадир. Бу ерда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан муносиб ўрин олган Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса-миллат яшайди”, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Театр – бу ибратхонадур” деб айтган сўзларини келтириш ўринлидир [11].

Юқоридагиларга асосланиб айтишимиз мумкинки, ижтимоий ҳаётда диққат-эътиборимизни тортадиган нарса-ҳодисалар икки хил нуқтаи назардан таҳлил этилиши мумкин. Биринчи нуқтаи назар санъатнинг жамият маънавий ҳаётининг таркибий қисми сифатидаги социал борлиғига устувор ўрин беради. Бошқа нуқтаи назарга кўра, кишилар эстетик меъёрларни амалда, шу билан бирга, моддий фаолиятларида акс эттирувчи эстетик маданийликни ўрганишга алоҳида аҳамият қаратади. Шундай экан, шахс ёки ижтимоий гуруҳлар эстетик маданиятини тавсифлашнинг таркибий қисмини санъатни идрок этиш малакалари, идеаллар, қарашлар ва мўлжаллар ташкил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1]. Маҳмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. - 94 б.
[2]. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. Б. - 136-137.
[3]. Вызго Т.С. Ренессансные тенденции в средневековой науке о музыке // Художественная культура Средней Азии IX-XIII веков.-Ташкент: Лит-ры и искусства, 1983. - С.183.
[4]. Форобий. Рисолалар.-Тошкент: Фан, 1975. - 62 б.
[5]. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 23, 27.
[6]. Форобий. Рисолалар. - 112 б.
[7]. Абу Али Ибн Сино. Тиббий рисолалар.-Тошкент: Фан,1987. - 35 б.
[8]. Асқар Феруза. Мусиқа ва инсон маънавияти.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2000. - 26 б.
[9]. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 т. - Т.: Фан, 1998. – Б. [10]. Алиқулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006; Маҳмудова Г. Жадидизм ва Туркистонда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти.- Тошкент: Давр-пресс, 2006.- 116 б.
[11]. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 140,144.

ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ахмадиев Нуриддин Мухитдинович
ФарДУ таянч докторанти.

Аннотация: *Мазкур мақола бугунги кун ёшларида тарбиявий қадриятларни шакллантириш, инсон, оила ва жамият тушунчасини янада ривожлантириш, таълим ва тарбия орқали ёш авлодни ҳуқуқ ва бурчларини англашга ўргатиш, миллий меросимизни янада асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш каби вазифалар таҳлилига бағишланган. Унда ёш авлод маънавияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш омилларига алоҳида эътибор берилган.*

Калит сўзлар: *Ижтимоий фаоллик, миллий анъаналар, маданият ва санъат, жамият, миллий қадриятлар, ростгўйлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, умуминсоний ахлоқ, фаровон турмуш.*

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ДУХОВНОЙ И СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ

Ахмадиев Нуриддин Мухитдинович
базовый докторант ФерГУ

Аннотация: *Эта статья посвящена формированию образовательных ценностей в современном возрасте, дальнейшему развитию концепции человека, семьи и общества,*

обучению прав и обязанностей молодого поколения через образование и воспитание, дальнейшему сохранению нашего национального наследия и продвижению будущих поколений. Особое внимание было уделено факторам повышения духовной и социальной активности молодого поколения.

Ключевые слова: *Общественная деятельность, национальные традиции, культура и искусство, общество, национальные ценности, честность, гуманизм, универсальная мораль, процветающая жизнь.*

FACTORS OF RAISING THE LEVEL OF SPIRITUAL AND SOCIAL ACTIVITY IN THE YOUTH

Akhmadiev Nuriddin Mukhitdinovich
PhD doctorate.

Annotation: *This article is devoted to the formation of educational values in today's age, the further development of the concept of human, family and society, teaching the young generation rights and responsibilities through education and upbringing, further preserving our national heritage and promoting future generations. Particular attention was paid to factors of raising the spiritual and social activity of the younger generation.*

Keywords: *Social activity, national traditions, culture and art, society, national values, honesty, humanism, , universal morals, prosperous life.*

Маънавий етук ва баркамол ёшларни тарбиялашда халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, миллий анъаналаримизнинг сақланиши ва мазмунан бойиши, шунингдек, маданият ва санъат, илм-фан, таълим-тарбиянинг ҳар томонлама ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Таълим-тарбия орқали мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда, баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгиланади. Ёшлар ва уларнинг тарбияси, маънавий ва ижтимоий фаоллигини ўстириш юрт келажаги билан боғлиқ муҳим масала хусусида сўз юритганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз"[1], деган сўзларини қайд этиш ўринлидир.

Ёшлар тарбиясини шакллантиришнинг асосий омиллари хусусида сўз юритар эканмиз, шубҳасиз, ислом дини маданиятининг ёш авлод камолотидагина аҳамиятини таъкидлаш зарур. Бугунги кунда миллий қадриятлар қатори диний қадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Зеро, "Биз ислом дини ота- боболаримиз дини экани, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз... Динга ҳурмат ва эътиқод- биз учун ўлмас қадриятдир"[2].

Миллатнинг равнақ топишида, шу асосда баркамол келажак барпо этилишида тарихан шаклланган миллий ва диний қадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир. Миллий қадриятлар, аввало, ҳар бир миллатнинг ифтихори, фахри, шу билан бирга маънавий меросининг пойдевори ҳамдир. Англашиладики, халқимизга, хусусан

ёшларимизга миллий ғояни сингдиришда ислом дини омилининг алоҳида ўрни бор. Боиси, диний қадриятларимизда маънавий- ахлоқий поклик, иймон- эътиқод етуклиги, илму ҳунарнинг инсон ҳаётидаги ўрни, ҳақиқат ва диёнат сингари кўплаб масалаларга алоҳида эътибор берилгани, инсон амал қилиши лозим бўлган эзгу ишлар, юксак ахлоқий фазилатлар тарғиб қилингани, маданият, маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия хусусида ислом таълимотида баён этилган асосий қоидалар, ҳуқуқий меъёрларнинг аҳамиятини бутун дунё эътироф этаётгани бежиз эмас.

Улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг етти йиллик юриши пайтида Мордин қалъаси қамал қилинади. Қамал чоғида Мирзо Улуғбек туғилгани ҳақида хабар келади. Сарой мунажжимларининг башоратига кўра, Мирзо Улуғбекнинг келажакда ҳам султон, ҳам улкан олим бўлиши билдирилади. Амир Темур бу хабардан жуда ҳам севинади. Амир Темур хонадонида ўрнатилган тартибга кўра, шаҳзодалар тарбияси уларнинг она-лари зиммасида эмас, балки буви-бибилари зиммасида бўлган. Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим бўла туриб, унинг оилавий тарбияси билан Сароймулкхоним шуғулланган. Амир Темур бобо сифатида Мирзо Улуғбекнинг ҳарбий иш, давлатни бошқариш, илм эгаллаш борасидаги тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Натижада Мирзо Улуғбек нодир шахс, маърифатпарвар давлат арбоби, бутун дунёга машҳур олим бўлиб етишади. [3] Бундан англашиладики, авлодлар келажаги, комиллигига эътибор улуғ аждодларимиздан қолган юксак қадрият ҳамдир.

Маълумки, Шарқда яратилган қатор мусулмон этикасининг ноёб намуналари бўлган асарлар ёшларни маънавий – ахлоқий шакллантиришда асосий мезон, қоида, қўлланма, маслаҳатдан иборат пандномалар сифатида хизмат қилиб келган. Бу борада айниқса, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Абдураҳмон Жомийнинг “Бахористон”, Мир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб –ул -қулуб”, “Ҳайрат ул- аброр” каби асарлари ўзбек миллий ахлоқини, маънавиятини, қадриятини юксалтиришда катта эътиборга молик шоҳ асарлардир. Оилани мустаҳкамлаш, фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялашда бевосита Шарқ мутафаккирларининг меросидан миллий қадриятлар сифатида фойдаланиш ҳозирги кундаги оилаларда мавжуд айрим нотабиий муносабатлар, кўринишлар ҳамда коммунистик турмуш юритиш тарзи қонуниятлари, ўзбек оиласига зўрма-зўраки киритилган тарбия усулларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. 74 йиллик мустамлака даврида айрим ўзбек оилаларидаги миллийлик ўз шакли ва мазмунини йўқота борди. Хатто мен ўзбекман дейишга, ўз миллатидан орланишгача бориб етган вақтлари ҳам бўлди. Бундай қарашнинг оқибат натижаларини нафақат ёшлар, балки ота- оналарнинг ўзбек тилини менсимай рус тилида гаплашишида, миллий урф-одатлар, яъни қадриятларни менсимай, эскилик сарқити деб қарашларида, оилада болалар тарбиясида ғарб ва рус маданиятига тақлид қилишда, оилада ўзаро бир- бири билан алоқа муносабатида, қайнона- келин, қариялар, ота- оналар ва фарзандлар ўртасидаги ғарбона муносабатларда кўриш мумкин. Мана шундай нуқсонларни йўқотиш ва олдини олишда, оилани мустаҳкамлашда, ўсаётган фарзандларни комил инсонлар қилиб тарбиялашда Шарқ мутафаккирларининг

бебаҳо фикрлари, дурдона асарлари, уларнинг пандномалари-ю, ривоятларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда иш олиб бориш тарбияда қўлланган мақсадга эришишнинг муҳим омили эканлиги нафақат фанда, балки кундалик турмуш фаолиятида исботланди.

Ота-боболаримиздан қолган бой маънавий мероснинг ёш авлоднинг ҳар томонлама юксалиши тизимидаги ўрни ва роли ўзига хос хусусиятга ва кўринишларга эга. Улардан баъзиларини тарихий манбаларга таянган ҳолда қисқача кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Абу Наср Форобий сиёсатни давлатни бошқариш санъати сифатида талқин этиб, давлатни бошқаришни икки хил: бири шаҳар аҳолисини ҳақиқий бахтга элтувчи бошқарув иккинчиси, ёлғон, қалбаки бошқарув типларига ажратиб кўрсатади. Шу йўл билан Абу Наср Форобий ҳукмдорни ахлоқий покликка, маънавий камолотга эришишга чақиради. Чинакам «Бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли, барча эзгу ишларни хайрли ниятлар ила бажариш, фазилатли амалга таяниш баробарида разолат ва бахтсизлик келтириб чиқариши мумкин бўлган ишлардан ўзини тия билишдир»[4],-дейди мутафаккир.

Минг йиллик тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқларининг муштарак бадиий мерос намуналари бўлган «Манас», «Алпомиш», «Гўрўғли» каби достонлар асрлар давомида халқ оғзаки ижодиёти на-муналари тарзида авлоддан-авлодга ўтиб, келажак авлодлар маънавий дунёси, руҳий олами, миллий қадриятларининг шаклла-нишида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. [5]

IX–XI асрлар давомида Марказий Осиёда яшаб ўтган Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Фа-робий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Аз-Замахшарий, Кайковус каби буюк алломалар яратган асарларда шахс, оилада бола тарбияси, унинг инсон ҳаёти, фаолиятидаги аҳамияти ёрқин мисолларда ўз ифодасини топган. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан Марказий Осиё халқлари шуҳратини бутун оламга ёйдилар. [6]

Улар ўз асарларида таълим-тарбия ва ахлоқ-одобга оид педагогик фикрлар, инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш, адолат ва халқпарварлик та-мойилларига асосланган етук жамоа барпо этиш каби ғоялар катта ўрин эгаллади. Бу асарлардан ўрин эгаллаган инсоннинг бахтли фаровон ҳаёти, маънавий камолотга эришиши, оила қуриши, бола тарбиялашдаги масъулияти ва бурчлари, оила муқаддаслиги каби масалалар мана шу ғоянинг ёрқин тасвиридир.

Шунингдек, «Авесто»да таъкидланишича, тарбия ҳаётнинг таянчи, шу боисдан, ҳар бир болани оилада яхши ўқиш ва ёзишга ўргатиш лозим, уни ёшлик пайтиданоқ меҳнат қилишга, меҳнатнинг таги роҳат эканлигини англаши учун дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт дейилган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросондаги машҳур қомусий билим эгаларидан бири Воиз Кошифий асарларида ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалалари катта ўрин эгаллаган. Уларда инсонпарварлик, халқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш ғоялари илгари сурилган.

Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний», «Ахлоқи Карим», «Искандар ойнаси», «Жавоҳирнома», «Тафсири Ҳусайн» каби асарларида ахло-қий таълимотни етакчи ғоя сифатида олиб чиқади. Кошифий салбий ахлоқий хислат-ларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаёти ва жамият учун катта зарар олиб кели-шини қатор ҳикоят ва ривоятлар билан кўрсатади. Кошифий ижобий хислатларни кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, иффат, покизалик, собитқадамлик, сахийлик, саховат, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, ҳушёрлик, баланд ҳимматлилик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалик, иззат-ҳурматни билиш, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади.

XI асрнинг буюк тарбияшунос мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») асари ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини мужассамлаштирган асардир. У том маънода дидактик асар, таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб дарслигидир. Юсуф Хос Ҳожиб ўз қомусий китобида олиб чиққан барча масалаларни таълим атрофида олиб боради, таълимни бош ўринга қўяди. У ўз асарида кишиларни дунё ишларининг барчасидан огоҳ бўлишга, бунинг учун билим ва заковат эгаси бўлишга чақиради. Мана шу ўринда тарбиянинг вазифаси ва қадр-қиммати муаммоси юзага келадики, тарбия, аввалambор, оиладан бошланишини уқтиради. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида оилада ота-оналарнинг бола тарбиясига оид қарашларини баён этади, фарзанд кўриш ва унга яхши тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтлигини, уларсиз ҳаёт маъноси йўқлигини таъкидлаб ўтади. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайди, унинг уддасидан чиқмоқ ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарздир, деган фикрларни билдиради. Юсуф Хос Ҳожибнинг таъкидлашича, оила тарбияси болаларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг меъморидир.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча қирралари ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Ахлоқий маданият ёш авлод баркамол келажаги учун муҳим замин яратувчи муҳим руҳий омил ҳисобланади. Кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий хатти-ҳаракатлари, яшаш қоидалари, ғоялар ва ҳиссиётлари ва уларни инсон онгида акс этиши, шубҳасиз, ахлоқий маданиятга боғлиқ. У эса ўз навбатида инсон характерига сингиб, одоб, билим, эътиқод, виждон, иймон, садоқат сингари хислатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Маънавиятнинг бу жиҳатлари ёш авлоднинг ижтимоий фойдали инсонлар бўлиб улғайишлари учун ҳам зарур асосдир. Биз ўз тарихи билан фахрланадиган инсонларни тарбиялашимиз ва шакллантиришимиз, бунда миллий ғурур ва миллий қадриятларимизга таянишимиз, умуман олганда, фарзандларнинг маънавияти ва ижтимоий фаолиятига таъсир кўрсатувчи барча омилларга эътиборни кучайтиришимиз муҳимдир. Зеро, ёшларимизни мамлакат келажаги учун жавобгарликни англашига ёрдам беришликни, айниқса, олимлар, зиёлилар ва сиёсатшунослар олдида бу соҳада амалга оширилиши керак бўладиган амалий ишларнинг механизмлари ва технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимизда ижтимоий ривожланишнинг устувор тамойилга айланиши ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижтимоий фаоллиги, яъни унинг

ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, меҳнат ва маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилишига, жамиятга ўз ўрнини топиш йўлида таяниши мумкин бўлган муҳим омилларга эътибор қаратишни тақозо этади. Бу борада илм ва маърифат, меҳнат ва ватанпарварликни олий даражага қўйган кекса авлод вакиллари муҳим тарбиявий тимсолдир. Улуғ аллома бобокалонимиз Абу Лайс ас-Самарқандий ёзганидек, ҳар бир илмли зотдан даврининг аҳли зиё олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим” [8], дея билдирган фикрларида мамлакат келажаги билан боғлиқ ҳар бир мавзу устида алоҳида иш олиб бориш, ўрганишлар натижаларидан ёшларни камолга етказишда ўринли фойдаланиш ишларига берилган кенг рағбатни кўришимиз мумкин. Ижтимоий ривожланиш ва ёшлар ахлоқий маданиятини шаклланиши, унинг муҳим омиллари масаласи ҳам айни давлатимиз эътибори остидаги масала бўлиб, ёшлар маънавияти ва ижтимоий фаоллигини ўстириш омилларининг ўрганилиши илмий-ижтимоий ўсиш учун ғоят аҳамиятлидир.

Ёш авлодни тарбиялаш юрт истиқболи билан боғлиқ долзарб жараён экан, бунда давлат, жамият ва оила муштараклиги, фарзандлар тарбияси олдидаги кучли масъулият ҳисси ҳамиша уйғоқ бўлиши керак. Таъкидлаш кераккки, ёшлар маънавияти, уларнинг ижтимоий фаоллиги жамият ривожи ва эртаси билан муштарак экан, унга таъсир кўрсатадиган ва ривожлантирадиган ҳар бир омилни синчиклаб, илмий назарий асосларини амалий тадқиқотлар билан уйғунликда ўрганиш бугунги изланувчан тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалар сирасидандир.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда маънавий ва ижтимоий фаолликни юксалтириш омиллари масаласини кенг таҳлил қилиш бугунги илмий жамоатчилик олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб, бунда ёш авлод тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга бўлган оила, миллий ва диний қадриятлар, бой маънавий мерос сингари муҳим омиллар тадқиқи ўзининг амалий натижадорлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. Б.34

2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.:2000. Б.26

3. Акрамова Ф. Билолова З. Ўзбек оилаларида маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда кекса авлоднинг таъсири. Замонавий таълим. 2016. Б.5

4. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. -Т: Ёзувчи, 2001. 12.Б

5. Мамаражабов Б. Миллий қадриятларимиз тарбиянинг самарадор омили сифатида. Замонавий таълим. 2014. Б.4
6. Донишмандлар тарбия хусусида. – Т.: «Ўқитувчи», 1982. Б.67
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. president.uz

UDC: 10+177.6+796.5

АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ
(Фалсафий таҳлил)

Бахтиёр Мирзараҳимов Хошимович
Фарғона давлат университети ўқитувчиси
E-mail: alfargoniy.uz@mail.ru

Аннотация: *Мақолада, мустақиллика эришган Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги аҳил қўшничилик муносабатлари ривожланиб бориши ва минтақа ҳамкорлигига таъсир этган ижобий ҳамда салбий омилларни бартараф этиш йўллари фалсафий таҳлил қилинган. Шунингдек, Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг мавқеини оширишда аҳил қўшничилик ва туризм маданиятини ривожлантириш, тарғиб қилиш орқали тинчлик ва барқарорликка эришиш омиллари ёритилган.*

Калит сўзлар: *“Туркистон – умумий уйимиз”, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, туризм маданияти, дўстлик, юрт тинчлиги, аҳил қўшничилик, халқ фаровонлиги.*

ФАКТОР РАЗВИТИЯ ДОБРОСОСЕДСТВА И ТУРИЗМА
(Философский анализ)

Бахтияр Мирзараҳимов Хашимович
Ферганский государственный университет
E-mail: alfargoniy.uz@mail.ru

Аннотация: *В статье анализируется путь развития дружественных отношений между странами Центральной Азии, которые достигли независимости, и пути преодоления негативных факторов, оказавших позитивное влияние на региональное сотрудничество. Также анализируются факторы достижения мира и стабильности путем пропаганды добрососедства и культуры туризма в продвижении позиций Узбекистана в Центральной Азии.*

Ключевые слова: *“Туркестан - наш общий дом”, межнациональное согласие, межрелигиозная толерантность, культура туризма, дружба, мир в стране, добрососедства, благосостояние людей.*

THE FACTOR OF GOOD NEIGHBORHOOD AND TOURISM DEVELOPMENT
(Philosophical analysis)

Bakhtiyor Mirzarahimov Xashimovich
Fergana state University
E-mail: alfargoniy.uz@mail.ru

Annotation: *The article analyzes the way to the development of friendly relations between the Central Asian countries which have achieved independence and the ways to overcome negative factors that have had a positive influence on the regional cooperation. It also has analyzed the factors of achieving peace and stability by promoting propagation of good neighborhood and tourism culture in promoting Uzbekistan's position in Central Asia.*

Key words: *"Turkistan - our common home", interethnic harmony, inter-religious tolerance, tourism culture, friendship, peace of mind, good neighborhood, people's welfare.*

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5-устувор йўналиши "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар" деб номланган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири Марказий Осиё минтақасидаги янги мустақил давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Марказий Осиё Минтақасида яшовчи халқлар ўртасида ўзаро бир-бирига умумий ва ўхшаш бўлган томонлар анчагина кўп. Аввало тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги халқларимизни бир-бирига яқинлаштиради, дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиши ва мақсадлар муштараклигини таъминлайди.

Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсати, иқтисодиёти ўзаро муносабатлари детерминистик хусусиятга эга ҳисобланади. Минтақани география, иқлим, умумий тарихий ва цивилизацион илдизлар бирлаштиради. Шу билан биргаликда минтақа мамлакатлари қарши турган хавф-хатарлар ва муаммолар ҳам умумийдир. Уларнинг келиб чиқиши ва хусусияти Марказий Осиёнинг барча халқлар интеграциясини ва ҳамкорлигини тақозо этади. Тарихимиз муштараклиги ва халқлар ўртасидаги бирлик дунёнинг глобал муаммоларини дўстона ҳал этиш, биз учун хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, янги авлодлар учун келажакни биргаликда қуришда ёрдам бермоқда. Бундан бир давлатнинг Марказий Осиё давлатлари интеграциясидан четда туриши барча сиёсий-иқтисодий мақсадларни йўққа чиқариши мумкин.

Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг асосий ғояси шундан иборат эдики, глобаллашув шароитида минтақада яшовчи ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, туркман ва бошқа халқлар ўртасида қадимий дўстлик алоқаларини мустаҳкам-лашни назарда тутиб "Туркистон-умумий уйимиз" шиори остида маънавий-маданий, тарихий ҳамкорликка кўпроқ асосланган. "Туркистон-умумий уйимиз" шиори остидаги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон

Президентларининг учрашувлари 2001, 2002, 2003, йилларда бўлиб ўтди. Бу йилларда минтақа давлатлари Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар тузишга эришдилар. Келишувларда Марказий Осиё давлатларида ҳозирги кунда мавжуд бўлган бир талай минтақавий муаммолар, ҳавф-хатарлар, таҳдидлар муҳокамага қўйилди.

Асрлар давомида бағрикенглик, маърифатпарварлик ва инсонпарварлик фалсафасининг бешиги саналган ва шу нуқтайи назардан Ғарб ва Шарқ, турли динлар ва маданиятлар ўртасидаги кўприк вазифасини бажариб келаётган минтақада XX асрга келиб асосий хавф-хатарлар ва таҳдидлар мажмуи пайдо бўлди. Минтақавий ҳамкорликка ўз таъсирини ўтказувчи ушбу омиллар ҳамкорлик жараёнларида бир қатор тўсиқларни вужудга келтирди. Бу омиллар:

-Собиқ Иттифоқ даврида шакллантирилган иқтисодий-сиёсий тартиботларнинг асоратлари;

-минтақада миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари

- кечаётганлиги мустамлакачилик зулми остида эзилган халқларда ўз "мен" лигини намойиш қилиш кучайганлиги;

-минтақадаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ёки истиқбол билан боғлиқ реалликдан йироқ бўлган айрим хорижий маълумотлар;

-мустақилликнинг дастлабки йилларида ёш республикалар ўз миллий қадриятларини тиклашга, ўз анъаналарига қайтишга, миллий давлатчиликни шакллантиришга, ўз имкониятларидан келиб чиқиб тараққиёт йўлларини белгилаб олишга асосий эътиборни қаратдилар. Булар миллий манфаатлардаги алоҳидалик-нинг намоён бўлишига кўпроқ сабаб бўлди. Чегара муаммолари, сувдан фойдала-нишда, ташқи кучлар билан алоқалар ўрнатишда ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш сиёсатида алоҳидалик кўзга ташланади[1].

Халқаро наркобизнес, терроризм, диний экстремизм, геосиёсий рақобат, харбий рақобат майдонига айланиши минтақа давлатлари интеграциясига, интернет телекоммуникация тизимлари, сиёсий-иқтисодий муносабатларнинг эркинлашуви ва кўчиб юриш эркинлигига тўсқинлик қилди[2].

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек: "Айни маҳалда бир миллат ўз эхтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат этнослар вакилларининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатта бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим"[3]. Ўзбекистонинг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан минтақада аҳил қўшничилик, ҳамда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни таминлаш концепцияси ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан олиб борилаётган кўп асрлик дўстлик, аҳил қўшнилик, бир-бирини қўллаб – қувватлаш, қардошлик алоқаларидаги янгича ёндашувларни таклиф этмоқда. Ўзбекистоннинг қўшни давлатларга бўлган бундай сиёсатини бутун дунё эътироф этмоқда. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Давлат

чегаралари бўйича тарихий келишувларга эришилгани, чегарадош ҳудудлараро борди-келди осонлаштирилгани маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлади. Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик муносабатларига кенг имкониятлар яратади. Давлатимиз чегерасидан ҳар куни минглаб сайёхлар турли мақсадларда ишбилармонлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштириш доирасида ўз қариндошлари билан учрашиш ва сайёҳлик объектларини кўриш мақсадида ўтиб келмоқдалар. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”[4] минтақа давлатлари ўртасидаги савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим ва илм-фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантирди. Бу борада Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин “Бизлар янги дўстлик кўприклари ва янги “Ипак йўлларини” барпо этишимиз керак. Фарзандларимиз, набираларимиз учун бу ёруғ йўллар кенг ва ҳавф-хатардан холи бўлиши лозим”[5].

Бизга маълумки, мустақил давлат ташкил этган биринчи подшо, император давлат суверинететини сақлаш, кўчманчи қабилалардан ҳимояланиш учун давлат чегараларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратган ва “изоляцион” сиёсат олиб боришга мажбур бўлган. Бундай сиёсат давлатнинг эркин ташқи сиёсат олиб боришига, иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилган. Лекин, ҳозирги глобаллашув шароитида дунёга очиқ юз билан одимлашимиз керак. Шу ўринда Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз, деб топдик. “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек “Оддий ва очиқ инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усул”[6]. Минтақа халқлари ўртасидаги яқин муносабатлар, оддий ва очиқ инсоний мулоқот, халқаро дўстлик, маданий алоқаларнинг ривожланиб бориши – минтақада аҳил қўшничилик алоқаларини мустахкамлашга хизмат қилмоқда. Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бундай муносабатлар минтақа мамлакатларининг маданий, иқтисодий, сиёсий хамкорлик борасидаги имкониятларни яратади ҳамда жахон ҳамжамияти эътиборини қаратишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё халқлари ҳамда дунё халқлари ўртасида дўстлик, хамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашида туризм маданияти қанчалик даражада ривожланганлигига боғлиқ ва унинг ўрни каттадир. Оддий ва очиқ инсоний мулоқот эса туризм маданияти ривожи учун кенг имкониятлар очади. Туризм маданиятини ривожлантириш орқади мамлакатда ташқи иқтисодий алоқалар йўлга қўйилади. Чунки тарихан туризм доимо тинчлик ва дўстлик тимсоли сифатида мамлакатларни ўзаро боғлаган. Буларнинг барчаси миллат маданиятини кенгайтирган ва ўзаро тинч муносабатларни ўрнатган. Глобаллашув шароитида барқарор тараққиётнинг омили кўпроқ минтақа

халқларининг миллатлараро бағрикенглик маданиятига боғлиқдир. Фуқаролардаги миллатлараро бағрикенглик ижтимоий муносабатларни ижобий томонга йўналишини таъминлайди. Инсониятга оғир мусибатлар келтирган жаҳон урушлари, катта-кичик можароларнинг барчасининг асосини, аввало, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар ташкил этиб келган. Инсоният ўзи яшаб турган сайёрасини асраб қолиши, хотиржам, осойишта ҳаёт кечириши учун одамларни муроса қилиб яшашга, миллий ва диний бағрикенгликка, сабрлилик ва бардошлилик фазилатларига амал қилиши ҳозирги таҳликали дунёда давр талабидир. Шу боис миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш сифатида туризм барча халқлар ва давлатлар томонидан эътироф этилмоқда. Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида турли хил миллат ва элат вакиллари билан бағрикенглик ва маданий ҳамкорликнинг азалдан мавжудлиги, ҳозирги кунда туризмни ривожлантириш учун асос бўлмоқда. Туризмнинг тарбиявий йўналишдаги вазифаси шундан иборатки, инсон саёҳат натижасида билим ва тажриба олади, бундан ташқари чиниқади, қийинчиликларни бартараф этади, мамлакатини соғинади ва қадрлайди, бошқа миллат дунёқарашига, урф-одатларига ҳурмат билан қарайдиган бўлади. Биз мамлакатимизда туризм маданиятини ривожлантириш орқали қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

-халқлар дўстлиги, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, аҳил қўшничилик ва якдиллик ғояларини мунтазам тарғиб-ташвиқ қилишимиз, ватанпарварлик хис-туйғуларини ўстириб боришимиз;

-этномаданий анъана ва қадриятлар ранг-баранглигини сақлаб қолиш, уларни ўрганиш ва амаллаштиришимиз;

-турли миллат ва элатлар вакилларининг мамлакат ижтимоий-маданий хаётида тўлақоқ иштирок этишида ёрдам берадиган уюшмалар, фольклор ансамбллар ва бошқа жамоа бирлашмалари ишини янада фаоллаштиришимиз;

-таълим сифатини, аҳолини ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини оширишимиз, кўпроқ иш ўринларини (ҳар 30 та турист битта ёки иккита янги иш ўринларини барпо қилишга имконият яратади[7]) яратишимиз мумкин.

Туризм маданиятини шакллантиришда хозирги кунда Ўзбекистонда жуда кўп ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар – туризмни ривожлантиришга йўналтирилган фармон ва қарорлар, халқаро ва миллий тадбирлар, янги хорижий таълим муассасалари фаолиятининг йўлга қўйилиши, сайёҳлар оқимининг ошиши, туризмнинг янги йўналишларини ривожлантирилиши, инфратузилмани такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар, хорижий инвесторларни жалб қилиниши Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги халқаро рейтингларда юқорилашига хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничилик сиёсатини тарғиб қилиш ва туризм маданиятини ривожлантириш орқали мамлакатимизда умуммиллий қадриятлар бўлган миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантирилади.

Қашшоқликка барҳам бериш ҳамда барча давлатлар иқтисодий барқарорлигига эришиш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2017 йилни

“Халқаро туризм йили”[10] деб элон қилинди, Ўзбекистон орқали Марказий Осиёда аҳил қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йил Қозоғистонда “Ўзбекистон йили”[11] деб эълон қилинди. Умуман олганда, халқаро тузилма, ёки бирор давлат томонидан жамиятни қайсидир ривожланмаган томонини босқичма-босқич ривожлантириш мақсадида йилларга ном бериш одат тусига кирган. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, келгуси йилни мамлакатимизда “Аҳил қўшничилик ва туризмни ривожлантириш йили” деб номлашни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сирожов О.О., Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари, Автореферат. Тошкент – 2018 Б- 15
2. Сафоев С.С., Марказий Осиёда геосиёсат, Тошкент - 2005. Б- 20
3. Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон, 1997. Б-74
4. Мирзиёев Ш.М., Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018. –Б. 328
5. Мирзиёев Ш.М., Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018. –Б. 344
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган ―Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик‖ мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. http://www.prezident.uz/uz/lists/view/1227.
7. Богданов Ю.В. Развитие индустрии туризма как фактор социально-экономического роста региона (на примере Санкт-Петербурга и Ленинградской области) Автореферат дисс. ... кан. экон. н. Санкт-петербург – 2004.
8. en.trend.az/business/tourism/3002756.html
9. https://uzbektourism.uz/
10. Мирзиёев Ш.М., Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018. –Б. 330
11. Turkistonpress.uz/article/19694

МАЪНОДАН УЗИЛГАН ҲАРФЛАР (“ҲУРУФИ МУҚОТТАЪОТ”) ТИЛСИМИ

Исақова Замирахон Руҳитдиновна
Фалсафа фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

Аннотация. *Маънодан узилган ҳарфлар “ҳуруфи муқоттаъот” Қуръонда илм-фан ҳали кашф қилишга улгурмаган ва инсон ақл-заковати етмаган мўъжизаларнинг биридир. Маъноси узилган ҳарфлар Аллоҳнинг мўъжизасидир. Уларнинг тафсири борасида ҳаттоки Муҳаммад (с.а.в.)дан ҳам бирон ҳадис ривоят қилинмаган. Мақолада Қуръони каримда*

келтирилган 29 та маънодан узилган ҳарфлар ҳақида маълумот берилиб, ўз даврининг улуғ муфассирларининг тафсири баён қилинган.

Калит сўзлар. *Қуръони карим, ҳадис, сура, ёсин, Қуръон мўъжизалари, тафсир, муфассир, маънодан узилган ҳарфлар, ихтилоф.*

СЕКРЕТЫ “ХУРУФИ МУКАТТАЪОТ”

Исакова Замирахон Рухитдиновна
Кандидат философских наук, доцент
Наманганский государственный университет

Аннотация. *“Хуруфи мукаттаъот” в Коране является одним из чудес, который человек не способен понять и наука еще смогла открыт. “Хуруфи мукаттаъот” это чудо Аллаха. В их интерпретации, даже Мухаммед (с.а.в.) ни один хадис не рассказал. Статья содержит информацию о “Хуруфи мукаттаъот”, написанных в Коране, который содержит 29 букв и дается интерпретации великих комментаторах своего времени.*

Ключевые слова. *Коран, Хадис, Сура, Ясин, Чудеса Корана, Тафсир, Муфассир, «Хуруфи мукаттаъот”, несогласие.*

SECRETS “KHURUFI MUKATTA'OT”

Isakova Zamirakhon Ruhitdinovna
Candidate of Philosophy, Associate Professor
Namangan State University

Annotation. *“Hurufi mukatta’ot” in the Quran is one of the miracles that a person is not able to understand and science has still been able to open. “Hurufi mukatta’ot” is the miracle of Allah. Their interpretation, not even Muhammad (s.a.v.), had a single Hadith. The article contains information about “Hurufi mukatta’ot”, written in the Qur’an, which contains 29 letters and is interpreted by great commentators of its time.*

Key words. *Quran, Hadith, Surah, Yaseen, Miracles of the Qur’an, tafsîr, mufassir, “Hurufi mukatta’ot”, disagreement.*

Миллий маънавиятимизнинг ўн тўрт асрлик тарихини исломсиз тасаввур этиб бўлмайдики, мусулмонларнинг муқаддас китоби “Қуръон” асрлар оша аждодларимиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган. “Қуръон” одамлар унинг оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз (Аллоҳ – З.И.) сизга нозил қилган муборак китобдир” [1.422.]. Агар “Қуръон”дан аввал нозил қилинган “Таврот”, “Забур”, “Инжил” бир қавм, бир шаҳар ёхуд бир миллатга жўнатилган бўлса, “Қуръон” башарият, яъни барча миллат ва барча мамлакатларда яшайдиган одамларни тўғри йўлга бошлаш учун жўнатилган. “Қуръон”да “...оятларнинг таъвилини фақат Аллоҳгина билур” [1.45.] дейилган. “Қуръон”ни тафсир қилишда Аллоҳ каломидан сўнг энг ишончли манба пайғамбар суннатидир. “Қуръон”ни Муҳаммад (с.а.в.)дан кейинги билувчироқ зотлар саҳобалар, улардан кейин тобеъинлар, улардан сўнг тоба тобеъинлар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилишларича, Муҳаммад с.а.в. “Ким “Қуръон” ҳақида билмасдан бирон нима айтса, жойини дўзахдан тайёрлаб олсин” дедилар. Демак, “Қуръон”ни билмаган киши уни ўзича таъвил қилишга ҳаққи йўқ. Мусулмонлар оятларни тўғри тушуниш учун тафсирга муҳтож бўлишган. “Қуръон” илмининг билимдонлари бўлган муфассирлар томонидан амалга оширилган тафсирлар “Қуръон” оятларини маъноларини англашга йўл очган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, барча муфассир ва уламолар 23 йил давомида нозил бўлган “Қуръон” фасоҳат ва балоғат илмида бемисл ажабтовур илоҳий фазилатга эга бўлганини таъкидлаганлар. Бунинг изоҳи “Қуръон” нозил қилинган даврдаги арабларнинг шеърият, балоғат ва сўзамолликда баркамол бўлганликлари, ҳаттоки йўлда кетаётган ёки жанг қилаётган вақтларида ҳам беихтиёр шеър тўқиб юборганликларида англашилади. Жоҳилият даврининг фасоҳат ва балоғат илми ривожланган паллада ёзиш ва ўқишни билмайдиган Муҳаммад (с.а.в.)га барчани ожиз қолдирадиган “Қуръон” оятлари нозил бўлиши, албатта, буюк мўъжиза эди.

Қуръонда “ҳуруфи муқоттаъот” – маъноси узилган ҳарфлар билан бошланган суралар сони араб алифбосидаги ҳарфлар сони билан тенг, яъни 29 ўринда келган бўлиб, маъноси узилган ҳарфлар Аллоҳнинг мўъжизасидир. Уларнинг тафсири борасида ҳаттоки Муҳаммад (с.а.в.) дан ҳам бирон ҳадис ривоят қилинмаган. Бу ҳарфлардан мурод Аллоҳнинг Ўзигагина аён. Орифлардан бири “Ҳар бир самовий китобда Худонинг сири бор ва “Қуръон” ҳарфлари ҳам илоҳий сирдир” дегани ҳолда, баъзилар бу ҳарфларни Пайғамбар (с.а.в.)нинг номи деб таъкидлашади. Яна бошқа фикрга кўра, мазкур ҳарфлар Худонинг улар воситасида қасамёд келтиришидир.

Буюк ватандошларимиз Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ат-Тамимий ад-Доримий (ваф. 869 й.), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (ваф. 870 й.), Абу Исо ат-Термизий (ваф. 892 й.), Абу Мансур Моторудий (ваф. 944 й.) Абуллайс Самарқандий (ваф. 1003 й.), Маҳмуд Замахшарий (ваф. 1144 й.), тафсирлари ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган. Муфассирлар томонидан таълиф этилган ҳар бир тафсир ёзилиш услуби, оятлар шарҳига ақлий ва нақлий далиллар билан ёндашиш шакли, ҳадис ҳамда уларга алоқадор ривоятлар билан мустаҳкамлаш, саҳоба, тобеъин, тоба тобеъинларнинг сўзлари билан шарҳлаш билан фарқланган бўлса ҳам, тафсирлар ўртасида ихтилоф йўқ. Аксинча, бир тафсир иккинчисини тўлдириши, янги-янги манбалар билан бойитилиши муҳим аҳамият касб этган.

Тафсир илмида машҳур бўлган алломалар, муфассирларнинг бебаҳо қўлланмаларига таянилган кўплаб шарҳлар мавжуд. Жумладан, Маҳмуд Замахшарий “Кашшоф” муқаддимасида “Агар “Қуръон”ни нозик нукталарини кашф этмаганимда “Қуръон” ёпиқлигича қолиб кетган бўлар эди” деб ёзган ва маънодан узилган ҳарфлар ҳақида “Алиф, лам, мим. Алиф, лам, мим ва хо мим, алиф, лам, мим, сод ва сод калитлардир. Шу ҳарфлар билан Аллоҳ “Қуръон”ни очди” [2.] деган тафсир билан кифояланган.

Исмоил ибн Касир (ваф. 774 й.)нинг “Тафсир ул-Қуръонил азийм” ҳуруфи муқоттаъот ҳақида шундай ёзади: Кўплаб муфассир олимлар йигирма тўққиз сура аввалида келган кесик ҳарфлар ҳақида ихтилоф этдилар. Улардан бирлари

Қуртубий ҳазратлари ўзларининг Абу Бакр Умар ва Усмон ва Али ва Ибн Масъуд р.а.лар тарафидан қилинган тафсир китобларида айтадиларки, бу ҳарфлар шундай ҳарфларки, илмига фақат Аллоҳ эгадир. Бас, у ҳарфлар илмини Аллоҳга ҳавола этдилар ва тафсир этмадилар. Демак, тўрт халифа ва расули акрам (с.а.в.)дан умрлари охиригача ажралмаган ва доим у зот билан бирга бўлган "Қуръон" ва ҳадис илмига моҳир Ибн Масъуд (р.а.) ҳуруфи муқоттаъот илмини Аллоҳга ҳавола этсалар яна бу ҳақда қандай изоҳ ва қандай қўшимчалар керак!? [3.132.].

Муҳаммад Сулаймон Абдуллоҳ ал-Ашқор "Зубдат ул-тафсир мин фатх ил-қодир" номли китобида шундай ёзган: "Қуртубий ўз тафсирларида суралар аввалида келаётган ҳарфлар "Қуръон" ичидаги Аллоҳнинг сири. Бундан нимани ирода қилганини Аллоҳнинг Ўзи билади деб айтдилар. Ва яна айтдиларки, уламолардан кўплари бу ҳарфлар ҳаққида баҳс олиб бордилар. Улар маъноси узик ҳарфлар ҳақида сўзлашни яхши кўрамиз ва кошки у ҳарфлар замиридаги фойдаларга ва улардан чиқиб келаётган маъноларга эга бўлсак" дедилар. Уламолардан баъзилари айтдиларки, бу ҳарфлар ҳижойи ҳарфларга ишорадир. Араблар "Қуръон"га нисбатан беодоблик билан бу бизнинг сўзларимизга бино қилинган ҳарфлардан ҳосил бўлган оддий шеър деганларида Аллоҳ уларга билдириб қўйдики: Алиф, лом, мим. Сизлар ҳам қўлларингиздан келса бирор оят тузингларчи!? Токи уларнинг бирор оят тузишдан ожиз эканликлари ўзларининг зарарларига ҳужжат бўлишликда таъсирлироқ бўлсин. Чунки у ҳарфлар ҳам араб каломидан ташқарида эмас эди. Мусанниф "Бақара" сурасидаги "Алиф, лом, мим"га изоҳ берган ва қолган йигирма саккиз сура аввалидаги "ҳуруфи муқоттаъот"га ҳеч қандай изоҳ бермаган. Зеро, ақл эгаларига сўз эмас, ишора кифоя этади.

Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон Тўранинг "Қуръон" тафсирида шундай ёзилган: "Ҳуруфи муқоттаъа, яъни узик ҳарфлар Қуръони каримда 29 сура аввалида келғондур. Бу ҳарфларға жумҳури уламо маъно бермайдурлар, балки, "Аллоҳ аъламу бимуродаҳу" деб кетарлар. Чунки бу ҳарфлар асрори Қуръониядиндур ва Аллоҳ таоло ўз асрорин ўзи яхшироқ билур" [4.13.].

Шайх Муҳаммад мулло Рустам ўғли Қўқондий – Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний ўзининг "Баён ул-Фурқон фий таржимат ил-Қуръон" тафсирида "Бақара" сурасидаги биринчи оятдаги "Алиф. Лом. Мим."га "Бу ҳуруфларни маъносиға Аллоҳ таолони Ўзи донодур" деб, "Ол-и Имрон" сурасидаги муқоттаъот ҳарфларга "Бу ҳуруфлардан Парвардигорни муроди нима бўлса, Ўзи биладур" деб, "Аъроф" сурасидаги муқоттаъот ҳарфларга "Бу ҳуруфлардан Аллоҳ таолони муроди нима бўлса, Ўзи биладур" деб, "Тоҳо" сурасидаги муқоттаъот ҳарфларга "Парвардигор бул калимадин нимани ирода қилғон бўлса, Ўзи биладур" деб, "Намл" сурасидаги муқоттаъот ҳарфларга "Бу ҳуруфларни маъниси Парвардигорга хосдур" дейиш билан чекланган. Баъзи суралардаги муқоттаъот ҳарфларга изоҳ берилмаган.

Алоуддин Мансур эса муқоттаъот ҳарфларга қуйидагича изоҳ берган: "Қуръондаги бир неча сура ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланади. Кўпчилик ислом уламолари наздида мазкур ҳарфлар "хуруфи муқоттаъот", яъни маънодан узилган ҳарфлар саналиб, уларнинг маъноси ягона Аллоҳгагина маълум. Илоҳий мўъжиза бўлган бу Китоб одамлар осон ўқиб-англаб амал қилишлари учун улар яхши

танийдиган ҳарфлар билан осон тушуниладиган қилиб юборилган. Лекин одамлар орасида “алиф” – Аллоҳ, “лом” – Жаброил (Аллоҳ билан пайғамбар ўртасида воситачи фаришта), “мим” Муҳаммад (с.а.в.) деб ҳарфларга маъно берувчилар ҳам бор” [1.6.].

Ушбу масала юзасидан Абдулазиз Мансур Қуръони Карим маъноларининг таржимасида шундай ёзган: “Қуръонда 29 та сура ҳижо (алифбо) ҳарфлари билан бошланади. Уларни “ҳуруфи муқоттаъот”, яъни таркибдан ажратилган ҳарфлар деб аталади. Бу ҳарфларнинг мазмуни ёки нималарнинг аломати экани тўғрисида баҳс юритиш ман этилган. Уларниг маъносини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади, деб эътиқод қилиш зарурдир. Лекин баъзи муфассирлар ўз тафсирларида уларни изоҳлашга ҳам уринганлар” [5.2.].

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф муқоттаъот ҳарфларга муносабат билдиришда сукутни афзал кўриб, “Тафсири Ҳилол” китобида фақат “Бақара” сурасидаги биринчи оят ҳақида тўхталиб ўтганлар ҳолос. Унда қуйидаги фикрлар билдирилган: Қуръони Каримнинг йигирма тўққиз сураси “Алиф. Лом. Мим.” га ўхшаш ҳарфлар билан бошланган. Бу ҳарфларга турлича ном берилган: баъзилар “Ҳуруф ул-муқотттаъот” кесик ҳарфлар десалар, бошқалари “Ҳуруф ул-ҳижои” – алифбо ҳарфлари дейдилар. Учинчилари эса “Фавотуҳ ус-сувар” – сураларни очувчилар дейдилар. Бу ҳарфларга турлича ном берилганидек, баъзи сураларнинг улар ила бошланишидан кўзланган мурод ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар айтилган. Бу ҳақда махсус баҳслар ҳам бор. Баъзи уламолар бу ҳарфларнинг сиррини Аллоҳга ҳавола этадилар, бошқалари “Бу – Аллоҳ билан Пайғамбар алайҳиссалом ўрталаридаги сир” дейдилар.

Ихтилофнинг асосий сабаби улар ҳақида на Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан, ва на саҳобаи киромлардан бирорта ҳам ривоят йўқлигидир. Шубҳасиз, улар бу ҳарфлардан мурод нималигини яхши билганлар, шунинг учун ҳам бир-бирларидан сўрамаганлар ва ривоят қилмаганлар. Саҳобаи киромларнинг одатлари – билмаган нарсаларинигина сўрардилар. Улар улуғ зотлар бўлиб, елкаларида Ислом динини бутун дунёга тарқатишдек улкан масъулият ётганини тўлиқ тушунар эдилар ва асосий эътиборни шунга қаратардилар. Билган нарсалари ҳақида тортишувларга тоқатлари ҳам, вақтлари ҳам йўқ эди. Кўпгина тафсирчилар, айниқса, тафсирчиларнинг кейинги авлоди баъзи сураларнинг мазкур ҳарфлар билан бошланиши, арабларга “Қуръон сизлар ишлатиб юрган “Алиф”, “Лаам”, “Мийм”га ўхшаш ҳарфлардан тузилган, қўлингиздан келса, сизлар ҳам шунга ўхшаш нарса тузингларчи” деган маънони билдиради, деганлар [6.14.].

Энди Қуръоннинг 36-сураси бўлган “Ёсин” сураси ҳақида тўхталсак:

“Ёсин” сураси ўзининг илк ояти “Ё, син” ҳарфлари билан аталган бўлиб, унинг Қуръони Каримда тутган ўрни-мартабаси ҳақида Пайғамбар (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадис ривоят қилинган: “Албатта ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Қуръоннинг қалби “Ёсин”дир. Мен бу сурани умматимдан ҳар бир кишининг қалбида бўлишини истар эдим” [1.307.].

Олтинхон Тўра “Ёсин” сурасини шундай тафсир қилади: “Ёсин” калимаси икки ҳарфдан иборатдур. Аксар тафсирчилар бу калимага таржима ва тафсир

ёзмаганлар. Баъзилари маъниси “ё Муҳаммад”, “ё инсон”, “ё Саййид”дур дебдирлар. Муроди саййиди олам пайғамбаримиз бўлурлар” [7.369.].

“Авроди Қуръоний”да ҳам юқоридаги фикрлар тасдиқланган: 1. Ёсин (Эй, комил инсон – ҳабибим, Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам!) [8.15.]. “Тафсири Табарий”дан келтирилишича, “Ёсин”нинг ҳақиқий маъносини Аллоҳ ва унинг расулигина билур. Баъзи муҳаққиқлар уни “Эй, Муҳаммад” дегани” деганлар. Баъзилари “Эй, комил инсон” дея таъвил қилган бўлсалар, баъзи орифлар наздида “Эй, Саййид” маъносидадир. “Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): “Ёсин Қуръоннинг қалбидир. Уни бир бор тўлиқ ўқимоқлик “Қуръон”ни ўн бор бошдан охир ўқимоқлик билан тенг” [8.15.] деб марҳамат қилганлар. “Тафсири Насафий”да келтирилишича, “Ҳадиси шарифда бу хусусда қуйидагича баён берилган: Муҳаққиқки, Аллоҳ таоло мени (Муҳаммад с.а.в. – З.И.) Қуръонда етти исм билан номлади: Муҳаммад, Аҳмад, Тоҳо, Ёсин, ал-Музаммил, ал-Муддассир ва Абдуллоҳ. Шунингдек, баъзилар “Ёсин”нинг маъносини “Ё Саййид” деганлар” [9.15.]. Ислом энциклопедиясида ёзилишича: “Сура аввалида “йа” ва “син” ҳарфларидан ташкил топган “ёсин” калимаси сурага ном бўлиб қолган. “Ёсин”нинг фазли ҳақида кўпгина ҳадисларда ривоят қилинган. Уларнинг аксариятида бу суранинг “Қуръон”нинг қалби экани таъкидланган [10.76.]. Қуръони Каримнинг рус тилидаги нашрида шундай ёзилган: “Й.с. В арабской азбуке первую из этих букв называются “я”, вторую “син”. Поэтому Мохаммедане называют эту главу “Я син” [10.823.].

“Қуръон” илоҳий китоб. Инсонни ҳидоятга етакловчи, ўқиб амал қилиш лозим бўлган буюк ахлоқ китоби. Юқорида кўриб ўтганимиз шундай мўътабар “Қуръон” тафсирларида муфассирлар ҳиссиётга берилмай, маънодан узилган ҳарфлар изоҳида сукут сақлашлари Оламлар эгаси ва унинг расули (с.а.в.)га бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромлари намунасидир...

Манба ва адабиётлар

1. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Сод сураси, 29-оят. / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т. Чўлпон, 1992. 422-бет.
2. Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий. Ал-кашшоф ан ҳақойиқ ит-танзийл ва уйун-ил-ақовийл фий вужуҳ ит-таъвийл. Байрут, Лубнон. 1983.
3. Исмоил ибн Касир. “Тафсир ул-Қуръонил азийм”. Лубнон. 1980. 132-саҳифа.
4. Ал-Қуръон ал-карим / Таржимон ва тафсир қилувчи Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий – Олтинхон Тўра. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 13-бет.
5. Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. 2-бет.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. Биринчи жуз. Бақара сураси, 1-оят. 14-бет.
7. Ал-Қуръон ал-карим. Ёсин сураси, 1-оят. / Таржимон ва тафсир қилувчи Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий – Олтинхон Тўра. Нашра

тайёрловчи ва сўз боши муаллифи исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 369-бет.
8. Авроди Қуръоний. Ҳафта кунлари давомида ўқиладиган Қуръоний зикр-дуолар / Мусанниф Муҳаммад Зоҳир ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ҳанафий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. 15-бет.
9. Ислом. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. 76-бет.
10. Коран. Глава (36-ая) “Йа.син”, стих 1 / Коранъ. Перевод с арабского языка Г.С.Саблукова. Третье издание. Казань, Центральная типография, 1907. 823-стр.

10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES

ТАРЖИМАДА ЛИНГВИСТИК ВА КУЛЬТУРОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР УЙҒУНЛИГИ ҲАҚИДА

Досбаева Наргиза Турғунпўлатовна
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *Мақолада таржимашуносликда нисбатан янги ёндашув ҳисобланган лингвомаданий ёндашувнинг таржима адекватлигидаги аҳамияти илмий асослаб берилган. Лингвистик ва культурологик ёндашувларга нисбатан етакчи олимларнинг қарашларини таҳлил қилган ҳолда муаллиф фикри баён қилинган.*

Калит сўзлар*: антропоцентрик парадигма, глобаллашув, концепция, экстралингвистик, фон билим, маданиятлар диалоги, хос сўзлар, мулоқот.*

О СОГЛАСОВАННОСТИ ЛИНГВИСТИЧЕСКОГО И КУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДОВ В ПЕРЕВОДЕ.

Досбаева Наргиза Тургунпулатовна
Наманганский инженерно-строительный институт
Кандидат филологических наук, доцент

Аннотация: *В статье научно обоснованно значение относительно нового подхода в переводоведении - лингвокультурологического подхода в адекватности перевода. Были проанализированны мнения ведущих ученных по лингвистическому и культурологическому подходов и изложенно авторское мнение.*

Ключевые слова*: антропоцентрическая парадигма, глобализация, концепция, экстралингвистический, фоновое знание, диалог культур, реалии, коммуникация.*

ABOUT HARMONY OF LINGUISTIC AND CULTURAL APPROACHES IN TRANSLATION.

Dosbaeva Nargiza Turgunpulatovna
Namangan engineering-construction institute, PhD, dotsent

Annotation: *The significance of relatively new approach in translation theory – linguocultural approach in adequacy of translation is justified scientifically in this paper. The opinions of leading scientists on linguistic and cultural approaches were analyzed and the author`s opinion was also stated in it.*

Key words: *anthropocentric paradigm, globalization, conception, extralinguistic, background knowledge, dialogue of the cultures, unique words, communication.*

Таржиманинг барча турлари тиллараро, ва ўз навбатида, маданиятлараро мулоқотни амалга оширишга қаратилган экан, иккинчисининг масалалари таржима назариясида ҳам тадқиқ қилинади. Бироқ бунда, доимо амалий мақсад: мулоқотни имкон борича, маъно ва стилистик жиҳатдан йўқотишларсиз ҳамда экстралингвистик шароит, аниқ мулоқот вазияти, ва мулоқот иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш назарда тутилади. Таржима воситасида лисоний, ёки лингвоэтник тўсиқ бартараф этилиб, маданиятлараро мулоқот содир бўлади. В.Н.Комиссаровнинг фикрича, тил эгаларининг маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган тил хусусиятлари таржима назарияси учун ўта аҳамиятлидир, сабаби айнан шу хусусиятлар "тил тузилмасининг турли сатҳларида, вербал мулоқот шартларида ҳамда тилдан ташқаридаги борлиқни тасвирлаш усулларида намоён бўлиши мумкин" [1].

Шубҳасиз, таржима исталган халқнинг тил ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда амалга оширилади. Бироқ, ҳанузгача таржимада лингвистик ёки культурологик аспектларнинг устуворлик қилиши ҳақидаги масала мунозараларга сабаб бўлмоқда. Таржима кўп минг йилликлар давомида алоқа воситаси сифатида хизмат қилса-да, таржима тўғрисидаги фан нисбатан ёш ҳисобланади ҳамда у, энг аввало, лингвистик йўналишда тадқиқ қилинган. Таржиманинг лингвистик асосларини хорижда Т. Сейвори, Ж. Р. Ферс, Ж. Кэтфорд, М.А.К. Хэллидей, Ю. Найда, П. Ньюмарк, Л. Венутилар, Россияда Н.Чуковский, А.В. Федоров, Я.И. Рецкер, Л.С. Бархударов, В.Н. Комиссаров, А.Д. Швейцер, В.Г. Гак, Р.К. Миньяр-Белоручев, В.С. Виноградов, Н.К. Гарбовский сингари олимлар ишлаб чиқишган. Таржиманинг лингвистик назарияси нуқтаи назаридан таржима жараёни лингвистик ходиса "тиллараро алоқа воситаси ва лисоний воситачиликнинг бир тури" сифатида қабул қилинади [1]. Таржиманинг бўлиши ёки бўлмаслиги, турли тил сатҳларида таржима, таржима моделлари, таржимон қўллайдиган трансформациялар, матнлар адекватлилиги ва эквивалентлилиги масалалари биринчи ўринга чиқарилади.

Глобализация жараёнининг тезлашуви ва турли этномаданий ҳамжамиятларнинг биргаликда ҳаёт кечириш шарт-шароитларининг ўзгариши оқибатида тадқиқот марказига турли маданиятларнинг ўзаро таъсирланиши, маданиятлараро тўқнашувлар, тўсиқлар ва тафовутларни енгиб ўтиш, турли олам манзаралари ва концептуал олам манзараларининг ўзаро нисбати билан боғлиқ масалалар кўча бошлади. Замонлар ўтиб, маданиятлараро мулоқот, контрастив ва когнитив лингвистика ҳамда лингвомаданиятшунослик сингари фанлар пайдо бўлиб, ушбу даврда таржима назариясида таржиманинг маданий аспектларига нисбатан қизиқиш кучая бошлади. Таржиманинг лингвистик назариясидаги "матний центрик" дея шартли номланган йўналиш ўрнига таржимон шахси, этнопсихолингистик ва маданий омилларга қизиқиш ортганини англатувчи "антропоцентрик парадигма" вужудга келди. Ғарбда "культурологик таржима қилиб бўлмаслик" (cultural untranslatability) илк бор Ж. Кэтфорд томонидан тилга олинган, лекин таржима фанининг культурологик йўналиши асосан 90-йилларда ажратиб кўрсатилди ҳамда С.Басснетт ва А.Лифивер сингари таржимашунослар фанга "маданий бурилиш" атамасини киритишга муваффақ бўлишди. Басснеттнинг бу борада қуйидаги фикрлари эътиборга моликдир: "translation is not just the transfer of

texts from one language into another; it is now rightly seen as a process of negotiation between texts and between cultures (таржима нафақат матнларни бир тилдан иккинчи тилга ўтказиб бериш, балки матнлар ва маданиятлар ўртасидаги музокара жараёни ҳамдир)" [3]. Олиманинг таъкидлашича, "маданият томон бурилиш" И.Ивен-Зохар, Г.Тури, Ж.Холмс тадқиқотлари, Х.Фермеер ва К.Райслар-нинг "скопос назарияси", шунингдек, М. Бейкер томонидан ишлаб чиқилган корпус тилшунослик принципларига асосланади. С.Басснетт ва А.Лифиверлардан ташқари ушбу йўналишнинг асосий вакиллари сифатида М.Кронин, Э.Гентцлер, Л.Хардвик, Т.Херманс, Д.Робинсон, Л.Венути ва бошқалар тан олинган. Бундан ташқари, бир қатор рус олимлари ҳам таржиманинг культурологик аспектларига алоҳида эътибор бериб ўтишган. Таржимашуносликда доимо нутқдаги вазият ва маълум шарт-шароит ҳисобга олинади, сабаби таржимон бир вақтнинг ўзида икки миллий концептосфера ичида турган бўлади. Юқоридаги фикрни нақадар асосли эканлигини В.Н.Комиссаров таъкидида ҳам кузатишимиз мумкин: "таржима шундай жараёнки, унда турли маданиятлар, турфа хил шахслар, турлича фикрлаш даражалари, фарқли адабиётлар, фарқли босқичда турган ривожланиш, хилма-хил анъана ва кўрсатмалар тўқнаш келади" [1].

Илмий парадигмаларнинг антропоцентризм томон кўчиши таржима фанида культурологик йўналишнинг янада ривожланишини йўл очиб беради. Янги оқим йўналиши тарафдорлари таржимага бўлган анънавий қарашлардан қочиб, таржимани лингвистик трансформациялар жараёни сифатида эмас, бир тилдан иккинчи тилга, бир маданиятдан иккинчи маданиятга маъноларни олиб ўтиш тизими сифатида қабул қилишга ундашди. Таржиманинг культурологик концепцияси нуқтаи назаридан таржима жараёни ўзида когнитив-семантик ва реал-маданий сатҳларни бирлаштирувчи культурологик ходиса сифатида кўриб чиқилади. Шунга мувофиқ, таржима масалалари ҳам когнитив-семантик ва культурологик аспектларда кўриб чиқилиши мумкин. Культурологик концепция доирасидаги таржимага маданиятлараро алоқанинг алоҳида шакли сифатида қаралади ва маданиятлараро мулоқот фани билан чамбарчас боғланади.

Умуман олганда, таржиманинг лингвистик назарияси диққат марказига бевосита таржима жараёнида вужудга келадиган лисоний муаммолар ёки тўсиқларни қўйса, таржимага нисбатан культурологик ёндашув таржима муаммоларини маданиятлараро мулоқот ҳолатида, маданий тўсиқларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга харакат қилади. Ушбу вазиятда қатор тадқиқотчилар таржима қилиб бўлмасликнинг икки тури ҳақида гапиришади: икки тилдан бирининг ўзига хосликлари туфайли юзага чиқадиган лингвистик тур ҳамда маданий ўзига хосликлар туфайли келиб чиқадиган экстралингвистик тур. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, таржимага бўлган культурологик ёндашув тарафдор-ларини маданиятга ҳаддан зиёд катта рол ажратишларида айблашади. Балки бунга тил ва маданият сингари мураккаб ва кўп ўлчовли тушунчаларни турлича тушуниш сабабдир. Таржиманинг лингвистик назарияси нуқтаи назаридан маданият тилга нисбатан иккиламчидир, культурология позициясидан қаралганда эса, тил маданият элементи сифатида тушунилади. Илмий парадигмаларнинг алмашиши ва глобал мулоқотдаги сезиларли ўзгаришлар таржимашуносликда янги йўналишлар-

нинг вужудга келишига туртки бўлмоқда. Ҳозирги вақтда маданиятлараро мулоқотда “маданиятлар диалоги” ёки “маданиятлар тўқнашуви” сингари тушунчалардан қарама-қарши оппозиция кўринишида икки миллий шуурлар коллизияси сифатида маданиятлараро диалог жараёнида фойдаланилмоқда. Маданий тўсиқни лисоний тўсиқдан хавфлироқ дейишади: “у ҳудди ўта шаффоф ойнадан қилинганга ўхшайди ва ушбу кўринмас тўсиққа пешонангни уриб олмагунингча уни сезмайсан” [2]. Ушбу контекстда таржимонга алоҳида роль ажратилган бўлиб, унинг вазифаси таржимани қабул қилувчилар учун “бегона” бўлган нарсани “ўзиникидек” қилишдан иборат. Албатта, бунда таржимондан икки маданиятни тушунадиган даражада фикрлаш доирасига эга бўлиш талаб қилинади ва у боғловчи халқа сифатида интерактив харакатни амалга ошириб, икки маданиятдаги нотекисликларни текислаб кетиши даркор. Масалан, С Басснетт таржимани маданиятлараро ўзаро таъсирни тадқиқ этиш учун мўлжалланган бекаму-кўст лабораторияга қиёслайди: “translation offers an ideal “laboratory situation” for the study of cultural interaction”[3].

Таржиманинг муваффақиятли чиқиши учун кенг кўламли экстралингвистик билимларга асосланган ҳолда икки маданиятни англаб етмоқ зарур. Экстралингвистик ёки фон билимларнинг таржима учун муҳимлиги ҳақида кўплаб тилшунос ва таржимашунослар Э.Сепир, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров, В.С.Виноградов, А.Н.Крюков ва бошқалар ёзишган. В.С.Виноградов таржиманинг лексик муаммоларига нисбатан “фон ахборот” терминини ишлатишни маъқул кўради ва бу атамани “фақатгина маълум миллатга хос бўлган ва унинг вакиллари орқали ўзлаштирилиб, ушбу миллий ҳамжамиятнинг тилида ҳам акс этган ижтимоий-маданий маълумот” дея тавсифлайди. Фон билимларни инкор қилиб бўлмаслик ҳақида аллақачон А.Мейе гапириб ўтган. Унинг таъкидлашича: “маълум тилда гапирувчи халқнинг шарт-шароити ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, бу тилни тушуниб бўлмайди” [4]. В.С.Виноградовнинг фикрича, фон билимлар таркибига энг аввало тарих ва давлат тузилмасининг махсус фактлари, миллий ҳамжамият моддий маданиятининг предметлари, жўғрофий муҳитининг ўзига хос жиҳатлари сингари таржима назариясида реалиялар деб аталувчи тушунчалар киради.

Тилдаги кўплаб сўзлар маълум коннотацияларга ёки стилистик, эмоционал, маъно товланишларига эга бўлиб, уларда ўша лингвомаданий жамиятнинг ўзига хос бўлган маданияти акс этган бўлади. Тиллараро ва маданиятлараро мулоқотнинг боғловчи халқаси сифатида таржимага нисбатан кенг кўламли фанлараро ёндашув талаб қилиниши табиий ва биз таржимага, хусусан бадиий таржимага нисбатан лингвомаданий ёндашув тарафдоримиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. Курс лекций. М.: ЭТС. – 1999. – 192 с.

2. Bassnett S. (2006) Translation Studies /S. Bassnett. – N. Y.: Routledge, 2006. – 176 p.

3. Bassnett S. (2007) Culture and Translation // The Companion to Translation Studies. Topics in Translation: 34. – Clevedon; Buffalo; Toronto; Multilingual Matters Ltd., 2007. – P. 13-23.

4. Мейе А. Сравнительный метод в историческом языкознании. М., 1964.

ТАРЖИМАДА КОМПОЗИЦИОН-СЕМАНТИК БУТУНЛИК

Сидиқов Қосим Абилович
Наманган давлат университети
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *Мақолада қадимги туркий обида "Кутадгу билиг" тўртликларининг хорижий тилларга таржималарида композицион-семантик бутунликни сақлаш масалалари таҳлил этилган. Таржималар қиёсий таҳлил этилиб, керак ўринларда муқобил вариант тавсия этилган. Таҳлиллар назарий фикрлар билан асосланган.*

Калит сўзлар*: тўртлик. таржимон, композиция, семантика, бадиий таржима, шакл ва мазмун, аслият, ритм.*

КОМПОЦИОНО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ ПОЛНОСТЬ В ПЕРЕВОДЕ

Сидиков Косым Абилович
Наманганский государственный университет
кандитат филологических наук, доцент

Аннотация: *В стате рассматривается проблемы сохронения в переводе компоционо-семантическую полностью четверостиший «Кутадгу билиг» один из древнетюркский письменный монумент*

Ключевые слова: *четверостиший, переводчик, композиция, семантика, литературный перевод, форма и мысль, оригинал, ритм*

COMPOSITION AND SEMANTIC EQUALITY IN TRANSLATION

Sidikov Kosim Abilovich
Namangan State University
PhD in philology

Annotation: *The article reveals the problems of recreating the composition of quatrains of "Kutadgu bilig" one of ancient written monuments in translation. There given comparative analyses of translations and offered some variants as well. Practical analyses were proved with theoretical opinions.*

Key words: *quatrain, translator, composition, semantics, literarily translation, form and meaning, original, rhythm*

Шеърий асар таржимаси бир қадар мураккаб. Шеърнинг ўзига хос жило ва оҳангини бир тилдан иккинчсига аслига яқин ўтириш таржимондан катта поэтик ва эстетик маҳорат талаб этади. Бу борада шеърий асар композицион-семантик бутунлигини хорижий, айниқса, бир-биридан узоқ оилага мансуб тилларга таржима қилиш бирмунча мушкул иш.

"Маълумки, композиция асарни баён қилиш усули бўлиб, унинг бадиий қимматини белгиловчи унсурлардан биридир. Композиция муаллиф мақсадининг

юзага чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам у биринчи навбатда, ғоявий-эстетик тушунчадир” ” [1.124].

“Эстетик нуқтаи назардан қараганда, композиция ижодкор ғоясини, у китобхонга етказмоқчи бўлган фикрни энг қулай, энг мукаммал равишда юзага чиқарувчи асар қурилиши тарзидир”[2.132].

“Қутадғу билиг” мукаммал композицияга эга бўлган асар. Ундаги воқелик, образлар ва услубга шундай тартиб берилганки, муаллифнинг ифода усули ўқувчини чалғитмайди, балки воқеалар сари ўзи етаклаб боради. Аммо тўртликлар мутлақо бошқа ҳодиса. Гарчи тўртликлар асарнинг таркибий қисмларини ташкил этса-да, уларнинг нисбий мустақиллигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Асар тўртликлари “композицион-семантик хусусиятларига кўра ўзаро маънавий зиддиятли мисралар, бир-бирини маънавий жиҳатдан тўлдирувчи мисралар, мисралараро маънавий зиддиятга асосланган, деталлаштирувчи мисралар ва занжирли ривожланувчи мисраларга асосланган тўртликлар”га ажратилади [6.26].

Шеърий асарда шакл ва мазмун бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таржима жараёнида шеърнинг шаклий бутунлиги ўзгарса, унинг нафосатига путур етади. Чунки муаллиф байтлар учун шундай бир композиция танлайдики, бу, биринчи навбатда, унинг индивидуал услуби билан алоқадор бўлади. Бироқ шеърни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда, ўзгаришлар бўлиши табиий. Бусиз таржиманинг иложи йўқ, аммо бу ўзгаришлар аслият тили, услуби ва бадиийлигига соя ташламаслиги лозим. “Қутадғу билиг” тўртликлари композицион-семантик хусусиятларини икки инглизча таржима мисолида таҳлил этиб, таржимонларнинг бу борадаги ўзига хос ёндашувларини кузатдик. Асарда мана бу тўртлик бор:

Бор ичмә, зинакә йағума ҳазар,
Бу экки чығайлық тоныны кэдәр.
Бу бордын қопар миң йазуққа йурәк,
Зинадын қачар қут, йузуңгә судәр.

Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил,
Бу икки нарса гадолик тўнини кийгазади.
Ичимликдан юрак (ботирлашиб) минг-минг гуноҳларга қўзғолади,
Зинодан қут қочади, юзингга тупуради.

Кўриниб турибдики, биринчи мисра икки гуноҳ (зинокорлик ва майхўрлик)дан сақланишга ундамоқда. Иккинчи мисра эса юқоридагилар оқибатида юзага келувчи салбий натижа ҳақида огоҳлантирмоқда.

Бу тўртликда ҳам фикрлар ифодасида мутлақо такрорланмас бир ҳолат кўзга ташланади. Бир қарашда, биринчи байтда тезис ҳам, якун ҳам биргаликда берилаётгандек туюлади. Шунга қарамай, иккинчи байт олдинги байтнинг ўзига хос шарҳи, изоҳи вазифасини бажаради.

Умумий ҳолатда биринчи мисрада инсон шаънига номуносиб бўлган иккита салбий ҳодиса (бор, зина) саналиб, иккинчи мисрада уларнинг умумлаштирилган баҳоси берилаётган бўлса, учинчи ва тўртинчи мисраларда уларнинг ҳар бири келтирадиган салбий оқибатлар алоҳида-алоҳида таъкидланади. Шундан кейингина

биз тўртлик ҳақида яхлит тасаввур ва хулосага эга бўламиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мисраларда соф миллий-маънавий фазилатлар ўз аксини топган.

Ушбу тўртликнинг таржималардаги шакли мутаржимларнинг ҳар бирида ўзига хос ёндашув борлигини кўрсатиши билан эътиборлидир.

Тўртликнинг В.Мей таржимасига юзланамиз:

Don't drink, and don't err, for wine-bibbing and sin,
Are both of them evil, and trouble bring in!
With wine you'll be shamed, yes, a hundred times oe'r.
Carousing will drive out real joy from your door!

Мазмуни:

Ичма ва адашма, майхўрлик ва гуноҳ,
Иккови ҳам ёмондир ва қайғу келтиради.
Шароб билан юз бора уятга қоласан,
Маишатбозлик эшигингдан ҳақиқий қувончни олиб кетади.

В.Мей таржимасида юқоридаги тўртликда қораланаётган салбий хусусиятларнинг биринчиси тўла акс этган бўлса-да, иккинчиси нисбатан торроқ доирага олиб тушилган. Бунинг натижасида аслиятдаги мазмун ва мантиқ тўлалигича акс этмаган. Аслиятда икки иш: майхўрлик ва зино ҳақида гап бормоқда. Таржимада эса фақатгина майхўрлик тўғрисида гапирилади. Зинокорлик ва унинг натижасида келиб чиқадиган бахтсизлик тўғрисида гап йўқ. Таржимон аслиятдаги "зинога яқинлашма"ни "don't err" – "адашма" ва "зино"ни "sin – гуноҳ" тарзида бошқа сўзлар билан ўгирган. В.Мей аслиятдаги образдан осонликча воз кеча қолган. В.Мей шеър қофияси ва вазнини сақлаш мақсадида сўзларни ўзгартирган бўлиши мумкин. Аммо бу ўзгартириш тўртлик мазмуни ва мантиғини таржимада саёзлаштирган. Бунинг устига, аслиятдаги ниҳоятда гўзал бир метафора – "чиғайлиқ тўни" ҳам эътибордан четда қолган. Тўғри, бу ерда таржима воситачи тил асосида амалга оширилганини ҳам назардан қочирмаслик керак. С.В.Семчинский асосли таъкидлаганидек: "Таржимадан таржима кўп ҳолларда аслиятнинг бузиб талқин қилинишига олиб келади"[4.127].

С.Н.Иванов таржимаси:

Не пей, не блуди: винопитье и блуд –
Два зла эти – к нищенской доле ведут.
Вином опорочен ты будешь стократ,
Лишит тебя счастья постыдный разврат!

Кўринадики, С.Н.Иванов аслиятдаги асосий мантиқни ифодаловчи "зино"ни биринчи байтда таржима қилган бўлса-да, унинг ортидан келадиган офатларни таржимада беришда ўзига хос йўл тутган. Аслиятдаги "бор" – май туфайли юракнинг "минг хил гуноҳ"ларга чоғланиб қолиши рус тилида "бадном қилмоқ", "иснод келтирмоқ" маъноларидаги "опорочить" феъли билан берилган. Умумий тарзда мазкур ечимни энг тўғри вариантлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Бундай талқин тўртлик композицион-семантик бутунлигини таржимада ўзига хос тарзда акс этишига сабаб бўлган.

Тўртлик Р.Денкоффда қуйидагича талқин қилинган:

If you would not put on the cloak of poverty,

Beware of fornication and of drink:
The one makes Fortune spit in your face and flee.
The other drowns you in the sinners sink.
Мазмуни:
Агар камбағаллик тўнини киймай десанг,
Зинодан ва ичкиликдан ўзингни тий.
Бири бахтни кетказиб, юзингга тупуртиради,
Бошқаси сени гуноҳ ботқоғига ботиради.

“Шарқ шеъриятининг қасида, ғазал, рубоий каби жанрларини бошқа тилга таржима қилганда, уларнинг муҳим шаклий жиҳатлари сақланмаса, оҳанг ҳам маъно ҳам юзага чиқмайди” [3.138].

Эътироф этиш керакки, бу таржима аслиятга кўп жиҳатдан яқин ва мутаржимнинг аввал таҳлил қилинган тўртликлар таржимасига ёндашувидан сезиларли даражада мукаммаллиги билан фарқ қилади. Р.Денкофф аслият мантиғини тўғри англаб, асосий мазмунни тўлалигича очиб берган. Туркий халқлар тарихи, маданияти ва динидан яхши хабардор таржимоннинг тўртлик руҳига кириб бора олгани кўриниб турибди. Тўртлик композицияси таржимада тўла акс этган ва бу тўртликнинг инглизчада ҳам тўкис бўлишини таъминлаган. Айниқса, аслиятдаги метафоранинг деярли калькаланган ҳолда она тилига ўгирилиши тўртликдаги шарқона руҳнинг сақланиб қолишини таъминлаб берувчи асосий омиллардан бирига айланган.

Қуйидаги тўртликда инсон ҳаётининг моҳияти ўзига хос тарзда тасвирланган. Бу жиҳатдан у бошқа тўртликлардан жиддий фарқ қилади:

Төрумиш нәң эрсә йоқалғу турур,
Төрүтүгли халиқ нә қулса қылур.
Тириглик тәдүкүң бу йәлтәг кәчәр,
Қачар йәтсә болмас аны ким булур?

Яратилган нарса бўлса, албатта йўқ бўлади,
Яратувчи холиқ нимани истаса қилади.
Тириклик деганинг бу елдек ўтиб кетади,
У қочади, унга етиб бўлмайди, уни ким топа олади?

Тўртлик композицияси ўзига хос. Унда оламдаги мавжуд детерминизмнинг бир ифодаси қаламга олинган. Оламдаги ҳамма нарса йўқликка маҳкум, чунки уларнинг барчаси яратилган. Уларга нисбатан қандай ҳукм чиқариш шу нарсаларнинг ижодкори бўлган яратувчига – Холиқнинг ўзига боғлиқ. Ҳудди шунга ўхшаб инсон умри – тириклик ҳам ўтиб кетади, уни тутиб қолишга, унга етиб олишга ҳеч кимда ҳеч қачон имкон бўлмайди. Бундай ҳаётий фалсафа таржимада қай даражада акс этган?

Аввал В.Мей таржимаси билан танишамиз:
To all men on earth comes the day when they die.
They lived years predestined by Allah on high.
Life’s years roll away, like a brief playful breeze,
And none can restrain them, however they please!
Мазмуни:

Ердаги барча одамларга улар ўладиган кун келади.
Улар Аллоҳ тақдир этган умрни хурсандчиликда ўтказдилар.
Умр йиллари ўйноқи шаббода каби ўтиб кетади,
Қанчалик хоҳланса-да, уларни ҳеч ким тутиб тура олмайди.

Биз умумий тарзда тўртлик мазмуни ва моҳиятининг акс этганлиги ҳақида гапиришимиз мумкин. Аммо, бу ерда битта нозик нуқта бор. Бу шарқона ва ғарбона тафаккур, тасаввур ва дунёқараш ҳамда уларнинг ўзига хос ифодалари билан боғлиқ.

В.Мей талқинида аслиятдаги Аллоҳнинг қудратига берилган таъриф ташлаб кетилгани ҳолда, гап бирдан одамга берилган умр ва уни қандай ўтказилганидан бошланади ҳамда умрнинг ўткинчилиги айтиб ўтилади. Ваҳоланки, Аллоҳ фақатгина инсонларга ҳаёт берувчи эмас, ер юзидаги барча мавжудот ва нарсаларнинг яратувчиси эканлиги яхши маълум. Кўринадики, аслият муаллифининг композицион-семантик услуби таржимада бой берилиб, натижада, мантиқ ўта содда ифодаланган. Шоирона фалсафа таржимада акс этмаган.

Эътибор бериладиган бўлса, аслиятда “йэл” ўз сифатлашига эга эмас. Аммо В.Мей таржимасида бу сўз (“breeze”) иккита (“brief – қисқа, қисқа муддатли” ҳамда “playful – ўйноқи”) сифатлаш билан қўлланмоқда. Аслиятда мавжуд бўлмаган мазкур сўзларнинг манбаси ҳам русча таржимадир. С.Н.Иванов мазкур ҳолатда “ветер шальной” ифодасидан фойдаланган эди:

Всему сотворенному будет конец:
Свершает свои начертанья творец.
Вся жизнь пролетит, словно ветер шальной,
Не сдержишь ее никакою ценой.

Мазкур таржимада аслиятдаги бош маъно тўғри англанган ва рус тилига у муносиб тарзда ўгирилган.

Тўртликнинг Р.Денкофф таржимаси В.Мейникидан мутлақо бошқача. Унда С.Н.Иванов талқини каби аслиятга кўп томонлама яқинликни кўришимиз мумкин:

Whatever comes to be is bound to cease,
Whatever the Creator wills, He brings to pass.
What you call life is transient as the wind:
It ever flees, it cannot be held fast.

Мазмуни:

Нима пайдо бўлса, йўқ бўлишга маҳкум,
Яратувчи нимани истаса, дунёдан ўтказади.
Сен ҳаёт деб атаганинг шамол каби ўткинчидир:
У доим қочади, уни маҳкам тутиб қолиш мумкин эмас.

Р.Денкофф асарни тўлалигича шеърий таржима қилишга даъво қилмаса-да, бошқа тўртликлардан фарқли ўлароқ ушбу тўртликни инглиз тилига шеърий ўгиришда ўз маҳоратини яққол намойиш эта олган. Тўртлик мисраларини қофиялаш, улардаги бўғинлар сонини мослаштириш анча муваффаққиятли чиққан. Юсуф Хос Ҳожиб таъкидламоқчи бўлган асосий мантиқ таржимада тўла акс этганини кузатиш мумкин. Таржима композицион-семантик жиҳатдан ҳам аслиятга

ҳамоҳанг. Инглизча матнда “w” товушли сўзларнинг кетма-кет келган мисраларни бошлаб бериши ўзига хос аллитерацияни юзага келтирган.

Мутаржимнинг аслият баён услубини эътиборга олиши ва уни таржимада қайта яратишга уриниши гўзал таржима яралишига асос бўлган, дейишимиз мумкин.

Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, “Қутадғу билиг” тўртликларининг композицион жиҳатларини таржимада ҳам сақлаш муҳим. Бу принципнинг таржимонлар томонидан анча устувор тарзда қўлланган кузатилади. Мутаржимлар кўп ҳолларда бунинг уддасидан чиққанлар. Таржимада кўплаб тўртликларнинг ўзига хос тузилиши, маъно-мантиқ яхлитлиги, шоир қўллаган поэтик усуллар, гоҳ бирдай давом этувчи босиқ, сокин ритм, гоҳ кучайиб, авжланиб борувчи ҳиссиётлар тўлқини, мазмун билан оҳанг ҳамда образларнинг узвий боғлиқлиги тўла қайта яратилган. Айни вақтда бу жиҳатларнинг таржимада тўлароқ ва етукроқ даражада акс этмай қолгани ҳам кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – T.: O‘qituvchi, 2005. – B. 124.
2. Салаев Ф., Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б.132.
3. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 138.
4. Семчинский С.В. Некоторые вопросы перевода румынской художественной литературы на украинский язык // Теория и критика перевода. – Л.: изд. Ленинградского университета, 1962. – С. 188.
5. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – 971 б.
6. Иванов С.Н. Юсуф Баласагуни. Благодатное знание. – Л.: Наука, 1990. – 556 с.
7. Denkoff. R. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, University of Chicago Press, 1983. – 281 p.
8. May W. Yusuf Balasaguni Beneficent Knowledge. – M.:, 1998. – 510 p.

НЕМИС ХАЛҚ ҚЎШИҚ ВА ЭРТАКЛАРИДА СИМВОЛЛАР

Убайдуллаев Шухрат Нарзуллаевич,
Наманган давлат университети
педагогика фанлари номзоди

Аннотация: *Мақолада немис халқ эртаклари лингвокультурологик нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Эртаклардаги матнлар даражаси орқали миллий ўзига хосликларнинг тасвирланиши таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *немис халқ эртаклари, миллий ўзига хослик, символлар.*

СИМВОЛЫ В НЕМЕЦКО НАРОДНЫХ ПЕСНЯХ И СКАЗКАХ

Убайдуллаев Шухрат Нарзуллаевич,
Наманганский государственный университет
кандитат педагогических наук

Аннотация: *В статье рассматривается немецкая народная сказка как лингвокультурологический феномен. Характеризуется специфика репрезентации национальной картины мира на разных уровнях сказочного текста.*

Ключевые слова: *национальная картина мира, немецкая народная сказка, символы.*

SYMBOLS IN GERMAN FOLK SONGS AND FAIRY TALES

Ubaydullayev Shuxrat Narzullayevich
Namangan State University
PhD in philosophy

Abstract: *The article argues about German folk tale that is described as a linguistic and cultural phenomenon. The peculiarity of the representation of the national picture of the world is characterized at different levels of a legendary text.*

Key words: *national picture of the world, German folk tales, symbols.*

Символлар халқларнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган маданиятини намойиш этади. Уларнинг миллийлиги шундаги, символлар бир халққа тегишли бўлиб, бошқа этник гуруҳда мавжуд бўлмаган ва ўхшамайдиган миллий колоритни ўзида қамраб олади. Символларни ўрганиш ва уларнинг маънонисини англаб етиш миллат маданиятини ўрганганлик даражаси билан белгиланади. Бу маданият жонли тилдаги рамзларни қўллашни мустаҳкамлаш фанда *лингвомаданият* дейилади.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошига келиб тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси муаммолари олимлар диққатини тортди. Маданиятлар ўртасидаги ўхшашлик ва номутаносиблик муаммолари кенг ўрганилиб келинмоқда. Бироқ, тилшунослик, адабиётшунослик, таржима назариясига оид тадқиқотлар марказида *символ* атамаси билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолди. Чунки, бу тушунчага оид тадқиқотлар *фалсафа, психология, филология* ва *фольклор* соҳаларида олиб борилмоқда.

Символларни тасвирлаш ва уларни тизимли таҳлил қилиш муаммолари бўйича қуйидаги олимлар тадқиқот олиб борганлар: Афсона ва эртаклардаги символизмларни биринчи бўлиб Карл Густав Юнг илмий ўрганган. З.Фрейд эса биринчилардан бўлиб тушдаги символларни тадқиқ этган; иккинчи ўринда француз психоаналитиги ва файласуфи Жака Лакана туради. У турли халқлар маданиятини илмий ўрганган; рўйхатнинг учинчи ўринига Кларисса Пинкола Эстесни қўйиш мумкин. Кларисса Пинкола Эстес афсона ва эртакларни ўрганар экан, асосий эътиборини аёллар **архетипи**га қаратади.

Архетип атамаси биринчи бўлиб К. Г. Юнг илмий ишларида келтирилади. «Архетип» сўзи грекча *Arche* – бошланиш ва *typos* – намуна сўзидан олинган.

Дунё халқларининг оғзаки ижоди шу халқларнинг асрлар давомида ижодкор фарзандлари томонидан яратилган ва тўпланган маданий меросидир. Бу мерос мақоллар, маталлар, латифалар, қўшиқлар, достонлар, эртаклар иборат бўлиши мумкин.

Немис халқ қўшиқ ва эртакларини таҳлил қилиш натижасида символларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. **Мистик символлар** (*der Weg, der Teufel, der Wald, das Schwert, das Wasser, der Stern usw.)*
2. **Аллегорик символлар** *(der Wolf, der Hase, der Hund, die Linde, der Klee, die Rose, der Kuckuck, der Rabe, usw.)*
3. **Ижтимоий-маъиший символлар** (*der Tisch, das Haus, der Brunnen usw.)*
4. **Математик символлар** *(zwei, drei, sieben, acht, usw.)*
5. **Ранг билан боғлиқ символлар** *(blau, grün, rot, weiß, schwarz, usw.)*

Немис халқ оғзаки ижоди намуналарини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларда **мистик символлар** сифатида йўл, ўрмон, шайтон, қилич, сув ва ҳ.к. тасвирланади. Фольклор асарларида ўрмон *(der Wald)* символига кўп мурожаат қилинади. Ўрмон герман қабилаларнинг муқаддас жойи, яшаш маскани ҳисобланиб келинган. Шу боис «*Du edler, grüner Wald*», «*Herzlich tut mich erfreuen*», «*Es ritten zwei Herzliebchen* сингари немис халқ қўшиқларида ўрмон яшил (*grün) ва* севги *(liebe)* рамзлари сифатида келтирилади. Ҳар бир герман қабиласининг муқаддас саналган ўрмонлари бўлган. Бу жойларда турли диний маросимлар ўтказилган, жамоавий муаммолар ҳал этилган. [3].

«*Du willst dein Lebtag nicht wieder allein vom Wege ab in den Wald laufen, wenn dir's die Mutter verboten hat*» (Қизил қалпоқча эртаги)

Символларнинг кейинги гуруҳи – **аллегорик символлардир.** Халқ қўшиқлари ва эртакларида вақтлар, замонлар ўтиши билан символларни тушуниш намоён бўлади. Аллегорик символлар қаторига *липа* дарахти (*die Linde*), какку, эман ва ҳ.к. киради.

Масалан, *липа дарахти* герман мифологиясида ҳосилдорлик ҳудоси Фреянинг илоҳий дарахти ҳисобланади. Герман учун "Она Ватан" сўзи билан ассосацияга киради яъни фикран боғланади. Шу билан бирга христианликнинг бошланишида ҳаёт рамзи ҳам ҳисобланган. Немис халқ қўшиқларидан «*Der Mai ist gekommen*» қўшиғида *липа* дарахти шоҳлари ҳотиржамлик ва тинчлик олиб келиши тасвирланади: « *…so lieg' ich zur Nacht…/im Winde* ***die Linde****, die rauscht mich ein gemach..*» [8]. Бундан ташқари, *липа* дарахти одатда қишлоқ марказига, черков яқинига экилган. Турли қўшиқларда унинг атрофида айланиб жўр бўлиб қўшиқ куйланганлиги, турли маросимлар ўтказилганлигини кўришимиз мумкин. Бошқа бир қўшиқларда, жумладан, «*Undwieder blühet die Linde*», «*Hoch auf dem gelben Wagen*» ва «*Da droben vor meines Vaters Haus*» [8] каби қўшиқларда ёшларнинг *липа* дарахтига бўлган муҳаббати акс этади. Улар бу дарахт остида учрашувларга чиқадилар.

Ижтимоий-маъиший символларга уй, печка, қудуқ ва ҳ.к. қўшиш мумкин. *Қудуқ* символи *(der Brunnen)* немис халқ эртикларида муҳим ўрин тутади. Чунки у инсонларга оби-ҳаёт ва шу билан бирга ҳаёт беради. Масалан: «*Wie ist der arme Mensch*

veracht», «Der Wächter auf dem Turme saß», «Es rittenzwei Herzliebchen» номли немис халқ қўшиқлари ҳам шулар жумласидандир. [8].

Математик символларга – 2, 3, 4, 6, 8, 12 рақамларини киритиш мумкин. *«Wenn ich zwei Vöglein wär», «Es waren zwei Königskinder», «Es ritten zwei Herzliebchen», «Auf dem Donnerbalken saßen zwei Gestalten»,«Stehn zwei Stern am hohen Himmel», «Es leuchten zwei Sterne am Himmel»* номли қўшиқларда *"икки", «Es saßen drei Burschen um einen Tisch», «Es sungen drei Engel», «Die heil'gen drei König' mit ihrigem Stern»* номли қўшиқларда *"уч"* рақами сарлавҳада келади [8]. Немис халқ эртаги Frau Holle эртагида икки қаҳрамон аёл қуйидагича тасвирланади: „Eine Witwe hatte zwei Töchter, davon war eine schön und fleißig, und die andere hässlich und faul." [5, с. 90]

Немис халқ қўшиқларидаги ранглар билан боғлиқ бўлган символларга *grün, rot, blau, schwarz, weiß* рангларини киритиш мумкин. *«Grün, grün, grün sind alle meine Kleider»* номли немис халқ қўшиғида [8] ҳар бир нақоратнинг ўзида ранглар етти марта такрорланиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, немис тили дарсларида эртак ва қўшиқлардан фойдаланиш тил ўрганувчиларнинг қизиқишини янада оширишга хизмат қилади, эртаклардаги символларни таҳлил этиб бориш уларнинг тил бойлигини ошишига хизмат қилади. Шу билан бирга тили ўрганилаётган мамлакат маданияти, урф-одати, кундалик турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконини яратади. Чунки символлар у ёки бу халқнинг миллий хусусиятини кўрсатиб беради. Миллий маданият эса халқ оғзаки ижоди орқали бошқа халқларга етиб боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гацак В.М. Сказочник и его текст // Проблемы фольклора. — М.: Наука, 1975.-стр. 44-53.
2. Кумахов М.А. Изучение языка фольклора // Фольклор в современном мире. Аспекты и пути исследования. М.: Наука, 1991.-е. 49-59.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 127 с.
4. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. — М.: Лабиринт, 2000.-333 с.
5. Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с.
6. Meier E. Deutsche Volksmärchen aus Schwaben. – Stuttgart, 2001. – S. 11.
7. Schellenberg E. Das deutsche Volkslied. Ein Hausschatz von über 1000 der besten deutschen Volkslieder. – Berlin, 1915. – 376 S.
8. Metzler-Literatur-Lexikon: Begriffe und Definitionen / hrsg. von Günther und Irmgard Schweikle. –Stuttgart: Metzler, 1990. –525 S.
9. Brüder Grimm. Kinder-und Hausmärchen. Auswahl. –Leipzig: Verlag Philipp Reclam, 1971. –288 S.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА СИФАТ АНТОНИМЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хожанов Шарапатдин Балтаниязович
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Қорақалпоқ тилшунослиги кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *Мақола қорақалпоқ тилидаги сифат антонимларнинг лисоний таҳлилига бағишланган. Сифат сўз туркуми антонимия ҳодисасини ҳосил қилишда унумлиликка эга ва улар бир қанча семантик гуруҳларни ташкил қилади.*

Таянч сўзлар*: антонимия, сифат антонимлар, семантик гуруҳлари, грамматик антонимия, меъёрлари.*

ОСОБЕННОСТИ АНТОНИМОВ ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ В КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКЕ

Хожанов Шарапатдин Балтаниязович
доктор философии (PhD) филологических наук, доцент кафедры каракалпакского языкознания Каракалпакского государственного университета

Аннотация: *Статья посвящена лингвистическому анализу антонимов прилагательных каракалпакского языка. Образование антонимических явлении прилагательных является продуктивным, при образовании антонимии они образуют несколько семантических групп.*

Ключевые слова: *антонимия, антонимы прилагательных, семантические группы, грамматическая антонимия, принципы.*

PECULARITIES OF ADJECTIVE ANTONYMS IN THE KARAKALPAK LANGUAGE

Khojanov Sharapatdin Baltaniyazovich
Docent of Linguistics department of Karakalpak
State University named after Berdakh
Doctor of Philosophy on Philology Sciences

Annotation: *This article is devoted to the linguistic analysis of adjective antonyms in Karakalpak language. Adjectives are a lot more effective in composing the phenomena of antonymy and they make up several semantical groups.*

Keywords: *antonymy, adjective antonyms, semantical groups, grammatical antonymy, standards*

Тилнинг жамиятда бажарадиган хизмати беъбаҳо. Шаклланган дастури-амаллар бўйича, тилга инсонларнинг бир-бири билан мулоқотини амалга оширадиган асосий қурол, -деб тариф бериш кенг тарқалган. Бу тарифда тилнинг жамият ҳодисаси эканлиги, жамиятда яшашига ва унинг талабларига боғлиқ сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришларга ўчраши, ўз навбатида жамият-

нинг ҳам тилсиз яшай олмаслиги аниқ ва равшон кўрсатиб берилган. Тилнинг мулоқотни амалга ошириш функцияси билан бирга унинг инсон тафаккурини ёритиш, тафаккурни ривожлантириш, дунъё таниш, билим ва тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва келажак авлодларга етказиб бериш каби вазифалари ҳам намаён бўлади. Тилнинг шу каби хизматлари натижасида жамият шаклланиб, моддий ва маънавий бойликлар тўпланади.

Қорақалпоқ тили қорақалпоқ халқининг миллий тили сифатида халқ турмуш-тарзи билан бирга ривожланиб, бугунги кунда ўзининг бой адаби тил нормаларига, кенг стилистик имкониятларига эга бўлди. Унинг товуш тузилишини, луғавий таркибини, грамматикалық қурилишини, тарихини, диалектик системасини ўрганиш бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бугунги кунда қорақалпоқ тилшунослиги тюркологияда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди, мана шундай ютиқлар билан бир қаторда ҳали мақсус тадқиқ этилмаган мавзулар ҳам бор. Шуларнинг бири сифатида луғавий таркибдаги сифат сўз туркумида ўчрайдиган антонимия ҳодисасини кўрсатиш мумкун.

Ҳар қандай тилнинг луғат таркибининг маълум бир қисмини сифат сўз туркуми эгаллайди ва улар антонимия ҳодисасини ташкил этишда фаъол қатнашадиган лексик-семантик бирликлар ҳисобланади. Тилшуносликда сифат антонимларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган анчагина илмий ишлар мавжуд. Бу ишларларда сифат сўз туркумининг антонимик муносабатга киришишига ҳар хил аспектда ёндашилган.

Қорақалпоқ тилида ҳам сифатлар антонимик муносабатни ташкил этишда унумлиликга эга ва уларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Чунки, бу мавзу ҳозирги кунгача қорақалпоқ тилшунослигида махсус тадқиқот обьекти бўлган эмас. Шунинг учун ҳам адабий тилимизни ягона тизимга бириктириш жараёнида лексиканинг бу қатлами бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг аҳамияти катта. Бизнинг мақоламиз мана шу кенг қатламнинг бир бўлаги бўлган қорақалпоқ тилидаги антонимия ҳодисасини ҳосил қилишда фаъол қатнашадиган сифат антонимларнинг лисоний тадқиқига бағишланади.

Тилшуносликда сифат антонимларнинг ўзига хос хусусиятларига доир анчагина ишлар мавжуд. Жумладан, қозоқ тилидаги сифат антонимлар лексик маъноси жиҳатидан қуйидагидек олтита гуруҳга ажратилган:

1) нарсаларнинг сифатини ифодаловчи сифат антонимлар; 2) шахснинг психологик ҳолатини, қулқ-атворини ифодаловчи сифат антонимлар; 3) нарсаларнинг ҳажми, салмоғи, жойлашиш ўрнига боғлиқ белгиларини ифодаловчи сифат антонимлар; 4) нарсаларнинг белгисини ифодаловчи сифат антонимлар; 5) одамларнинг ижтимоий ҳолати, уларнинг қариндошлик алоқаларини ифодаловчи сифат антонимлар; 6) нарсаларнинг рангига, таъмига боғлиқ белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар [1.21-22].

Ўзбек тилидаги сифат антонимлар лексик маъноси жиҳатидан бешта гуруҳга ажратилган:

1) одамларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 2) ҳайвонларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 3) нарсаларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 4) одам ва нарсалар учун умумий бўлган хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар; 5) одам, ҳайвон ва нарсалар учун умумий бўлган белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар [2.232].

Ҳозирги замон қорақалпоқ адабий тилида ҳам маъно жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши ишлатиладиган сифат антонимларнинг бир нечта гуруҳларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бундай сифат сўз туркумига оид сўзлар қуйидагидек маъноларда антонимик жуфтликларни юзага келтиради:

1. Одамларға хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимларни қуйидагидек маъно гуруҳларига ажратиш мумкин:

а) шахснинг хулқ-атворини ифодаловчи сифат антонимлар:

Жақсы адам сөз мәнисин аңлайды,

Жаман адам шийрин жанды қыйнайды (Қ.х.м.).

Биреў *бәлент* биреўлер *пәс*,

Биреўлер әзелден нәкәс (Бердақ).

Қыз *ақыллы* екен, бизлер *ақмақ* екенбиз («Алпамыс» дәстанынан).

Үй ийеси Асқарбай деген бир ақ көкирек, түри *жаман* болса да жаны *жақсы* жигит екен (Ш.Сейтов).

б) шахснинг психологик ҳолатини ифодаловчи сифат антонимлар:

Ол күтә *менмен*, жаўыз адам еди (Ж.Сапаров).

Кишпейил бол жастан балам (Бердақ).

- Әкең жүдә *сақый* еди, оның алдында сен ким болыпсаң? (Қ. х.э.).

Қәдирбай – күтә *қытымыр*, *дүньяпараз*, өтирикши, арсыз адам (А.Бекимбетов).

Мениң күйеўим ондай *жаўыз* емес, *мөмин* адам (Х.Сержанов).

в) одамларда табиий юзага келадиган белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар:

Жас мухаббат алдында *ғарры* шайыр,

Дизе бүгип кәлийма жығылғанын (И.Юсупов).

Үйине жақынлағанда қораның шуўақ тәрепинде ықлап турған көзлери шүңирейген, *арық* балаға көзи түсти (Ж.Муратбаев). *Семиз* адам көп ўақытларға шекем үндемей турды (И.Қурбанбаев).

г) ҳаётда одамлар ўртасидаги алоқанинг сифатига, турмуш тарзига боғлиқ белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар:

Биреўлер *аш* болды, биреў *тоқ* болды,

Усылардың бәри ойсыздан болар (Өтеш «Болар»).

Зәриў буларға *дос* еди,

Өзи жигиттиң басы еди,

Бирақ ўәзирлер *қас* еди (Бердақ).

Әкем Әўез *жарлы* дийхан болған. Үбби болса … қатты гүрес жүргизген *бай* адам (Ж.Сапаров).

е) одамларнинг физиологик ҳолатларига боғлиқ сифат антонимлар:

Кўшли әззини хорлаған,

Бир әлеўмет заман болды (Бердақ).

Бир жаман менен бир жақсы бас қосса *аўырыў* менен *саўдай* болады (Қ.х.м.). Дүньяда адамнан *күшлирек* ямаса *әззирек*, адамнан *батырырақ* ямаса *қорқағырақ*, адамнан *ақыллырақ* ямаса *нәпәмирек*, түсиниўи қыйын қоспалы, өзгермели қайсы мақлуқат бар? (Т.Қайыпбергенов).

2. Ҳайвонларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар. Бундай сифат антонимларни қуйидагидек маъно гуруҳларига ажратишимиз мумкин:

а) ҳайвонларнинг хулқ-атворини ифодаловчи сифат антонимлар: *жуўас – асаў (ат), жуўас – қабаған (ийт), жуўас – сүзеўик (мал)* ва ҳ.к. Мисоллар: *Қабаған* ийт қарны тойғаннан кейин бираз *жуўасыды*. *Жуўас* деген қотыр тай, *асаў* болып шығады («Алпамыс» дәстанынан).

б) ҳайвонларнинг яшаш шаройити ва физиологик хусусиятларини ифодаловчи сифат антонимлар: *жабайы – асыранды, қысыр – буўаз, шақлы – тоқалақ, жүйрик – шабан* ва ҳ.к. Мисоллар:

Атаң берген Байшубар,

Жақсыма екен жаман ба?

Жүйрикпе екен *шабан* ба? («Алпомиш» достонидан).

Арық атын бақтырсын,

Семиз атын таплатсын («Алпомиш» достонидан).

Бул тоғайда бир неше *жабайы* аңлардың түрлери ушырасады (М.Дәрибаев). Сибирде *асыранды* ийтлер адамның ең жақын жәрдемшиси, қолқанаты болып есапланады («Еркин Қарақалпақстан» газетасидан).

3. Нарсаларга хос хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар:

а) ҳажм, салмоқ, вақт ва ҳ.к. билан боғлиқ сифат антонимлар: *үлкен – киши, кең – тар, узын – қысқа, бәлент – пәс, аўыр – жеңил, толы – бос* ва ҳ.к. Мисоллар:

Бәлент көше, *пәс* көше,

Ырас көше, тар көше («Алпомиш» достонидан).

Болғандай-ақ *кең* дүньялар бизге *тар* («Ер Зийўар» достонидан).

Жумыс ўақты болғаны менен Халқабадтың *қысқа* базары еди, *узақ* базардан айырмасы, бул күни тек қара мал түспейди (Ш.Сейтов). Складшы *толы* қапларды ийеги менен нусқады (Ш.Сейтов). Пахтадан *босаған* қанарларды арбаға жүклей баслады (Ш.Сейтов).

б) нарсаларнинг хусусиятларини ва ҳолатларини ифодаловчи сифат антонимлар: *өткир – топыр, қалың – жуқа, шуқыр (ой) – сайыз* ва ҳ.к. Мисоллар:

Ой бийшара сулыў ғана гүбелек,

Қанатың бар мысалы *жуқа* шүберек (И.Юсупов).

Алыстан *қалың* тоғай көринипти (Қ.х.э.).

в) нарсаларнинг баҳоси, нархига боғлиқ хусусиятларни ифодаловчи сифат антонимлар:

Нелер *арзан*, нелер *қымбат* елиңде,

Бабам сеннен ныр қ аўҳалын сорайман («Алпомиш» достонидан).

г) нарсаларнинг таъмига боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сифат антонимлар: *ашшы – душшы, мазалы – уўдай* ва ҳ.к. Мисоллар:

Жол үстинде нәрўан терек,
Шақасы әлемге керек,
Бир мийўасы *ашшы*,
Бир мийўасы *душшы* (Ққ.х.ж.).

Аўызымызға салып шайнап жибергенимиз, *уў-зәҳәр* (Ш.Сейтов). Шайнап қарасақ, бурыштың дәмин алады екен, бурыштың ашыўы кеткен соң қарасақ, *тап-татлы!* (Ш.Сейтов).

д) нарсаларнинг сифатига боғлиқ хусусиятларини ифодаловчи сифат антонимлар: *қатты – бос, шийки – пискен*. Мисоллар:

- Шырағым *қатты* ма, *бос* па, *пискен* бе, *шийки* ме деп бир қасық қуўырмашты узатты («Алпомиш» достонидан).

Жамғыр жаўса *қатты* жерлер *бос* болар,
Ярым келсең қапа кеўлим хош болар (А.Бегимов).

4. Одам, ҳайвон ва нарсалар учун умумий белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар: *үлкен – киши, аўыр – жеңил, жақсы – жаман* ва ҳ.к. Мисоллар:

1) Одамларга хос:
Жақсы-жаманын билмедим,
Бир кәсе шарап қолында,
Шығып еди үйинен («Алпомиш» достонидан).

2) Ҳайвонларга хос:
Атам берген Байшубар
Жақсы ма екен *жаман* ба? («Алпомиш» достонидан).

3) Нарсаларга хос:
Аттан *үлкен*, ийттен *аласа* (Ққ.х.ж.).

Сифат антонимлар бир хил ўзактан ясаладими, *бахтли-бахтсиз* каби сўзлар антоним бўла оладими? Тилшуносликда бу саволга ҳар хил жабовлар берилган. Рус тилшунослигида бази тадқиқотчилар уларни антоним деб ҳисобламаса [3.44-45], базилари антоним деб ҳисоблайди [4.63]. Бу масала юзасидан тюркологияда ҳам фикрлар хилма-хиллигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Ж.Мусин қозоқ тилида бундай аффикслер ёрдамида антонимлар ясалмайди, деган фикрни илгари суради [1.21-22]. Ўзбек тилшунослигида Р.Шукуров бу ҳақда қуйидагидек фикр билдиради: «Ўзбек тили материаллари асосида тўпланган антонимларни теран ўрганиб чиқишимизнинг натижасида ушбу тилда ҳам сўз ясовчи аффикслар ёрдамида анча гина бир хил ўзакга эга антонимларнинг ясалишининг гувоҳи бўлдик. Масалан: *юракли – юраксиз, ақлли – ақлсиз, мазали – бемаза, вафодор – бевафо, одобли – беодоб* сингари. Бундай сўзларни ўларнинг ҳар хил ўзакга эга синонимлари билан солиштирсак, масала яна ҳам ойдинлашади» [6.8].

Биз бу масалани ҳар томонлама теран ўрганиб чиқиб, қорақалпоқ тилида ҳам *-лы//-ли, -сыз//-сиз, бий, на, нә* аффиксларининг ёрдамида антонимлар ясалади деган фикрга келдик. Бундай антонимларни шартли тарзда *грамматик антонимлар* деб юритиш мақсадга мувофиқ. Шуни ҳам алоҳида

таъкидлаб ўтиш лозим, ушбу аффикслар ёрдамида ҳоҳлаган сўзлардан антонимлар ясалавермайди. Масалан, *дәптерли – дәптерсиз, китаплы – китапсыз* каби сўзлар ўз аро антоним бўла олмайди. Аффикслар ёрдамида қандай ҳолатларда антоним жуфтликлар ясалади ва қандай ҳолатларда антоним қаторлари ҳосил бўлмайди, деган масала аҳамиятли бўлса ҳам, шу кунгача ўларни ажратиш бўйича аниқ фикрлар йўқ. «Кузатишлар бир хил ўзакга эга ясама сўзлар фақат ўз аро қарама-қарши бўлган тенг тушунча ёки тенг лексик маъно билдирганда гина антонимик қатор ясай олади [5.10], деган фикрга олиб келди. Шунингдек, бундай сўзларнинг антонимлар сифатида қаралишини «... шу тилда формаси жиҳатидан бутунликга эга бўлган синонимларининг бор эканлиги, ёки бошқа тилга бирдек лексик бирлик (сўз) орқали таржима этилиши билан изоҳлаш мумкин [5.12]. Демак, ушбу меъёрларга мос келадиган сўзлардан антоним жуфтликлар ясалади.

Антонимик муносабатнинг нутқдаги кўриниши инсоният тафаккури ва дунёқарашига чанбарчас боғлиқ. Инсон боласи фикрлаш орқали ўз атрофидаги нарса ва ҳодисаларнинг хосиятини, сифатини бир-бири билан таққослаш орқали уларни қарама-қарши қўяди. Шу асосда қарама-қарши қўйиб таққослаш натижасида антонимик моносабат юзага келади.

Тиллик қарама-қаршилик мантиқий қарама-қаршилик асоссида ҳам бўлиши мумкин. Бу борада антонимик муносабатларни тадқиқ қилаётган олимлар ўртасида турлича фикрлар учрайди. Баъзи тилшунослар унга логик жиҳатдан ёндашиб, *антоним* деганимиз қарама-қарши тушунчаларни англатувчи сўзлар деса, лекин баъзи тилшунослар унга лисоний нуқтай-назардан ёндашиб, маънолари ўз аро қарама-қарши сўзларни *антонимлар* деб ҳисоблайди. Б.Исабеков: «Антонимия мантиқий тушунчалар билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун уни фақат мантиқий жиҳатдан аниқлаш билан чегераланиб бўлмайди, чунки, мантиқий тушунчалар нутқий, яъний лексик маъно орқали юзага чиқади. Шу сабабли антонимик муносабатни лисоний нуқтай-назардан ёндашиб аниқлаш керак [6.4] -деган фикрни билдиради. Биз ҳам ушбу фикрнинг тарафдоримиз.

Шундай қилиб, бизнинг тўплаган тиллик фактларимиз асосида ҳозирги қорақалпоқ адабий тилидаги сифат сўз туркуми ўртасидаги антонимия ҳодисаси лексик маъноси бўйича одамларга хос хусусиятларни англатувчи, хайвонларга хос белгиларни англатувчи, одам, ҳайвон ва нарсалар учун умумий белгиларни ифодаловчи сифат антонимлар каби уч гуруҳга ажратилди. Бу гуруҳлар ўз ичида бир қанча кичик гуруҳларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирига бадиий асарлардан мисоллар келтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, сифат сўз туркумига оид сўзлар нутқда қўлланилиши жиҳатидан унумли сўзлар қаторига киради. Антонимик муносабатдаги сифатлар ҳам сифатларнинг семантик гуруҳлари таркибида ўзига хос ўринни эгаллайди. Қорақалпоқ тилида сифат сўз туркумига хос антонимларнинг юқорида кўриб ўтганимиз каби турли маъно хусусиятларини бера олиши унинг тилимизда кенг қўлланилиш доирасига эга эканлигидан дарак беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Мусин Ж. Антонимы в казахском языке. Автореф. дисс. …канд.фил.наук. – Алма-Ата. 1970. – С.21-22.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.I. –Тошкент: 1966. – Б.232.
3. Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – Москва.: Учпедгиз, 1954. – С.44-45.
4. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – Москва: 1964. – С.63.
5. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. –Тошкент.: Фан, 1977. – Б. 8,10,12.
6. Исабеков Б. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. Автореф. дис. …канд.фил.наук. –Ташкент: 1973. –С.4.

“КОДЕКС КУМАНИКУС” ҚЎЛЁЗМАСИНИНГ ПОЛЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жафаров Ботир Саттарович
Наманган давлат университети
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Аннотация. *Ушбу мақолада XIV асрда Олтин Ўрда яратилган “Кодекс куманикус” қўлёзмасининг полеографик тадқиқи билан боғлиқ далиллар ёритилган. Бундан ташқари қўлёзманинг ёзилган манзили, унинг муаллифлари сони бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳақида фикр юритилган. Мавзу кўламига кўра мақолада ушбу нодир ва ноёб ёдгорлик сўзларнинг таркиби, улар бўйича турли манбаларда берилган маълумотлар юзасида тахлилий маълумотлар берилган.*

Таянч сўзлар: *Тарих, қуман, қипчоқ, қўлёзма, Кодекс куманикус, луғат, таржимонлар китоби, тарғибот китоби, полеография.*

ПОЛИГРАФИЧЕСКОЕ ОСОБЕННОСТИ РУКОПИСА “КОДЕКС КУМАНИКУС”

Жафаров Ботир Саттарович
Наманганский Государственный Университет
Доктора философии по филологическим наукам (PhD), доцент

Аннотация. *В этой статье дается обзор полеографического исследования рукописи Кодекса Куманикуса, созданной в XIV веке в Золотой Орде. Кроме того, при изучении рукописи письменный адрес, число ее авторов. В статье по темам в статье представлено содержание этих редких и уникальных памятников, а также аналитическая информация о различных источниках.*

Ключвие слова: *История, куман, кипчак, рукопись, Кодекс куманикус, словарь, книга переводчиков, книгна миссионеров, полеография.*

POLYGRAPHIC FEATURES OF THE MANUSCRIPT “CODEX CUMANICUS”

Jafarov Botir Sattarovich
Doctor Of Philosophy in philology (PhD), dotsent

Annotation. *This article provides an overview of paleographic research of the Codex Cumanicus manuscript created in the XIV century in the Golden Horde. In addition, the study of the manuscript's written address, the number of its authors. In the article by subject, the article presents the content of these rare and unique monuments and analytical information on the various sources.*

Key words: *History, Kuman, Kipchak, manuscript, Codex cumanicus, dictionary, book of translators, book of missionaries, fieldography.*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ барча жабҳалар каби маданият, санъат ва адабиёт соҳаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Турли мамлакатлар кутубхоналарида сақланаётган аждодларимиз даҳоси билан яратилган ёзма обидаларни қидириб топиш ва уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш, шу асосда ёшларимизни миллий қадриятларимиз, ўтмиш аждодларимиз қолдирган бой маданий меросимиз йўғрилган адабиётлар билан таништириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Чунончи, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “миллий-маънавий ўзликка эга бўлиш, маданий меросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракат” [1] сифатида устувор стратегик йўналиш ўлароқ илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидай: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади” [2].


Тарих соҳасида бунёдга келган бир қатор ёзма обидалар барча туркий халқлар учун муштараклиги билан ажралиб туради. Улар туркий халқлар адабиётининг кейинги босқичларидаги тараққиёти учун ҳам умумий асос вазифасини адо этган.

Туркийшуносликда ана шундай ёдгорликлар қаторида XI асрда яратилган икки буюк обида: Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот ит-турк” асарлари ҳақли равишда қайд этилади. Буларнинг ёнида XIV асрда яратилган адабий меросимиздан яна бири “Кодекс куманикус” ҳам бор. Ушбу ноёб асарларда олға сурилган ғоя ва мавзулар ҳамиша ўз бадиий жилоси билан башариятни мафтун қилади, бадиий тасвирдаги ўзига хослик киши ҳайратини оширади, шеърий мисраларда ўз ифодасини топган муаллифлардаги кузатувчанлик, нозик туйғулар инсонга завқ бағишлайди.

“Кодекс куманикус” XIV асрнинг бошларида яратилган бўлиб, унинг асл номи «**In hoc libra continentur Persicum et Comanicum per alfabetum**»дир. Жаҳон илмий жамоатчилиги орасида бу асар «Кодекс куманикус» (“Қуманлар кодекси”) деган ном билан ёйилган. Аслида, қўлёзма номидаги “кодекс” сўзи русча-ўзбекча луғатда шундай изоҳланган: муқоваланган қадимий қўлёзма [3; 491-б.]. Ваҳоланки, юқорида

келтирилган ном “Алифбо тарзидаги форсча ва қуманча китоб” тарзида таржима қилинса ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Кодекс куманикус” жаҳон адабиётшунослари, тилшунос, таржимашунос ва тарихчи олимлари томонидан кенг ўрганилган ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Аммо ёдгорликнинг ёзилган манзили, унинг яратилган санаси ва тузувчилари тўғрисида қарашлар ва тадқиқотлар бугунги кунгача ўз ечимини топмай келаётган энг долзарб муаммолар сарасини ташкил этади.



Қўлёзманинг 78 б саҳифасида берилган матн қарийб етти асрдан бери дунё олимлари диққат марказида турибди ва бу матн устида бугунги кунгача олиб борилган тадқиқотлар ҳали-ҳануз жуда кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Матнда берилган биринчи сатрдаги «añt de Zinale» ва тўртинчи сатрдаги «añt» жумласи Г.Куун томонидан «Antonius de Finale» ва «Antonius» тарзида ўқилган [4; 218-б.]. Г.Куун юқорида таъкидланган «Antonius de Finale» қўлёзмани тузувчиларидан ёки унинг фойдаланувчиларидан бири эканлигини ҳамда мазкур ёдгорлик маълум вақт унинг қўлида бўлганлигини исботлашга уринади [4; CXXII-б.].

К.Фрати эса мазкур саҳифада берилган матндаги ном «Antonius de Finale» эмас балки, «Antonio de Ziuale ёки Zinale» эканлигини таъкидлайди [5; 7-б].

А.Пимонтеза ёдгорликнинг 78б саҳифасидаги ёзувларда акс этган исм «Antonio de Cividale»га тегишли эканлигини айтиб, мазкур саҳифадаги ёзув «Antonio de Ziuale ёки Zinale» эмас, балки, «Antonio de Cividale» тарзида ўқилса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ўтади [6; 193-б.].

Бизнинг фикримизча, қўлёзманинг 78б саҳифасида берилган матн аслида «Antonius» ёки «Antonio» исми билан боғлиқ сўз эмас, балки, “ante” сўзи бўлиб, бу юқоридаги матнда қиёсловчи боғловчи бўлиб келган ва у “аввалгиларидек” тарзида таржима қилинади. Матннинг биринчи сатри “Ушбу муқаддас китоб аввалгилари сингари абадий қолади” шаклида ўзбек тилига таржима қилинади. Мазкур матн муаллифи “Кодекс куманикус”ни юқоридаги сўзлар билан«Забур», «Таврот» ва «Инжил» сингари муқаддас китоблар сингари муқаддас бўлиб қолишган ишорат қилган бўлса ажаб эмас. Китобга бу даражада сифат берилиши ҳам бежиз эмас, чунки ундаги диний-илоҳий дуо ва мадҳиялар айнан христианларнинг муқаддас китобларидан қуман тилига таржима қилинган.

Қўлёзма тузувчилари тўғрисидаги иккинчи фараз Г.Куун томонидан ёдгорликнинг 56 б саҳифасидаги ҳамда 59 а саҳифасининг 1-7- сатрларида Франческо Петрарка дастхатига тегишли деб тахмин қилинган матн билан боғлиқ. Г.Куун ўз тадқиқотида мазкур матнлар бўйича қуйидаги фикрларни келтиради: «Кодекснинг 112- саҳифасида айнан бир турдаги икки хил матн битилганини кузатишимиз мумкин. Уларнинг биринчиси ўқиш жуда ҳам қийин бўлган сиёҳсиз перо ёрдамида қириб ёзилган 20 градус нишабликдаги матн бўлса, иккинчиси айнан шу матннинг сиёҳ ёрдамида қайта ёзилган матнидир» [4; 133-б.].

В.Радлов ҳам Г.Кууннинг биз юқорида айтиб ўтган «Antonius de Finale қўлёзма муаллифларидан бири» деган изоҳига таяниб, қўлёзма маълум вақт Антонио де Финаленинг қўлида бўлгани ҳамда Петрарка ундан олган бўлиши мумкинлигини ва қўлёзма муаллифлари қаторида юқорида номлари келтирилган бу икки шахслар бўлганини таъкидлайди. Шунингдек, мазкур икки саҳифадаги ёзув нафақат имлоси, балки график жиҳатдан ҳам Петрарка дастхати билан бир хил эканлигини айтиб ўтади [7; 3-б.].

А.Пимонтеза эса, Петрарка «Кодекс куманикус» қўлёзмасини 1334 йилда Папа Бенедик XII нинг кардинали бўлиб ишлаган Жованни Колонна билан қалин дўст бўлган пайтда, айнан ундан олганлигини таъкидлайди [84; 195-б.].

Биз қўлёзманинг асл нусхаси устида матншунослик бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида ушбу саҳифада айнан икки шахс томонидан битилган матн мавжудлигини аниқлашга муяссар бўлдик. Бу ўз навбатида ушбу саҳифада Г.Куун томонидан Петрарка дастхатига тегишли деб тахмин қилинган 14 сатр мавжудлигидан далолат беради. Аммо қўлёзманинг ушбу саҳифасидаги бошқа хаттот томонидан сиёҳсиз перо ёрдамида қириб ёзилган матн эса, 14 сатр эмас, балки 20 сатрдан иборат. Матннинг асл нусхаси, яъни перо билан қириб ёзилган қисми бошқа хаттотга тегишли.

Қўлёзмада хаттот томонидан сиёҳсиз перо билан қириб ёзилган матн қуйидаги сўзлардан иборат бўлган:

(1) Per due piaxer me vog(...)
(2) (...) de la vita in breue
(3) per la partita greue
(4) del dolce loco ouel mio cor laso
(5) partome lasso con lanima trista
(6) la desperanza che poy me conforta
(7) de li ochi dolce lamorossa vista
(8) per chi sospendio (.....)
(9) (.....)
(10) (.....) d’aytarme
(11) (.....) darme
(12) socorimi anci che passi esto passo
(13) No fo ioiossa si may la mia vita
(14) inel conspeto de li ochi ridenti
(15) che non dogliossa piu per la partita
(16) (...) s (...) con piu graui tormenti
(17) li quali me serano piu pongenti
(18) in fin a lultima ora
(19) de la mia vita ognora
(20) se amor no me n ayta a questo passo

Ушбу саҳифада сиёҳ билан ёзилган матн қуйидаги сўзлардан иборат:

(1) Per piaxer me vog (…)
(2) E de la vita in breue per la partita greue

(3) del dolce loco oue lo core laso partome lasso con (...)
(4) lanima trista e la desperanza che piu me conforta
(5) de liochi dolce lamorosa vista χ per chi sospendio me (...)
(6) da ancor la morte ayme sdegno amor chi de
(7) tal sorte prometesti daitarme y tзoimbre darme
(8) socori me anci che e passe esto passo
(9) No fo ioyossa si may la mea vita
(10) nel conspeto de liochi spiandenti oasay dogliosa
(11) per questa partita piu non remagna con graui tormenti
(12) Li quali me serano piu pongenti in fino alultim ora
(13) de la mia vita one hora samor no me n aita a questo
(14) passo.

Матнни синчиклаб таҳлил қиладиган бўлсак, перо ёрдамида сиёҳсиз қириб ёзилган 20 сатрдан иборат бўлган матн, сиёҳ ёрдамидаги иккинчи ёзувда 14 сатрни эгаллаган. Иккала матндаги сўзларда акс эттирилган ҳарфлар бир-биридан баъзи ўринларда фарқ қилади, шу сабабли ушбу матнлар бошқа-бошқа хаттотларга тегишли эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга ушбу матнларнинг айнан Петрарка дастхати билан ёзилган деган фаразга аниқлик киритиш учун итальян шоирининг дастхати билан ёзилган бошқа қўлёзмаларни солиштириш учун матншунослик экспертизаси тайинлаш зарурлигини тақозо этади.

“Кодекс куманикус” хаттотлари сонини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, асарда хаттотлар дастхатларининг хилма-хиллиги уларнинг нафақат сиёҳи, балки, ундаги ҳарфларнинг нишаблик (оғиш) даражаси ва хаттотларнинг ҳар бирига хос бўлган ёзма (график) услублари билан ҳам ажралиб туради.

Ёдгорликнинг биринчи – “Таржимонлар китоби” қисмидаги дастхат (почерк)лар сониини аниқлаш қўлёзманинг мазкур қисмини тузиш ёки кўчиришда, қолаверса, ундаги баъзи сўзларни тузатиш жараёнида иштирок этган хаттотлар сонини аниқлаш ва далиллаш учун муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун ундаги дастхат кўринишларини саҳифалар ва сатрлар кесимида алоҳида ажратиб чиқдик ва “Кодекс куманикус”нинг биринчи қисми тўрт хил дастхат билан китобат қилинганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Улар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи дастхат: 4 а саҳифадаги (CC 4 a/6) “*amplector*”, (CC 4 a/7) “*amplexatus su͡*”, (CC 4 a/8) “*amplecte*”, (CC 4 a/12) “*suspiro*”, (CC 4 a/13) “*suspiram*”, (CC 4 a/14) “*suspira*”, (CC 4 a/15) “*suspirio*”, (CC 4 a/16) “*libero*”, (CC 4 a/17) “*liberaui*”, (CC 4 a/18) “*libera*”, (CC 4 a/19) “*liber*”, (CC 4 б/3) “*ydio*”, (CC 4 б/4) “*ydimen*”, (CC 4 б/5) “*ydim*”, (CC 4 б/6) “*ymaga*” (CC 4 б/10) “*anuncrom*”, “*souuєlarmen*”, (CC 4 б/15) “*sagi͡dremе͡*”, (CC 4 б/16) “*saginidirn*”, (CC 4 б/17) “*sagingil*”, (CC 4 б/18) “*saganmac*”, (CC 4 б/19) “*memoria*”, (CC 4 б/24) “*Jncantatrix*”, “*Xam xatun*”;

16 а саҳифадаги (CC 16 a/23) “*Iudico*”, “*jargularme*” “*tørulermen*”, (CC 16 a/24) “*Iudicaui*”, “*jarguladin*” “*tøruladim*”;

17 б саҳифадаги (CC 17 б/28) “*Batirmẽ*”, (CC 17б/29) “*Battim*”, (CC 17 б/30) “*submersi*”, (CC 17 б/31) “*Medulla*”, “*Jilek*”;

18 а саҳифадаги (CC 18 а/5) “*Marcesco*”, “*Mgarmẽ*”, (CC 18 а/6) “*Marcesa*”, “*Mdum*”, (CC 18 а/33) “*Ianirmẽ*”, “*Ich drowe*”, (CC 18 а/34) “*Ianadum*”, (CC 18 б/10) “*senig søsini bestlarme*”, (CC 18 б/11) “*no͡curo verba tua*”, (CC 18 б/15) “*flecto curio*”;

21 б саҳифадаги (CC 21 б/1) “*Nomo latae cum h deo famulae*”;

22 а саҳифадаги (CC 22 а/1) “*sina amo amo*”, (CC 22 а/17) “*Pauper*”, “*Daruis*”, “*Jarle*”, (CC 22 а/18) “*Paupertas*”, “*Iarlelik*”, (CC 22 а/19) “*Perficio*”, “*Bitirrimen*”, (CC 22 а/20) “*Perfec*”, “*Bitirdim*”, (CC 22 а/21) “*Bitirmak*”, “*volbreng͡üge*”;

25 а саҳифадаги (CC 25 а/6) “*Bilgil*”;

28 а саҳифадаги (CC 28 а/6) “*Tranquslheas*”, “*Tim boldi*”;

29 а саҳифадаги (CC 29 а/13) “*Bos*”, (CC 29 а/14) “*Üv*”, (CC 29 а/15) “*Cusarmen*”, (CC 29 а/16) “*Custum*”, (CC 29 а/20) “*imenirmen*”, (CC 29 а/21) “*imẽdun*”;

33 б саҳифадаги эгалик қўшимчаси (CC 33 б/2,12) “*niŋ*”, (CC 33 б/8) “*siŋ*” ҳамда (CC 33 б/16) “*Sendan*”;

35 б саҳифадаги (CC 35 б/10) “*Are. algesli*”;

47 б саҳифадаги (CC 47 б/6) “*l buun*”, (CC 47 б/11) “*ul magley*”, (CC 47 б/27) “*Erlic nature*”, “*Cãmadin ich taste*”;

48 а саҳифадаги (CC 48 а/17) “*trinir stet pitte*”, (CC 48 а/20) “*Koti derars*”, (CC 48 а/22) “*Koymiç der ars*” сўзларига тегишли.

Иккинчи дастхат: 11 а саҳифадаги (CC 11 а/ 13-14) “*Kim maga bersa mendagar beraym. Kim maga bermass mendagar bermam*” тарзида берилган мақолига;

15 а саҳифадаги (CC 15 а/5) “*Hospito*”, “*Condurimẽ*”;

47 б саҳифа сўнгидаги (CC 47 б/29) “*Meretrix*”, “*Charabet*” сўзларининг ёзувларига тегишли.

Учинчи дастхат: 15 а саҳифадаги (CC 15 а/7) “*Oraxa dasten*”, “*Oruz tutarmen/tutum*”, (CC 15 а/8) “*Oraxa bidar*”, “*Oruʒ tut*”, (CC 15 а/9) “Oraxa”, “*Oruz*”;

16 б саҳифадаги (CC 16 б/1) “*Luno*”, “*Mesuiren*”, “*Juua͡men*”, (CC 16 б/2) “*Lauj*”, “*susten*”, “*Juudun*”, (CC 16 б/3) “*Laua*”, “*Bsuir*”, “*Ju*”, (CC 16 б/8) “*Gillay*”, (CC 16 б/9) “*Xaamety*”, (CC 16 б/11) “*Nur*”, (CC 16 б/12) “*Soan*”, (CC 16 б/13) “*Doa*”;

18 а саҳифадаги (CC 18 а/31) “*Cho*”, “*Tage*”, (CC 18 а/32) “*Chouistan*”, “*Tagellar*”, (CC 18 б/7) “*Mechoy*”, “*Tillamagil*”;

19 б саҳифадаги (CC 19 б/12) “*Ochum misinoen*”, (CC 19 б/13) “*Ochumy siniden*”, (CC 19 б/14) “*Ochum bisnoyt*”;

20 а саҳифадаги (CC 20 а/5) “*Nixech mirixen*”, “*Siyermen*”, (CC 20 а/6) “*Nixech vechten*”, “*Siydum*”, (CC 20 а/7) “*Nixech beris*”, “*Siygil*”, (CC 20 а/8) “*Nixech*”, “*S(iy)ʒi*”;

22 а саҳифадаги (CC 22 а/1) “*Ghuna*”, “*Jaχoc*”, (CC 22 а/2) “*Isty*”, “*Elelic*”, (CC 22 а/3) “*Muy*”, “*Jon*”;

22 б саҳифадаги (CC 22 б/1) “*Disais migiren*”, “*Tinglarmen*”, (CC 22 б/2) “*Disais grifften*”, “*Tingladuŋ*”, (CC 22 б/3) “*Disais bgir*”, “*Tingla*”, (CC 22 б/5) “*Ysdermen*”, (CC 22 б/6) “*Ysdedum*”, (CC 22 б/7) “*Ysdegil*”, (CC 22 б/8) “*Ysdemek*”, (CC 22 б/9) “*Daw*”;

28 а саҳифадаги CC (28 а/7) “*ª ist*”, “*Chorchusus*”; ўттизинчи саҳифадаги (CC 30 а/1) “*Karalic talamaris*”, (CC 30 а/2) “*Dns ane ma*”, уйғур ёзувида вертикал тарзда битилган (CC 30 а/3) “*битик*”;

53 а саҳифадаги (СС 53 а/23) “*Belend*”, “*Beichluch*”, (СС 53 а/25) “*Miva*”, “*Jemis*”;

54 а саҳифадаги (СС 54 а/1) “*Badirian*”, (СС 54 а/6) “*Turp*”, (СС 54 а/7) “*Chasuir*”, (СС 54 б/5) “*Ogolach*”, (СС 54 б/6) “*Sag*”;

55 а саҳифадаги (55 а/14) “*duraz*”, (55 а/22) “*Sonlun*”, (СС 55 а/23) “*ul cautũ*”, (СС 55 а/25) “*tutech*”, (СС 55 б/5) “*ul tiu coctu dre*” сўзларининг ёзувларга тегишли.

Тўртинчи дастхат: Биз юқорида айтиб ўтган дастхатларга тегишли бўлмаган қўлёзманинг асосий бошқа сўзлари битилган ёзувларга дахлдор.

Юқоридаги қўлёзманинг биринчи қисмига тегишли ёзувларда ўз аксини топган нафақат график аломатлар, балки ишлатилган сиёҳларнинг турли рангда эканлиги ҳам уларнинг бошқа пайтда киртилганини кўрсатиш билан бирга бошқа-бошқа хаттотлар томонидан амалга оширилганини исботлайди.

Қўлёзманинг немисча – “Тарғибот китоби” бўйича тадқиқот олиб борган Дагмар Дрюлл ҳам айни юқоридаги методикага таянган ҳолда, яъни матнларнинг ёзилишидаги ҳарфларнинг нишаблик (оғиш) даражаси, тиклиги, сиёҳ рангларининг турли-туманлиги ҳамда ёзув услубининг ўзига хос жиҳатларини солиштириш орқали ушбу қисмда 16 та дастхатнинг мавжудлиги ва қўлёзманинг немисча қисмини ёзишда 16 та хаттот иштирок этганлиги тўғрисида хулосаларини берган.

Юқоридагилардан шу нарса аниқ бўладики, қўлёзмани тузиш жараёнида жами йигирмата хаттотлар гуруҳи иштирок этган. Уларнинг тўрттаси “Таржимонлар китоби” қисмини ҳамда ўн олти нафари Дагмар Дрюлл таъкидлаганидек, “Тарғибот китоби” қисмни тузишда иштирок этганлар.

Туркийшунос олимлар қўлёзма тузувлари ҳақида хилма-хил фикрларга келишган ва ҳанузгача бу каби фикрлар қарама-қаршилиги давом этмоқда. Жумладан, Г.Куун қўлёзманиннг биринчи “Итальянча қисми” генуяликлар томонидан ёзилган деган фикрни олға сурган. Братиану ва Дрюллар ҳам ушбу фикрни қўллаб-қуватлайдилар [8; 7-б.]. Л.Лигети эса, қўлёзманинг биринчи қисмини тузувчилар венецияликлар эканлигини, шу сабабли ҳам ёдгорлик улар томонидан Венецияга олиб келинган, деган фаразни олға суради [8; 13-б.].

Биз юқоридаги фикрлар қарама-қаршилигига аниқлик киритиш мақсадида флоренциялик савдогар ва сиёсатчи Франческо Бальдуччи Пеголотти томонидан 1335–1343 йиллар орасида ёзиб қолдирилган «La pratica della mercatura» (“Савдо амалиёти”) номли асарига мурожаат қилишни лозим топдик.

«Биринчи манзил, деб ёзади Пеголотти, Танадан (Азов, Дон дарёсининг чап қирғоғида) Астрахангача (қадимги номи Гиттарчан) ҳўкиз қўшилган аравада камида 25 кунлик, от қўшилган аравада эса, ўн-ўн беш кунлик йўл. Астрахандан Саройгача (Сарой ўша пайтда Олтин Ўрда пойтахти бўлган, Волга дарёси орқали борилган) дарё орқали бир кунлик йўл, Саройдан Саройчиққача (Урал дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган) дарё орқали 7 кунлик йўл. Бу йўллар қуруқлик ва сув йўллари орқали босиб ўтилади, сув йўли қуруқликка қараганда савдогарлар учун камхаржроқ.

Саройчиқдан Урганчгача карвонларда 20 кунлик йўл. Барча савдогарларга Урганчга бориш қулай бўлган, чунки шаҳарда доим савдо қизғин тус олган. Урганчдан Ўтроргача туялар билан 35-40 кунлик йўл, аммо Саройчиқдан тўғри

Ўтрорга қараб юрилса, 50 кунлик йўл. Савдо қилиш учун моли бўлмаган савдогар учун Урганчга бориш қулайроқ бўлган.

Ўтрордан Олмалиққача (Олмалиқ Тяньшан тоғлари ва Или дарёси оралиғида жойлашган шаҳар) юк ортилган эшакда 45 кунлик йўл. Олмалиқдан Ганьсу (шимолий-ғарбий Хитойнинг Ганьсу вилояти)га отда токи дарёга етиб келгунча 45 кунлик йўл. Ганьсудан Хонбалиқгача (Хитой пойтахти Пекиннинг тарихий номларидан бири) 30 кунлик йўл.

Юқоридаги манзилларга борадиган савдогарларга зарур бўлган нарсалар қуйидагилардан иборат бўлган: Биринчи манзилда сиз соқолингизни ўстиришингиз ва уни, умуман олдирмаслигингиз лозим. Танада сиз ўзингиз билан қуман тилини яхши биладиган таржимон олишингиз керак. Аммо сиз таржимон ёллашда пулни иқтисод қилишни хаёлингизга ҳам келтирмаганингиз яхши, чунки яхши бир таржимон ўрнига тилни яхши билмайдиганини ёллашингиз турган гап. Таржимондан ташқари сиз яна қуман тилини яхши биладиган икки хизматкор ҳам олишингиз керак бўлган. Агар савдогар Тана шаҳрида ўзи билан қуман тилини биладиган бирор аёлни олиб кетишни маъқул топса, бу мумкин бўлган. Чунки аёл кишини олиб юриш ўша пайтдаги савдогарларга қулай бўлган, сабаби олиб юрилган аёл ҳам қуман тилидан худди эркаклар сингари яхши хабардор бўлган» [9; 21-22-б.].

Пеголоттининг хотираларида бизни қизиқтиргани таржимон ва қуман тилини биладиган хизматкорлар, шу тилни яхши биладиган ҳамроҳ аёл ҳақидаги фикрларидир. Ўйлаб кўриладиган бўлса, таржимонлик ўша даврда жуда ҳам яхши пул тўланадиган касб бўлган, ҳатто хизматкор ва бирга олиб юриладиган аёл ҳам қуман тилини яхши билишлари талаб этилган. Энди ўз-ўзидан савол келиб чиқади (нега?). “Кодекс куманикус” тадқиқи билан шуғулланган олимлар якдиллик билан қўлёзманинг қуман тилини яхши билмайдиган кишилар томонидан тузилганини кўп бора таъкидлашган ва бу ҳали-ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Биз “Кодекс куманикус”нинг яратилган манзили ва унинг тузувлари тўғрисидаги фикримизни илмий асослаш ва далилларга таянган ҳолда хулоса чиқаришни айнан Пеголоттининг хотираларидан бошлаганимизнинг ўзига хос сабаби бор. Аниқроғи, мазкур ҳолат бизда айрим саволларни пайдо қилади. Масалан: нега энди Тана шаҳридан бошланувчи савдо йўлларида савдогарларга ҳамроҳ бўлган таржимонлар ушбу нодир қўлёзманинг ижодкорлари бўлмаслиги мумкин?! Яна бир мисол, агар савдогарга таржимон ёллашда пулни иқтисод қилиш тавсия этилмагани, яъни таржимон масаласида пул иқтисод қилиб, яхши таржимон ўрнига ёмон таржимонга йўлиқиши уқтириб ўтилган бўлса, нима сабабдан яхши таржимонлик билимини эгаллаш учун ҳаракат қилган ва шу аснода лотинча-форсча ва қуманча луғат тузишни ихтиёр этган таржимонлар ушбу қўлёзманинг тузувчилари бўлмасликлари мумкин?! Фикримизча, қўлёзма муаллифлари айнан қуман тилини яхши биладиган таржимонлар бўлган ва бу таржимонлар нафақат қуман, балки, форс ва лотин тилини ҳам билганлар. Савдогарларнинг аёл кишини ҳамроҳ сифатида ўзлари билан олиб юришлари маҳаллий аҳоли орасидаги аёл харидорлар билан савдо-сотиқ ишларини амалга ошириш зарурати туфайли эканлигидан далолат беради. Чунки, эркаклар асосан ёнланма аскар бўлганликлари-

ни инобатга оладиган бўлсак [10], савдогарлар асосан аёллар билан савдо қилишган. Бу эса, савдо карвонларида қуман тилида сўзлаша оладиган ҳамроҳ аёлнинг бўлишини тақозо этган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль. № 28 (6722)
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. – Тошкент. 2017 йил. 3 август.
3. Русско-узбекский словарь. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент. 2013. II том. 895 бет.
4. Kuun G. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. – Budapestini: EDITIO SCIENT. ACADEMIAE H U N G., 1880. – 398 p.
5. Frati C. Versi italiani nel codice "Cumanico" della Marciana e F. Petrarca. Il Libro e la stampa: Bullettino ufficiale della Società bibliografica italiana. 1909.
6. Piemontese A.M. Le glosse sul vangelo persiano del 1338 e il Codex Cumanicus, In Miscellanea Bibliothecae Apostolicae Vaticanae VIII, 2001.
7. Радлов В. Языкь Кумановь по поводу изданія куманскаго словаря – Санкт-Петербург. 1884. – 1-53 с.
8. Ligeti L. Prolegomena to the Codex Cumanicue // Codex Cumanicus / Ed. by Geza Kuun. – Budapestini, 1981. – 1-54 p.
9. Pegolotti F.B. La Pratica della Mercatura/The mediaeval academy of America. Cambridge, Massachusetts. 1936.
10. Греков Б., Якубовский А. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Тошкент, 1956. – 370 б.

ОЙБЕКНИНГ "НАВОИЙ" РОМАНИ ТАРЖИМАСИДА СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

Кенджаева Гулруҳ Фатиллоевна, магистрант
Бухоро давлат университети

Аннотация: *Мақолада ўзбек ёзувчичи Ойбекнинг "Навоий" романининг инглиз тилидаги таржимасида стилистик воситаларнинг ўгирилиши муаммоси таҳлил қилинган бўлиб, унда услубий адекватлик ва лисоний номутаносиблик жиҳатлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *бадиий таржима, стилистик восита, адекватлик, метафора, ўхшатиш, эпитет.*

В ПЕРЕВОДЕ РОМАНА ОЙБЕКА «НАВОИ» ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ СТИЛИСТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ

Кенджаева Гулруҳ Фатиллоевна, магистрант
Бухарский Государственный университет

Аннотация: *В статье анализируется перевод на английский язык стилистических приёмов в романе "Навоий" узбекского писателя Айбека, также интерпретируются стилистическая адекватность и языковые разхождения в переводе.*

Ключевые слова: *художественный перевод, стилистический приём, адекватность, метафора, сравнение, эпитет.*

IN TRANSLATION OF THE NOVEL "NAVOI" BY OYBEK THE ISSUANCE OF STYLISTIC TOOLS

Kendjayeva Gulruh Fatilloyevna, master student
Bukhara State University

Annotation: *The article discusses the problem of translation of stylistic devices in English version of the novel "Navoi" by Uzbek writer Oybek, also interprets stylistic adequacy and discrepancy of linguistic units.*

Key words: *literary translation, stylistic device, adequacy, metaphor, simile, epithet.*

Таниқли ўзбек ёзувчиси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг "Навоий" романи 1942 йилда яратилган бўлиб, унда буюк мутафаккир, "шеърият мулкининг султони" Алишер Навоий ҳаёти бадиий талқин қилинган. Муаллиф роман тилининг шоир лисонига мос тарзда танлаган, стилистик жиҳатдан бўёқдор сўзларни ишлатган, метафорик, қўчма маънодаги бирликлардан атрофлича фойдаланган. Давр муҳитини, замон ва маконни, тарихий шахсларни, воқеалар талқинини, колоритини, персонажлар галлереясини тасвирлашда архаик сўзлар, хос сўзларни асар тўқимасига маҳорат билан киритган. Романнинг 408 бетлик ҳажмда Тошкент: Янги аср авлоди нашриётида 2016 йилда чоп этилган таржимасида ҳам муаллиф бадиий маҳорати сақланиб қолинганми? Стилистик воситаларнинг таржимасида транформацияга йўл қўйилганми? Бадиий таржиманинг нозик жиҳатларига аҳамият берилганми? деган савол туғилиши табиий ҳол. Мақолада биз айнан "Навоий" романи таржиманинг стилистик жиҳатларини ёритишни мақсад қиламиз.

"Маълумки, образли услубий воситалар (истиора, жонлантириш, истиоравий сифатлаш, ўхшатиш, метонимия ва ҳоказо) табиат манзараларининг, нарса (предмет) ва ҳодисаларнинг, энг муҳими, асар қаҳрамонларининг жонли образларини юзага келтиришда, уларнинг табиатини чуқурроқ очишда иш беради ..., услуб воситалари ёрдами билан у ёки бу қаҳрамоннинг табиатидаги муҳим томонлар бир неча сўз орқали, яъни кенг кўламли тасвирсиз ҳам тушунарли бўлиб қолади, бошқача қилиб айтганда, камроқ сўз сарфлаб, кўпроқ бадиий фикр ифодалашга эришилади"[1].

Шуни инобатга олиб бадиий асар таржимони стилистик воситаларни ўгиришда алоҳида маҳорат билан ёндашиб, улардаги образлилик хусусиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Ойбекнинг "Навоий" романини инглиз тилига ўгирган Илҳом Тўхтасинов "Navoi" деб номланган таржимасида стилистик воситаларни ўгиришда эквивалент сўзлар ва ибораларни топишга ҳаракат қилган. Бироқ баъзи ҳолларда тилнинг

миллий, ўзига хослигидан келиб чиқиб, уларнинг таржимада акс эттириш имконияти чегараланган ва шу сабабли таржимада бўёқдорлик сақланиб қолинмаган. Асарнинг дастлабки сатрларида Ҳиротдаги Гавҳаршод мадрасасининг тиниқ осмонда шарқона рангларга ёпирилган тасвирини ўқиш мумкин. Инглизча таржимада ушбу манзарада қўлланилган стилистик бўёқдор сўзлар ва воситалар қуйидагича берилган:

Аслиятда	Таржимада
"Баҳор қуёши *кўкнинг* (bookish word) *тиниқ ферузасида* (reversed epithet), "Гавҳаршод" мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, *азамат пештоқларнинг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор каби* (simile) *турли-туман олов* (epithet) *ранглар чақнатар*, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди".[2]	"The spring sun was shining in the blue sky over Gavharshod madrasah in Herat. The mosaics of cupola were sparkling with the beams of the sun; the birds were flying and were playing around the cupola of the madrasah"[3]

Асардаги кириш парчага, яъни романнинг айнан биринчи гапига ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодиров қуйидагича талқин беради: "Ёркин бир манзарани кўз олдимизда гавдалантирувчи бу гўзал тасвир ўзбек тилининг энг яхши классик ва замонавий анъаналарини бир-бирига санъаткорона пайванд қилиш натижасида майдонга келади. "Баҳор қуёши", "азамат пештоқ", "олов ранглар", каптарларнинг сирпаниб ўйнаши — ҳаммаси замонавий тилимизга хос иборалар. Шу билан бирга осмонни "кўкнинг тиниқ ферузаси" дейилиши, гумбаз нақшларининг ҳавоий бир чаманзорга қиёс қилиниши жумлага тарихий ранг беради, айни чоғда, классик поэзиямизнинг руҳини ҳам романига олиб киради. "Феруза", "ҳавоий" деган қадимий сўзлар бошқа бир жойда учраса кўп ишлатилиб, сийқаси сиққан сўзлар бўлиб туюлиши мумкин эди. Аммо санъаткор ёзувчи ўзининг қалб ҳарорати билан бу сўзларни гўё янгилаб, ёшартириб юборади, улар гўзал бадиий тасвир таркибига киргандан кейин китобхонга янгича завқ беради, унинг дилини бойитади"[4].

Кўриниб турибдики, юқоридаги "Навоий" романидан келтирилган тасвирловчи парчада ўзбек тилининг ҳам замонавий ҳам қадимий сўзлари қориштирилган. Шунинг учун гўзал манзарада тарихий муҳит шаклланган.

Ўзбек тилидаги *"кўк"* сўзи адабий сўз бўлиб, *"осмон"* деган нейтрал сўзга синоним бўлиб саналади. Асар таржимасида инглиз тилида бу сўз *"sky"* деб берилган. Инглиз тилидаги *"sky"* сўзи нейтрал саналиб, унинг адабий эквиваленти *"heaven"* ёки *"welkin"* сўзлари бўлиб ҳисобланади. Бизнингча, таржима қилинган бу сўз стилистик жиҳатдан номутаносиб бўлиб қолган. Оқибатда, бадиий бўёқдорлик, экпрессивлик сусайган.

"Ферузаси" сўзида осмоннинг ранги назарда тутилган. Бу рангнинг инглизча *"turquoise"* таржимаси мавжуд ва у инглизча *"heaven"* сўзига бирика олади (collocate). *"Кўкнинг тиниқ ферузаси"* ибораси *"Clear turquoise heaven"* тарзида таржима қилинганида аслиятга яқинроқ маъно оттенкасини бера олар эди.

"...азамат пештоқларнинг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор каби (simile) турли-туман олов (epithet) ранглар чақнатар..." деган ўхшатиш стилистик

воситаси қўлланилган гап таржимада ўз аксини топа олмаган. Таржимон гапнинг шу қисмини қолдириб кетган.

Ушбу ибора *"the patterns of huge peshtoqs were sparkling alive, like airy flower garden with the beams of the sun"* деб таржимада берилиши мумкин эди.

Асарнинг иккинчи боб I қисмида Алишер Навоий образи Ойбек томонидан тўғридан-тўғри тасвирланиб, бевосита жонли қаҳрамон сифатида китобхонга таништирилади. (Олдинги ўринларда Навоий образига бошқа қаҳрамонлар тилида муносабат билдирилган.) Навоий истиқомат қиладиган уйда турли олиму-фузалолар йиғилиб, турли мавзуларда суҳбат қуриш учун шоир ҳузурига боришлари тасвирланган. Шу жойда асар қаҳрамони Султонмурод Алишер Навоийга таништирилади. Шоир ёш олим билан танишиш суҳбатида унга куйидагича муносабат билдиради:

Аслиятда	**Таржимада**
" – Ҳиммат ва ғайратни асло *қўлдан бой берманг* (phraseological unit), – деди Навоий суюниб. – Эл, улус сиздек зотларга ғоят мухтождир. *Илм дарахтини яхши парвариш этиб, юрт тупроғига чуқур томир ёйдирмоғимиз ва ундан мўл ҳосил олмоғимиз керак* (sustained metaphor). Мана энди ошно бўлдик. Умид қиламенки, бизни ҳамиша йўқлаб турурсиз."[5]	" – Do not stop working like this, – said Navoiy happily. – Our nation needs such kind of people like you. *We must plant the tree of knowledge in our country and then get a very rich harvest* (sustained metaphor). And now we have become friends. I hope that you will always remember and visit us."[6]

Мисолдан кўриниб турибдики, " – Ҳиммат ва ғайратни асло *қўлдан бой берманг"* фразеологик бирикма қўлланилган гап инглиз тилида " – Do not stop working like this" – "Шу зайлда ишлашни тўхтатманг" тарзида таржима қилинган. Бу ерда таржимон бирикманинг эквивалентини бермасдан контектга мантиқан мос келадиган стилистик воситасиз, ибора орқали ифодаланмаган гап орқали таржима қилган. "Қўлдан бой бериш" ибораси инглиз тилига "let slip through the fingers" деб таржима қилинади. Ушбу ибора конкрет тушунчалар (money) билан бир қаторда абстракт сўзлар, шу қаторда "ҳиммат ва ғайрат" – "generosity and energy" тушунчалари билан бирикади. Бизнингча, таржимон иборани "Don't let generosity and energy slip through the fingers" шаклида бериши мумкин эди.

"Илм дарахтини яхши парвариш этиб, юрт тупроғига чуқур томир ёйдирмоғимиз ва ундан мўл ҳосил олмоғимиз керак" кенгайтирилган метафораси (sustained metaphor) инглиз тилида *"We must plant the tree of knowledge in our country and then get a very rich harvest."* - деб ўгирилган. Таржимада метафора ўз аксини қисман топган. Стилистик воситанинг бир қисми ташлаб кетилган, *"чуқур томир ёйдирмоғимиз"*таржимада акс топмаган. Бизнингча, юқоридаги гап *"We must plant the tree of knowledge, let* it root in the soil *of our country and then get a very rich harvest"* деб тўлиқ таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Асарда перипетияларида тасвирланишича, Навоий Ҳиротга қайтгач, катта режаларни тузишга киришади. Бунедкорлик ишлари қаторида шаҳарда оламга

машҳур кутубхона қуришни режалаштиради. Бу кутубхона барча олиму-фузалоларга хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди. Қуйидаги мисолда Ойбек шоир нутқида бадиий образларга бой гаплар орқали унинг эзгу ниятини Навоийга хос поэтик руҳда ифодалайди. Таржимон аслиятга яқинроқ қилиш учун айрим стилистик воситаларни ўгиришда уларни сақлаб қолишга уринган. Бироқ айрим ҳолларда хатоликларга ҳам йўл қўйилган.

Аслиятда	Таржимада
“Бу ерда (қурилиши мўлжалланган кутубхонада – К.Г.) фалсафанинг *Суқрот, Афлотун ва Арастулари*, ҳикмат ва риёзиётнинг *Фисоғурслари*, илми тибнинг *Абу Али ибн Синолари*, илми ҳайатнинг *Улуғбеклари*, шеърнинг *Фирдавсий ва Низомий Ганжавийлари (курсив-дагиларнинг барчаси аллюзия)* – ҳар қайсилари ўз соҳаларида осойишта машғулотда бўлғайлар. Илмнинг равнақига ҳаракат қилгайлар, фикрнинг янги-янги *хазиналарини* (*метафора*) ихтиро этгайлар.”[7]	“The library must include various books where modern Aristotle in the sphere of philosophy, mathematics like in ancient Greeks, medical students who like Avicenna, atronomers who like Ulughbek and modern poets who like Firdavsiy and Nizomiy Ganjaviy could study here. They will develop science and invent new treasures of ideas there”.[8]

Мисолдан кўриниб турибдики, мутаржим аллюзия стилистик воситасини фақат Арасту исми билан боғлиқ бирликда сақлаб қолиб, Суқрот ва Афлотун (Сократ ва Платон) номларини қолдириб кетган. Инглиз тилида уларни Socrates, Plato деб аталадиган эквивалентлари бор. Таржимон уларни таржимада акс эттирса, Навоий уларнинг буюк файласуфлар қаторида танишини кўрсата олган бўлар эди. Мутаржим айнан шу гапдаги Фисоғурс яъни Пифагор номини ташлаб қолиб, ўрнига “mathematics like in ancient Greeks” деган ғализ, хато жумлани киритган. Жумла контексга қовушмайди. Бутун гапда асосан олимлар шахси (*Суқрот, Афлотун, Арастулари, Фисоғурс, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Фирдавсий ва Низомий Ганжавий*) назарда тутилиб уюшиқ конструкцияда берилган бўлса, таржимон айнан шу жумлада, негадир, “қадимий греклардаги математика фани” деб ўгирган. Натижада шу ўринда китобхонда “кутубхонада фан келиб таҳсил олади” деган тушунча пайдо бўлиши мумкин.

Гап таржимасининг қолган қисмини таҳлил қилинса, унда “who like” параллел конструкциясида “who” сўзи редундант бўлиб, “like” сўзи орқали логик ўхшатиш (қиёлаш) аллюзия ўрнига таржимада берилганлигини кузатиш мумкин. Яъни, “*Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Фирдавсий ва Низомий Ганжавий* каби алломалар бу кутубхонада таҳсил оладилар” деб ўгирилган. Стилистик восита оддий ўхшатишга айланиб қолган.

Бизнингча, гапда аллюзия воситасини сақлаб қолиб, уни қуйидагича таржима қилиш мумкин:

“The library must include various books where Socrates, Plato, Aristotles of our time in the sphere of philosophy, Pythagorases in the sphere of logics and mathematics,

Avicennas in the sphere of medicine, Ulughbeks in the sphere of astronomy, Firdausi and Nizomiy Ganjaviy in the sphere of poetry could tranquilly study here.

Агар гап шу тарзда таржима қилинса, у ҳолда барча буюк шахсларнинг номларига мурожаат этилиб, замонавий олимлар назарда тутилган бўлар эди. Шунингдек, Ойбекнинг параллель конструкцияда берган *"фаннинг ....лари"* синтактик услубий воситаси ҳам таржимада ўз аксини топган бўлар эди.

Юқорида берилган парчанинг якунловчи гапида ҳам метафора стилистик воситасинини кузатиш мумкин. Унда шоир Навоий *"хазиналар"* деб янги, инсоният ҳаёти ривожига сабаб бўладиган ихтиро ва ғоялар кўламини назарда тутиб, шу сўз остига яширган.

"Илмнинг равнақига ҳаракат қилгайлар, фикрнинг янги-янги *хазиналарини* (*метафора*) ихтиро этгайлар".

Таржимада кўйидагича берилган:

"They will develop science and invent new treasures (metaphor) of ideas there".

Ўзбек тилидаги "хазиналар" метафораси инглиз тилига айнан "treasures" деб таржима қилинган. Метафора стилистик воситаси замиридаги образ "ижод меваси, асарлар" Метафора стилистик воситаси таржимада ўз аксини топа олган.

Гапдаги стилистик жиҳатдан архаиклаштирилган *"ҳаракат қилгайлар, ихтиро этгайлар"* каби бирикмалардаги *–гайлар* кўшимчасини таржимада акс эттириш имкони чегараланган. Чунки роман ҳозирги замонавий инглиз тилига таржима қилинган.

"Навоий" романининг стилистик ва таржима назарияс нуқтаи назаридан қилинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, таржимон аксарият ҳолларда стилистик бирликларни сақлаб қола олган. Шунингдек, баъзан стилистик тарнформация еки тушириб қолдиришлар ҳам борлигини кузатиш мумкин. Натижада таржима жараёнида тилнинг турли жиҳатлари, сўзнинг нозик маъно оттенкалари сиқиқ ифода орқали намоён бўла олган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бакаева М.К. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. Филол.фан. доктори диссертацияси автореферати. Тошкент – 2004, - Б .17.
2. Ойбек М.Т. Навоий. – Тошкент, 1995, - Б.6.
3. Oybek M.T. Navoiy. - Yangi asr avlodi, 2016, - Б 6.
4. kh-davron.uz/yangiliklar/.../pirimqul-qodirov-saboqlari.html
5. Ойбек М.Т. Навоий. – Тошкент, 1995, – Б.31.
6. Oybek M.T. Navoiy. - Yangi asr avlodi, 2016, – Б. 31.
7. Ойбек М.Т. Навоий. – Тошкент, 1995, – Б. 36 .
8. Oybek M.T. Navoiy. - Yangi asr avlodi, 2016, – Б. 36-37.

MODERN UZBEK POETRY TRANSLATING FEATURES INTO ENGLISH

Iplina Antonina Alexandrovna
Namangan State University
Independent researcher

Abstract: *In the article some poetry translating problems in comparative and contrastive aspects are reveled and analyzed. The Uzbek poetry of the seventies-eighties of the 20th century representative by its brilliant poets such as Abdulla Oripov, Erkin Vokhidov, Aman Matchan and Muhammad Ali.*

Key words: *poetic picturesqueness, translating skills, means of language, original poetry reconstruction in translation*

ОСОБЕННОСТИ ПОЭТИЧЕСКОГО ПЕРЕВОДА СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ НА АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК

Иплина Антонина Александровна
Наманганский Государственный Университет
Самостоятельный исследователь

Аннотация*: В данной статье рассматриваются и анализируются некоторые проблемы поэтического перевода в сравнительно-сопоставительном аспекте. Узбекская поэзия 70х-80х годов 20 века представлена выдающимися поэтами того времени такими как Абдулла Арипов, Эркин Вохидов, Аман Матчан и Мухаммад Али.*

Ключевые слова: *поэтическая выразительность, переводческие навыки, языковые средства, воссоздание стихотворения в переводе*

ЎЗБЕК ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Иплина Антонина Александровна
Наманган давлат университети
Мустақил изланувчи

Аннотация*: Ушбу мақолада айрим поэтик таржиманинг муаммолари қиёсий жиҳатлари таҳлил қилинган ва ўрганилган. XX аср 70-80 йиллари ўзбек шеъриятининг етук намоёндалари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон ва Муҳаммад Алиларнинг ижод намуналари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *поэетик выразительность, таржима кўникмалари, тил омили, шеърни таржима қилишда ҳис этиш.*

Literature is always in keeping with the times, so the works of every writer are a product of his time because they take in spiritual atmosphere of the times and touch upon the stirring issues. From this point of view the original poetic texts of the well-known Uzbek poets of the seventies-eighties of the 20th century as Abdullah Oripov, Erkin Vohidov, Muhammad Ali and Aman Matchan and the translated texts of their poems into English are the works truly reflected the important verges of Uzbek life reality at transitional restructuring period of society (before the state sovereignty). Therefore,

nowadays it is unfair to make us forget these poetical works in the history of Uzbek literature and set them aside in the system of translating science.

Translator's skills in Uzbek poetry genre are with due account taken of philosophical seriousness, composition, conditional and epic characters, specific features of images, language simplicity, intonation and author's manner. So, each Uzbek poet's poem of the seventies-eighties of the 20th century requires particular attention and individual decision from a translator-poet, who finds himself face to face with a matter of particular difficulties.

In Uzbekistan a great many general and particular issues of translating science are under examination. However, the Uzbek modern poetry of the seventies-eighties of the 20th century has not still become a special research study object. The poetry translating problems research of famous Uzbek poets' poems of the seventies-eighties of the 20th century from Uzbek into English has not been an object of special scientific analysis focusing attention on the issues of translation traditions and succession until now. But in the meantime it is an extremely important problem confronting the translating science and permitting to understand the place and role of the modern Uzbek poetry in the world literary process, that is why this research is urgent, very timely and perspective.

The concrete practice of life convinces that the only fiction could be seriously taken into consideration in the right way, which bursting out the close limits of national interests proper, is able to meet the ideological and aesthetic readers' demands of different nations and in the final analysis becomes a universal cultural heritage. The understanding of this important truth charges the necessity to make more and more serious demands to literature and more profound and more detailed study and creative experience assessment to critique [1].

Speaking about Uzbek poetry of the seventies-eighties of the 20th century and about Abdullah Oripov's, Erkin Vohidov's, Muhammad Ali's and Aman Matchan's works of literature, we are under the favorable circumstances that their poems are in tune with the times and devoted to the glorification of a man-creator and a toiler. Their poetry, without loosing journalistic style and the activity of author's civil stand, has become more intellectual; universal motives have appreciably become more profound in it.

A. Oripov's, E. Vokhidov's, M. Ali's and A. Matchan's great services are that they extended the ideas of historicism and modern times by putting them together in their works of literature. Their poems became outstanding phenomena of Uzbek poetry of the seventies-eighties exactly because the deep philosophical thoughts about time in its historical angle are supported by a passionate appeal to concrete present-day reality in their works.

Thus, in E. Vohidov's poetry the intensification of philosophical and analytical spirit is strongly noticeable. Uzbek is a toiler who has extensive knowledge and a man with rich inner world. He is worthy of being glorified with dignity. A. Oripov's vigorous works are filled with exploratory message. His deep philosophical poems are an ardent hymn to a man-creator and a fighter for people's happiness. M. Ali's poems carry a person away from concrete life conditions in order to look intently and see creature comforts in proper perspective. And the problems, carried out in A. Matchan's poetry, have a close connection with morality. Thereby, whether there is a question of selfishness and spiritual

impoverishment disclosure or the assertion of such morals as heroism, honor and courage, everywhere the authors talk passionately about finding person's level and up-to-date person's spiritual make-up [2].

Creating description images, writers and poets pick the material out of different lexical groups. «The strict sense of the word in artwork is never limited to its nominative-objective meaning. Word literal meaning in the text is covered with the new and quite different senses. In the context of whole artwork the words, phrases and idiomatic expressions, being in close cooperation, assume a special character of various complementary shades of meaning». [3]

Ideological-emotional orientation of most Erkin Vohidov's poems is a human life peculiarity in its social and moral main points; cognition and poetic interpretation of social people's characters as in their superficial life so in their inner one, also in their elaboration of thoughts and feelings. In such point of view and generally speaking about the interconnectivity of components, forming the work of poetry, B. V. Tomashevsky wrote: «Suffice it to change only one of them that everything would be changed at once» [4].

In addition, the content of lyric poetry, even more than any other kind of verbal poetic art, is not the subject, but attitude to the subject. Therefore, the translator's task is to convey the originality of this attitude and this emotional assessment of the world. And so, as a very rarely the inner condition of the translated poet and poet-translator are the same, that often the translator has to transform into the author. Luck depends on the coincidence of character or the degree of transformation. Here, however, we face an intractable contradiction. The fact that lyric poetry is, of course, is best able to recreate in another language the lyric poet, but a lyricist, as a rule, is least able to refuse himself, his own mental failure. Here, in particular, why good luck in the lyrical translations is so rare [5].

Thus, the translation of Uzbek lyrics is the most difficult task, so in this difficult field of translation art everything depends, of course, on the talent, but also on the correct understanding of the ways in which to go, from understanding the differences in the criteria of loyalty applicable to a particular type of poetry.[6] Not having studied the original carefully, not missing it "through himself", and also not having "a sense of the English language" (i.e. when at the subconscious level you know which word of the translation language brighter expresses the essence of the word of the language from which you translate), modern translators sometimes translate the poetic works of Uzbek poets hastily.

The poet, possessing all the richness of the national language, creates pictures of human experiences and thoughts, complex psychological conflicts, plastically written characters. In due time, M. Gorky spoke about this: "...accuracy, clarity, simplicity of language are absolutely necessary in order to properly and vividly depict the processes of creating facts by a person and the processes of the influence of facts on a person" [7].

All of this is well traced in the poetic works of A. Aripov, where we have a number of poetic images and where lines do not occur one after the other by association, and are a clear part in life, grasp the poetic thought. "Here is a rare difference between the true poetry of the automatic decadent poetry" - said in his book "Language of art" V.A. Nazarenko, speaking of poetic creativity.

Also, S. Marshak formulated the law of translation in the following way: "The deeper and more closely the artist delves into the essence of the depicted, the freer his skill, the more accurate the image. Accuracy is not the result of blind, mechanical reproduction of the original. Poetic precision is given only to bold imagination, based on a deep and biased knowledge of the subject" [8].

The modern point of view on the translation of poetry is more flexible. Translator-poet admits a lot of formal liberties-from this his work does not cease to be a translation. Our aesthetics comes from the notion of a poem as a whole. The translator's task is to create a secondary artistic unity that would be equivalent to the original. By creating this unity, he – in case of emergency-resizes, rearranges or swaps images, uses a different system of rhyming and sound recording-there are no absolute, formal dogmas! Masters of poetic translation, going even to some liberties, seek to recreate in their language the emotional attitude peculiar to the original, the image of the lyrical hero with his specific intonation, in all its psychological, social, national, historical character, and therefore – to recreate the poetic content as the unity of semantic content and verbal form. That's a problem.

Therefore, a thorough study of the problems of poetic translation, made directly from the Uzbek original into English, seems to be extremely important, since such translations make it possible to draw a number of serious conclusions for the private theory and practice of translation regarding this pair of languages.

In the works of E. Vahidov, A. Aripov, A. Matchan, M. Ali the most significant trends in contemporary poetry of Uzbekistan 70h-80h of the twentieth century were embodied. These authors are united by active aspiration deeply to comprehend and originally to transfer the spiritual world of our contemporary, as though to force time to speak his voice. Although in their works there are traced threads of spiritual connections with poets of the 50s-60s of the twentieth century, who are the pride of Uzbek literature, they still sought to combine the styles of the West and the East, hence the free strophics of their poems, interest in international problems, humanity. So characteristic of the poets was the use of allegory, and rhetorical pathos. Also, the influence of Russian literature on the work of Uzbek poets became obvious. Here we observe the historical stratification of two cultures and poetic styles, thus, in the poems of the poets considered by us the so-called "europeism" is manifested. Thus, E. Vahidov, A. Aripov, A. Mathan, M. Ali raised creativity to a new higher level of culture.

The use of different poetic two- and three-foot syllables and rhyming method of syllabic-tonic poem by Uzbek poets gives more opportunities in the choice of rhythm and rhyme for translation into English. If, in the classical Uzbek verse, based on the proportion that Uzbek words in the vast majority of cases longer than three or even four times the English, it is logical to use the English classic eight-foot verse instead of the corresponding Uzbek classic eleven-foot, taking into account the stylistic and syntactic functions of the syllables of these two languages. But the syllabic-tonic system of the poetic works of E. Vahidov, A. Aripova, A. Mattana, M. Ali, unlike classical, gives rich rhythm and variability in the choice of syllable and rhyme for translation into English, because each of these poets has created its own individual and unique construction of forms and content.

Despite the fact that the language of works of art of Uzbek poets of the 70s-80s is much simpler and not so "branchy" in comparison with their predecessors, the transfer of figurative and semantic content to English represents certain difficulties. The stanzas of Uzbek poetry are ideologically much more complicated than their English translations. Therefore, there is a dilemma: either to expand the volume of the original poem in the English translation, using additional explanatory lines for the completeness of the reconstruction of the image, or by preserving the original form, it is compressed to reproduce the ideological and semantic expression of the original.

Thus, it is necessary to attract the attention of the world literary community (represented by poets-translators who are native English speakers) to the translation of Uzbek poetry of the 70s-80s of the twentieth century not only as a form of contact for a wide acquaintance with Uzbek literature, but also as a factor stimulating the further development of national literature in the world literary process.

References

1. Литературная критика. Активность поэтического слова // Звезда Востока.- Ташкент, 1983.-№ 6.- p. 176.
2. Неупокоева И.Г. Национальные литературы в системе мировой литературы.- М., 1977.- p. 118.
3. Виноградов В. О языке художественной литературы.- М., 1959.- p. 171.
4. Томашевский Б. В. Стих и язык.- М., 1959.- p. 28.
5. Новиков Л.А. Искусство слова. – М., 1991. – p. 272.
6. Гиршман М.М. Литературное произведение: теория и практика анализа.- М., 1991. – p.201.
7. Горький М. О литературе. – М., 1937.- p.376.
8. Маршак С. Собрание сочинений. - Т.4.-М.,1960.- p.309.

НАВРЎЗ ГЕОРТОНИМИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ АТОҚЛИ НОМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Салиходжаева Ҳавасхон Закиржановна
Наманган давлат университети
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси докторанти

Аннотация. *Мақолада халқаро, фаслий, миллий геортоним – Наврўз байрамининг миллий лингвокультерама сифатидаги тарихи, моҳияти, ёйилиш ареали, тараққиёти, лисоний ва маданий такомили, мазкур байрам билан боғлиқ лингвокультерамалар: этнографизмлар, библионимлар, антропонимлар, паремалар ва афоризмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари ўзбек тили материаллари асосида таҳлил қилинган ҳамда социолингвистик, этнолингвистик табиати ёритилган.*

Калит сўзлар: *байрам, Наврўз байрами, геортоним, умумхалқ геортоними, халқаро геортоним, фаслий геортоним, перифраза, Наврўз удумлари, ҳашар, умумхалқ ҳашари, Наврўз таомлари, Наврўз сайллари, Наврўз қўшиқлари, лингвокультерема, этнографизм, Наврўз мавзуси, трансонимизация, библионим, антропоним, парема, Наврўз*

афоризмлари, шиорлари, геортоойконимлар, геортооронимлар, лингвокультурологик таҳлил, социолингвистик таҳлили.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГЕТЕРОНИМА *НАВРУЗ* И СВЯЗАННЫХ С НИМ ИМЕН СОБСТВЕННЫХ

Салихужаева Хавасхон Закиржановна,
докторант кафедры узбекского языка и литературы НамГУ

Аннотация. *В статье на материале узбекского языка произведен анализ социолингвистической, этнолингвистической природы истории, сущности, ареала распространения, лингвистических и культурных факторов развития народного, сезонного, национального геортонима Навруз в качестве национальной лингвокультуремы, а также освещены лингвокультурологичес-кие особенности связанных с ним лингвокультурем: этнографизмов, библионимов, антропонимов, паремий и афоризмов.*

Ключевые слова: *праздник, праздник Навруз, геортоним, общенародный геортоними, международный геортоним, сезонный геортоним, перифраза, обряды Навруза, хашар, общенародный хашар, блюда Навруза, песни Навруза, лингвокультурема, этнографизм, тема Навруза, трансонимизация, библионим, антропоним, паремия, афоризмы Навруза, девиз, геортоойконимы, геортооронимы, лингвокультурологический анализ, социолингвистический анализ.*

LINGVO-CULTURAL ANALYSES OF NAVRUZ GEORTONYM AND PROPER NAMES RELATED TO IT

Salikhodjayeva Havaskhon Zakirjanovna
Researcher of the department of Uzbek language and literature,
Namangan state university

Abstract: *The article is dedicated to the analysis of lingvo-cultural features of nationwide, international, seasonal holiday – Navruz. In the article the history of Navruz geortonym as national lingvo-cultural term, its essence, range, rise, linguistic and cultural development, lingvo-cultural term related to this holiday: ethnographisms, bibliographisms, anthroponyms, parems and aphorisms are analyzed based on Uzbek language materials, and their sociolinguistic and ethnolinguistic nature is highlighted.*

Key words: *holiday, Navruz holiday, geortonym, nationwide geortonym, international geortonym, seasonal geortonym, periphrase, Navruz traditions, khashar, nationwide khashar, Navruz meals, Navruz gatherings, Navruz songs, linguoculturems, ethnographisms, Navruz topic, transonimization, byblionym, anthroponyms, parems and Navruz aphorisms, slogans, geortooyconyms, geortooronyms, linguoculturologic analysis, sociolinguistic analysis.*

Ҳар бир халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида азалий анъаналар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар алоҳида ўрин тутади. Туркийча *байрам* сўзи қадимги туркий тилдаги *“ёйил”*, *“яйра”* маъносини англатган *баз-* феълининг *бай-* шаклига *-(ы)р* орттирма қўшимчасини ва кучайтириш маъносини ифодаловчи *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан *-м* қўшимчаси билан ясалган;

кеинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: *баз – бай + ыр + а = байыра + м = байырам > байрам.* [1.37] Маҳмуд Кошғарий бу туркий сўз асли *базрам* шаклида бўлганлигини, ўғизлар *з* ундошини *й* ундошига алмаштириб, *байрам* тарзида талаффуз қилишини таъкидлаган. [2.147] Демак, *байрам* лексик бирлиги тарихий-этимологик жиҳатдан туркий тилларнинг ўғиз диалектига мансуб бўлиб, лисоний тараққиёт давомида *базрам* сўзининг *байрам* шаклига ўтиши натижасида ҳозиги шаклга келган.

Сўзлар ҳам сўзлайди. Сўзлар шаклу шамойили, маъно-моҳияти билан ўзи ифодалаётган нарсалар ва воқе-ҳодисаларга ишора қилиб туради. Бу ўзбек тилида фаол қўлланадиган *байрам* ва унинг форс-тожик тилидан ўзлашган синоними *айём* лексемасининг маъно тузилишида ҳам ёрқин кузатилади. Ўзбек тилида байрам сўзи *“тантана, шодлик билан ўтказиладиган кун”, “муборак кун”* маъноларини англатади.[3] Шу боисдан Абу Райҳон Беруний байрамларни ҳаётдаги *“энг муҳим кунлар”*, Маҳмуд Қошғарий *“шодлик ва хурсандчилик куни”* дея таърифлайди. Бундан кўринадики, байрам деганда муҳим воқеа-ҳодиса ва саналарни кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш тушунилади. Эътироф этиш жоизки, байрам концепти моҳиятан халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ бўлган бебаҳо маънавий бойлик сифатида ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий аҳамиятига моликдир. Байрамлар орасида асрларга тенгдош Наврўз айёми Шарқ, жумладан, ўзбек халқининг асрий, миллий, тарихий, маданий қадриятлари, анъаналарининг маҳсули сифатида алоҳида маънавий-маърифий моҳиятга эга.

Наврўз байрамининг тарихи, генезиси, у билан боғлиқ этнографизмлар: урф-одатлар, маросимлар, удумлар, анъаналар ва фольклор намуналари Б.Саримсоқов, Т.Мирзаев, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, У.Қорабоев, О.Бўриев, З.Зиётов, Б.Исоқов каби ўзбек тарихчи, этнограф, этнолог, фольклоршунос олимлари томонидан атрофлича ўрганил-ган. [4.65-71]

Ономастикада ҳар қандай байрам, фестиваль, хотира кунлари ва шундай маросимлар, тадбирларнинг атоқли оти **геортоним** (юн. georto – байрам + onoma – ном)**лар** деб аталади. [5.24]

Наврўз геортоними тарихий-этимологик манбасига кўра, форсча ўзлаш-ма *нав* ва *рўз* луғавий бирликларидан таркиб топган бўлиб, тузилишига кўра қўшма таркибли геортонимлар гуруҳига киради, *“янги кун”* маъносини англатади.

Наврўз баҳор фаслининг бошланиши, аниқроғи тенгкунлик тантана-сидир. Наврўз, янгиланиш, янги кун, янги ҳаёт рамзи бўлиш билан бирга, поклик ва шодлик, маънавият ва бирдамлик тантанасидир. Шу боис ҳам Наврўз байрами доимо ўзбек халқи учун миллий ифтихор, ўзликни англаш ва ҳамжиҳатлик рамзи бўлиб қолаверади. У шунчаки намойиш, шунчаки байрам эмас, балки инсоний туйғуларни янада юксалтирувчи, уларни бирлаш-тирувчи ҳамда инсонлар қалби ва онгида ягона Ватан туйғусини мустаҳкам-ловчи бирдамлик байрами ҳамдир.

Наврўз байрами нишонланиш, ўтказилиш вақтига кўра **фаслий геортонимлар** сирасига мансуб бўлиб, баҳор фаслида нишонланади, бироқ Наврўз баҳор байрамигина эмас, у янги йил айёмидир. Демак, Наврўз – табиат, яъни янгиланиш ва яшариш байрами. Шу боис Наврўз геортоними айрим манбаларда *“Йил боши”, “Шарқона янги йил”* перифразалари билан ҳам аталади. Геортонимнинг

перифразавий номланишда ҳам асос ва мантиқийлик бор. Абу Райҳон Беруний Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида: “Айтишларича, шу куни худо фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёритқичлар (сайрдан) тўхтагандан кейин уларни сайр эттириб юборган. Қуёшни яратган, ниҳоят у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган”, – деб ёзади.[6.253]

Башарият тарихида Наврўздан қадимийроқ байрамни топиш қийин. Унинг илдизлари неолит даврига бориб тақалади. Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер, унинг коинотдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юрита бошлаган даврига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, Наврўз Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Мутахассисларнинг фикрича, Наврўз байрами дастлаб ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига ҳам айланган. Бугунги кунда Наврўзнинг 3 минг йилдан ошиқ тарихи ва у бизнинг ўлкамизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланган. Абу Райҳон Беруний, Абу Мансур Соалибий, Жоҳиз Басрий, Умар Хайёмларнинг тарихий, илмий ва адабий асарларида Наврўзнинг келиб чиқиши, унинг ўзига хос қадимий маросим-лари тўғрисида қизиқарли маълумотлар мавжуд. XII аср форс насрининг нодир намунаси ҳисобланмиш “Наврўзнома”да ҳам Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, Шарқ халқларининг бу байрам билан боғлиқ анъана ва маросимлари кенг ёритилган, кўплаб ҳикоят ва ривоятлар келтирилган.

Наврўз ўзининг қарийб 3000 йилдан зиёд тарихи мобайнида барча ижтимоий табақаларга тааллуқли байрам сифатида нишонланган. Наврўз бутун халқ, ҳукмдорлардан тортиб оддий одамларнинг тасаввур ва эътиқоди-да муқаддас бир тушунчадек шаклланган қутлуғ байрамдир. Қадимдан Ўрта Осиё ва Эронда Наврўз нафақат халқ, балки давлат байрами сифатида ҳам нишонланган. Кўринадики, ижтимоий хосланганлигига кўра, Наврўз байрами **умумхалқ геортонимлари** туркумига киради.

Наврўз – Шарқ халқларининг қадимий байрами. Тарихий манбаларга кўра, Наврўзни байрам қилиш ахомонийлар давридан бошланган ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бир ҳисоблан-ган.[7.237] Борган сари Наврўз байрамининг тарқалиш доираси кенгайиб, қадр-қиммати ортиб бормоқда. 2009 йилнинг 30 сентябрида Наврўз ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. 2010 йилнинг 19 февралида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 64-сессияси 21 мартни “Халқаро Наврўз куни” сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундан бери Наврўз бирор миллат ёки маданиятнинг байрами сифатида эмас, балки бутун инсоният меросининг бир қисми сифатида нишонланмоқда. Демак, ҳозирда *Наврўз байрами* тарқа-лиш ареалига кўра, **миллий ва умумхалқ геортонимлар** гуруҳидан **халқаро геортонимлар** гуруҳига ўтди.

Манбаларда эътироф этилишича, бир жиҳатдан Наврўз – деҳқонлар байрами. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида ёзилишича, ўрта асрларда Бухорода бу байрам «Наврўзи кишаворзон» – деҳқонлар байрами дейилган. Бу ҳам чин эътироф.

Деҳқонлар айнан шу куни далага қўш чиқариб, дастлабки уруғни ерга қадаганлар. Ўзбек халқи ерга уруғ қадаш муносабати билан *қўш чиқариш, шохмой, экин сайли, қўшоши* каби маросимларни ўтказган. Ерни ҳайдашдан олдин ҳўкизларнинг шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаганлар. Кекса отахонларнинг таъкидлашларича, мазкур одат замирида ҳўкиз йил бўйи ҳормай-толмай ишласин, деган ният мужассам-лашган экан. Демак, Наврўз геортоними бир қанча этнографизмларни юзага келишига ҳам лисоний ва маданий асос бўлган.

Наврўз – табиат айёми. Ўзбекистонда баҳорда табиатнинг уйғониши, тоғ ва қиру адирларда турли гулларнинг очилиши муносабати билан турли гул сайллари ўтказилган ва улар бир умумий ном билан *Наврўз сайли* деб аталган. Бу ўринда байрам номини ифодаловчи геортонимдан транс-онимизация (атоқли отнинг атоқли отга ўтиши) асосида яна бир анъанавий геортоним юзага келган: *Наврўз байрами > Наврўз сайли*.

Наврўз сайли табиат ва жамиятдаги янгиланишни ўзида ажойиб тарзда ифода этган удумлар мажмуидир. Наврўз сайли ўз ичига *Қизилгул сайли* (Хоразм ва Бухоро вилоятида), *Лола сайли* (Қўқон ва Тошкент атрофларида), *Сунбула сайли* (баъзи тоғли туманларда, жумладан, Чуст туманида ва бошқа ҳудудларда), *Бойчечак сайли* каби гул сайлларини ҳам олади.[8.29-31]

Наврўз билан боғлиқ гул сайлларининг энг қадимийси ва кенг тарқал-гани, тарихан магик характердаги *Бойчечак сайли* ёки *Бойчечак хабари* маросими қадимдан ўтказилиб келинган. Сайл давомида болалар бир даста баҳорнинг илк даракчиси – бойчечакни узун ходанинг учига боғлаб, уни кўтариб қишлоқ айланганлар. Кекса ва касал одамлар болалар олиб келган бойчечакни юз-кўзларига суртиб, ундан яқинлашаётган баҳор ҳидини туйганлар. Соғ-омон Наврўзга етиб келганликларига шукрона келтириб: «*Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга!*", – дея дуо ва эзгу ният қилганлар. Фольклоршунос олим М.Жўраев эътироф этганидек, "Наврўз дунёдаги энг қадимги суғорма деҳқончилик маданияти шаклланган она диёримизда юзага келганлиги учун ҳам ҳамиша ризқ-рўзимиз манбаи – табаррук заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳра олишга, оппоқ гуллаган ўрик шохлари-ю қоқигулларнинг зарғалдоқ ғунчаларидаги бетакрор гўзалликни дилга жо этишга ўргатади". [9.11] Бизнингча, худди шунда қадимий ва навқирон Наврўз байрамининг буюк ижтимоий қудрати, фалсафий моҳияти намоён бўлади.

Халқимизнинг ардоқли байрами Наврўз кўплаб баҳорий удумларни, деҳқончилик маданияти билан боғлиқ қадимий маросимларни, урф-одат ва расм-русумларни ўзида мужассам этган миллий қадриятдир. Наврўзнинг халқоналиги у билан боғлиқ «*қозон тўлди*», «*ҳашар*», «*охир чоршанба*» каби этнографизмларда янада ёрқинроқ кўринади. Зеро, йилбошидан аввал, яъни ўз поёнига етаётган эски йилнинг энг сўнгги чоршанба куни анъанавий тарзда ўтказиб келинган «охир чоршанба» (Наврўздан аввал эски йилнинг охирги чоршанба куни табиатдан мўл ҳосил тилаш ва эзгуликни улуғлашга қаратилган олов культи билан алоқадор кўча ва майдонларда гулханлар ёқиб, уни устидан сакраш) удуми ҳам ўзбек халқи учун муҳим маиший-ижтимоий аҳамиятга эга. [9.73]

Шарқ халқларининг қадимий анъанасига кўра, Наврўз байрами ҳут ойининг охирги кечаси, яъни 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси оила даврсида ўтказиладиган *«қозон тўлди»* (тансиҳатлик, фарвонлик, барака тилаб, ҳар йили Наврўз арафасида қозонларни тўлдириб, жамоавий ва оилавий байрамона тансиқ таомлар пишириш) удуми билан бошланган.

Азалдан ўзбек ва бошқа халқлар орасида Наврўз келганлигини аниқ-лашнинг турли хил усуллари мавжуд бўлган. Халқона тақвимни яхши биладиган тажрибали ҳисобдонлар осмон ёритқичларининг ҳолати, табиат-нинг кўкламга хос белгилари ва қушларнинг учиб келиш муддатларига, ўзлари истиқомат қиладиган ҳудуднинг географик тузилиши ва релефидан келиб чиқиб, муайян табиий белгиларга қараб йилбоши, яъни Наврўз нишонланадиган кунни белгилашга ҳаракат қилишган. Жумладан, ўзбек халқида кўклам келиши *лайлак*ларнинг эрта баҳорда учиб келишига қараб ҳам аниқланган. Ўзбек мифологияси талқинича, *лайлак* эзгулик бахш этувчи қуш бўлиб, табиатнинг бойлиги, баҳор, ёшариш, улғайиш, бахт ва саодат-лилик тимсоли саналади, улар ҳар йили олис ўлкалардан Ўзбекистонга баҳор, қувонч ва бахт олиб келишар экан.

Ўзбек халқининг ардоқли шодиёнаси Наврўз байрамини сумалаксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сумалак Наврўзнинг шоҳ таоми, илк кўклам даракчиси барака, ҳосилдорлик, тўкин-сочинлик, соғлик-сиҳатлик ва эзгулик тимсолидир.

Ота-боболар Наврўзга тайёргарликни ҳам сумалак пишириш учун майса ундиришдан бошлаганлар. Наврўз бамисоли тан бўлса, сумалак унинг жони, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Аждодларимиз асрлар бўйи Наврўз оқшоми катта-катта дошқозонларда сумалакларни қайнатиб, келаётган янги йил баракали, қутлуғ ва серҳосил бўлишига умид боғлаган-лар. Халқимиз анъанасига кўра, кўклам кунлари кўпчилик бўлиб тайёрлана-диган бу ғаройиб таом илк бор жимжилоқ (кичик бармоқ) билан татиб кўрилса, йил баракали келади, деб ҳисоблашган.

Наврўз байрамининг узвий бир қисми сифатида *кураш, кўпкари, арқон тортиш, чиллак, ҳўроз уриштириш, оқ теракми, кўк терак, бештош, тезайтиш, ким олади-ё шугинани-ё* каби ўзбек халқининг миллий ўйинлари унга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлайди. Бу ўйинлар эрмак ёки вақт ўтказиш учун эмас, балки ўғил-қизларнинг жисмонан ва руҳан соғлом, чидамли бўлиб ўсишларига ёрдам беради. Бундан кўринадики, ўзбек халқининг байрамона ўйинларида ҳам аждодлар закоси, ёш авлодни руҳий ва жисмоний комилликка етказишдек эзгу ният мужассам.

Наврўз – гўзаллик ва баҳорий айём. Дунёнинг кўплаб халқларида баҳорги байрамлар кенг тарқалган бўлиб, Наврўз байрами японларнинг Риссон, хитойларнинг *Чуньцзя*, славянларнинг *Масленница*, ҳиндларнинг *Дивали, Ҳўли, Дашера* каби байрамлари билан моҳиятан ўхшашдир. Наврўз айёми Туркиянинг ҳар бир вилоятида турлича, жумладан, Анатолия (Онадўли) ҳудудидаги Газиентеп вилоятида 22 март куни *Султони Наврўз* номи билан нишонланади.

Наврўз – тинчлик ва меҳр-мурувват байрами. Наврўз кунлари ёрдамга муҳтож кишилар, кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинади, беғараз кўмак берилади. “Меҳрибонлик уйи”, “Саховат уйи”, “Мурувват уйи”ларидаги болажонларга, кекса ва нуроний бобо ҳамда момоларга, ёрдамга

муҳтож инсонларга кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбек халқининг тасаввурига кўра, Наврўз фақат дам олиш, кўнгил очиш ва кўнгил олиш кунларигина бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам санал-ган. Чинданда, Наврўз – меҳнат байрами. Наврўз кунлари деҳқончилик, боғдорчилик, гулчилик бошланиши боис ҳам меҳнат байрами. Наврўз кириб келишидан аввал анъанавий ҳашарлар ташкил этилган.

Наврўз Марказий Осиёда яшаган аждодларимизнинг деҳқончилик билан алоқадор баҳорий удумлари, кўкламни, она заминни эъзозлаш, сув, олов ва қуёшни қадрлаш билан боғлиқ қадимий анъаналари асосида юзага келган ҳаётбахш байрамлардан биридир. Бу Наврўз байрами билан боғлиқ фольклор намуналари: деҳқон даласи-ю, чўпон қўрасига барака тиланган, тотувлик, ақиллик, биродарлик, меҳр-мурувват улуғланган халқ қўшиқлари-ю лапарларида, ҳикматларида ёрқин ифодаланган.

Ўзбек халқида Наврўз байрами билан боғлиқ ҳолда қўлланадиган *“Наврўздан сўнг қиш бўлмас, Мезондан сўнг ёз бўлмас”*, *“Йилнинг қандай келиши Наврўздан маълум”*, *“Яхши одам кўзидан маълум, Яхши йил Наврўзидан”*, *“Яхши кун саҳаридан маълум, Яхши йил – баҳоридан”* каби бир қатор парема ва афоризмлар фикримиз далилидир.

Наврўз байрами элу элатларни бирлаштиради, эзгуликка ундайди, тинчликка чорлайди. Умар Хайём “Наврўзнома” асарида: “Ҳар киши Наврўзни байрам қилиб, шоду хуррамлик этса, келаси йил – Наврўз келгунга қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар”, – деб ёзади. [10.75] Бу асрлар синовидан ўтган ҳаётий ҳикматдир.

Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида Наврўз алоҳида мавзу бўлган ва бир неча библионимлар (бадиий асарларнинг атоқли номлари)ни юзага келишига асос бўлган. Аста-секин Наврўз мавзуси ёзма адабиётдан ҳам ўрин ола бошлаган. Форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан Умар Хайём “Наврўзнома”, Хожа Кирмоний “Наврўз ва Гул” достонини яратган. Котиби Чалабийнинг “Кашф-уз-зунун” асаридаги маълумотларга кўра, Абдураҳмон Жомий ва Мундий ҳам шу мавзуда асарлар яратган. Ўзбек адабиётида Наврўз мавзусида битилган биринчи асар XV асрда яратилган Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз» достонидир.[11.336]

Халқимизда анъанага айланган эзгу удумлардан бири Наврўз байрами кунларида туғилган болаларга байрам билан боғлиқ исм қўйиш одатидир. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз» достонида Фаррух шоҳнинг ўғлига байрам куни туғилгани боис *Наврўз* исми қўйилган. Ҳозир ҳам Ўзбекистонда, кўпроқ Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоят-ларида чақалоқ Наврўз куни туғилса, *Наврўз* исми қўйилади. Ўзбек халқида номинацион-мотивацион ва луғавий асоси *Наврўз геортоними* билан боғлиқ *Наврўз* (Наврўз – янги йил куни (ойи)да туғилган бола), *Наврўзали* (Наврўз (янги йил) куни туғилган болани Али ўз паноҳига олсин), *Наврўзбек* (Наврўз (янги йил) куни туғилган беклар наслига мансуб бола), *Наврўзбека* (Наврўз (янги йил) куни туғилган беклар наслига мансуб қиз), *Наврўзберди* (Наврўз куни ато қилинган бола), *Наврўзгул* (Наврўз куни туғилган гулдек зебо қиз), *Наврўзкелди* (Наврўз (янги йил)да туғилган, келган бола), *Наврўзмомо, Наврўзмуҳаммад* (Наврўз (янги йил)да туғилган болани Муҳамммад ўз паноҳига

олсин), *Наврўзой* (Наврўз (янги йил)да туғилган ойдек сулув қиз), *Наврўзхон* (Наврўз (янги йил)да туғилган эъзозли қиз), *Наврўзхўжа* (Наврўзда туғилган оқсуяклар наслига мансуб бола) каби антропонимлар туркуми ҳам юзага келган.[12.279-280] Бу ҳам байрамнинг ўзбек халқи ҳаётининг барча жабҳаларига синиб кетганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ўзбек, умуман, Шарқ халқларининг бир неча минг йиллик тарихий, анъанавий, қадимий, миллий байрами билан аталган ойконимлар, оронимлар, яъни геортоойконимлар байрам номи билан аталган аҳоли манзиллари): *"Наврўз"* (Қарши туманидаги шаҳарча), "Наврўз" маҳалласи (Наманган, Андижон вилояти); геортооронимлар (байрам номи билан аталган орографик объект номлари): *Наврўз* байрами ва сайли ўтказиладиган *Наврўзтепа* (Қашқадарё в. Ғузор тумани) ҳам бор.[13.175-176]

Таҳлиллардан кўринадики, она заминга, юртга, ватанга меҳру муҳаббат тимсоли бўлган асрларга тенгдош боқий ва навқирон Наврўз айёми Шарқ халқлари қатори ўзбек халқи ҳаётининг барча жабҳасига сингиб кетган. Натижада Наврўз геортоними социолингвистик, парадигматик, семантик жиҳатдан бой лингвокультерема сифатида шу байрам билан боғлиқ атоқли номлар: антропонимлар, топонимлар, библионимлар ҳамда этнографизмлар ва паремаларни шаклланишига, бардавом яшашига лисоний ва маданий асос бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000.
2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1960. – III т.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 1-ж.
4. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986.
5. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.– 5-ж.
8. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
9. Жўраев М. Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009.
10. Умар Хайём. Наврўзнома. – Тошкент: Фан, 2009.
11. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965.
12. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
13. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАССМОТРЕНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОГО ЭЛЛИПСИСА В СИНТАКСИЧЕСКОМ АСПЕКТЕ

Холбутаев Гайрат Ойбекович
Андижанский государственный университет
Преподаватель кафедры русского языка и литературы

Аннотация: *В статье рассматривается фразеологический эллипсис - сокращение слов устойчивого словосочетания, которые, легко восстановить с помощью ситуации или контекста.*

Данному явлению подвергаются русские фразеологизмы со структурой словосочетания и предложения. Эллипсис видоизменяет грамматическое значение и синтаксическую функцию фразеологической единицы.

Ключевые слова: *фразеологическая единица, фразеологизм, фразеологический эллипсис, фразеологическая детерминация, сема.*

FRAZEOLOGIK ELLIPSISNI SINTAKTIK JIHATDAN KO'RIB CHIQISHNI BAZI MUAMMOLARI

Holbutaev Gayrat Oybekovich
Andijon davlat universiteti
Rus tili va adabiyoti kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya: *Maqolada frazeologik ellips - barqaror iboralarning qisqartmalari, biroq vaziyat yoki kontekst yordamida osongina tiklanadi.*

Bu hodisa iboralar va jumlalardan iborat rus frazeologik birliklariga bo'ysunadi. Ellipsis frazeologik birlikning grammatik ma'nosini va sintaktik funksiyasini o'zgartiradi.

Kalit so'zlar: *frazeologik birlik, frazeologik ellips, frazeologik aniqlik, sema.*

SOME QUESTIONS OF THE CONSIDERATION OF PHRASEOLOGICAL ELLIPSIS IN A SYNTACTIC ASPECT

Holbutaev Gayrat Oybekovich
Andijan State University
Teacher of the department of Russian language and literature

Annotation: *The article discusses a phraseological ellipse - the abbreviation of words of a stable phrase, which, however, is easily restored using a situation or context. (in the annotation the thought is not formulated in this way) This phenomenon is subject to Russian phraseological units with the structure of phrases and sentences. Ellipsis modifies the grammatical meaning and syntactic function of a phraseological unit.*

Key words: *phraseological unit, phraseological unit, phraseological ellipsis, phraseological determination, sema.*

Вопросами фразеологического эллипсиса занимались современные и отечественные лингвисты. А.В. Кунин утверждает, что «фразеологический эллипсис - это опущение отдельных компонентов фразеологических единиц при сохранении

оборотами денотативного аспекта значения, то есть при неизменяемости соотнесенности с неязыковой действительностью» [6, с. 106].

Фразеологический эллипсис - явление многоаспектное. В результате этого процесса могут происходить изменения фразеологических единиц (далее - ФЕ) на всех уровнях языковой системы, в том числе и на синтаксическом.

Принципиальное отличие фразеологического эллипсиса от всех других видов эллипсиса определяется специфическими признаками семой ФЕ.

Фразеологизм, по утверждению В.Л.Архангельского, представляет собой фраземный знак, обладающий константностью [2,9]. Внутренние отношения между частями знака основаны на фразеологической детерминации. (Под фразеологической детерминацией мы понимаем «сокращение устойчивых фраз, основанное на лексической детерминации по двум и более элементам») [3,12]. В результате действия принципа антиципации, предвосхищения, детерминированные элементы ФЕ могут отпадать, а сохраняются лишь детерминирующие фрагменты, представляющие смысловое равенство части целому [4,7]. Таким образом в результате эллипсиса ликвидируется противоречие между раздельностью формы и слитностью, целостностью значения ФЕ.

Часто подвергаются эллипсису в русском языке фразеологические сращения, внутренние отношения между членами которых основаны на взаимной лексической детерминации, когда один словный компонент предполагает другой и наоборот. Например: благорастворение воздухов - благорастворение; до морковкиных заговен - до морковкиных.

В силу психологического характера построения ФЕ, узнавания знака, наиболее важны в смысловом отношении элементы стоят в начале ФЕ, именно они являются детерминирующими фрагментами и предсказывают конечные элементы, дают им возможность эллиптироваться.

Автоматизм речи, который достигает высшей степени при произнесение постоянных выражений, вследствие детерминированности внутренней связи между компонентами фраземного знака допускает возможность выпадения менее важных в лексическом и синтаксическом отношении слов. Опускаются прежде всего незнаменательные элементы (союзы, частицы, предлоги, междометия).

Эллиптированию членов ФЕ часто сопутствует видоизменение грамматической структуры фразеологизма и его объема. Сравните: беззаветной храбрости человек - беззаветный человек; заплечных дел мастер - заплечный мастер.

Эллипсису подвергаются ФЕ со структурой словосочетания и предложения. Большей устойчивостью будут обладать ФЕ, внутренние отношения между членами которых основаны на лексической детерминации по 2,3,4 элементами. Эллипсис таких образований возможен чаще, чем фразем, основанных на лексической детерминации по 1 элементу.

Так, ФЕ, представляющие собой сложносочиненные или сложноподчиненные предложения, внутренние отношения между членами которых основаны на лексической детерминации по 3 или 4 членам, в результате эллипсиса превращаются в простые предложения. Например: береги платье снову, а честь смолоду - береги платье снову; не красна изба углами, а красна пирогами - не красна

изба углами. При этом иносказание заключено именно в первой, детерминирующей части устойчивой фразы.

ФЕ, имеющие строение простого предложения, внутренние отношения которого основаны на лексической детерминации, по 2 или 3 членам, могут превращаться в словосочетания или нечленимые предложения. Сравните в речи, в процессе коммуникации: ни пуха, ни пера - ни пуха: устами младенца гласит истина - устами младенца. Сокращению предикативной основы ФЕ глаголет истина, безусловно, способствовала ситуация, в результате подсказывающего значения которой детерминирующий фрагмент, имеющий форму словосочетания, выполняет функцию реплики в диалоге.

ФЕ, являющиеся словосочетаниями или сочетаниями слов, внутренние отношения между частями которых основаны на лексической детерминации по 1 или 2 членам, эллиптируясь, становятся словами (кондрашка хватил - кондрашка) или шаблонными репликами (всего доброго - всего).

Таким образом в диалогической речи, в результате эллипсиса ФЕ, изменяя свою грамматическую структуру, изменяют и синтаксическое членение. Превращаясь в одночленные единицы речи, эллиптированные ФЕ могут становиться абсолютно нечленимыми. Например: счастливо оставаться – счастливо: будем здоровы - будем,

Конечным результатом сокращения ФЕ является слово. Оно может образоваться из ФЕ в результате отпадения фонемы (эллипсиса на фонемном уровне) и последующего стяжения двух слов: спаси бог - спасибо. Эллипсис фонемы в составе ФЕ может сопровождаться эллипсисом морфемы одного из компонентов с последующим стяжением лексем, подвергшихся фонетическому или морфологическому эллипсису в одно слово: бог знает что - бознать что (обычно в диалекта); де сказать - дескать (в просторечии).

Небрежная, быстрая речь способствует тому, что в ФЕ (или слове) может сократиться максимальное число морфем: здравствуйте - зссс. Важно, что при эллипсисе ФЕ могут отпадать или выпадать не только одна или несколько лексем (эллипсис на синтаксическом уровне), но и элементы фонемного и морфемного уровней. Причем, сокращение ФЕ на фонемном уровне рождает эллипсис на морфемном уровне, а затем может привести к образованию нового слова. Эллипсис ФЕ на синтаксическом уровне способствует сокращению фонем и морфем: Я тебе дам - Я тебе, я тебя - я те.

Важное значение при эллипсисе приобретает контекст, окружение ФЕ [5,66]. Возникает эллипсис благодаря постоянному устойчивому окружению. При этом слово из окружения может как бы заменять окказионально опущенный компонент. Например: ударные молодежные стройки - ударные.

Большую роль при эллипсисе ФЕ играет интонация. Интонационная пауза заполняет место пропущенного слова при эллипсисе-сжатии (выпадении слова из середины ФЕ); устами... гласит истина; интонационное повышение голоса сопутствует эллипсису - сокращению (при отпадении слова в конце ФЕ).

Условия коммуникации способствуют тому, что сигнальный фрагмент ФЕ является информативно достаточным для понимания значения ФЕ. Например: тише

едешь ... (тише едешь, дальше будешь); тяжело в учении ... (тяжело в учении, легко в бою). Если эллипсис возникает в результате сильной эмоции, ему сопутствует прерывистая интонация: эх, была!.... (была не была). Намеренная интонация законченного предложения в эллиптированной ФЕ, имеющей грамматическое строение незаконченного предложения, используется в стилистических целях. Например: «Как волка ни корми» - (Как волка ни корми, он все в лес смотрит).

Можно сделать вывод о том, что эллипсису подвергаются фразеологизмы со структурой словосочетания и предложения. Эллипсис видоизменяет грамматическое значение и синтаксическую их функцию.

Этому способствует знаковый характер фразеологических единиц, избыточность грамматических и лексических показателей значения, допускающих эллиптирование детерминированных членов.

Литература:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1966. - 606с.
2. Архангельский В.Л. Семантика фраземного знака. - в сб.: Проблемы русской фразеологии. Республиканский сборник. - Тула, 1978. - с.9-18.
3. Архангельский В.Г. Устойчивые фразы в современном русском языке. - Ростов-на-Дону: Издательство Ростовского университета, 1964.-315с.
4. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины (Труды юбилейной сессии Ленинградского университета, 1946. - с. 1-12.
5. Кузнецова Е.И. К вопросу о фразеологии во французском языке // Иноземна филология. Вып. 10. Львов, 1966. С. 104-110.
6. Тагиев М.Т. Окружение как дифференциальный признак фразеологической единицы. - Научные доклады высшей школы. Филологические науки. - 1966. - №4. - с.66-74

CHET TIL LEKSIKASIGA O'RGATISH

Baxodirov Aribjon
Namangan davlat universiteti, katta o'qituvchi

Annatasiya: *Ushbu maqolada chet til ta'limida leksikaning o'rni ko'rib chiqiladi. Chet el va mamlakatimiz chet til o'qitish metodikasida leksikani o'rgatish tamoyillari va rivojlanish bosqichlari tahlil qilinadi.*

Kalit so'zlar: *leksika, leksikani o'qitish tamoyillari*

ЛЕКСИКА В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Баходиров Арибжон
Наманганский государственный университет
старший преподователь

Аннотация: *В данной статье рассматривается роль лексики в обучении иностранным языкам. Приводятся различные этапы развития обучения лексике в*

отечественной и зарубежной методиках и формулируются наиболее значимые принципы обучения лексике.

Ключивие слова: *лексика, принципы обучения лексике*

VOCABULARY IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING

Bahodirov Aribjon
Namangan state university
Senior teacher

Annotation: *The article discusses the role of vocabulary in foreign language teaching. The various stages of teaching vocabulary in domestic and foreign methodology are given. The most important principles of teaching vocabulary are formulated.*

Keywords: *vocabulary, principles of teaching vocabulary*

Metodik adabiyotda leksik koʻnikma masalalari ilk bor YE.I.Passov tomonidan koʻtarilgan [3]. Uning fikriga binoan *leksikani* oʻrgatish, *fonetika* va *grammatikani* oʻrgatish kabi, kerakli soʻzlarni tanlash va "malakaviy xarakteristikalar" darajasida ularni boshq soʻzlar bilan aloqaga kiritib jumla tuzishni koʻzda tutadi. Malakaning bu umumiy xususiyatlari N.I.Passov tomonidan keng koʻlamda talqin etilgan [4].

Leksik koʻnikmalarni shakllantirish boskichlarini oʻrganish borasida birmuncha urinishlar boʻlganligi metodika faniga oid adabiyotlardan maʼlum [5].

Bu, avvalo, I.V.Raxmanov tomonidan taklif qilingan *"anglash-yodda tutish muloqotda qoʻllash"* bosqichlar tizimidir. Shubhaga oʻrin yoʻqki, oʻrganilayotgan leksikani har bir oʻquvchi anglashi, yodda tutishi va muloqotda qoʻllashi zarur. Lekin bunday bosqichlarga ajratish baʼzi bir eʼtirozlarni keltirib chiqaradi: anglash - bu uzundan uzun jarayon va u yangi soʻzlarni ishlatishga yoʻnaltirilgan mashqlarni bajarish paytida ham davom etadi; leksikani yodda saqlashni uni nutqda koʻllashdan ajratib boʻlmaydi, zero leksikani yodlash, uning alohida turlari inobatga olinmasa, asosan nutqda ishlatilishi orqali amalga oshadi [1].

Til oʻrganuvchilarga chet til darslarida nutq *koʻnikma* va *malakalarini* singdirish leksik materialni egallash asosida amalga oshadi. U uch bosqichdan iboratdir. Birinchi bosqichda til oʻrganuvchilar yangi soʻz bilan tanishishtiriladi; ikkinchi bosqichda tanishgan leksikani (soʻzlarni) nutq jarayonida qoʻllay oʻrgatiladi va uchinchi bosqichda esa oʻrganilayotgan soʻz nutq faoliyati turlarida koʻnikma hamda malaka tarkibida oʻzlashtiriladi. Leksik birlik yuzasidan bajariladigan ushbu ish bosqichlarini metodlarga taqqoslash mumkin: *tanishish; mashq qilish va qoʻllash* [6].

Leksikani oʻrgatish prinsiplari: leksik materialni oʻrgatishga qoʻyiladigan dasturiy talablar maxsus metodik *prinsiplar* ishlab chiqishni taqozo etadi. Mazkur masala yuzasidan oʻtkazilgan ilmiy tadqiqotga binoan quyidagi prinsiplarga amal qilinadi: (1) *chet til oʻrgatishda lugʻatni oqilona chegaralash prinsipi*: tanlash birliklari belgilab olinadi; (2) *til taʼlimida leksik birliklar muayyan maqsadga qaratilganligi prinsipi*; Leksik operasiyani mustahkamlash uchun qoʻllanadigan birliklar aniq koʻnikmani hosil qilishga moʻljallanadi; (3) *leksik birliklarning lingvistik va psixologik tabiatini hisobga olish prinsipi*: mashq qilish davrlarida leksik birliklarning mavhum tushuncha ifodalaydiganlari

ta'riflash vositasida narsaga tegishlilari ko'rgazmalilik yordamida, sistema hosil qiladigan mavzuga oid, masalan; dunyo tomonlari – sharq, g'arb, janub, shimolni ifodalash leksik birliklar; (4) *ta'limning didaktik va psixologik qonuniyatlarini hisobga olish prinsipi*: Har bir leksik birlik taqdimot mashq qilish va qo'llash bosqichlarida borgan sari kengaytirilib, ya'ni ma'no doirasi tovush va yozish timsollari va turli birikmalarda hamda guruhlarda qo'llanilishi; (5) *o'zlashtirilgan lug'at boyligini yangi so'z ma'nosini asoslangan tarzda fahmlashni ta'minlash va xufiya lug'atni shakllantirishda o'zaro boyliqlik prinspi*: har uchala vazifa faol, bir-biriga bog'liq va izchil bajariladi; (6) *ma'noviy umumlashtirishga suyanib ish ko'rish prinsipi*; leksik birlik mazmun planni tahlil etishyo'li bilan birlikning semantik variantlari orasidagi o'xshashlik hamda tafovut belgilarini aniqlashga erishiladi; (7) *nutq malakalarini o'stirish va shu jarayonda leksikani egallashni birga olib borish prinsipi* [6].

So'z tilning eng asosiy birligidir. Tildagi barcha so'zlarning yig'indisi uning *lug'at tarkibi* yoki *leksikasi* deb atalib, ularni leksikologiya o'rganadi. Mustaqil o'rganishda yana bir foydali pedagogik usul – lug'at va ma'lumotnomalardan yangi leksik birlik ma'nosini topishdir. Leksik ko'nikmalarni shakllantirishda *mashq qilish* bosqichidagi asosiy ishlar qo'yidagilar:

1. So'z, so'z birikmasi va gapni aytish. O'qituvchi nutqini til o'rganuvchilar takrorlaydilar va eslab qoladilar. Topshiriq: "Mendan keyin takrorlang va eslab qoling"

2. Yangi so'z ishtirokida so'z birikmalarini og'zaki tuzish. Topshiriq: So'zni eshiting va uni so'z birikmasida ayting. Masalan: *book* so'zi so'z birikmasida ayting. English, Uzbek, Russian read see, my. O'quvchilar navbatma-navbat birikmalar tuzadilar: English book, read a book, my book .

3. So'zni turli nutq namunalarida qo'llashgan muallim topshirig'ig'a binoan bajariladigan ish turidir. Masalan: "Ayting – I see a …. Savolga javob qaytaring".

4. So'zni ko'rish orqali idrok etish, matn ma'nosiga bog'lab biriktirish va o'qish topshiriq turlari "Menga quloq solib, o'qing".

5. Leksik birlikni bosma matnda tayanib mashqda o'zlashtirish. Berilgan matndan falon mavzuga oid so'zlarni topiing va ularni o'qing.

6. So'zni yozish. Topshiriq "So'zni doskadan kitobdan ko'chiring va eslab qoling" Muallim tushuntirib beradi va yozishdan yagona leksik ko'nikmalarni shakllantirishga oid ma'lumotlar keltirilgan.

Leksika ko'nikma atamasini metodist olimlar ilmiy izohlab berishgan. S.F.Shatilov "Leksik ko'nikma" ikki qismdan iborat metodik tushunchaligini, ya'ni nutqda so'zni qo'llash va nutq jarayonida so'z yasash deb ta'riflaydi. Olim fikricha bu nutqiy leksik ko'nikma bo'lib, undan tashqari lisoniy leksik ko'nikma ham shakllanadi. So'zni tahlil etish jarayonida so'z yasash, so'z birikmasini tuzish kabilar leksik materialni ong ishtirokida qo'llashdek lisoniy leksik ko'nikma nazariy isbotlangan [2]. Demak, leksikaning nutqiy va lisoniy ko'nikmalari ma'lum. Ingliz tilida leksik mashqlar.

Aslida leksikani o'rganishning har uchala bosqichi (tanishtirish yoki taqdim etish mashq bajarish va qo'llanilishi) tegishli mashqlarda ro'y beradi. Leksik birlik ko'nikmaga kirishi uchun bajariladigan mashqlarda uni ikki xil ishlatish usuli mavjud, o'rganilayotgan so'z bir joyda turli birliklar bilan ishlatiladi, yoki har xil o'rinlarda yangi – yangi so'z birikmalari hosil qilib takrorlanadi. Leksik mashqlar informasion va operasion qismlardan tashkil topadi. Birinchi qism ko'rsatma berish va ijro namunasi bo'lib, tilga oid qoida bilan

hamda nutq amaliyotini birlashtiruvchi oraliq mashqlardan iborat. Operasion mashqlarda leksik material asosida nutq harakatlari egallanadi. Mashqdagi muayyan element – leksik operatsion egallash doimo asosiy vazifa qilib qo‘yiladi. Masalan: “Matnni o‘qing, ajratib ko‘rsatilgan so‘zga e’tibor bering”, mashqlarning asosiy turlari quyidagilar:

1. Real lug‘at boyligini o‘zlashtirish lug‘at tarkibini kengaytirish va ularni fahmlash orqali bilib olish ko‘nikmalarini hosil qiladigan mashqlar; 2. receptacle tinglab va o‘qib tushunish va reprodukticl gapirish qisman-yozish leksik mashqlari; 3. Leksik birlikning har xil turlari so‘z, turg‘un so‘z birikmasi, nutq o‘rganish mashqlari.

Mashq turlari o‘z navbatida yana kichik guruhlarga bo‘linadi, joyiga ko‘ra, shakl va usuliga qarab, yolg‘iz yoki xor bilan, mustaqil yoki muallim rahbarligida, ona tiliga munosabati nuqtai nazardan leksikani o‘rganishda leksik material deganda biz o‘rganilayotgan tilning so‘zlari va so‘z birikmalariga aytamiz [1].

Leksik materialni o‘rganmasdan turib, u yoki bu tilda nutq faoliyatining turlarini shakllantirish ham, uni rivojlantirish ham amalga oshmaydi. Shunday qilib u yoki bu tilning nutq faoliyati turlarini o‘rgatishimizda leksikaning roli muhimdir. Bir tomondan o‘rta maktabdan chet tili bo‘yicha o‘rgatilishi lozim bo‘lgan leksik minimum soni kamaytirilgan bo‘lsa, gimnaziya akademik litsiy va kollejlardan o‘rgatilishi lozim bo‘lgan leksik birlikning soni oshib boradi . Shu bilan birga o‘quv dasturida aktiv va passiv ravishda o‘zlashtirilishi lozim bo‘lgan leksik minimumning soni, miqdori ham aniq belgilab beriladi. Har xil tipdagi o‘quv yurtlarida o‘rgatiladigan leksik minimumning soni o‘qitish maqsadlari va o‘qitish mazmuni bilan chegaralanadi, hamda ularning soni har xil bo‘ladi. Leksikani metodik tipologiya qilishda asosiy e’tibor ularni talaffuz va grafik shakllari, ma’nosi, hamda gapdagi funksiyalariga beriladi. O‘zlashtirilishi qiyin bo‘lgan so‘zlarni o‘rgatishda o‘qituvchining o‘zi qo‘shimcha mashqlar ishlab chiqadi va ularni dars jarayonida qo‘llashi lozim [3].

Leksik ko‘nikmaning shakllanishi so‘zning muayyan aloqa turlari bo‘lgan mantiqiy, mazmuniy bog‘lanishlari majmuasi yuzaga kelishi bilan bog‘liq hodisadir. Shunga asosan biz leksika ustida ishlashning uch uzviy bosqichini belgiladik. Bular: so‘z aloqalarining dastlabki muntazam chegaralangan majmuasi; bu aloqalarning nisbatan kengayishi; so‘z aloqasining keyingi chegaralanmaydigan darajadagi kengayishi.

O‘tkazilgan ingliz tili tajriba mashg‘ulotlari natijalari shuni ko‘rsatadiki, xorijiy leksikani o‘rgatish materialga nisbatan qiziqish o‘yg‘otadi va o‘quvchilar o‘zlashtirishlariga sezilarli ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Foylalanilgan adabiyotlar ro’yxati.

1.Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. –Тошкент. "Ўқитувчи"-1996. 368-бет.

2. Зимняя И.А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. Книга для учителей. Издание второе. -М.: Просвещение, 1985. -160 с.

3. Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 2-е изд. -М.: Просвещение, 1991. -222 с.

4. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. -М.: Русский язык, 1989. -276 с.

5. Рахманов И.В. Методика преподавания немецкого языка.-М.:Изд-во АПН РСФСР, 1956. -297 с.

11.00.00 ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ GEOGRAPHICAL SCIENCES

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИ ҲУДУДИЙ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзаахмедов Хамидулло Сайдаматович
География фанлари номзоди, доцент
Наимов Хусниддин Нуриддин ўғли
География йўналиши 4 курс талабаси
Наманган давлат университети

Аннотация: *Мақолада Наманган вилояти урбанизация жараёнида Наманган агломерацияси таркибининг ўзгариши, Наманган агломерацияси чегараси кенгайишининг омиллари тадқиқ этилган. Агломерация кенгайишининг ижобий ва салбий хусусиятлари таҳлил этилган..*

Калит сўзлар: *шаҳар, агломерация, урбанизация, агломерация ядроси, шаҳарлар тўри, шаҳарлар тизими.*

ОСОБЕННОСТИ РЕГИОНАЛЬНЫХ СИСТЕМ РАЗМЕЩЕНИЯ НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТОВ В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Мирзаахмедов Хамидулло Сайдаматович
Кандидат географических наук, доцент
Наимов Хусниддин Нуриддин ўгли
Студент 4 курса направление гографии
Наманганский государственный университет

Аннотация: *В статье исследованы факторы изменения структуры Наманганской агломерации в урбанизационных процессах Наманганской области, расширения границы Наманганской агломерации и дан анализ позитивных и негативных его особенностей.*

Ключевые слова*: город, агломерация, урбанизация, ядро агломерации, сеть городов, система городов*

IT IS CHARACTERISTICS OF TERRITORIAL SYSTEMS OF POPULATION SETTLEMENT IN NAMANGAN REGION

Mirzakhmedov Khamidullo Saydamatovich
Candidate of geographical sciences, docent
Naimov Khusniddin is the son of Nuriddin
Geography field is 4th year student
Namangan State University

Annotation: *The article explains the scientific value of the factors influencing the composition and agglomeration of Namangan during the urbanization of Namangan. Expansion of Namangan agglomeration`s boundary is scientifically explained. The positive and negative features of agglomeration enlargement were analyzed.*

Key Words: *city, agglomeration, urbanization, agglomeration nucleus, city network, city system.*

Йирик шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши урбанизация ва аҳоли жойлашуви жараёнининг замонавий йўналишларини ифодалайди ва улар кўпроқ «нотабиий» тарзда вужудга келади. Бундай мураккаб тизимларнинг вужудга келиш механизми шундан иборатки, у авзаламбор, ҳудудий мужассамлашув жараёнлари натижасида агросаноат ва транспорт тугунлари асосида шаклланади. Бунинг негизида ишлаб чиқариш, урбанистик за ҳудудий мужассамлашувнинг аниқ бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтиши ётади.

Геоурбанист Г.М.Лаппо фикрига кўра, шаҳар агломерациялари - шаҳар ва қишлоқ аҳоли қўрғонлари туркуми бўлиб, йирик марказлар атрофида шаклланади. Улар урбанизациянинг ўчоғини, унинг асосий томонларини очиб беради. Бу эса, албатта, инсонларнинг яшаш тарзини кўрсатади [2].

Аҳоли қўрғонларининг агломерацияси жуда мураккаб ва яхлит ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, уларни ўрганиш ишлаб чиқаришни, аҳоли жойлашувини, урбанизациянинг ривожланишини таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Одатда, агломерацияларнинг ядроси сифатида мустаҳкам иқтисодий, демографик ва инфраструктура салоҳиятига эга бўлган йирик хўжалик функцияли шаҳарлар ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси геоурбанистикасида Наманган вилояти шаҳарлари ва уларнинг ҳудудий тизими ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Минтақа Фарғона водийсининг шимолида, иқтисодий районнинг Тошкент билан туташ қисмида жойлашган бўлиб, мамлакатда энг юқори, 64,6 фоиз урбанизациялашган минтақадир.

Минтақа хўжалигининг таркиби, ихтисослашуви шаҳарлар тўри ва тизимида ўз аксини топади. 2018 йилда ҳудудда жами 128 та шаҳар ва аҳоли манзилгоҳи бўлган ва уларда 1774,4 мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Уларнинг 124 таси кичик, 3 таси ўрта, 1та йирик шаҳарлардан иборат бўлган. 2006 йилда жами шаҳарларнинг 89,4 фоизини ташкил этган кичик шаҳар ва шаҳарчаларда аҳолининг 38,8 фоизи, ўрта шаҳарларда 8,4 фоизи, 5,2 фоизни ташкил этувчи йирик шаҳарларда 52,8 фоизи яшаган бўлса, 2017 йилда уларда мос ҳолда 59,1, 10,9 ва 29,9 фоиз аҳоли тўпланган. Вилоятнинг урбанистик таркиби ассимметрик кўринишга эга бўлиб, бу ерда катта шаҳар фақат Наманган бўлиб аҳолиси 612,2 минг киши (2018 й.). Вилоятнинг —иккинчи шаҳри Чустда - 71,6 минг атрофида, Чортоқда 55, Косонсойда 52.3 минг аҳоли жойлашган. Поп, Турақўрғон, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон —ярим ўрта шаҳарлар синфига мансуб (20,0-50,0 минг киши). Қолган барча 119 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг аҳолиси 20 мингдан кўп эмас. Шу ўринда Наманган шаҳри демографик ривожланишига алоҳида тўхтаб ўтмоқ зарур. Сабаби профессор

А.Солиев таъбири билан айтганда 1990-2000 йилларда бу шаҳар ўзига хос —Наманган тезлигини намоён қилган.

Вилоят марказининг қулай иқтисодий географик ўрни, Сирдарё соҳилида жойлашганлиги тез ривожланишига, минтақанинг энг йирик марказларидан бирига айланишига олиб келди. 1910 йилда Наманганнинг расман шаҳар мақомини олиши, енгил саноат маркази сифатида ривожланиши натижасида атрофида Чуст, Оқтош, Чортоқ, Учқўрғон каби йўлдош шаҳар ва қишлоқлар шакллана бошлади. 1959 йилда агломерациянинг таркибида 4 та шаҳар бўлиб, 168,8 минг шаҳар аҳолиси бўлган. Шаҳарнинг тез ўсиши, хусусан, аҳолисининг тез ортиб бориши агломерациянинг кенгайишига олиб келган.

1962 йилда ҳозирги Наманган агломерацияси ҳудудида фақат битта туманга бўйсинувчи йўлдош аҳоли қўрғони мавжуд эди. 1976 йили Чортоқ, 1979 йили Тўрақўрғон каби аҳоли қўрғонларининг шаҳар мақомини олиши, 1976 йили Янгиқўрғон, 1979 йили Тошбулоқ ва Уйчи каби аҳоли қўрғонларига шаҳарча мақомининг берилиши тарқоқ ёйиқ агломерацияининг шаклланишига олиб келди.

1990 йилдан бошлаб, агломерация ядроси ҳисобланган Наманган шаҳрининг чегаралари янги пайдо бўлган даҳалари (Ахсикент, Оромгоҳ, Нуробод, Гўзал, Ҳасанобод) ҳисобига ҳудудий жиҳатдан янада кенгайди. Натижада, Наманган шаҳрининг майдони 1985 йилда 38,0 км² ни ташкил этган бўлса, 1996 йилга келиб у 81,5 км² га етди ва шу қисқа даврда Наманган шаҳри ҳудудий жиҳатдан 2 марта кенгайди. 2019 йилга келиб шаҳар майдони 150 км² ни ташкил этди [5]. Мазкур ҳолат асосан шаҳарнинг шимол ва шарққа томон горизонтал кегайиши ҳисобига рўй берди.

Мамлакатимиз қишлоқ манзилгоҳларида саноат тармоқларини жойлаштириш ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил қилиш, қишлоқларни тоза ичимлик суви, табиий газ, транспорт ва бошқа инфратузилмалар билан таъминлашда 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги " йили деб эълон қилиниши катта аҳамият касб этди. Мазкур йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили Давлат дастури қабул қилиниши ва унда қишлоқ жойлари аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш, уларга сифатли тиббиёт ва маориф хизматини кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш назарда тутилган.

2009 йил бошигача бўлган даврда минтақа шаҳарлар тўри ва тизимига шаклланиш нуқтаи назаридан қаралганда, у олдинги 10-15 йил ичида деярли ўзгармаган. Бироқ, 2009 йилнинг март ойига келиб вазият тубдан ўзгарди. Юқорида айтилганидек бу йилдан бошлаб асосий эътибор қишлоқ жойларига қаратилди. Бу эса 2/3 қисми қишлоқларда яшовчи Ўзбекистон шароитида энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йилнинг 13 мартида "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштирига доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги" қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан мамлакатимиздаги 966 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар посёлкаси тоифасига киритилди [1]. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сонли қарори талабларига мувофиқ саноат корхоналари, қурилиш-

лар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим обьектлар яқинида жойлашган, камида 200 минг аҳолиси бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини мавжуд чегаралари доирасида шаҳарчалар гурухига киритилди. Шунга кўра Наманган вилоятида 109 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчага айлантирилди.

Наманган вилояти шаҳар манзилгоҳлари орасида шаҳарчалар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Поп туманида улар 15 та, Янгиқўрғон туманида 19 та, Тўрақўрғон ва Уйчи туманларида 13 тадан. Ушбу ҳолат айнан шу ҳудудларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидан далолат беради. Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Наманган, Учқўрғон, Хаққулобод шаҳарлари Наманган саноат тугуни ва агломерациясини ҳосил қилишда муҳим аҳоли пунктлари ҳисобланади. Шаҳарлар ва транспорт тизимининг биргаликда жойлашуви минтақада агломерациянинг вужудга келиши ва ривожланишида асосий таянч бўлиб хизмат қилади.

Наманган агломерациясининг географик ўрни нуқтаи назаридан асосий ҳусусияти Фарғона водийсининг тоғолди қисмларида ҳамда дарё хавзасида жойлашганлигидир. Аҳоли жойлашувининг бундай мураккаб ва мукаммал тизими Наманган агломерацияси минтақавий иқтисодиётида ўзининг қатор хусусиятлари билан ажиралиб туради. Улар:

- дарё хавзаларининг дельталарида жойлашганлиги, уларнинг суғорма деҳқончилик билан чамбарчас алоқадорлиги;
- аҳолисининг асосий қисмини кичик ва ўрта бизнес билан машғуллиги, агросаноат мажмуининг ривожланганлиги;
- меҳнат ресурслари катта қисмининг қишлоқ хўжалигида бандлиги;
- аҳоли сонининг тез ўсаётганлиги ва шаҳар аҳолиси салмоғининг юқорилигидир.

Ш.Жумаханов тадқиқотлари бўйича Наманган агломерацияси аҳолисининг сони жиҳатдан республикада Тошкент, Самарқанд ва Фарғона-Марғилон агломерацияларидан кейин 4-ўринда туради (1998 й)[3]. С.Таштаева тадқиқотларида эса 2-ўринда келтирилган (2011 й)[4]. Ш.Жумаханов тадқиқотларида агломерация Наманган шаҳар ва унга яқин жойлашган 6 та маъмурий туман миқёсида (Тўрақўрғон, Косонсой, Янғиқўрғон, Чортоқ, Уйчи ва Наманган) ўрганилган. Радиуси 20-25 км. Агломерация таркибидан Наманган шаҳридан ташқари 2 та шаҳар - Чортоқ ва Тўрақўрғон, 3 та шаҳарчалар - Уйчи, Янгиқўрғон, Тошбулоқ ҳамда йирик қишлоқ йиғинларидан Қўқимбой, Жийдакапа, Еркатай, Ўнхаётлар ҳам жой олган. Наманган агломерациясининг майдони 1,9 минг км^2. бўлиб, вилоят ҳудудининг 25,0 фоизини ташкил этган ва аҳолисининг сони 546,4 мингтага тенг бўлган.

Ҳозирги Наманган агломерациясининг шаклланиши ва ривожланиши минтақавий иқтисодиётнинг ягона тизими ва умумий транспорт тури билан боғлиқ. Маркази асосий транспорт тугунида бўлиб, бу ердаги йўлдош шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашувида атрофни ўраб олган тоғлардан оқиб тушувчи сой ва дарёлар муҳим ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, агломерация ядроси ҳисобланган Наманган шаҳри атрофдаги йўлдош аҳоли қўрғонларига кўпроқ шакллантирувчи омил вазифасини

бажаради. Бинобарин, бу жараён агломерациянинг ҳудудий жиҳатдан энига томон ривожланшига ва янада кенгайишига таъсир кўрсатади. Агломерацияларнинг кўлами ва даврий ўзгаришларига асосланиб, Наманган шаҳри ва унга яқин туманлар алоқадорлигини ҳисобга олиб, агломерация таркибига Норин, Чуст, Мингбулоқ туманларининг тахминан 50 км радиус атрофидаги айрим қисмларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлиллар ва ўрганишларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Наманган агломерациясининг шаклланиш хусусиятидан келиб чиқиб унинг ривожланишини тартибга солиш, ер-сув заҳираларидан тўла фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларини изчил ечиб бориш;
- шаҳарсозлик ва район планировкасининг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган жиҳатларини инобатга олган ҳолда жорий этиш;
- агломерация ядросининг "зўриқишини" олдини олиш мақсадида йўлдош аҳоли қўрғонларида доимий суръатда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш;
- атломерация ядроси Наманган шаҳри аҳолиси сонининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда замонавий корхоналарни кенгайтириш ва кичик саноат зоналарини кўпайтириш лозим ва х.к.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг 13 мартида "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштирига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" қарори. Lex.uz
2. Лаппо Г. М. Города на пути в будущее. – М.: Мысль, 1987.- 236 с.
3. Жумахонов Ш. Наманган вилояти аҳолиси ҳудудий таркибини такомиллаштириш. Г.ф.н. дисс.-Т., 1998.-159 б.
4. Таштаева С. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари. (Тошкент агломерацияси мисолида)**.** Г.ф.н. дисс.-Т., 2011.-162 б.
5. www. namstat.uz.

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PEDAGOGICAL SCIENCES

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИ МЕҲНАТ ВА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕХАНИЗМИ.

Асқарова Ўғилой Мамашокировна
НамДУ доценти

Аннотация. *Глобаллашув шароитида ёшларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш, тенг ҳуқуқли, эркин фуқаро сифатида камолга етказиш муҳим ижтимоий талаб ва эҳтиёжга айланди.*

Калит сўзлар: *меҳрибонлик уйи, механизм, тарбияланувчилар, педагогик шарт-шароитлар, тажриба, характер.*

МЕХАНИЗМ ПОДГАТОВКА К ТРУДОВОГО И ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ДЕЯТЕЛЬНОСТА ВОСПИТАННИКОВ ДЕТСКОГО ДОМА

Аскарова Угилой Мамашокировна
Доцент НамГУ

Аннотация. *Обеспечение воспитанников детского дома теоретическими знаниями и практическими навыками при подготовке новых профессий и профессий для профессиональной ориентации и профессиональной деятельности.*

Ключевые слова: *дом милосердия, механизм, воспитанник, педагогические условия, опыт, характер.*

THE MECHANISM OF TRAINING FOR THE LABOR AND PROFESSIONAL ACTIVITY OF PUPILS OF THE ORPHANAGE

Askarova Ugiloy Mamashokirovna
Associate Professor at NamSU

Annotation. *Providing pupils of the orphanage with theoretical knowledge and practical skills in the preparation of new professions and professions for vocational guidance and professional activities.*

Key words: *Mercy House, mechanism, pupil, pedagogical conditions, experience, character.*

Республикамизда БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) ҳамда болалар ҳуқуқларини амалга оширишга мувофиқ етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий ва жаҳон тажрибаси асосида инновацион тарбия технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, меҳрибонлик уйларида шахсга йўналтирилган тарбия технологияларини кенг татбиқ этиш, “Меҳрибонлик” уйларини ноинституционаллаштириш дастури

асосида босқичма-босқич кам комплектли болалар шаҳарчаларига ўтказиш, оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликни олдини олишнинг профилактик тизимини ишлаб чиқиш, тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни педагогик қўллаб-қувватлашнинг фасилитацион тизимини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини кўрсатади

Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбияни ташкил этишнинг изчил тизими яратилган ва механизми ишлаб чиқилган бўлса-да, Бироқ бугунги мураккаб шароитда тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг янги имкониятлар-ни ўрганиш, бу жараёнда жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ саналади. Мавзуга оид манбаларни назарий ўрганиш, меҳрибонлик уйлари фаолияти мазмунини таҳлил қилиш, шунингдек, амалиётни бевосита кузатиш натижасида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўналишлардан бири тарбияланувчиларни меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашдир.Касбга йўналтириш (муайян касб-ҳунарлар сирлари, касбий фаолиятларнинг асосларини ўргатишдир.

Меҳрибонлик уйлари тарбиячиларини ижтимоийлаштиришда уларга меҳнат ва касбий фаолиятни самарали ташкил этишга оид маълумотларни ҳам бериб бориш педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ана шу мақсадга йўналтирилган педагогика фаолиятни ташкил этишда тарбияланувчиларга ўзбекона миллий қадриятларга кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда асрлар давомида жамоавий-лик тамойилига таяниб иш кўриб келинганлиги, мазкур тамойил асосида ташкил этилувчи меҳнат фаолиятининг асосий шакли ҳашар эканлигини англатиш ҳамда унга нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш лозим.

Тажриба-синов ишлари даврида тарбияланувчиларни бу борадаги назарий билимлар билангина қуроллантириб қолмай, уларда жамоа, яъни ҳашар асосида меҳнат фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ҳам шакллантириш диққат марказида бўлишига эътибор қаратилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қуйидаги жараёнларда бевосита ҳашарларга жалб этилдилар:

1) муассаса ҳудудида кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишда;

2) Меҳрибонлик уйи биноларини жорий ва капитал таъмирлашда;

3) муассаса ҳудудида тозалаш ишларини олиб боришда;

4) Меҳрибонлик уйи ахборот-ресурс марказида яроқсиз ҳолга келган бадиий ва ўқув адабиётларини таъмирлашда;

5) умумхалқ ҳашари доирасида муассасада ободонлаштириш ишларини олиб боришда;

6) Меҳрибонлик уйи жойлашган маҳалла ҳудудларида оммавий меҳнат фаолиятини уюштиришда;

7) муассаса тарбияланувчилари томонидан экологик ҳаракатни амалга оширишда

Тажриба майдонларида синов ишларини олиб боришда тарбияланувчиларнинг у ёки бу йўналишлардаги касбий фаолият бўйича қизиқиш ва интилишларга эгаликлари "Характерда касбий хусусиятларнинг акс этиши" номли анкета ёрдамида ҳам аниқланди. Анкета қуйидаги касбий хусусиятларни ўз ичига олган: мустақиллик, ишга ижодий ёндашиш, ташаббускорлик, юқори ақлий қобилиятга эгалик, билимдонлик, ҳаётий тажрибанинг кўплиги, тиришқоқлик, саранжомлик, барқарор диққатга эгалик, ижрочилик, интизомлилик, қатъиятлилик, виждонлилик, меҳнатсеварлик, эпчиллик, сабр-тоқатлилик, ишчанлик, масъулиятлилик, ташкилотчилик.

Тарбияланувчиларга санаб ўтилган сифатлар орасидан ўз характерига хос бўлган олтита хусусиятни белгилаш (яъни "+" белгисини қўйиш) вазифаси юклатилди. Уларнинг ёндашувларига кўра қандай касб ёки ҳунар йўналиши бўйича касбий лаёқатга эгаликлари аниқланди.

Жавобларни таҳлил қилишда қуйидаги очқичдан ҳам фойдаланилди: агарда, тарбияланувчилар 1- ва 4-рақамли сифатларни танлаган бўлсалар, уларда ижодкорлик; 5- ва 13-рақамли сифатларни танлаган бўлсалар, уларда бажарувчилик, ниҳоят, 14- ва 18-рақамли сифатларни танлаган бўлсалар уларда ташкилотчилик лаёқати кўпроқ намоён бўлиши маълум бўлади.

Шахснинг касбий фаолият йўналишини тўғри танлай олиши унга келгусида маълум муваффақиятларга эришиш имконини беради. Шу сабабли тажриба даврида тарбияланувчилар томонидан касбий фаолиятнинг тўғри танланишига кўмаклашиш зарур деб топилди. Бу ўринда уларнинг касбий фаолият йўналишларини танлаш сабаб (мотив)ларига ҳам эътибор қаратилди. Тарбияланувчилар иштирокида ташкил қилинган суҳбатлар, савол-жавоблар, тестлар ва тренинглар қисман улар томонидан касбий фаолият йўналишларининг танланиши сабаблари тўғрисидаги маълумотларни қўлга киритиш имконини беради. Шунга қарамай, синов ишларини ташкил этишда "Касбий танлаш сабаб (мотив)лари" номли тест ҳам қўлланилди.

Тест шартларига кўра тарбияланувчилар берилган саволларга ўзларининг касбий фаолият йўналишларини танлашга бўлган муносабатлари асосида ижобий ("+") ёки салбий ("-") жавоб қайтаришлари лозим.

Тарбияланувчиларнинг тест саволларига қайтарган жавобларини таҳлил қилиш улар томонидан касбий фаолият йўналишининг қай даражада тўғри танланганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу ўринда қуйидаги очқичдан ҳам фойдаланиш мумкин:

Тарбияланувчиларнинг касбий фаолиятга йўналганлигини баҳолаш

Касбий фаолият йўналишлари		
А йўналиш	В йўналиш	С йўналиш
Ижобий жавоб қайтарилган саволлар тартиби		
3, 4, 7, 17, 18, 19, 21, 24	5, 8, 11, 14, 15, 16, 20, 23	1, 2, 6, 10, 12, 13, 22
Касбий фаолият хусусиятлари		
Ижтимоий аҳамиятга эга	Моддий имкониятларга эга	Ижодкорлик хусусиятларига эга

касбга йўналтириш (муайян касб-ҳунарлар сирлари, касбий фаолиятларнинг асосларини ўргатиш).

“Мен маъқул кўраман” номли табақавий-ташхис сўрови. Тадқиқотни олиб бориш даврида Е.А.Климов томонидан асосланган мазкур табақавий-ташхис сўров диссертантнинг шахсий ёндашувига кўра қисман қайта ишланди. Маълумки, мазкур сўров Е.А.Климов томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида асосланган бўлиб, сўров учун ана шу даврда ижтимоий субъектлар орасида оммавий бўлган касб ёки ҳунар турлари қабул қилинган.

Ушбу асрнинг 90-йилларида жаҳон сиёсий харитасида рўй берган кескин ўзгаришлар натижасида халқаро майдонда ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг кенг кўлам касб этиши ўз навбатида республика ҳаётига касбий фаолиятда янги йўналишларнинг ҳам кириб келишини таъминлади. Бу эса касбий фаолият соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлганлигини англатади. Шу боис тадқиқотни олиб бориш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини касбга йўналтириш ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда уларнинг янги турдаги касб ва ҳунарлар бўйича ҳам назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишларини таъминлаш муҳим деб топилди.

Е.А.Климовнинг ғоясига кўра табақавий-ташхис сўровда, асосан, ҳайвонларни парваришлаш, машина ва техник воситаларга хизмат кўрсатиш, ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузиш, турли маҳсулотларга бадиий безаклар бериш, ўсимликларни етиштириш, маҳсулотларни сотиш, бадиий ижрочилик фаолияти билан шуғалланиш, ижодий фаолиятни ташкил этиш, ёшларга етакчилик қилиш, маиший буюм, жиҳозлар ва уй-жойларни таъсирлаш, ҳисоблаш ишларини юритиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини лойиҳалаштириш, субъектлараро низоларни бартараф этиш, беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, тарихйи содисаларни қайд этиб бориш, лаборатория таҳлиллари билан шуғулланиш, чизмачилик билан шуғулланиш, сайёҳлик хизматини кўрсатиш ҳамда клавишли машиналарида ишлаш каби касб ва ҳунар йўналишлари қайд этилган. Муаллифнинг ижодий ёндашуви асосида қисман қайта ишланган сўров ёрдамида эса меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида ижтимоий субъектларга маиший хизмат кўрсатиш, фавқулотда вазиятларда ёрдамга муҳтож шахсларга тезкор ёрдам кўрсатиш, қўриқлаш хизматини ташкил этиш, электор жиҳозлари, компьютер ва мобил алоқа воситаларини таъмирлаш, сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий лойиҳаларни яратиш каби соҳалар бўйича

касбий билимларни эгаллашга бўлган хоҳиш-истак, қизиқиш ва интилишларнинг мавжудлигини аниқланди.

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида тарбияланувчиларни меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш имконини берди. Меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда тадбирлар сирасида тренинглар, баҳс-мунозаралар, кичик тадқиқотлар, шунингдек, беллашувларнинг ўрин олганлиги тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрликни ифодалайдиган амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”-ги ПФ–4947-сонли Фармони. –Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Арзиқулова Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари: Псих.фан.ном. … дисс. автореф. – Т.: 2002. – 22 б.
3. Асқарова Ў.М. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими.\ Монография.-Т.: “ Фан” нашриёти 2010.-121 б.

THE USE OF MULTIMEDIA TECHNOLOGY IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES

Ahmadjonova Kizlarkhan Kobiljon kizi
Namangan state university PhD student

Abstract: *This article is about the use of new information technologies makes it possible to single out the following main points: - the use of multimedia technologies in teaching foreign languages is designed to significantly improve the effectiveness of teaching, the main purpose of which is to improve the skills of everyday and professional communication in teaching foreign language. Because in modern methods of teaching foreign languages, the use of multimedia technologies plays a significant role.*

Key words*: information technologies, multimedia technologies, interactive system, teaching foreign language, linear, non-linear, animation, digitized still images, video, sound, speech, traditional form of teaching.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Ахмаджонова Кизлархан Кобилжон кизи
Наманганский государственный университет, соискатель

Аннотация: *Данная статья об использовании новых информационных технологий позволяет выделить следующие основные моменты: использование мультимедийных технологий при обучении иностранным языкам призвано значительно повысить*

эффективность обучения, основной целью которого является совершенствовать навыки повседневного и профессионального общения при обучении иностранному языку. Потому что в современных методиках обучения иностранным языкам использование мультимедийных технологий играет значительную роль.

Ключевые слова: *информационные технологии, мультимедийные технологии, интерактивные системы, обучение иностранному языку, линейные, нелинейные, анимация, оцифрованные неподвижные изображения, видео, звук, речь, традиционные формы обучения.*

XORIJIY TILLARNI O'QITISHDA MULTIMEDIYA TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

Ahmadjonova Qizlarxon Qobiljon qizi
Namangan davlat universiteti, mustaqil izlanuvchi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish xususan, xorijiy tillarni o'qitishda multimediya texnologiyalaridan foydalanish ta'limning samaradorligini sezilarli darajada yaxshilashga qaratilganligi, uning asosiy maqsadi xorijiy tillarni o'qitishdagi kundalik va professional muloqot ko'nikmalarini oshirish kerakligi kabi asosiy fikrlar olg'a surilgan. Chunki chet tillarni o'qitishning zamonaviy usullarida multimediya texnologiyalaridan foydalanish muhim rol o'ynaydi.*

Kalit so'zlar: *axborot texnologiyalari, multimediya texnologiyalari, interfaol tizim, chet tilni o'qitish, chiziqli, chiziqsiz, animatsion, raqamli harakatsiz tasvirlar, video, ovoz, nutq, an'anaviy ta'lim shakli.*

A foreign language is an academic subject, which, by its specificity, namely, the creation of an artificial language environment for students due to the lack of a natural one, implies the most flexible and widespread use of various technical means of teaching. Therefore, it is not surprising that in the teaching of a foreign language new opportunities opened up by multimedia have found the most diverse use.

In the process of learning foreign languages in modern secondary schools, lighting and sound engineering devices are traditionally used. But now new information technologies have come to school: a computer, a multimedia textbook, the Internet, an electronic educational resource.

The use of these new information technologies makes it possible to single out the following main points: - the use of multimedia technologies in teaching foreign languages is designed to significantly improve the effectiveness of teaching, the main purpose of which is to improve the skills of everyday and professional communication (both directly with native speakers and mediated through the Internet, the press and etc.); - means of new information technologies act as an instrument of education and upbringing of students, development of their communication, cognitive, creative abilities and information culture; - the use of multimedia teaching tools allows, in the absence of a natural language environment, to create conditions as close as possible to real-life communication in foreign languages. [1]

In modern methods of teaching foreign languages, the use of multimedia technologies plays a significant role. What is multimedia? Multimedia is an interactive (interactive) system that provides simultaneous work with sound, animated computer graphics, video frames, static images and text. This term refers to the simultaneous impact on a user through several information channels. In this case, the user, as a rule, plays an active role. In other words, multimedia is the sum of technologies that allow a computer to enter, process, store, transmit and display (display) data types such as text, graphics, animation, digitized still images, video, sound, speech. Multimedia can be divided into linear (e.g. an e-book) or non-linear (e.g. a video game or a self-paced eLearning course). The users of linear media usually have no control of the multimedia content. They are only passive receivers. However, the users of non-linear multimedia are able to interact with the content. It is a two-way communication then.

Similarly, Lindfors (1987) points out that multimedia can provide a sensory and real learning experience; it presents a greater potential for learning [2]. Furthermore, multimedia can serve as an important tool for managers and students in their efforts to connect and apply classroom theory-based learning with the analysis of real-world problems [3].

In addition, Mayer (1999, 2003) claims that multimedia promotes deeper learning. Thus, multimedia should be an inseparable part of FLT in order to facilitate FLT and help with the acquisition of second language (L2) learning. At present multimedia is a common teaching resource, aid or tool in foreign language (FL) classes since it is:

- ✓ modern/fashionable;
- ✓ up-to-date as it can be usually easily modified;
- ✓ user-friendly;
- ✓ relatively inexpensive;
- ✓ eye-catching/appealing to students;
- ✓ stimulating; and simply, a natural means of student's everyday use [4].

Moreover, the exploitation of multimedia in FLT changes the traditional form of teaching [5].

